

Истиқлол қаҳрамонлари

Абдурауф
ФИТРАТ

ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР



«ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» ҲАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

АБДУРА УФ
ФИТРАТ

**ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР**

І ЖИЛД

ШЕЪРЛАР, НАСРИЙ АСАРЛАР, ДРАМАЛАР

ТОШКЕНТ «МАҶНАВИЯТ» 2000

Таҳрир ҳайъати:

*Озод Шарафиддинов, Наим Каримов, Дилором Алимова,
Суннат Аҳмедов, Шуҳрат Ризаев.*

Истиқвол адабиётининг етук вакилларидан бири Абдурауф Фитрат адабиёт ва санъатнинг мавжуд барча турларида қалам тебратган. У ўзбек ва форс-тоҷик тилидаги гўзал шеърлари билан бармоқ вазнига асос солган, ҳикоя ва қиссалари билан эса XX аср ўзбек насрининг тамоилилариши белгилаб берган адабидир.

«Танланган асарлар»нинг I жилдига адабнинг бадиий асарлари ва драмаларидан намуналар киритилган. Насрий асарлари-нинг асли форс-тоҷик тилида ёзилганилиги учун («Мунозара», «Ҳинд сайёҳи баёноти»), улар ушбу тилдан таржима қилинган. Тўпламдаги барча асарлар турли даврлардаги нашрлар билан солиштирилиб, тўлдирилиб ва тузатилиб, мукаммал ҳолда чоп этилмоқда.

**Нашрга тайёрловчи,
сўз боши, ва изоҳлар муаллифи:
филология фанлари доктори Ҳамидулла Болтабоев.**

**Масъул муҳаррир:
филология фанлари доктори
Наим Каримов**

Ф71

Фитрат, Абдурауф.

Танланган асарлар //Сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Ҳ. Болтабоев; Таҳрир ҳайъати: О. Шарафиддинов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: Н. Қаримов/.—Т.: «Маънавият», 2000.—

Жилд I. Шеърлар, насрий асарлар, драмалар.—256 б.

Сарлавҳада: «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси.

Уз2

**Ф 4702620204-7
М 25(0'4)-00**

© «Маънавият», 2000

ФИТРАТ ВА ИСТИҚЛОЛ МАЪНАВИЯТИ

Инсоният тарихида шундай даҳо санъаткорлар бўлганки, улар ўз ҳаётини, ижодини, фикру заковатини халқининг бугунги турмушини яхшилашга, эртанги кунини чароғон қилишга бағишилаганлар. Дарҳақиқат, бир қанча миллатниарвар адиллар қатағон туфайли маънавиятимиз тарихидан юлиб олинганига қарамай, улар меросини ўрганиш, асарларинда кўтарилган маънавий-ахлоқий муаммоларни тадқиқ этиш бугунги Истиқлол шаронтида ҳам ўз долзарблингини йўқотмаган. Зоро, улар ижодининг моҳияти жамият ва миллат ниятларини ифодалаган бўлиб, халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилган. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Абулҳамид Чўлпон каби фидойи адиллар қаторида Абдурауф Фитрат ҳам ўз элининг ақлига ва қалб кўзига айланган.

Абдурауф Фитрат 1886 йили Бухорода туғилган, унинг отаси Абдураҳимбой ўз замонасининг зиёли бойларидан бўлган. Абдурауфнинг онаси Мустафабиби (оилада уни Бибижон деб аташган) ўқимишли аёл бўлиб, фарзандлар таълими ҳам тарбияси билан ёлғиз ўзи машғул бўлишига тўғри келган. Нозиктаъб онасининг изчил таъсири остида Абдурауфда жуда ёшлигиданоқ шеър завқи уйғонган.

Абдурауфнинг тахаллуси Фитрат бўлиб, бу сўзининг луғавий маъноси «яратмоқ»дир. Шоир гарчи талабалик йиллари айрим ғазалларида Мижмар (чўғдон, хушбўй нарсалар солиб тутатиладиган идиш) тахаллусини қўллаган бўлса ҳам, асосан, Фитрат номига бир умр содиқ қолган. Давр тазиёнки кучайнб, унинг замондошлари ўз асарларига бир неча тахаллус ва лақаблар билан имзо чекишига мажбур бўлганларида ҳам адаб ёлғиз шу тахаллусни қўллаган. Ҳатто расмий идоралардаги хизмат чоғида ва хавфензлик қўмитасининг ҳужжатларида ҳам мана шу ном билан юритилган.

Абдурауф Фитрат дастлаб ибтидой мактабда, сўнгра Бухородаги Мирабад мадрасасида таҳсил кўрган. Талабалик чоғларида мавжуд мадрасалар таҳ-

сили билан чекланмай, замонининг тараққийпарвар уламоларидан ўзи мустақил равишда сабоқ олган. Айни шу талабалик йилларида хорижий мамлакатларда нашр этилган қатор чиқадиган жарида ва мажаллалар билан танишиб улгурган. Бу ҳақда Қозондан Бухорога саёҳат қилган машҳур тараққийпарвар уламо Абдурашид Иброҳимбек шундай ёзади: «Мен Бухорода эканман, Русиянинг Қозондан келган маъмури Бухоро мадрасаларини тафтиш қила бошлади. Бу кун талабалари орасида «заарарли» нашрлар тарқалган ва баъзи мажаллаларда ҳаяжонлантириарли мақолалар ҳам ёзилган экан». 1907 йил воқеаларига бағищланган бу хотира сўнгида улуғ аллома талабаларнинг фаоллигига тан бериб, «Бухоронинг келажаги мана шу қобилиятли талабалар қўлидадир»¹, деган холосага келади.

1908 йилнинг ёзида Бухорога машҳур маърифатпарвар ва ислоҳотчи олим Исмоилбек Гасирави ташриф қиласиди. У Бухоро зиёлилари билан учрашаркан, кўпроқ эътиборни мактаб ва мадрасалар таълимига ва уларда ислоҳот ўтказиш кераклигига қаратади. Шу зот сабаб бўлиб, ўлкада эндигина куртак ёза бошлаган янги усулдаги мактаблар кенгая боради. Шаҳарнинг тараққийпарвар зиёлилари ҳамда мадраса талабалари жадид мактабларини ташкил қилиш ишига жалб қилинади. Ана шундай усули жадид мактабларидан бири Бухоронинг Саллоҳхона гузариди Мирзо Абдулвоҳид ҳовлисида ташкил қилинади. 'Бу воқеаларнинг шоҳидларидан бири, кейинроқ адаб ва олим сифатида танилган С. Айний шундай хотирлайди: «Бу даврдаги ҳур фикрли ўшлардан бири Абдурауф Фитрат эди. Бу шахс Бухоро талабалари орасида энг зукко ва фозиллардан бўлиб, Абдулқодир Маҳмуд воситаси билан «Сирот ул-мустақим» мажалласини мутолаа қилиб, хориждаги таҳсилга тайёр бўлиб қолган эди»².

Фитрат ҳаётининг ўта сермазмун паллаларидан бири унинг Истанбул давридир. Узбек фитратшуносларининг мақола ва тадқиқотларида бу даврга онд саналар жуда чалкаш кўрсатилган. Ҳатто, бу воқеаларнинг шоҳиди С. Айний Фитрагнинг хорижда бўлган даврини бир ўринда 1910 йил деб айтса, бошқа

¹ Абдурашид Иброҳим. XX аср бошлариди Ислом дунёси ва Японияда исломпят. I жилд. Истанбул, 1987, 50-б. (турк тилида).

² С. Айний. Таърихи инқилоби Бухоро. Душанбе, «Адаб», 1987, 83-б.

бир ўринда 1911 йилни³ кўрсатади. Нисбатан ишончли манбалардан бирни сифатида XX аср бошларида Туркистондан яшаган олим ва сиёсий арбоб Заки Валиди Тўғоннинг хотираларига мурожаат қиласмиш. Уларда қайд этилишича, 1910 йили Бухорода «Тарбияти ат-фол» жамияти тузилган бўлиб, у йилига хайрия йўли билан бир неча талабани хорижга ўқиш учун юбориб турган ва у ерда ўз шўъбаси (филиали)ни очишга мушарраф бўлган. Бу шўъба «Бухоро татими маориф жамияти» номи билан расмий жамият тусини олган. 1910 йилда Эрон йўли билан Константинополга келган шоир Фитрат билан Муҳимиддин ҳамда Русия йўли орқали келган Усмонхўжа, гулжали Абдулазиз, Содиқ Ашур ўғли бу жамиятнинг қурувчилари эдилар»⁴. Бу жамият ўн ётти моддадан иборат ўз низомномасига эга бўлиб, асосан Бухородан ўқишга юборилган талабаларнинг моддий аҳволи ва маънавий муаммолари билан шуғулланган. Унинг ҳужжатларида кўрсатилишича, 1911 йилда Истанбулга ўқишга келган 15 ва 1912 йилда келган 30 илм толибига жиҳдий ёрдам берилган.

Фитрат, табиийки, хорижга ўқишини давом эттириш мақсадида борган эди. Бу ҳақда турли манбаларда турлича хабарларни учратамиш. Уларда Фитратнинг, жумладан, нуфузли дорилфунунда ўқигани (Темур Хўжа ўғли), «муаллимлар гимназияси»да таҳсил кўргани (Боймирза Ҳайнт) ва «Вайзин» мадрасасида таҳсил билан чекланмай, унинг ўзи айрим ҳолларда мустақил маърузалар ҳам ўқигани (Заки Валиди Тўғон) баён қилинади. Бизнингча, буларнинг ичидаги нисбатан ишончлиси сўнгги манба ҳисобланади. Чунки, Фитратнинг бу мадраса билан боғлиқ фаолияти айнан шундай мазмун касб этгани ўша муаллифнинг бошқа бир асарида⁵ ҳам айтилган.

Фитрат қўшни юртга бутун дунёга таърифи кетган инқилобчи ёшлар ҳаракатидан кейин борган эди. Шубҳасиз, у бу ҳаракат натижаларидан сабоқ олган, унинг ташаббускорлари билан ҳамсуҳбат бўлган. Хорижий

³ С. Айни. Таърихи инқилоби Бухоро. 83 ва 101-б.

⁴ Заки Валиди Тўғон. Бўкувги турк эли Туркистон ва яқин тарихи. Истанбул, 1981, 354-б. (турк тилида).

⁵ Валидов А. З. О собраниях рукописей в Бухарском ханстве. «Записки Восточного отделения русского археологического общества». Т. 23. М., 1916.

фитратшунослардан бирининг фикрига кўра шу мамла-
катдаги маърифатпарварлик ҳаракати Фитратга таъ-
сир этмасдан қолмади. У муаллимлар гимназиясида
ўқир экан, ёш туркларнинг фаолиятига қизиқиб қа-
ради ва уларнинг ҳаракат усусларини ўргана бош-
лади. Фитрат хориждаги талабалик вақтидаёқ ўзининг
бошланғич асари бўлган «Мунозара»ни ёэди⁶. Дар-
ҳақиқат, Фитратининг «Мунозара» асаридаги шундай
сатрлар бор: «Ушбу замонда ҳар бир миллатпарвар
олим ўзининг ҳамжинси ва ҳамнавъининг манфаати ва
саодати йўлида текин хизмат қилур. Ҳатто ушбу йўл-
да мол ва жонини аямайтурған чин одамлар оз эмас-
дирлар. Чунончи, тасаввур қилингиз: Анварбек — Ни-
ёзийбеклар усмонли машрутаси (конституцияси — Ҳ. Б.)
учун қанча фидокорлик қилдилар. Бу зотларнингда
муддаоси ўз миллатининг саодати ва осойишидан бошқа
не эди?»⁷. Шу билан бирга Фитрат хорижда нашр эти-
лаётган ва ўзига мадраса талабалигиндан яхши таниш
бўлган «Турк юрду», «Сирот ул-мустақим» ва «Таъри-
фи муслимин» каби мажалла ва жаридалар билан ҳам-
корлик қила 'бошлиди. Айниқса, улуғ турк шоири Мех-
мет Акиф муҳаррирлигида нашр этилаётган «Сирот ул-
мустақим» (ўзбекчага «Тўғри йўл» деб таржима қилиш
мумкин) жаридаси билан фаол ҳамкорлигини тасдиқ-
ловчи манбалар анчагина. Жариданинг 1911—1914 йил-
лардаги сонларida Бухоро ҳаётига оид ўнлаб мақола
ва хабарлар берилган. Уларнинг кўпчилиги бухороли
мухбир Фиёсиддин Ҳасаний қаламига мансуб бўлса
ҳам, улар, шубҳасиз, Фитрат таҳриридан ўтганини
англаш қийини эмас. Бу ҳақда Меҳмет Акифининг хо-
тиралари ва турк олимни Ш. О. Фуоднинг «Турк босини
тариҳи» (1967) китобини эслаш кифоя.

«Таърифи муслимин» мажаласидаги Фитратининг
«Бухоро вазири Насруллоҳбек Парвоначи ҳазратларни-
на очиқ мактуба»ни эълон қилинади. Форс тилида чоп
этилган бу мактубда «қора ҳаробалар ва ўт орасида
қолған паришонҳол аҳли ватан»нинг дарди баён қи-
линиб, уни 'енгиллатиш чоралари кўпроқ тождор Олий
Ҳазрат ва унинг вазири Насруллоҳбекка боғлиқ экани

⁶ «Миллий Туркистон», 1952, 80—81-сон, 13-б.

⁷ Ҳивдистонда бир фаранг ила бухороли бир мударрис-
нинг бир печа масалалар ҳам усули жадида хусусинда қилган
мунозараси. Муҳаррири Фитрат, Мутаржими Ҳожи Мўини иби
Шукруллоҳ Самарқандий. Т., 1912, 13-б.

айтилиш билан бирга: «Ҳар қанча кўз ва қулоғингизни беркитсангиз ҳам, бу қадимий ислом миллатининг фарёди ва муқаддас ватанимизнинг хароблигига ачинмай туро олмайсиз... Миллатимиз ва юртимизни шу ҳолга келтириб қўйдикки, дунёнинг бурчагида энг қиийин кунларда ташвиш чекиб яшаётган одамлар ҳам бизнинг аҳволимизга қон йиғламоқдалар» — каби оташин сатрлар билан вазири аъзамга мурожаат этилади. Дарвоҷе, «Мунозара»нинг хотима қисмида ҳам кудди шу каби мурожаатнома баён қилинган. Бунда Фитратнинг биргина вазир ўз амири билан Бухоронинг сонсиз ҳасратлари олдида ожиз эканини яхши тушуниб, бевосита амирнинг ўзига қарата айтилган сўзларни ҳам асарга илова қилинган. «Эй, Бухоро миллатининг меҳрибон отаси!.. Исломият салтанатининг заифлиги меҳрибон қалбларимизга ва соҳиби давлатимизга аниқ ва равшан монанддирки, буғун ё эрта дини исломнинг душманлари биз мусулмон халқини қаро кунларга соларлар. Бу жиноятчиларнинг вазифаи аввали дини исломга ҳусумат бўлиб, яқин замонлар биздан динимизни тарқ қилишини талаб қиласлар. Имоммизин пўпга, аzonимизни қўнғироққа, масжидимизни черковга алмаштироқдан бошқа нарса қолмас». Биргина амир ва унинг вузаро ҳамда умаролари билан иш кўнгилдагидек натижаланиши мумкин эмаслигини тушуниб етган Фитрат айни шу пайтдаёқ муҳтарам диндош биродарларига ҳам мурожаат қиласди, «бу таназзул, яъни нимаики бой берилаётган бўлса, мусулмонларнинг унисизлиги ва ҳаракатсизлиги натижаси» деб билади. Муаллиф мурожаатда давом этиб:

Жамияти куфр аз паришони мост,
Ободи бутхонаи з-вайрони мост.
Ислом бунёд ҳуд ҳамон аст ке буд,
Ҳар айб ки аст дар мусулмони мост⁸.

Ислом бизнинг динимиздир, ислом — бизнинг шарифимиз, ислом бизнинг саодатимиздир, ислом — ғалабаларимиз бонси, ислом осойишталигимиз сабабчисидир... Бу қадар ғафлат ва танбалликда, беғайрат ва

⁸ Таржимаси: Қуфр жамияти (яъни коғирларнинг ишоқлиги) бизнинг паришонлигимиздандир. Бутхоналарнинг ободлиги бизнинг вайроналигимиздандир. Ислом қандай бунёд бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундайдир, қандайки айб бўлса, бизнинг мусулмонларимиздандир.

жаҳолатда ўтирганимиз бас, етар, бу асл динимизнинг нобуд бўлиши, муқаддас ватанимизнинг мундай поймол этилишини камоли бошарафлик билан қабул қиласак, буни на шариат, на-да ҳаёт қабул қиласди», — деб ёзади Фитрат «Бухоронинг нажиб миллати бўлған ватандошлар»ига. Адиб ўз асарининг мавзуу ва мундарижасини китобнинг муқаддимасида шундай ифодалаганди: «...Бухоролик бир мударрисининг ҳажга бориб, Ҳиндистонда бир фаранг ила усули жадида ҳам усули қадим хусусида қилған мунозаранинг натижаси бўлиб, мазкур ҳикояг ушбу масалани тугал ҳал ётмоқ-қа қаратилгандир». Муаллиф ушбу қисса воситасида яна шундай қайта-қайта тақорорлайдики, агар мусулмонлар ўртасида шия ва суннӣ, қадим ва жадид каби ички муҳолифатларга ўрин берилса, бундан фақатгина исломнинг Бухоро миллатининг душманлари фойда кўради. Шунинг учун ҳам «кимки ўзини ҳақиқатдан дини исломнинг, Пайғамбари охир замон Муҳаммаднинг уммати билса, бу бемаъни ихтилофотларни орадан кўтаришга» ёрдам беришга ва «замони маориф ва замони маданият саналган ҳозирги давримиз билан ҳамқадам бўлишилик»ка миллатдошларини чақиради.

«Мунозара»нинг Ҳожи Мўйин таржимасидаги Тошкент нашрида оташин хитобномага айланган муқаддима ва хотима қисмлари тушиб қолган, амир ва чор охранкасининг жаҳлини чиқармаслик учун асарининг матнинг ҳам жузъий ўзгартирнишлар киритилган. Шунга қарамай, Бухорога яширии суратда келтирилган бу китобчанинг нафақат ўзини, балки уни ўқиган кишиларни ҳам амир ва чор маъмурлари қаттиқ таъқиб остига олганлар.

«Мунозара»да акс этган исломчилик ва ислоҳотчилик кайфиятларини байроқ қилиб олган «мутахассис»лар 20-йилларининг охирлари ва 30-йилларининг биринчи ярмида Фитрат шахсига қарши қаратилган кескин ҳужумларни авж олдириб юбордилар. Бирин-кетин Ж. Бойбўлатовнинг мақолалари (1929)⁹, А. Аршаруни ва Х. Габидуллиннинг «Русияда панисломизм ва пантуркизм очерклари» (1931), яна Ж. Бойбўлатовнинг «Ўзбек адабиётида чигатойчилик ва пантуркизм» (1932), Миёнбузрук Солиҳовнинг «Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари» (1933), А. Саъдийнинг «Ўзбек буржуа адабиёти» (1934), Л. Климовичнинг «Чор Ру-

⁹ «Қизил Ўзбекистон» г., 1929, 13—15 май.

сияда ислом» (1936) каби китобларида берилган «фатволар»нинг ўзига хос умумлашмаси сифатида X. Олимжоннинг «Фитратнинг адабий ижоди тўғрисида» мақоласи¹⁰ яратилдики, натижада ўзбек ҳалқининг буюк фарзанди, Шарқнинг зукко мутафаккири Абдурауф Фитратни «панисломист», «миллатчи», «Миллий иттиҳод» номли аксилиниқилобий ташкилотнинг аъзоси сифатида айблаб, Давлат ҳавфсизлиги қўмитасининг ҳужжатгоҳида 976524 рақамли жиноятнома тузишта йўл очилди...

Истанбулда камбағал талабанинг ўзи ҳисобидан чоп қилинган насрый қиссаларидан яна бирни «Баёноти сайёхи ҳинди» («Ҳинд сайёхи баёноти»)ни С. Айний юқорида тилга олганимиз китобининг «Фитрат ва унинг асарлари» номли маҳсус бобида «Роман услубида ёзилган асар» деб таърифлайди ва унинг Бухоро афкори умумиясига «Мунозара»дан ҳам кўра кўпроқ таъсир этганини қайд этади. Бу икки асар маълум маънода мавзудош бўлиб, уларда асримиз бошларида юз берган ҳодисалар бир миллатпарвар фозил шахс томонидан таҳлил этилади ва шу борадаги фикрлар бир-бирларини тўлдиради. Муаллиф дастлабки асарида кўпроқ маърифатчи ва ислом ислоҳотчиси сифатида кўринган бўлса, «Ҳинд сайёхи...»нинг мавзу доираси ҳам, унда баён этилаётган воқеаларнинг кўлами ҳам анча кенг. Асарда Бухоро амирлиги ҳудудидаги бутун иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётнинг кўплаб муаммолари тилга олинади. Уларни вужудга келтирган ижтимоий илдизларни таҳлил этиш баробарида, бу каби саноқсиз иллат ва камчиликлардан холос бўлиш йўллари ҳам кўрсатилади. Қиссада Бухоро аҳли уч тоифага ажратилиб, уламо, умаро ва вузаро ҳаётининг барча жабҳалари қаламга олинади, Туркистонни ҳалокат ёқасига олиб келган илму урфон эмас, балки жаҳолат ва гафлат ботқоғига ботиб, фитиа ва гийбат билан машғул бўлган аҳли уламо, ўз масъул вазифаларини унтиб, пора, фаҳш ва айш-ишратга берилган амирлар ва вазирлар, амалдорлару беклар, шарнат ҳуқмлари ўрнига ношаръий қоидалар билан фуқарони талаётган қози ва аъламлар экани рўйрост кўрсатиб берилади ва кескин танқид остига олинади. Худди шу ўринда Ф. Хўжаевнинг ушбу сўзларини эслатмаслик мумкин эмас: «...Мавжуд тузумни қаттиқ танқид қил-

¹⁰ «Литературный Узбекистан», 1936, № 5.

ган, унинг барча танқидларини аёвсиз очиб ташлаган, амирликнинг чирик системасини фош қилиб берган «Сайёхи ҳинди» асарининг аҳамиятини қайд этмасдан ўтольмаймиз»¹¹.

Фитрат ҳаёти ва фаолиятига бағишланган жуда кўп хорижий манбаларда, айниқса, замондошларининг хотираларида унинг номига доим «шонр» сифатлаши қўшиб айтилган. Бу Фитратга иисбатан шунчаки шахсий муносабатнинг натижаси бўлмай; балки унинг шонрлик истеъодига алоҳида ҳурмат билан қараганилкларининг боиси ҳамdir.

✓Ф. Хўжаев Фитрат асарларининг аҳамияти ҳақида тўхталар экан, унинг 1911 йили чоп қилинган «Сайҳа» («Наъра») китоби хусусида шундай ёзади: «Ватанпарварлик шеърлари тўплами бўлган «Сайҳа»ни ўқиган кишиларни Бухоро ҳукуматигина эмас, шу билан бирга рус ҳукумати ҳам таъқиб қила бошлади Чунки бу шеърларда Бухоро мустақиллиги ғояси биринчи марта жуда ёрқин шаклда ифодалаб берилди»¹². Тўпламга кирган шеърлар тақиқлаб қўйилганига қарамай, Русия турklари орасида (Крим ва Қозон турклари). Эрон, Олмония каби мамлакатларда ҳам кенг тарқалди. 1914 йили «Садойи Туркистон» газетасида босилиб чиққач, жамиятнинг ҳамма табақалари орасида қизиқиши билан ўқиладиган қўшиқдай янгради.

Шонр Фитрат назми ҳақида фикр юритилганда, форсча-тожикча шеърлардан иборат бўлган «Сайҳа»нинг таснифи билан чекланиш нохолислик бўлар эди. Чунки у ҳаммаси бўлиб йигирмага яқин шеърларини ўзбек тилида битган бўлса ҳам, у туркий халқлар дунёсига миллатпарвар ва ёниқ шонр сифатида танилган эди. Бу ҳақда унга замондош танқидчилардан Абдураҳмон Саъдий шундай ёзади: Фитрат «...ҳозирги ўзбек шеъриятида араб ва форс сўзларига йўлни беркитди, ўзбек шеър тузилишининг ривожланиш йўлларини белгилай бориб, кўнгина ёш шонрларни ўзининг услуби ва тили билан эргаштира олди, атрофига ёш шонрларни тўплаб, уларга тил ва услуб ёғидан йўл, кўрсатмакдадир»¹³. Шубҳасиз, бу ерда «Ўзбек ёш шонрлари, Фит-

¹¹ Ф. Хўжаев. Бухородаги инқилоб ва Ўзга Осиёнинг миллий чегэралавинишига допр. — Танҳангани асарлар. Уч темлиқ. I том. —Т., 1978, 98—99-б.

¹² Уша асар, 99-б.

¹³ А. Саъдий. Бесхбудий ва унинг теграсига йигилган шонрлар. — «Туркистон», 1923 йил, 12 декабрь.

рат, Чўлпон, Боту, Элбек» (Тошкент, 1922) тўплами ҳақида фикр юритилган. Фитрат адабиётшунос-олим сифатида Шарқ шеъриятининг жозиб хислатларини ўз илмий асарларида таҳлил этган бўлса, шонир сифатида шеърларида ўша жозибанинг нозик товланишларини аниқ илгайди:

Чолғу қили сенинг нозли тирноғинг-ла титраркан,
Умидимни қоплаб турган қора булут йиртилсан!

Фитратнинг поэтик меросида «Шарқ» деб номланган кичик достон (шонрининг ўзи тўпламда уни «поэма» рукини билан чоп этган) салмоқли мавқега эга. Унда шонир ўтли Шарқ дардларини кўрсатади.

Шонир ўтли Шарқни тасвирлани баробарида «нега бўйла?» (нега бундай?) деб ажабсинади, уни ёндириган, ҳаробага айлантирган нималар эканини фарқлайди: «Ким берган бу ўғурли ўлкага бунча ўтни, Ким тўккаи бу муқаддас ишга бунча қонини?»

Ярали Шарқ мавзуси шонрининг қатор шеърларида ўз аксини топган. Юрт ҳурлигини муқаддас билиб, бу йўлда курашган қатор салафлари қурбон бўлдилар: Мирмуҳсинин тошбўрон қилиб ўлдириш ҳақида ҳукм чиққач, у дўстлари ёрдамида Уфага қочицга муваффақ бўлди, ҳақиқатининг тирик тимсолига айланган муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий Қарши беги томонидан ўлдирилди. Бунига сабаб биргина замона зайлни эмас, балки ҳалқининг ўз ватандошлари тақдирига лоқайд қарани, унинг келажаги учун курашган қаҳрамон ўғлонларни асрой билмагани ҳамдир. Фитрат «Овунчиқ», «Беҳбудийнинг сағанасин изладим» шеърларida ана шундай ажралиш сабоқларидан сўз очади.

Фитрат шеърияти фақатгина дардманд, ўтли шеърлар мажмуаси бўлибгина қолмади. Унинг замондошлири тўғри таъкидлаганларидек, у ўзбек шеъриятида янгича тизим, бармоқ вазnidаги шеър шаклларига йўл очди. Шеърият боиқа миллатлардан ўзлаштириб олинган вазилардагина эмас, балки турк улусининг руҳидан отилиб чиққан, миллатнинг нутқ 'ва талаффуз товушларига мос бўлган, оғзаки адабиётда жуда кўп қўлланини баробарида чархланиб, синовлардан ўтган ўз шеър тизими -- бармоқ вазнини ўзлаштиргандагина, юксак парвозларга чиқиши мумкин эканини ўз адабий тажрибаси орқали кўрсатди. Шонир нисбатан сўнгги асарларидан саналмиш «Аруз ҳақида» рисоласида бундай дейди: «Бармоқ вазнида шеърни бошлаб Чўл-

пой ёздими, мен ёздимми, эсимда йўқ. Фақат шуниси маълумки, бармоқ вазнини назарий жиҳатдан ёқлаб чиққан биринчи ўзбек миллатчиси мен эдим». Яна у тажрибали бир олим сифатида огоҳлантириб айтадики: «Сени бир вақт Фитрат бошлиқ бир гуруҳ миллатчилар ёқлаган эдилар» деб бармоқ вазнини ташлаш тўғри эмас»¹⁴.

Абдурауф Фитрат ўзи муҳаррирлик қилган «Ҳуррият» (26—85-сонлар) газетаси саҳифаларида эълон этилган уч сочмаси ва бир шеърини «Юрт қайғуси» деб атади. Шу номли биринчи сочмада шоир ёзади: «Эй улуг Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг? ...Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган ботир туркларинг қани? Нечун чекиндилар? Нечун кетдилар? Кураш майдонларини ўзгаларга нечун қўйдилар? Нечун...». Фитрат бошқа бир сочмасида «кимсасизлик юкиндан оғирланган танда золимона урулған қамчиларнинг яраси бор» деб ёзаркан, «бош-аёғлари яланғоч, тирсакларига-ча қоп-қора лойқадан ботған, бақиурға товуши, қуттилурға кучи қолмаған» ватан хаёlinи мунгли хотин қиёфасида тасаввур этиб, «золимлар сени кимсасизми кўрдилар? Йўқ, сен кимсасиз эмассан. Мана мен бутун борлиғим билан сенга кўмак қилурға ҳозир. Мана мен чин кўнгул билан сенинг йўлингда ўлурға рози...», — дея курашга енг шимарганда, унинг атрофига Бухоро жадидларининг катта бир гурухи тўпланиб улгурган эди. Уларнинг нафратлари йўналишини аниқ сезган ўрис босқинчилари бу катта кучдан ўз амирини йўқ қилиш мақсадида фойдаландилар. Шунинг учун ҳам: «Улим сенинг ўлимингни истаганларга, нафрат сени кўмгани келганиларга», — деган сўзларни шиор қилиб олган ёш бухоролилар ҳаракати ўн саккизинчи йилларнинг бошларида Туркистонга ўлкани бошқариш учун келган Колесов ва унинг маслакдошлари «ёрдами» билан муваффақиятсиз тугади. Фитрат сўзлари билан айтганда, бу воқеаларнинг «ҳар бирни бир олам» бўлиб, уларнинг айрим саҳифалари «Ҳуррият»да чоп қилинган публицистик мақолаларда акс этган.

1917 йилнинг буғдой пишиғида кечган қирғинбарот жанглардан Фитрат асарларига томган, «Ҳуррият»нинг сарғайган ва раққаларига сингган ўша қонларнинг доғларини аниқроқ илғаш қийин эмас: «Қўрдим, кез-

¹⁴ Проф. Фитрат. Аруз ҳақида. Тошкент, 1936, 20—21-б.

дим, эшитдим, ўқидим. Мамлакатлар орасинда Туркистанимиз каби баҳтсиз бир мамлакат йўқдири. Бутун ёлғизнига отларини тарихда қўйуб кетган эл-улусларнинг эзилиб кетдикларига сабаб шул айрилиқ, шул иттиҳодсизлиқдир... Биз туркистонилардаги бу иттиҳодсизлиқдан кўпроқ фойда кўрган, каттароқ оснгланган эски Русия ҳукумати эди. Куллуқлар улуғ тангримизгаким, ўлмай, шу золим ҳукуматнинг йиқилдини кўрдик. У золим ҳукумат йиқилди. Русиянинг эски ҳукумати билан биргалашиб, орамизда нифоқ ва айрилиқ қўрғонларининг даҳи йиқилиб кетмаги керак эди, лекин бу қорақўрғонлар ҳоло йиқилмади, ҳоло эски чидамини сақлаб турибди». Фитрат бу ўринда «янги ҳукуматнинг саодат ваъдалариндан фойдаланурға» даъват этса-да, бу янги шўролар ҳукумати эски нифоқларни камайтириш у ёқда турсин, билъакс уларни кучайтириб, миллат ичидаги низоларни ўзининг асосий тактик қуролига айлантириб олган эди. Шунинг учун Фитрат демократик давлат қурилишининг асоси деб уқтирилаётган шаҳар думасига бўладиган сайловлардан миллатнинг фойдасига иш кўришилик зарур деган холосага келади. «Мусулмонлар, ғофил қолманг», «Биринчи чорамиз», «Шўрайи ислом»нинг хатоси» каби мақолаларида ҳам думада кўпроқ овоз олиб, демакки, мусулмонлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳал қилувчилар рўйхатига фаразли шиятларда ёзилишига интилаётганларнинг найрангларидан огоҳ бўлишга ўз миллатдошларини чақиради ва бу йўлда бир миллатчи ўрис фирмасига иттифоқ бўлишга розилик билдириган «Шўрайи ислом» жамиятининг хатосини кўриб, ажабсинади: «Ажаб, Шўро жамияти («Шўрон ислом» дейилмоқчи — Х. Б.) нечун шунин тушунмайди?.. Шўро бу масъалани тушунмаган бўлса, миллатнинг ўзи тушунисин ва ортуқ қайси номер рўйхатга товуш бермак керак эдигини тайин этсун».

Бир томонда, Бухоро хонлигига очлиқ давом қиласаётган, иккинчи томонда, чор тўралари ва инглиз зодагонлари Туркистонга эгалик қилиш учун яширин музокаралар олиб бораётган кунларда, «...туркларнинг қонини қайнатгучи, имонини юксалтгувчи қувват берган бир суйунчли сўз туғилди, яъни 27 иўйабрнинг кечасинда миллий лайлатулқадримиз бўлган Туркистон муҳторияти эълон қилинди». «Шул қоп-қоронгу дунёнинг узоқ бир еринда ойдин бир юлдуз каби ялқиллаган» бу муҳториятни олқишлиаркан, Фитрат «маҳка-

ма эшиклариндан йиғлаб қайтгац, ёруғсиз турмаларда ётған, йиртқич жандарманинг тепгуси билан йиқилған, ёндурилған, осилған диндошларимиз»нинг ҳолатини шундай арз этади: «Элли(к) йилдан бері эзилдік, таҳқи्र этилдік, қўлимиз болганди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопланди, еримиз босилди, таланди, шарафимиз емурпиди, номусимиз гасб қилинди, ҳуқуқимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди — тўзумли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйруқга бўйинсундик, бутун борлиғимизни қўлдан бердик. Ёлғуз бир фикрин бермадик, яшунтурдик, имонларимизга ўраб сақладик: Туркистон мухторияти!»

Таассуфки, миллий лайлатулқадримиз бўлған Туркистон мухторияти ўз олдига қўйган оламшумул режаларни бажариб улгурмай, Колесов бошлиқ «тинчликни барқарор қилувчи кучлар» томонидан йўқ қилиб ташланди. «Қўёнда эришган ғалабасидан маст бўлған Колесов, амир Бухоросини ҳам шундай енгиллик билан тугатаман деб ўйлаб» (Ф. Хўжаев), ёш бухороликлар билан ҳамкорликда амирга қарши қўзғолонни бошлиб юборди. «Колесов юриши» номи билан тарихга кирган 1918 йилнииг мартаиде юз берган қоюли воқеалар сабаб, Фитрат ва унинг маслакдошлари Тошкентда ўз фаолиятини давом эттиришга мажбур бўлдилар.

Фитрат Тошкентдалик чоғида қуролли қўзғолондан маданий инқилоб сари юз бурди. Бу ҳақда Ф. Хўжаев: «Фитрат партия ва сиёсий иш билан алоқани гарчи расмий равишда узмаган бўлса ҳам, аммо маданий-оқартув ишларига бутун вужуди билан бериллиб кетди ва айни вақтда Афғонистон элчихонаси хизматига кириб, партияда/актив ишламай қўйди»¹⁵, деб ёзади.

Фитрат Тошкентдалик пайтида коммунистлар партияси сафига киради. Бу воқеа айrim олимлар томонидан ўз даврида ижобий ҳодиса сифатида тилга олинган бўлса, кейинчалик буни Фитрат табиатидаги келишувчиликка мойиллик деб изоҳланувчи фикрлар ҳам пайдо бўлмоқда. Бизнингча, адабий-бадний асарлар яратиш ишига бор вужуди билан берилған Фитрат учун янги бир ҳаракат майдони зарур эди. Шунинг учун ҳам Бухоро коммунистлари фирқасининг нашри бўлган «Учқун», ижтимоий-сиёсий ва илмий-бадний жур-

¹⁵ Ф. Хўжаев. Бухородаги инқилоб..., 170-б.

нал саналғай «Тонг» ва, ниҳоят, Туркистон коммунистларининг бош нашри бўлган «Иштирокиён» газеталари билан ҳамкорлиги бевосита мана шу «коммунистлар фирмасига дахлдорлик билан боғлиқ эди. Бу каби маданий-маърифий ва илмий-баданий ишларнинг амалий натижаси ўлароқ «Чигатой гурунги» деб номланган адабий-илмий-маданий ташкилот юзага келдик; Фитратнинг номи жуда кўп манбаларда бу ташкилотнинг асосчиси сифатида тилга олинган. Фитратнинг ўзи бу гурунг фаолияти ҳақида шундай маълумот беради: «Турк тилларини, турк адабиётини бирлаштиришини остида иш кўрилди. Мактабларда усмонли тили, усмонли адабиёти она тили дарслари ўрнида қабул қилинди. Мана шу ҳаракатга қарши... «Чигатой гурунги» ташкил қилинди».

Бундай сўзлардан сезиладики, гурунгнинг асосий мақсадларидан бири араб имлосини ислоҳ қилиб, ўзбек тилининг товуш хусусиятларига мос келадиган янги ёзув тизими яратиш эди. Гурунгнинг бу мақсади айни ўша йиллар эмас, бир неча йил муддат ўтгач, имло конференциясида қабул қилинди. «Чигатой гурунги» тил ва имло масалаларидан ташқари, бевосита адабиёт билан чуқур машғул бўлган илмий-баданий жамият ҳам саналади. Бу ҳақда Зиё Санднинг «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар» китобида шундай ёзилган: «Тонг» журнали «Чигатой гурунги» шеваси билан давом этди. Форсий ва арабий тилларни чиқариб ташлашга қўлидан келганча урунди... Бу журнал Тошкентдаги Бухоро фирмўмига яқин турса ҳам, кўпинча нафис адабиётга берилди¹⁶, — деган сўзларини эслаш кифоя. Шу билан бирга гурунг фаоллари ёш ёзувчи ва шоирларни тарбиялаш, оғзаки адабиёт материалларини йиғиш, оммабон театрлар ташкил этиш ва буларда ҳалқнинг тарихий ўтмишини улуғловчи асарлар яратиш билан ҳам машғул бўладилар. Таниқли япон туркшунос олми Хисао Кўматсу Фитратнинг машҳур «Темур сафanasи», «Чин севиши», «Ҳинд ихтилолчилари» каби асарларини худди мана шу «чигатойчилик» фаолияти билан боғлаб: «Ватанпарварлик» гоялари билан йўғрилган бу асарларнинг томошасига келганлар, шу қадар қаттиқ таъсирланган эдиларки, улар ҳар сафар томоша

¹⁶ Зиё Санд. Танланган асарлар. Тошкент, 1974, 82-б.

сўнгидаги театрлардан кўз ёшларини оқизиб чиқиб кетардилар»¹⁷, — деган ҳақиқатни қайд этади.

Шубҳасиз, Фитратнинг «Чигатой гурунги» билан боғлиқ 1918—1920 йиллар адабий фаолияти жуда кўп самара берганини қайд этиш мумкин. Фитрат бу йиллари илмий рисола ва дарслик ҳамда қўлланмалардан ташқари, «Шарқ сиёсати», «Инфа, Ислом» каби публицистика китоблари, «Темур сағанаси», «Або Муслим», «Ўғузхон», «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари», «Қон» каби драматик (театрў) асарлари яратгандир.

Фитратнинг тарихий мавзуда яратган драмаларининг тақдири шоирнинг ўз тақдири ёки ўша асар қаҳрамонларининг қисматидан ҳам фожиалироқ. Чунки уларнинг кўпчилиги оммавий тарзда нашр этилмай қолиб кетган, фақат айрим театрлар ҳақиқатида бир неча бор қўйилган, холос. Шунинг учун бу асарларининг мавзу доираси ва қаҳрамонлар ҳаёти ҳақида айрим мулоҳазаларни баён қилиш билан чекланишга мажбурмиз.

«Темур сағанаси» асари, бизнингча, 1918 йилнинг бошларида яратилган бўлиб, бу асар воситасида Фитрат худди аввалги публицистик асарлари каби юртдошлиларига мурожаат қиласди, уни ўзлигини эслашга бу қоронгулик ва ғафлатдан чиқиб кетмоққа даъват этади. Асарда Амир Темурнинг ўз қабридан тик туриб, ҳалқига қарата айтган сўзлари драманинг энг таъсири лавҳаларидан бўлган. Унинг сўзлари «Юрт қайғуси (Темур олдинда)» сочмасидаги шоирнинг мурожаатига жавобан айтилгандай тасаввур беради. Айрим манбаларда асардан олинган ушбу парчани ўқиймиз: «Мен сизларга кўп нарсалар еткардим. Не бўлдики, бир замонлар шарафли ва жасур бир миллатнинг авлодлари ҳозир бошиқа бир миллатнинг зулми остида қолмини. Кимлар боғларнингдан қушларимни қувмоқда!... Оталар меросидан нимани олдингиз! Сиздан талаб этаман, қалқингиз!... Үлкани тузатингиз, авлодларининг ҳур яшамоқларини таъмин этингиз. Агар бундай қилмасангиз, ўлка бир буюк мозорлик ҳолига келур»¹⁸. Табиинки, бундай кескин гаплар билан босқинчиларга қарши нафратнинг ифодаланиши 20-йилларнинг охирларидан бошлаб танқидларга ва адабий «жанжал»-

¹⁷ Хисао Кўматсу. 20-аср бошларида Ўрта Осиёда туркчилик ва даврим ҳаракатлари. Анқара, 1993, 40-б.

¹⁸ «Ёш ленинчи», 1935, 10-маарт (56-сон).

ларга сабаб бўлган. Ҳамид Олимжон Фитрат фаолиятига бағишиланган мақоласида бу асарни кескин танқид қилар экан, шоирнинг қўлида асарнинг бирор бир нусхаси бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Афсуски, ҳозирча «Ўзбек театрининг 10 йиллиги»га бағишилаб эълон қилинган матбуот материалларидан¹⁹ ташқари бошқа бирор матнга эга эмасмиз.

«Або Муслим» драмаси ҳақида бирмунча тасаввур берувчи манба ва тақризлар мавжуд. Асарнинг матнини тиклашга кўмак берувчи биринчى манба Фитратнинг 1925 йили чоп қилинган «Мухтасар ислом тарихи» риссоласидир. Унда ислом тарихидаги бурилиш даври — умавийлик халифалигининг инқирози ва хуросонлик машҳур афсонавий қаҳрамон Або Муслимнинг курашлари натижасида халифалик Пайғамбаримизнинг асҳобларидан саналган аббосийлар қўлига ўтиш воқеалари баён қилинади.²⁰ Беш парда, етти кўринишдан иборат бўлган бу драманинг саҳна варианти ҳақида бир неча тақризлар эълон қилинган. Шулардан дастлабкиси шоир Абдулҳамид Чўлпоннинг «Қаландар» имзоси остида чоп қилинган тақризи бўлиб, унда шундай дейилади: «Томоша — аралашкучи қаҳрамонларнинг кўблиги ҳам тарихнинг энгчувалашкан давридан олинниб ёзилғани учун бўлса керак — кенг оммага онглашилиши оғирроқдир. Шунунг учун томошсанинг сўнггида унинг натижасини тўла кўрсататурған бир кўруниш орттирилған. Бу кўруниш хийла муваффақиятли тузулған... Умуман, томошада Фитратга хос сўз усталиги хийла кучлик. Бу жиҳатдан томоша катта бир адабий аҳамиятга моликдир»²¹. Тақризда кўпроқ асарнинг мазмунин эмас, унинг саҳна талқини ҳақида фикр юритилиб, томоша Аброр Ҳидоятов, Маннон Уйғур каби машҳур санъаткорлар иштирокида «Турон» театри саҳнасида қўйилгани қайд этилади.

II асрда яшаган ва ўттиз беш йил ҳукмронлик қилиши натижасида тарқоқ турк улусини бирлаштириб, нисбатан марказлашган хоқонлиқ яратган Ўзбекхон (асли исми Мусахон Теоман ўғли) ҳақида турк тарихида кўплаб афсона ва ривоятлар, шунингдек, тарихий илмий асарлар мавжуд²². Фитрат бундан қарийб ўн

¹⁹ «Еш ленинчи», 1935, 10 март (58-сон).

²⁰ Фитрат. Мухтасар ислом тарихи. Т., «Нур», 1992, 26-б.

²¹ «Туркистон», 1922, 21 декабрь.

²² Б. А. Пестовский. Узбекский театр. — «Искусство и жизнь», 1922, № 1, с. 7—8.

саккиз аср аввал содир бўлган воқеаларни томошабиннинг кўзи ўнгиди тирилтирад экан, кўпроқ эътиборни Ўғузхоннинг баҳодирлигига, давлатни идора этишда нисбатан тараққийпарвар йўл ҳисобланган (ўз замони учун, албатта) хоқонлиқ, яъни марказлашган давлат қуриш йўлидаги интилишларига эътибор бериб, Бухорада ҳамон беклик тизими (маълум ҳудудда бекнинг исталган, чекланмаган имкониятларга эга бўлиши) ҳукм сураётган даврда ўлканинг шонли ўтмишини эслатмоқчи бўлади.

1921 йили саҳнага чиққан «Қон» номли беш пардали фожианинг тақдири ҳақида яна ҳам мавҳумроқ тасаввурга эгамиз. Ўша давр вақтли матбуоти саҳифаларида босилган ахборотлардан бундай асарнинг саҳнага чиққани, унда баён этилган воқеалар яқин ўтмишдаги ҳодисалар, яъни 1917—1918 йилларга тааллуқли эканини биламиз, холос. Айрим тадқиқотчилар Фитратнинг «Ўғузхон», «Қон» номли асарлари умуман саҳна юзини кўрмаган, дейдилар. Ушбу асарлар тақдири қандай бўлганидан қатъи назар, бизгача матни тўла етиб келмаган беш саҳна асари (аввалироқ яратилган «Бегижон» ҳам назарда тутилади) Фитратнинг драматург сифатидаги истеъоддининг қанот ёзганини, кейинроқ яратилган машҳур саҳна асарларининг туғилишида ўзига хос тажриба мактабини ўтаганини қайд этмаслик мумкин эмас.

«Чин севиш» асарининг саҳна талқини жуда катта ҳаяжон билан кутиб олинган, даврининг энг истеъоддли адиблари Чўлпон, Вадуд Маҳмуд ва бошқалар бу ҳақда тақризлар ёзганилар. Жумладан, Чўлпон ўз тақризини шундай бошлайди: «Яқинда ўзбек саҳнаси улуг ва улуглиги қадар юксак ва гўзал бир томоша (пьеса) кўрди. Мен ўзим иқрор қиласарга тейишманким, унинг ўзини ва ўйналишини тегининча танқид ва ё тақриз қилувин мен бажара олмайман. Бироқ бу йўл ва тўғрида ёзмоқлик вазифаси менга тушканликдан кўб чуқур бўлмаган қарашими ёзиб кетаман»²³. Табиийки, асардан қаттиқ таъсиrlаingan шонир унинг таҳлилидан кўра кўпроқ воқеаларни қайта баён қилингана берилади ва унинг саҳна талқинидан қониқини баробарида: «Чин севиш»нинг ёзгучиси унинг давоми дейилса бўлатурган «Ҳинд ихтилолчилари»ни ёзиб битирган» — деб хабар қиласади.

²³ «Иштирокцион», 1920, 25 ноябр.

Фитрат замондошларининг гувоҳлик беришича, асар 1921 йилнинг ўзидаёқ ёзиб тугалланган. Айрим манбаларда эса ўша йилиёқ саҳнага қўйилгани ва «театрў учун нусха» тарзида Тошкентда чоп қилингани айтилади. Бироқ асарнинг тугал нашри 1923 йили Берлинда амалга оширилган бўлиб, у ҳақда ушбу нашрдан кейин Аҳмад Шукрий, Вадуд Маҳмуд ва бошқаларниң тақриз ва мақолалари эълон қилинган. Жумладан, Вадуд Маҳмуд ўз тақризидан шундай ёза-ди: «...асарда тасвиirlар, ҳаяжонлар анча тузук ва мукаммал. Айниқса, Раҳимбахш ва Диливознинг сўзларин жуда таъсиридирики, бу асарда энг мукаммал чиққан тип шудир. Зотан, Фитратнинг истар форсча, истар туркча асарларида турмушга ва ҳақиқатга му-воғиқ тасвиир этилган бир тип доимо мулла, мударрис типидир»²⁴.

Фитрат Тошкентда қизғин ижод ва илм ўчоғида машғул эканида Бухорода инқилобноми билан қуролли тўнтариш уюштирилиб, амир Олимхон ҳукумати ағдарилди ва натижада Бухоро ҳалқ жумҳурияти эълон этилиб, унинг идора ишларига ёш бухоролилар партиясининг бир қатор собиқ аъзолари жалб қилинди. Худди шундай сўров билан Фитрат 1921 йилнинг 9 мартадан Бухорога чақириб олинади. Фитрат бир қатор нозирликлар ишларига, жумладан, ҳалқ маорифини тизимли суратда ривожлантириш, маданият ва жумҳуриятнинг бошқа давлатлар билан хорижий алоқаларини йўлга қўйиш ишларига жалб қилинади. Шунингдек, Фитрат Бухоро жумҳурияти ҳамда Туркистон АССР ўртасида ўқув юртлари ва мактаблар учун дарсликлар тузиш борасидаги ишларга ҳам мутасаддилик қиласи. Ҳалқ хўжалигининг равнаси йўлида турли хил иқтисодий ислоҳот ва тадбирлар ўтказишига раҳбарлик қиласи, мамлакат жўғрофий ҳудудларини белгилаш, Амударё флотилиясининг вазифаларини жумҳурият мақсадларига йўналтириш, вақферларни ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш, фрунзечилар томонидан тўпга тутилиб, вайронна ҳолига келган Бухоро меъморий обидалари ва шаҳар сув нишо-отларини тиклаш ишларига шўнгуб кетди.

Фитрат расман Ташқи ишлар ҳалқ нозири, Маориф нозири, Ҳалқ хўжалиги кенгашининг раиси, Марказий Ижроия Кўмита раисининг ўринbosари каби масъул

²⁴ «Туркистон», 1923, 17 октябр.

вазифаларни бажариши давомида²⁵ жумҳурият маданиятини ривожлантириш учун чексиз аҳамиятга молик ишлар қилди, унинг саъй-ҳаракатлари билан Бухоро жумҳурияти ҳудудида ўзбек тили давлат тили деб эълон этилди. Бухоро халқ дорилғунунини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди, давлат театри тузилиб унга режиссёрликка Маннон Уйғур, «Бухоро ахбори» газети муҳаррирлигига эса шоир Чўлпон таклиф қилинди.

Бухоро тезлик билан ривожланиш йўлига ўтиб олиб, марказни дон ва 'озиқ-овқат билан таъминлаш масалаларини иккинчи планга суріб қўйгани учун 1923 йилнинг 12 июнида Москвада РКП(б) МҚнинг «Бухоро масаласига доир» деган қарори қабул қилинди ва ушбу қарорга /кўра қўмита котиби Я. Е. Рудзутак Бухорога келиб, давлат ишларига ўрнашиб олган собиқ жадидларни тозалашга киришди. Худди шу даврда «ўз мансабини сунистемол қилгани ва молиявий жиҳатдан камчилликларга йўл қўйгани учун» Фитрат ўзи бошқараётган масъул вазифалардан четластилди. Тез орада у СССР ҳукумати ҳузуридаги Бухоро жумҳуриятининг Мухтор вакиллиги томонидан Москвага чақириб олинди ва у ерда чиқаётган «Учқун» ҳамда «Бухарская жизнь» каби вақтли нашрлар ишларига жалб қилинди, Лазаревлар жонли Шарқ тиллари институтига маъruzалар ўқиш учун таклиф қилинди ва профессор унвонинг сазовор бўлди.

Фитрат Москвадалик даврида кўпроқ бадиий ижод билан машгул бўлди. Айни шу йиллари унинг «Абулфайзхон» фожиаси, «Бедил (Бир мажлисда)» номли илмий бадиҳаси ва «Қиёмат», «Шайтоннинг тангрига исёни» каби асарлари ёзилди, уларнинг кўпчилиги Москвада, сўнгги шеърий драма эса Тошкентда нашр қилинди.

Фитрат драматургиясининг шоҳ асари, шубҳасиз, «Абулфайзхон» фожиасидир. Асада аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили Абулфайзхон давлатининг таназзули ҳамда машҳур Эрон шоҳи Нодиршоҳ ёрдамида Бухорода манғит амирларининг ҳокимиятга келиши билан боғлиқ тарихий воқеалар қаламга олиниди. Драматург Бухоро тарихининг бундай кескин

²⁵ Узбекистон Давлат Архивида сақланаётган 47-фонд, 1-рўйхат, 186, 197, 198, /287 ва бошқа рақамдаги ҳужжатларда бу каби маълумотлар тўла ажс этган.

бурилиш нуқталаридан бирини қаламга олиши билан ўзининг илмий ва тарихий асарларида акс эттирган ҳукмрон сулоланинг ҳокимият тепасига келиш сабабларини, бундай ғайриқонуний йўл билан ҳокимиятни эгаллаган хонлариниг халқقا ўтказаётган жабр-зулми шу сабаблар замирида ётганини кўрсатмоқчи бўлади. Фитрат Абулфайзхон фожиасига юз бурар экан, бундай асарнинг туғилиши унинг Бухородаги масъул ишлардан четлатилиб, Москвадалик даврига тўғри келгани табиний бир ҳол эди. Чунки айни 1923 йилнинг ўзида Бухоро раҳбарлигидан Фитрат, Атохўжа, Сатторхўжа, Ёқубзода каби днёнатли ва зукко кишиларнинг ўз лавозимларидан четлатилиб, уларнинг ўрнига «халқ вакили» сифатида бундай раҳбарлик ишларига мутлақо тайёргарлиги бўлмаган кишиларнинг келиб қолиши маълум маъниода XVIII асрнинг ўрталарида юз берган аштархонийлар сулоласининг фожиасига ўхшаб кетар эди.

Фитрат бу тарихий-бадиий асарнинг ички талабларидан келиб чиққан ҳолда, амирлик тарихидаги энг кир ва мураккаб манзараларни китобхон кўзи ўнгига гавдалантира олган. Айниқса, асар сўнгига хаёлий Сиёвуш айтган сўзларни Фитратнинг «қора ва кир таҳтга» нисбатан айтган ҳукми сифатида қабул қилиш мумкин. Фожиа воқсалари изчил суратда давом эттирилиб, нафақат аштархонийлар, балки ҳокимият тепасига келган янги куч — манғит амирлари сулоласининг ҳам қўли қонли бўлиб, шунинг учун унинг таназзули ҳам аниқ экани кўрсатиб берилади. Гарчи Сиёвуш хаёлида ўзидан қарийб бир ярим минг йил кейин ўтган Бедилнинг сатрларини ўқир экан, буни тарихий ҳақиқатнинг бузилиши, деб эмас, балки бадииятининг талаби билан келтирилган, асарнинг ички мантиқидан келиб чиқадиган хулоса сифатида қабул қилиш мумкин.

Фитратнинг Бедил ижодига муносабати, унинг фалсафасини қабул этиб, сеҳрли дунёсидан орттирган тажрибалари билан ўртоқлашиши 10-йилларнинг охири, 20-йилларнинг бошига тўғри келган бўлса-да, Бедил ҳақидаги қарашларини яхлит бир бадиий умумлашма тарзида «Бедил (бир мажлисада)» деб номланган бадиҳаси орқали ифодалади. Фитрат ёзади: «Бедил мусулмон, исломдаги сўл «ваҳдати вужуд»чилардан... Бедил ким бўлса бўлсин, ўз замониндаги инсонлик жамиятининг қурилишидан ризо бўлмаган, инсонларнинг

кўпчилигини «саодат»дан узоқ кўрган ҳамда шунинг учун қайғурган бир файласуфдир. Ў:

Ҳар гул ки дидам об илин хун чакидан аст,
Ераб чи хор дар'дили гулшан шикастеанд?²⁶

деб қайғуради. Ҳам бу ҳолларнинг сабабларини излайдир... Тақлидчилик, расм, одатчилик, дин таассублариға учрайдир. Бунларға юқорида кўрганимиз каби ҳужум қиласадир». Фитрат китобхонларни Бедил фалсафаси сари етаклашда ўзига хос бадий йўл тутади. Бедил шеъриятини илмий-услубий жиҳатдан эмас, ҳалқона, содда тушунтириш учун имконият туғилади ва иккинчидан, бадий асар таркибида келган бундай сўзлар маълум маънода асарнинг ўқишили бўлишини ҳам таъминлайди.

Фитратнинг Москвада ёзилган «Қиёмат» хаёлий ҳикояси унинг энг кўп нашр этилган асарларидан биридир. Чунки асарнинг мавзуси айрим олимлар томонидан атенстик деб талқин қилингани унинг айни шу изоҳ остида мустабид совет даврида нашр этилиши учун йўл очди. Шунга қарамай, асар ўз даврида кескин танқид остига олинниб, Фитрат унда диний мифологияга хос сюжетларни тарғиб қилаётганингда айланди. Шунинг учун бўлса керак, давр ва шаронтнинг зуғуми билан ҳикоя 1935 йили қайта ёзилди. Кейинги нусхада кўкнорихўр Рўзиқул бутуни умри давомида бойлар хонадонида хизмат қиласан шахс сифатида тасвирланиб, Аҳмадбой, Жума тоға каби «замонавий» қаҳрамонлар киритилган. Бу билан асар ҳажми кентайиб, мазмун 30-йилларнинг 2-ярмидаги сиёсий қарашлар талабига мослаштирилган, натижада биринчи нусхадаги жозиба йўқолиб, ундан киноя руҳи тарқалиб кетган. Бу ҳақда америкалик туркшунос олим Э. Олворт шўндай ёзди: «Марказий Осиёни озод қилиш мавзусида Абдурауф Фитрат турли ҳажмидаги диалогик асарлар яратган. Масалан, ўзбек туркчасида (1923—1930) ва тожик форсчасида (1936) яратилган асарлари «Қиёмат» номи билан нашр этилди, унинг «Шайтоннинг тангрига исёни» пьесаси ҳам шу йили (1924) яратилди. Бу ҳар иккала асар туркистонлиларга уларнинг ватанидаги сиёсий аҳволнинг бор

²⁶ Мазмуни: Ҳар бир гул қон томиб турган бир ярадан бошқа нарса эмасдирки, бу боғчанинг юрагида қандай бир тикан сивдирилган экан?

ҳақиқатини аччиқ тил билан изоҳлаб берган. Бу асарларда муаллиф ўз фикрларини ғайритабий алам тушунчаси билан пардалаб ифодалайди. Бу усул айрим ҳолларда баъзи дорматик танқидчиларга ғайридиний ташвиқот олиб боргандай бўлиб кўринади».²⁷ Дарҳақиқат, асарининг илк нусхасида 20-йилларнинг бошларида дастлаб биз ижобий санаганимиз руслаштириши жараёнининг айрим ташқи жиҳатлари кескин танқид ва ичининг остига олинган. Э. Олворт тўғри таъкидлаганидек, бу руҳ унинг шеърий шаклда ёзилган кичик драмаси «Шайтоннинг тангрига исёни»да яхши акс этади.

Шайтон ёки иблис деб номланган махлуқ ҳақида мусулмон китобларида ҳам, насроний адабиётидага ҳам талайгина талқинлар мавжуд. Бирни уни «тошбўрон қилинган», иккинчиси «жаннатдан ҳайдалган», бошқаси Аллоҳ даргоҳидан қувилишини «хурликка нитилиши», ҳатто «ҳақиқатни топиш» йўли деб тушунтирган манбалар Фитрат асарни яратгунга қадар ҳам бор эди, ҳозир ҳам мавжуд. Бу воқеа ҳақида Қуръони Каримда шундай оят бор: «Аниқки, биз сизларни (яъни, одамларни—Ҳ. Б.) яратдик, сўнг сизларга сурат бердик, сўнг фаршталарга «Одамга сажда қилинглар» дейншимиз билан улар сажда қиласидилар. Магар иблис сажда қилгувчилардан бўлмади. (Оллоҳ) деди: «Сенга буюрган пайтимда нима сени сажда қилишдан тўсди?» — «Мен ундан (одамдан) яхшироқман. Мени оловдан яратгансан, уни эса лойдан яратднинг», — деди у»²⁸. Туркий адабиётда кўп тилга олинган, хусусан, Фитратнинг замондошлари озар адаби Ҳусайн Жовид ва татар ёзувчиси МажидFaфурнийнинг асарларида тасвир этилган бу мавзуни негадир «атеистик» деб тушунтириш Олмония ва Русия олимлари асарларида учрайди. Фитратнинг ушбу шеърий драмасини олмончага таржима қилиб, унинг илк нашри билан қиёслаб, у ҳақдаги мақола билан бирга чоп этган олима И. Балдауф ҳам бу фикрни такрорлабгина қолмай, балки Оврупо адабиётига сингган «экзистенциализм»нинг кў-

²⁷ Э. Олворт. Бухоролик Абдурауф Фитратнинг аргументларини.— Яқин ва Марказий Осиёга доир пламий ёзишмалар. 5-жилд, 1991, 13-б. (инглиз тилида).

²⁸ Қуръони Карим, Аъроф сураси, 11—12 оят. Алоуддин Малсур таржимаси. Тошкент, «Ҷўлчоп», 1992, 101-б.

риниши сифатида баҳолайди²⁹. Бизнингча, руҳи ва услуби жиҳатидан «Илоҳий комедия»га яқин турувчи (Н. Тўрақулов) бу икки асар ўз замонасидағи социал адолатсизликларга қарши қаратилган, диний мифологик сюжетни қайта ишлаш асосида яратилган чуқур сатирик асар сифатида ўрганилиши лозим.

Фитрат Москвадан қайтиб келибоқ, Тошкентда яна ижодий ва илмий фаолиятга берилиди. Унинг Узбекистон Халқ маориф низомиригининг илмий шўросида бармоқ шеър тизими ҳақидаги маърузаси, Фаргона, Наманган ва Бухоро бўйлаб мумтоз адабиёт дурданаларини тўплаш бўйича уюштирилган илмий экспедицияда иштирок этиши, сўнгра яратилган бир неча тадқиқот, мақола, дарслик ва қўлланмалари унинг бу давр фаолияти энг самарали ижодий босқичлардан бири бўлганини кўрсатади.

Узбек меҳнаткашлари оммасининг яқин ўтмишдаги ноchor аҳволи Фитратнинг қатор асарларида баён этилган. Айниқса, «Бухоронинг ҳоли», «Бухорода инқи lob» мақолаларида оғир ҳаёт лавҳалари чизилган. Худди шу каби яқин ўтмиш мавзуси 20-йилларнинг ўрталарида ер ислоҳоти ўтикаилиши муносабати билан қайта кун тартибига қўйилади. Бошқа замондошлари қатори Фитрат ҳам бу мавзуни кўр-кўрона улуғлаш йўлидан бормади. Аксинча, ўз ижодий йўналишларида, ўзининг ақидаларидан келиб чиқсан ҳолда, аввалдан унга таниш бўлган халқ ҳаётидан олиб ёзган асарларини шу мавзу баҳона 1926 йили чоп этиди. Аввалроқ унинг «Бўхтон» номли ҳикояси Бухорода чоп этилди³⁰, сўнгра эса Тошкентда «Арслон» (Бурунги Бухоро хонлигига яшаган дехқонлар ҳаётидан олинган 5 пардали драма) босилиб чиқди. Асардаги Арслон, Ботур, Тўлғуни каби образлар воситасида дехқоннинг аҳволи гоят қийин кечгани, уни бу қийинчилклардан олиб чиқиш учун эса қатор тадбир ва ислоҳотлар зарур экани таъкидланди. Асарнинг бу руҳдаги пафосидан илҳомланган 20-йилларнинг танқидчилари: «Саҳнамиз эски асарлардан оҳисталик билан бўлса-да қутилмоқда ва уларнииг ўрнини синфий руҳда ёзилган асарлар ишғол этмоқдалар. 24 февралда халқ театрусида ўй-

²⁹ И. Балдауф. Абдурауф Фитрат: «Шайтоннинг тангрига исёни». — Турк тили ва адабиётси масалаларига багишланган Туркология Конгресси материаллари, Висбаден, 1991, 14—93-б. (немис тилида).

³⁰ «Озод Бухоро», 1926, 21 октябрь.

налған «Арслон» пьесаси бунга далил,³¹ — деб ёзган эди. Бу асар ҳақида шу каби талқинлар кейинроқ Турсун Собиров ва Аҳмад Алиев мақолаларида ҳам кўринади.

20-йилларнинг охириларида Фитрат илмий асарларининг кўлами кенгайиб, ўзининг фикрий чуқурлиги билан эътибор топиб борган сайин, унинг бадиий асарлар билан камроқ машғул бўлгани кўзга ташланади. Гарчи адиб бу даврда «Меърож», «Зайду Зайнаб», «Оқ мозор», «Заҳронинг иймони» сингари бир неча ҳикоялар яратган бўлса-да, улар Фитратнинг дастлабки насрый асарлари «Мунозара», «Ҳинд сайди», «Қиёмат» даражасида бадиий жиҳатдан пухта ишланган асарлар эмас эди.

1928 йили Тоҷикистон Шўро Жумҳурияти тузилиши билан Фитрат каби бухоролик ва самарқандлик зуллисонайн шоирлар янги жумҳурият ишларига жалб қилинди. Жумладан, Абдуқодир Муҳиддинов, С. Айний, кейинроқ эса Вадуд Маҳмуд сингари истеъоддлар тоҷик адабиёти ва маданиятининг вакилларига айландилар. Бироқ собиқ жадидчи, Тоҷикистон Вазирлар Кенгашининг раиси А. Муҳиддиновнинг қистовларига қарамай, 20-йилларнинг сўнггида ҳатто асарлари кескин таңқидга учраётганида ҳам Фитрат ўзбек халқи учун хизмат қилишини афзал билди. Дастреб, жумҳурият Фан қўмитасида, кейинроқ Тил ва адабиёт илмогоҳида профессорлик лавозимида илмий ишлар билан машғул бўлди. Шу йиллари Тоҷикистон жумҳуриятининг илтимосини ҳисобга олиб, бир неча асарларини тоҷик тилида ёзди. Жумладан, «Амир Олимхон ва унинг ҳукмдорлиги даври» номли тарихий рисола, «Восеъ қўзғолони» номли тарихий драма шулар жумласидандир.

Фитратнинг драмаси «Шўриши Восеъ» номи билан 1927 йили Самарқандда чоп этилди. Асар 1885 йили, Абдулаҳадҳон ҳукмронлиги даврининг бошида Балжувон вилоятида юз бергани тарихий воқеаларни акс эттиради. Фитрат ана шу тарихий воқеалар тизминини томошибин кўз ўнгига қайта тирилтирас экан, унинг драматургия соҳасидаги тажрибаси ва маҳоратининг кўлами тўлиқ ўз акснини топгани йўқ, чунки адиб ўз асарини театр санъатининг янгилигини, саҳна учун керакли асбоб-ускуналар етишмаслигини ҳам

³¹ «Қизил Ўзбекистон», 1927. 28-сон.

ҳисобга олган ҳолда яратди. Муаллифнинг ўзи сўз бошида бу ҳақда шундай ёзади: «Агар янглишмасам, бу томоша тожик тилида яратилган илк саҳна асаридир. Бу томоша ҳаваскор ёшлар учун мўлжалланган бўлиб, уларнинг театр санъатига бўлган ҳавасини орттиришини кўзда тутади. Бу асарни каттароқ ҳажмда, бошқачароқ шаклда яратиб, унда Восеъ қўзголонини ҳар томонлама тўлиқ тасвирлаш мумкин эди. Бироқ, театру санъатининг янгилигини ва ҳаваскорлар савиинини назарда тутиб, воқеа доирасини бирмунча чеклашга мажбур бўлдик. Агар бу томоша асари шу ҳолатида ёш ҳаваскорларга уларнинг театр сунонни ривожлантириш йўлидаги ишларига кўмаклашса, ҳеч шубҳа йўқки, бундан кейин шу ва шунга ўхшаш мавзуларда кўйлаб йирик саҳна асарлар яратилади». Фитратниң бу ииятларини тожик адиблари М. Турсунзода, А. Деҳотий, Ф. Абдулло, С. Улуғзодалар ўзларининг роман, драма ва опера либреттолари орқали амалга оширилар. Бироқ Фитрат асари бу мавзудаги илк асар бўлишига қарамай, унинг бадиий пухта, халқ тилига яқин услубда ёзилгани тожик театршунослари ишларида ҳам, ўзбек ва рус тилида ёзилган мақола ва тадқиқотларда ҳам қайд этилган.

Фитрат серқирра бадиий ижод (шеърий, насрый, драматургик, публицистик ва бадиий таржимачиликка доҳил асарлар) ва ўндан ортиқ тармоқларни ўз ичига қамраб олган илмий мерос (адабиётшунослик, фольклоршунослик, тарих, фалсафа, илоҳиёт, этнография, санъатшунослик ва бошқа соҳалар) соҳиби бўлиб, биз учун унинг аввало филолог олим сифатидаги фаолияти қадрлидир. Унинг ёлғиз тилшуносликка доир асарлари номининг ўзи олим яратган илм ҳазинасининг қамровини тасаввур қилиш имконини беради: «Она тили» (Қаюм Рамазон ва Шокиржон Раҳимий билан ҳаммуаллифликда) дарслиги (1918), «Тилимиз» мақоласи (1919), ўзбек тилининг морфологияси ва синтаксисига бағишлиланган «Сарф: Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба» (I китоб, 1925—1929), «Наҳв: Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба» (II-китоб, 1926—1930), асарлари «Қоидахон забони тожики» (1929) дарслиги, «Ўзбекча тил сабоқлиги» (1926), «Муқаддимат ул-адаб» (1926), «Имло конференцияси муносабати билан» (1928), «Дар гирди алифбои нав», «Дар гирди алифбои тоза» («Янги алифбо теграсида, «Раҳбари дониш» (1928) мақолалари. Ушбу

асарлар ўз муаллифининг XX аср ўзбек ва тожик тилшунослигининг шаклланишидаги хизматини очиқ кўрсатади. Бу каби қизғин илмий фаолият даврида Фитрат ҳаёт ташвишларидан ажralиб, хонанишин олим сифатида иш тутгани йўқ. Аксинча, унинг тилшуносликка доир асарлари олимнинг Тошкент дорулмуаллимини (1918—1919), Москва Лазаревлар Жонли шарқ тиллари институти (1923—1924) ва Самарқанд Олий педагогика институти (ҳозирги Самарқанд дорилфунуни, 1927—1930) даги мураббийлик фаолияти билан бевосита боғлиқ.

Адабиётшунослик ўз ичига аввало адабиёт тарихи ва назарияси, адабий танқид ва методология масалаларини қамраб олар экан, биринчи ўзбек профессори Абдурауф Фитратнинг илмий фаолиятида ҳар уч жабха жамланганини кўрамиз. Ўзбек адабиёти тарихини изчил илмий тизимда тиклашни мақсад қилиб олган Фитрат. энг қадимги адабий ёдгорликлардан тортиб то ўз замонасининг илфор тараққийпарвар ғояларини ташувчи жадид адабиётига қадар кечган улкан даврни тартибга солди. У илк турк аллома ва шоирлари Маҳмуд Кошгари, Юсуф Хос Ҳожиб (Боласогуний), Адиб Аҳмад Юғнакий асарларининг топилиши ва нашрга тайёрланишида фаол иштирок қилди, ўзининг «Энг эски турк адабиёти намуналари», «Ўзбек адабиёти намуналари» каби мажмуаларида мумтоз меросимизни илк бор жамлаб чоп эттириди. Мир Алишер Навоий ҳақида илмда биринчилардан бўлиб илмий рисола ва мақолалар ёзди, навоийшуносликни жиддий хатоликлардан ҳоли этнига ёрдам берди. Фитрат биринчи ўзбек назариётчиси бўлганни туфайли санъат ва унинг моҳияти, келиб чиқиши ва турлари, хусусаи, сўз санъати бўлган бадиий адабиёт ҳақида жиддий назарий мақола ва тадқиқотлар яратди. «Адабиёт қондалари», «Аруз ҳақида» сингари қўлланма ва тадқиқотлари, «Шеър ва шоирлиқ», «Санъатнинг маншаси» (келиб чиқиши) каби мақолалари ўзбек эстетик тафаккурининг шаклланишида муайян илмий вазифани бажарди ва шу вақтга қадар ўз қимматини сақлаб келмоқда.

Фитратнинг адабий-танқидий қарашлари ўз замонаси учун ҳар бир масалада қанчалик долзарб ҳисобланса, бугунги адабий-танқидий тафаккурининг юксак ривожланган цалласи учун ҳам ўзининг жуда кўп жиҳатлари билан намуна бўлиши мумкин. Бундан таш-

қарӣ, «Фитрат ва форс адабиёти» мавзуси алоҳида эътибор билан ўрганилиши лозим соҳаки, зуллisonайн олим ва адабимиз илмий ҳамда адабий салоҳиятининг жуда кўп номаълум қирралари ана шунда кўринади. Шарқ адабиётининг ҳеч бир улуғ ижодкори топилмайдики, у ҳақда олим мақола ва тадқиқотларида юксак тасаввур ва илмий тайёргарлик билан ўз фикрини билдиримаган бўлсин.

Филология илмининг тилшунослик, этимология шўйбаларига доир олимнинг кузатишлари XX аср ўзбек тилшунослиги ва фольклоршунослигининг шаклланишида ўз ўринин таъкидлаб турибди. Тарих ва фалсафа, тасаввуф ва илоҳиёт, мусиқа ва шахмат назарияси каби зиёлиларни ўзига банд этган маданий жабҳаларнинг ҳар бирига Фитрат илмда амалий жавоб бериб, қатор тадқиқот, рисола ва мақолалар яратган.

Фитратнинг ўзи 1929 йилда бу ҳақда шундай деб ўзининг барча асарларини сарҳисоб қиласди: «Менинг қўлнимга қалам тутиб, асар ёзганимга йигирма йил тўлди. Бу 20 йил орасида ўзбекча, тоҷикча юз ўн печат листлик асар ёздим (мақолалар ҳисоб эмас).

Фитратнинг бундан кейинги саккиз йиллик ижодий фаолияти давомида ёзган асарларини бунга қўшсак, унинг бадний ва илмий мероси ўзбек адабиётининг тараққиётида салмоқли ўрин тутишига ишонч ҳосил қиласмиш. Бу шоир ва олим Фитрат томонидан ёзилган, давлат нашриётларида чоп этилган асарлар, холос. Қўлёзма ҳолда мавжуд бўлиб, ўттизинчи йиллари нашриётга етиб келмаган, «халқ душмани»нинг асарларини сақлашідан қўрқиб, қариндошлар томонидан ёқиб юборилган, 1956 йили Фитрат ижодини қайта тиклаш бўйича тузилган ҳайъат томонидан ҳужжатгоҳлардан олиниб, қайтарилмай айрим «шахсий архив»ларни бойитиб турганилари қанча?..

XX аср бошларида Фитратнинг улкан истеъододи ва заковати туфайли яратилган асарларини ҳеч бўлмаганда аср охирларида халққа қайтариш ўзбек зиёлиларининг бурчидир.

Ҳамидулла Болтабоев

ШЕЪРЛАР

ЮРТ ҚАПГУСИ

Онам! Сени қутқармоқ учун жонми керакдир?
Номусми, виждан била имонми керакдир?
Темур била Чингиз қони тошид томримииздан,
Айтгил! Сени қутқармоқ учун қонми керакдир?
Ев суқғали келгач қиличини юрагингга,
Туш олдига, ол кўксуми — қалқонми керакдир?
Боқ, боқ, мана турк тенгизи тошқун қила қолди,
Турон ёвини қувғали тўфонми керакдир?
Турон, йигитинг, барчага боқ, қалқди оёқға,
Юртда қоровул қўйғали арслонми керакдир?

ЮРТ ҚАПГУСИ

(Сочма)

Эй Улуг Турон, арслонлар ўлкаси!
Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга
қолдинг?

Эй Чингизларнинг, Темурларнинг, Ўғузларнинг*,
Отиллаларнинг** шонли бешиклари! Қани у чиқдинг
юксак ўринлар? Куллик чуқурларниға недан тушдинг?!

Дунёни «урҳо»лари билан титраткан йўлбарс юракли болаларнинг қани? Ер тупроғини кўкларга учиратурган тог гавдали ўғлонларнинг қани? Нечун товушларни чиқмайдир?

Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган ботир туркларнинг қани? Нечун чекиндилар? Нечун кетдилар? Куран майдонларини ўзгаларга нечун қўйдилар? Нечун... Нечун... нечун..? Гапур менга, эй Улуг Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди?!

Ер юзининг буюк салтанатларини сен қурмадингми? Ҳиндиистоннинг, Эроннинг, Оврўпанинг улуг хоқонларини сен юбормадингми? Эй хоқонлар ўчони! Эй қаҳрамонлар туғойи!*** Қани у чақмоқ чақишли ботир хоқонларнинг? Қани аввалги ўқ юрушли, отли бекларнинг? Нечун «урҳо»ларнинг эшитилмайдир?

Дунё ҳалқини бўйсундирмаган салтанатларнинг не-

чун бузилди? Инсонлик оламини қанотлари остинда олган хоқонлиғниң нечун кучи ўлди? Кучингми кетди? Қимасизми қолди?

Йўқ... йўқ... Тангри ҳаққи учун йўқ!.. Сен кучсиз эмассан; сен кимасиз эмассан! Бугун ер юзида саксон милийун**** боланг бор. Буларниң томирларидағи қон чингизларниң, темурларниң қонидир. Буларниң кучлари сенинг кучингдир!

Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!

Қайғурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йигитларинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқолмамишdir.

Елғиз... Оҳ, ёлғиз... тарқалмишdir.

ЮРТ ҚАПГУСИ

(бир ўзбек тилидан)

Етсам тушумда, уйғонсам ёнимда, кўз юмсан миямда, кўз очсан қаршумда мунгли бир хаёл келиб турадур! Бу бир хотун хаёли... Бир хотунки, эгнида ипакли, лекин йиртиқ ва эски бир кўйлакдан бошқа бир кийим йўқ. Бош-аёғлари яланғоч, тирсакларигача қоп-қора лойқадан ботған, бақиурға товуши, қутнурга кучи қолмаған!..

Қарайман: кимасизлик юкиндан ориғланган танда золимона урулған қамчиларниң яраси бор. Кўраман: жоҳидона қилинған эмлардан носулға* қайтған яралариндан қонлар оқиб турадур!..

Эй мунгли хотун, сен кимсан?

Эй ғамли она, нечук мундан айрилмайсан?

Ёнимда, кўзимда, миямда, юрагимда нима ахтарасан, нечук кетмайсан?

Қайғу тутунлари ичра ёғдусиз қолған кўзларинг, у ёш ёмғурларин нечун тўқадир? Зулм занжирлари билан боғланған қўлларниң нечун ҳар ёнга узатиладир, нима тилайсан?..

Оҳ... Билдим... билдим... Англадим!

Сен менинг Ватанимсан, Ватанимниң мунгли хаёлисан.

Эй муқаддас Туронимниң ҳаёли, кетмай тур, айрилма.

Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда қол, кетма.

Туроним, сендан айрилмоқ — менинг учун ўлимим.

Сенинг учун ўлмоқ — менинг тириклигимдир.

Шаноҳим, саждагоҳим, умидим!
Евларинг сени шу кунгами солдилар?
Тилагим, истагим, саодатим!
Болаларинг сени шу ҳолдами қўйдилар?
Суйўнчим; овунчогим, ўчогим!
Золимлар сени кимсасизмни кўрдилар?

Пўқ, сен кимсасиз эмассан. Мана мен, бутун борлиғим билан сенга кўмак қилурға ҳозир. Мана мен чин кўнгил билан сенинг йўлингда ўлурға рози.

Қофф тоглари йўлимда тушса,
Тамуғ** оловлари қаршумдан чиқса,
яна сен сари кетарман.

Устимга инсонлар эмас, шайтонлар қўшини келса,
Оёғимга занжирлар эмас, жаҳаннам илонлари
сорилса,***

яна сен сари кетарман.

Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкулса,
Зулм чўлининг темир тиконлари кўзларимга кирса,
яна сени қутқарман.

Мен сенинг учун тирилдим,
Сенинг учун яшарман,
Сенинг учун ўлурман.
Эй туркликнинг муқаддас ўчори!
Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга,
Нафрат сени кўмгани келганларга!

ЮРТ ҚАЙФУСИ 2

(Темур олдинда)

Бағрим ёниқ, юзим қора, кўнглим синиқ, бўйним
букук.

Сенинг зиёратинингга келдим, сultonим!
Эзилган бошим, қисилган виждоним, куйгаш қоним,
ўртсанган жоним учун бу сағанангдан даво излаб келдим, хоқоним!

Юз йиллардан бери жафо кўруб, ғам чекиб келган туркнинг қонли кўз ёшларин этакларингга тўкарга келдим.

Қоронгуликлар ичра ёғдусиз қолган ўзбек кўзлари учун тупроғингдан сурма олғали келдим.

Номусини бад кишиларнинг аёғлари остинда кўриб турклик қони қайнагай, мусулмонлик ҳамияти тошғай, тамуғ оловлари каби сочрагай.

Лекин ўз кучизилигин англаш қайтиб ўтирган ва

қон йиғлаган туркнинг ҳолини айтарга келдим, хоқоним!

Улуғ хоқоним! Турклик шарафи таланди.

Турк учун қўйдигинг давлат битди, турк остиға қурдигинг хоқонлик ёғийгами кетди.

Туркнинг номуси, эътибори, иймони, вижданни золимлариниг аёглари остинда қолди.

Туркнинг юрти, улоги, ўчоги; Турони ёт қўлларга тушди.

Туркнинг билгиси, онги, ўйлови, зийраклиги жаҳолат ўлжасиға кетди.

Сенинг қиличиниг билан дунё эгаси бўлған турк тинчгина бир ётоқ тополмай қолди.

Сенинг кучиниг билан дунё хўжаси бўлган турк қарлук темурларига* кирди.

Хоқоним!

Турклікка хиёнат қилғанлар турк бўлсалар ҳам қонларини оқизмоқ сенинг муқаддас одатингдир, ётма, тур!

Сенинг омонатингға хиёнат қилғанларни эз, ур, ўллур!

Султоним!

Биламан, шу тобда сенинг у юксак ва улуғ руҳониятинг мен каби тубан руҳли ва ҳимматсиз бир болалининг шу ҳолиға ғазабли кулуб турубдир.

Биламан, шу чоғда сенинг тўлқунли денгизларға ўҳшаган юрагинг мен каби юраксиз бир ўғлингнинг шу қўринишиндан нафрат қиласадир.

Чунки юқорида айтдигим ишларнинг ҳаммасига ўзим сабаб бўлдим, барчасини ўзим қилдим,

Сенинг Турунингни ўзим талатдим,

Сенинг турклигингни ўзим эздирдим,

Сенинг омонатларига хиёнат ўзим қилдим.

Мен уч кунлик умримни тинчгина ётнб ўтказмоқчи бўлмаса эдим, шулариниг бирортаси бўлмас эди.

Мен қўлимға топширдигинг қиличини ташлаб, чолғуни олмаса эдим, Турунм таланмас эди!..

Мен ёлғиз қонли кўз ёшларимни бу сағанангга тўқмак учун эмас, ўз ёзиқларимни иқрор этарға келдим, ХОҚОНИМ.

Мени қўйма!

Мен ёлғиз ёзиқларимни иқрор этарға эмас, Турунга бердигим заарларни тўламоқ учун келдим, ХОҚОНИМ.

Мендан нафрат этма!

Эй арслонлар арслони!
Меним ёзуқларимдан ўт,
Мени қўлимни тут,
Белимни боғла, муқаддас фотиҳангни бер!
Сенинг дунёга сиғмаган ғайратингга оит ичаманки,
Туронинг эски шараф ва улуғлиғини қайтармасдан
бурун аёғларингда ўтиրмасман.

«ЎЗБЕК ЕШ ТОПРЛАРН» ТҮПЛАМИДАН
КИМ ДЕЯЙ СЕНИ?

Оппогим, худой асрағай сени,
Қўз балосидан сақлағай сени.
Сен жаҳоннинг энг нозанинисен,
Қайғуларға ҳеч солмағай сени.

Қип-қизил гулим, ёп-ёруғ ойим,
Кетмай тур, бир оз мен кўрай сени.
Дарди жонимнинг сен давосими?
Мунгли кўнглумнинг подишосими?

Гулми сен, кўзим, жонми сен, кўзим?
Кўнглумнинг бути ё худосими?
Билмадим, гулим, айт ўзинг кулиб,
Ошиқинг нечук атағай сени?

БИР ОЗ КУЛ

Кўз ёшларим букун тагин оқадими?
Қизил гулим бошқаларға кулар-да.

Қизил гулим, борлиғимнинг султони!
Жоним, сенинг хаёлингда кучайди.
Юрагимнинг энг қимматли армони,
Нечук менга марҳаматинг озайди?
Икки кўзим, малак юзим, севдигим,
Жонлар сенинг юзгинингдан айлансун.
Қизил гулим, қора кўзим, тилагим,
Дунё сенинг боқишингдан ўргулсун.

Ёвуз ёрим, юзингга ҳеч боқолмам,
Қўнгил дардин обғингга тўколмам.
Тупроқ каби йиқилмишам йўлингда
дя олмам.

Истар эсанг менга келиб гапурма,
ёнимда ҳеч ўтурма.
Елғуз йиғлаб узоқдан турғанимни
Кўрганингда, марҳамат эт, бир оз кул!

АЧЧИГЛАНМА ДЕГАН ЭДИПГ
УМИДСИЗЛИК ХАНЖАРИ БИЛАН ЯРАЛАНГАН
БИР ЮРАКНИНГ ЭНГ СҮНГГИ АРМУГОНИ

Эрка малак, аччиғланмам сенга,
Ўчирсанг-да кўкка юрак кулин.
Аччиғланмам сенга, нозли қуёш,
Ёндиранг-да умидимнинг гулин.
Борсун, ёнсун умидимнинг гули;
Кўкка учсун юрагимнинг кули,
Сўлсун руҳим, борлиғим-да битсун.
Ўксиз кўзнинг ёши каби ишқим
Тупроқ узра тўкулсун-да кетсун.
Тилакларим, армонларим, шеърим.
Кўмилсунлар, керакмаслар менга,
«Ҳаёт» деган қопқон борсун,
Парчалансун, битсун, йўқолсун.
Бироқ, сен... ким, хаёлингға руҳим
Толпинадур — яша, бор бўл, туаш.

- МИРРИХ ЮЛДУЗИГА

Гўзал юлдуз, еримизнинг энг қадрли туқғани!
Нега биздан қочиб мунча узоқларға тушибсан,
Тувғанингга нечун сира гапурмасдан турибсан?
Сўйла, юлдуз, ҳолинг надир? Нечук топдинг дунёни?
Бизнинг ерда бўлиб турган тубанликлар, хўрликлар,
Сўйла, юлдуз, сенинг даги қучогингда бўлурми?

* * *

Борми сенда бизим каби инсонлар,
Иккى юзли шибузарлар, шайтонлар.
Уртоқ қонин қонмай ичкан зулуклар,
Қардош этип тўймай еган қоплонлар?
Борми сенда, ўксуз йўқсулининг қонин —
Гурунглашиб, чоғир каби ичканлар?
Борми сенда бутун дунё тузугин
Ўз қопчиғин тўлдириғали бузғанлар.
Борми сенда бир ўлкани ёндириб,

Уз қозонин қайнатғучи хоқонлар.
Борми сенда қорин-қурсоқ йўлида
Элин, юртин, борин-йўғин сотқонлар?

ОВУНЧОҚ

Мирмуҳсинга бағишладим*

Тўсиб турган ойдинликнинг йўлини
Шу қоп-қора, эски, титрак булутлар,
Кучли бир ел кўргач, турмас, йиртилар,
Умид куни сенинг учун ҳам туғар.
Қайғурмағил сира, эй ҳақ туйғуси!
Букун сен
Эзиласан билимсизлиқдан ортиқ.
Шу қоронғу, юракларни (нг) бутунлай
Сўкиш, қарғиш, лаънат аралаш бўғиқ
Товушлари сенга тўғри юксалган.
Қувиласен бу сезгусиз ўлкадан.

* * *

Кимсасизлик пучмоғида ёлғузча,
Ўгай она таёғи-ла сурилган.
Йўқсул, ўксуз қизлардай
Инграб, инглаб, оқиб турған бир сойининг
Қирғонида ўсан ўксуз бир оғоч
Кўргач, шунинг кўлласига сифинарсан...
Бироқ, ишон — шу ҳолларнинг барчаси
Эрта, индин бутун-бутун йўқолар.
Олдимизни тўғсан булат парчаси
Кучли бир ел кўргач турмас, йиртилар.
Умид гули бизим учун ҳам туғар:
Қайғурмагил, сира, эй ҳақ туйғуси!

ИШҚИМИНИНГ ТАРИХИ

(...га)

Кўб кунлар сендан узоқда мей ёлғиз ўртана қолдим,
Ёғдиридим икки кўзимдан ёмғурдек қонли оловлар.
Енмишди кўнглим ўти-ла тек сендан ўзга тиловлар,
Ишқингнинг қайғуларини жон янглиғ бағрима солдим...
Лекин сен, эй, юрагимнинг бирдан-бир севгили ёри,
Кўркамлик боғчаларингда сезмасдан қайғуларимни
булбўлдек сайраб учардинг.
Кўкларнинг хонига ўхшаб, кимларнинг ўртанганини

Билмасдан ердагиларнинг дунёсин нақ ёритардинг.
Қолдиқча бўйла хабарсиз ишқимдан, жон чечагим, сен
Кўнглимнинг туйғулари-ла шоирлик сезгуларимни
Бу йўлдан ўтга солардинг,
Бир қўлдан ерга ураддинг
Ҳам йўқ этардинг фикримнинг тўплаганини.
Тун-кунлар йиғлаганимнинг асири бўлса керакким,
Сен энг сўнг менга ёндошдинг, руҳимни ўйната қўйдинг.
Чексиз бир тонг чироғи-ла сургунлаб кечаларимни,
Юлдузли йўлларни бирдан шеъримнинг олдига очдинг...

ЯНА ЕНДИМ

Юрагимнинг қалин, қизғин олови-ла қайнаған
Кўз ёшларим! Қайдасиз?!
Куним каби узун, қора шу кечада кутиб мен
Эришмадим сира сизга... Нега бўйла қочасиз?!
Нечун мени сабабсизча унутдингиз — айтингиз?
Утинамен... ялинамен, қочмангиз — қайтнингиз!
Яна бутун борлиғимнинг негизлари емирилди,
Умидимнинг кўп чидамли тераклари йиқилди,
Хаёлимнинг totли, чучук соатлари бутунлай
Узоқлашиб кетди мендан..! Тўсиб турар йўлимни
Умидсизлик қайғулари тонги отмас бир тундай,
Ўлим даҳи қутқарғали келиб тутмас қўлимни.
Кеча унинг нур тенгизи бўлған гўзал манглайи
Толғаланмиш кўргач мен..
Ер юзида борлиғимни кўрсатмакдан уялдим.
Ютдим бутун қайғуларнинг, мотамларнинг огусини.
Жон тортғуси бўлған кўзи оғир, нозли сузиларди,
Бир оз бурун чоғир пичкаи париларға ўхшарди.
Билмам нечун ўйларди..!
Қаъба узра айланғувчи кўғарчиндек* юрагим,
Соатларча шул кўзларнинг теграсида айланди.
Бироқ у.
Менга сира боқмади.
Йингладим,
Қулдим,
Ялиндим —
Тушундим:
Биртаси ҳам мизожига ёқмади.
Йиғла, бир оз ўқсузланган тилагим:
Мен ҳам сендай баҳтсизликка тутундим,
Умидсизлик ора тушиб йўқсул жоним ўртанди.

НЕГА БҮЙЛА?

Сен келгач...
Шеърим учун
Қизил гуллар тўшалган,
Юлдузлар-ла безалган
Энг кенг бир йўл очилди.

Сен келгач,
Кўнглумни
Қайғулар-ла, мотамлар-ла ўранған
Кора қалин пардалари
Ииртилди.

Сен келгач,
Хаёлим
Умид, армон чечаклари очилган
Учмоқ каби боғчаларда булбулдек
Сайраб юрди.

Бироқ сен
Ишқингдан
Кеча-кундуз ёниб турган кўнглиминг
Дардини
Ҳеч сезмасдан кула-кула туар-да
Ёнар бутун борлигим... нега бўйла?!

ШОИР

Букун йиглаб ўтирмишдим, сен келдинг,
Бир шоирнинг бир «сўзи»ни сўзладинг,
Мен у сўзниг руҳингдаги изларин
Сенинг гўзал кўзларинингда ўқидим.
Уқидуқча, у издан
Ўзим учун кўб умидлар тўқидим.
— Умидсизча яшай олмам, нетайин.
Эмиш... Шоир севгилисига ёзған
Бир ёзувда қайғуларини тўкмиш,
Сўзларининг энг охирида ондан
Руҳи учун бир оз кўмак истамиш.

Биласанми? Шоир ишқининг энг нозли,
Эрка, инжиқ ёғудисидир, туролмас
Маъшуқидан кўрмаганча кулушли,
Марҳаматли, чин сезгули бир кўмак,

Мана шудир унинг учун бор тилак.
Шоир
Табиатдан сирли, теран маънодар,
Тириклик-чун очиқ, тўғри, чин йўллар
Излар — топар, ўзи учун сақламас.
Унларни
Ёз гулининг япроғидан тўқилган
«Сўз»лар илан ўраб бизга топширас.
Шоир
Ишқ боғининг тентак, сингирли, ёнгани,
Булбулидир. Башарият дунёсин
Кичик, нозли қаноти узра қўяр,
Қўклар сари юксалткали талпинар.
Мана|шунинг ўксуз, йўқсул кўнглуни
Қўттармак-чун, гўзалларга тегишидир.
Ким озғина қарағайлар, кулгайлар
Инграб турган жонини
Қўллағайлар, бир оз кўмак эткайлар.

БЕҲБУДИЙНИНГ САҒАНАСИН ИЗЛАДИМ

Чўкмишди ер узра олам тўсуғи,
Ўксузлик бойқуши қанот қоқарди.
Ботувда қизарив турған булатдан
Эзилған кўнглима мотам ёғарди.
Ҳақсизлиқ шаҳрининг қон ҳидли ели
Армоним гулидан бир япроқ узуб,
Баҳорсиз чўлларга совуриб қўйди.
Ул нозли яирофим сўлиб, сарғайиб,
Йўқсул қолғанлардай ҳар ён югурди.
Золимлар, мазлумлар, зулумларнинг-да,
Қайғулар, аламлар, ўлумларнинг-да
Барига учради, барчасин кўрли,
Ўз йўқотқонин излади, сўрди.
Бир дарак тоимағач, бирдан бир тикилди.
Бор кучин тўплади.
Золимнинг тахтини титратган бир товуш
Кичқириди:
— Отамнинг қабрини қай ерга ёшурдинг?!
Бот сўйла!...
Кирли тож кўб қўрқди ботур|товшидан,
Сесканиб, титраб... ёшрунди
Бир жавоб бермасдан.

ПАРЧА

Ур, ур!.. Сенинг тирноқларинг нозли, нозли урдиқча*,
Юрагимнинг битиб қолган яралари очилсун!
Чолғи қили сенинг нозли тирноғинг-ла титраркан,
Умидимни қоплаб турган қора булут йиртилсун!

ҮГҮТ ↗

Оғир йигит, сенинг гўзал, нурли кўзингда
Бу миллатнинг саодатин, баҳтин ўқудим.
Ўйлашингда, туришингда ҳамда ўзунгда
Бу юрт учун қутулишнинг борлиғин*кўрдим.

Турма — югур, тинма — тириш, букилма — юксал,
Ҳуркма — кириш, қўрқма — ёпиш, йўрилма* —
қўзғал.
Ел йўлини тўсиб турган эски булутларни
Ёндириб қўй, йиртиб ташла, барчасин йўқ эт.
Қилолмасанг шу ишларни,
Сенинг учун хўрликдир бу...
Инқил, йўқол, кет!

ШАРҚ

Қардошларим, мана сизга бир ўлка
Ким, топилмас ер юзида сингари.
Ҳар ёнида кенг, ям-яшил учмоҳлар
Жон сувиндан етишкандир гуллари...
Оғочлари яшил кийимлар кийган
Эврилишар топинғали тангрига.

Оғир, юксак, қўрқам, ҳайбатли тоғлар
Унгдан,
Сўлдан...
Ҳар ёндан
Ҳақ йўлида урушғучи аскардек,
Ясов тортиб, қўкрак кериб юксалган
Кўқдан даҳи ўз ҳаққини истардек.

Тенгиzlардан қанот очиб табиат
Қучоқламиш бу севгили ёвдусин.
Тангри даҳи муздан, сувдан ҳам тоғдан
Қуршатмишдир қўроғон қилиб теграсин —
Ким, ёввойи бир ҳайвон

Суқуб қолмасун мунга
Йиртқич тишин, тирноғин.

Бунда турди ҳар улуснинг ҳар саси,
Бутхонаси, ўт уяси, каъбаси,
Ҳам мунда ўқ яшади.
Бироқ бу кун, эсизларким, бу ўлка
Ҳар томондан таланишишдир йўлсизча,
Маданият деган гарбли олбости.
Боқинг, бунинг кўкрагидан ўқ босди.

Қуш боқиши-ла қарангиз,
Бунда бу кун нелар бор:
Ўтлар аро ёниб турған қишлоқлар,
Хирмон бўлиб ётған гавдалар жонсиз,
Оқмоқдадир қизил қондан ариқлар,
Тинч турғанлар талаандир омонсиз.
Тўрт-беш яшар бир боланинг бошини,
Боқинг, кескин қилич билан кесмишлар,
Инглаб турған онасининг бўйниға
Бир ип билан осмишлар!...
Янгигина келин бўлған бир қизининг
Кўкрагини эри бўлган йигитнинг
Жонсиз ётған гавдаси узра қўйуб
Найза билан тешмишлар!...
Хотилиларнинг пардаси,
Болаларнинг юраги,
Қариларнинг гавдаси,
Йиртилган,
Ерилган,
Эзилган!...

Ким берган,
Бу ўғурли* ўлкага бунча ўтни?
Ким тўккан
Бу муқаддас ишга бунча қонни?!
Билмайсиэми?!

ТҮПЛАМГА КИРМАГАН ШЕҶРЛАР

ЎҚИТГУВЧИЛАР ЮРТИГА

Орқадошлар, тўпланайлик жаҳлнинг уйин йиққали,
Эл кўзин олған қоронғу пардаларни йирткали.
Биз эрурмиз маърифат арслонлари, илм эрлари,
Тўпланайлик, турк элиға тўғри йўллар очқали.

Эллари маҳвдан қутқаран илм әрур,
Бизлари ҳам бу кундан ўзи қутқарур.

Биз әрурмиэ элнинг инсонлик қонин қайнатғучи,
Түрк арслонин ўринсиз уйқудан уйғотғучи.
Маърифат байроби остиға йиғилдик барчамиэ —
Ким, бизи отганлара ҳақ йўлларин кўрсаткучи...

Эллари маҳвдан қутқаран илм әрур,
Бизлари ҳам бу кундан ўзи қутқарур.

Ҳайданг, ўртоқ, қутқарайлек жаҳлдан Туронлари,
Ёрутайлик маърифат нури-ла Туркистонлари,
Илм ўчоғида етишкан эр-йигитлар, тўпланинг!
Қочирайлик жаҳл урдусин*, очайлик онгларий...

Эллари маҳвдан қутқаран илм әрур,
Бизлари ҳам бу кундан ўзи қутқарур.

ҚОР

Кучсиз, титроқ, оппоқ, кичик томчилар,
Турмай, тинмай тупроқ уза ёғадир.
Ел бизларни, билмам, нечун қамчилар?!
Кўкларда ҳам аёзликдан оқарған
Бир кўз бормиким, ёши
Бизнинг алам, ўлим билан сугорилган
Еримизнинг кўчигига оқадир.
Бу кичкина, ўксуз, оппоқ бебаклар,
Уча-уча етмай қолған тилаклар
Эскан слнинг қўллариға ўзини
Ташлаб қўяр, борлиғини унтар.
Ҳеч узмайин юқоридан кўзини
Титраб-титраб қора ер узра тушар!
Тушгач, бутун тушканлардай топталар...
Теккан ерин билмай босған оёқлар,
Пичраталар бунинг оппоқ бетини.
Босған изин кўрмай ўтган туёқлар,
Топтаб-топтаб, оҳ... айттолмам кетини...
Яна бир кун кўк кўкрагини очиб,
Кула-кула бунлар сари боқғанда,
Яна бир кун қизлар каби табнат.
Кулоғига олтин ҳалқа тақғанда,
Бунлар бутун пичроқлардан айрилиб
Кўклар сари қараб учиб кетадир.

Яна учиш, яна ўйин, яна эрк,
Оҳ... у кунлар!...
Шўр сувлардан чиқиб келган бу маймун,
Тулки, илон, шайтон, алдовчи малъун**
Англизлар!...
Ҳамда унинг қўйруғини тутканлар!

МЕНИНГ КЕЧАМ

Кеч бўлди, тиниб битди товушлар,
сўнди бутун уйларда чироғлар,
тебранмади ер узра оёғлар,
зулмат яна ҳар ён оқа қолдӣ.

Толпинмади, сайрашмади қушлар,
жимжиткина инга кирди,
бошини солди кейинга,
сўлғун қаноти остиға олди.
Учмоқ, яшамоқ қайғуларига
«чиқ» деб ўзини уйқуға солди,
ҳар дарди йўқолди.
Кўклар сари чаққон кўтарилиган
тоғ гавдали уйлар,
қўнуқлар,
саройлар
айрилди бутун дабдабасиндан,
бир қоп-қора ҳайкал тусин олди.
Куидуз сакиз-ўн ёққа юргран,
чолган,
йиқилишған,
яна турган,
ўнг, сўл уни тенкан, буни...
инсон-да ётиб уйқуға толди!
Сўлғун, қора, турғун дема. Кўрдим
мунгли кечанинг мунгли чоғинда,
кўб мунгли уйимнинг қироғинда
ёлғуз ики нарса ёндош-да:
бири шамъим,
бири...
кўнглим!
Бошқа ҳама тинч, жим,
ўчлаб узонишда.
Шундай кечаларни севаман мен,
бунда югуриш йўқ,
сўргилуш йўқ.

Юрмоқ-да, олдамоқ-да кўрулмас;
ёлғуз кўруниш,
сохта кулиш йўқ.
Ев шакли кўзимдан кўб узоқда.
Дўстлар эса ўндан-да йироқда.
Шундай кечадан ўргуламан мени!

* * *

Гўзалим, бевафо гулистоним,
Боғ умримда тозарайхоним,
Фаму қайгуларим ҳужуминдан
Сен эдинг меҳрибон нигаҳбоним.

Мени беҳуда ташладинг-кетдинг,
Нега ўлдирмадинг-да тарк этдинг.

Кел, гулим, кел, аёқингға йиқилай,
Бир замон қўй: тўлиб-тошиб йиғлай.
Қўй, бир оз қўйки, хоки пойинигни
Сурмадек ёшли кўзума сурай.

Кетма, тур, тингла арзи ҳолимни,
Арз этай ҳоли пурмалолимни.

Қани ул дамки, сен эдинг ёrim,
Мунисим, ҳамдамим, мададкорим.
Сенинг оғуши илтифотингда
Роҳат этмишди жисми беморим.

Мени беҳуда ташладинг-кетдинг,
Нега ўлдирмадинг-да тарк этдинг.

Кел, аёқингға қон бўлуб тўкулай,
Бир нафас дард-ҳажрдан қутулай.
Кел, гўзал дилбарим, кел, сочинигни
Бир тарай, бир ўпай-да, сўнгра...

Мени беҳуда ташладинг-кетдинг,
Нега ўлдирмадинг-да тарк этдинг.

НАСРИЙ АСАРЛАР

ҲИНДИСТОНДА БИР ФАРАНГИ ИЛА БУХОРОЛИ МУДАРРИС- НИНГ ЖАДИД МАКТАБЛАРИ ХУСУСИНДА ҚИЛҒАН МУНОЗАРАСИ

МУҚАДДИМА

Бухоронинг нажиб¹ миллати бўлған ватандошларим, бирмунча вақтдан бери жадид ва қадим ўртасида ихтилоф чиққани баъзи миллат хоинларининг хато ва фасодларидан бошқа нарса эмасдир. Муқаддас ватанимизни парчалаб, унинг аҳли жамоасини жадид ва қадим унвонлари остида икки фирқага ажратиб, уларнинг бирини иккинчисига душман қилиб қўйдилар.

Хор ва хароблигимизнинг асосий сабаби мусулмонлардан эмас, балки ўша маънисиз ихтилофдан экани маълум бўлди. Бинобарин, ҳар ким ўзини дини мубини исломнинг² хизматида билса, уйимизни бузғучи бу ихтилофни биз — бухоролилар орасидан кўтаришга ҳаракат қилсин.

Банда ҳам бу маслаки муқаддаснинг солиқларидан³ бири бўлгани ҳолда, шу кунларда бир ҳикоят ёздимки, бу бухороли бир мударриснинг Ҳажфа бора туриб, Ҳиндистонда бир фарангি ила усули жадида ҳам усули қадим хусусинда қилған мунозараси бўлиб, мазкур ҳикоят ушбу масалани тугал ҳал қилғандир.

Шояд бир рисола суратида ва бухоролиларнинг суҳбати тарзида тартиб қилиб, нашр қилмоқни истаганим шу васила ила муҳтарам ватандошларим масъаланинг ҳақиқатидан огоҳ топиб, ўртадаги ихтилофларни тарк қилиб, ҳаммалари иттифоқ билан ҳидоят йўлига қадам қўйсалар.

Бухороли Абдурауф Фитрат.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Фарангি: Аҳволингиз қандай?

Мударрис: Алҳамдулиллоҳ, ала кулли ҳол⁴.

Фарангি: Жаюб, сиз қаерликсиз?

Мударрис: Аҳли Бухоройи шариф.

Фарангি: Қаерга кетяпсиз?

Мударрис: Байтуллоҳга.

Фарангি: Бухорода нима иш қилар эдингиз?

Мударрис: Мен илм аҳлиданман, мударрислик қилар эдим.

Фарangi: Бухоро қандай жой?

Мударрис: Бухорий шариф катта шаҳар, кўбутрли илмларнинг маркази ҳам ширин-шарбат меваларнинг манбай.

Фарangi: Бухоро шарифлигининг боиси илмларнинг кўблигиданми ё меваларининг сероблигиданми?

Мударрис: Мен буларнинг ҳар иккаласини ҳам Бухоронинг шарифлигини кўрсатувчи мустақил сабаблардан, деб биламан.

Фарangi: Бир жойнинг шарифлигига меваларининг кўблиги сабаб ўлмас?

Мударрис: Кўб яхши. Сиз илмларнинг кўблигини Бухоронинг шарифлигига сабаб деб билинг.

Фарangi: Тузук. Аммо бир мулкнинг илм қувватини билмак, у ердаги уламолар сонини билмакка боғлиқдир. Бас, марҳамат қилиб айтинг-чи, Бухоронинг жами аҳолиси қанча?

Мударрис: Биродар! Мен бир банд одам бўлсан, Бухоронинг қайси кўчаларида юриб, унинг садмларини санабман!?

Фарangi: Йўқ, йўқ асло! Мен бундай деб таклиф қилсан, магар Сизнинг юртингизда жуғрофиё ўқимайларми?

Мударрис: Мен бир мударрис бўлсан, кечалари китоб кўраман, қундузлари дарс айтаман. Қачон қўлим тегибдикни, мундай ҳикоят китобларини ўқисам. Мундай китоблар Бухорода йўқ. Бўлганда ҳам қиссаҳонлик қурадиган бойларнинг уйларида бўлади.

Фарangi: Жуғрофиё ҳикоят китоби эмас, илмий китобдир. Жуда фойдали, бир неча қисмдан иборат. Унинг бир қисмини «истотистик»⁵ атайдилар: мунда ҳар мамлакатнинг аҳолиси баён қилинади. Масъаладан узоқлашдик. Сиз билмас экансиз, мен арз қилсан, Бухоронинг илгарилари ҳам ўн милийни аҳолиси бор эди. Ҳозир унинг саккиз милийни рустасарруфида қолди. Икки милийни, эҳтимол, ундан камрорги (ўз ҳудудида) сақланган. Бу ҳисобдан етмани минг нафари шаҳар ичида-дир, қолғанлари унинг теграсинда. Энди марҳамат қилиб айтинг-чи, бу икки милийн одамнинг ҳаммаси ҳам илмлими ё йўқ?

Мударрис: Пўқ, ҳаммасининг илмли бўлиши мумкин эмас. Агар ҳаммаси олим бўлиб кетса, бошқа ишлар эгасиз қолади.

Фарangi: Уларнинг ярми илмлими?

Мударрис: Йўқ.

Ф а р а н г и: Тўртдан бири илмлими?

М у д а р р и с: Йўқ, ўшал етмиш минг шаҳрийдан бошқаси илмдан бебаҳра авомдир.

Ф а р а н г и: Бу авомнинг зарурий хат-саводи борми?

М у д а р р и с: Э,вой! Биз уларни одам ҳисобламаймиз. Мендан етмиш минг шаҳрийни сўранг.

Ф а р а н г и: Уша етмиш минг шаҳрийни ҳаммаси илмдан баҳрамандми?

М у д а р р и с: Йўқ.

Ф а р а н г и: Уларнинг ярми илмлими?

М у д а р р и с: Йўқ. Бухоро аҳволи илмияснинг тафсили йўқдир. У ерда турли синфлар мавжуд. Масалан, савдогарлар синфи, саррофлар гуруҳи, чойфурушлар фирмаси, баъзиси мешкоб, такасалтанг, бир дастаси бекорчи ва илмиллар жамоаси.

Ф а р а н г и: Айтишингиздан бу етмиш минг нафар, йигирма синфга бўлуниб, булардан бир қисми илм аҳли бўлса керак?

М у д а р р и с: Боракаллоҳ.

Ф а р а н г и: Бас, бу ўн тўққиз қисмнинг етарли хат-саводи борми ё йўқ?

М у д а р р и с: Ҳаммалари эмас, лекин уларнинг озроқ қисми, алҳамдулиллоҳ, хат-саводга эга.

Ф а р а н г и: Илтимос қиласман, ҳазил қилмай, тўғри жавоб беринг.

М у д а р р и с: Ҳар нима деган бўлсам, ҳаққи рост, тўғри сўздир. Ҳазил эмас.

Ф а р а н г и: Ажабо! Бундай фармойишлардан мурод не? Бухоро илм маркази бўлса ва айни пайтда, бунчалик илмсизлик не демак? Узун соқолли кўса, обод бўлмаган жаннат, дейишдан қандай маъни бор? Бу исемсиз исемдан нима фойда?⁶ Дунёда шундай юрт бор-минки, унинг подшоҳи ва раияти⁷ бир динда бўлатуриб, унинг аҳолиси ўз динининг зарурий аҳкомларидан беҳабар ва маҳрум бўлсалар? Ҳиндистон ва Миср маълум муддатдан бери бизнинг тасаруфимиздадир⁸. Биз Сизнинг диннингизнинг душмани бўлсак-да, у ерликларнинг орасида илмсизлик тутул, саводсизлик кўринмайди.

Бухоронинг бечора мардумлари, дунёнинг иззати ва охиратининг шарафи бўлған илмдан ҳам маҳрум қолғанлар. Оқибат бу илмсиз ҳаётнинг ҳосили минг турли тубанликдирки, бундан қандай қаноат ҳосил қилиш мумкин?

Жаноби мударрис! Аввал айтганингиздек, «Агар

ҳамма одам таҳсили илмға рағбат қылсалар, бошқа ишлар эгасиз қолади», деган ақиданғиз шуми? Ҳамонки, Сизнинг ақиданғиз шу бўлса, бошқа ватандошларингизнинг ақидалари қандай?

Мударрис: Ҳа, менинг ақидам шудир. Юртдошлирим ҳам шу ақидага шерикдирлар. Агар ҳамма кишилар илм таҳсили билан банд бўлсалар, бошқа касбу корлар қолиб кетиб, дунё ҳароб бўлар.

Фаранг: Сизнинг ва юртдошлиарингизнинг бу ақидаси ботилдири⁹.

Мударрис: Нега?

Фаранг: Шунинг учундирки, агар илмга рағбат дунё ҳароблиги ва баъзи ишларнинг эгасиз қолишиға сабаб бўлса, Пайғамбарингиз «Утлуб-ул илма ва лав би-с-син», «Утлуб-ул илма мин-ал-маҳди ила-л-лаҳади», «Ал'илму иззуд-дунйа ва шараф-ул-аҳираҳ», яъни «Илмни Чиндан бўлса ҳам изланг», «Бешикдан қабргача илм изланг», «Илм дунёнинг иззати ва охиратининг шарафидир» ҳикматлари билан ўзининг барча умматларини илм таҳсилиға даъват этмаган бўлар эди. Бинобарин, Бухоро ишлари шу қадар жаҳолатга ботганки, аҳоли илмли бўлғанидан кейингина тартибга тушади: «Ҳал ястав ал-лазина йа-ламуна ва-л-лазина ла йааламун», яъни «Билганлар билан билмаганлар баробарми?» Таассуфки, Сиз мусулмонлар тоифаси Қуръон ва Ҳадиснинг маъноларидан жуда йироқлашиб кетгансиз. Шу алфоз билан Қуръонни ўқиб, савобини фақат ота-соналарингиз руҳига бағишлаб ўрганиб қолгансиз. Бошқача фикр қилмайсизки, бу муборак мажмуа (Қуръони карим)ни Ҳазрати Ҳакими Азал (Аллоҳ) ўзининг буюк фариштаси орқали оламнинг оқиллариға бекорга жўнатмаган эди.

Албатта, бунинг асрори бордирки, бунга диққат қилишимиз керак. У (Аллоҳ)нинг амрларини амалда қўллайлик, унинг таъқиқларидан сақланайлик. Биз фарангилар динингизнинг душмани эсак-да, диний хусуматларимиз тақозо қилганидек, Қуръон ва Ҳадисларингизни куйдириш ўрнига, улардан ўз манфаатимиз нуқтан назаридан фойдаланмоққа, чанқогимизни қондирмоққа ўргандик. Унинг амрларини амалга оширдик ва фавқулодда тараққиётга эришдик. Ва сизлар гафлатда қолиб, Қуръоннинг саодатли ҳукмларидан ҳамда ҳикматли хабарларидан баҳра ололмай, таназзул тубига тушдингиз.

Агар икки юз йил аввал, ушбу минг нафар мусулмон

Қуръон ва Ҳадис ҳикматларига эга бўлсалар эди, ҳозир йигирмата ислом мамлакатидан ўн саккизи қўлдан кетмаган бўлур эди. Балки бизда кўриб, таажжубга тушиётганингиз, нуқсонсиз зийнатимиз бўлган тараққиёт дастгоҳини ҳам Сизда кўргай бўлур эдик.

Энди, марҳамат қилинг-чи, Сизнинг илм толибларингиз қандай ва қайси илмлардан таҳсил кўрадилар?

Мударрис: Болалар мактабни тугатган вақтларида...

Фарангি: Тақсир, мени кечирадилар, мактаб нима? Болалар у ерда нима қиласидилар ва неча йил ўқиш бўлади?

Мударрис: Ҳа, воқеан, мактаб кўрмаган кишилар хийла беақл бўладилар. «Алҳамдулиллоҳи 'ала динал-ислом».

Фарангি: Илтимос қиласман, бу сўзларни қўйиб турайлик. Айтинг-чи, Сиз у ерда ўқиб ақлли бўлган ва мен уни кўрмай беақл қолган мактаб қандай нарсадир.

Мударрис: Мактаб шундай жойдирки, бир муаллими бор, уни «мактабдор» дейдилар, болалар у ерда етти йилдан то ўн йилгача зарурий ҳат-саводларини чиқарунга қадар қиласидилар, ундан кейин хоҳишлинига қараб мадрасага бориб, дарс ўқий бошлайдилар.

Фарангি: Неча йил дарс ўқийдилар?

Мударрис: Йигирма йил, йилига олти ойдан.

Фарангি: Нега олти ой ўқийдилар? Қолған олти ойда нима қиласидилар?

Мударрис: Қолған олти ойда қишлоқларға бориб, имомгарчиллик қилиб, ифтитоҳ¹⁰ сарфи учун пул топадилар.

Фарангি: Энди мушкулимиз иккита бўлди. Ифтитоҳ пули нимадир?

Мударрис: Муллабаччалар таҳсилнинг биринчи йилида, иккичи таҳсил йилида ўқилини лозим бўлган китоблардан дарс бўшиламоқ учун, ҳар ким қурби етганча, масалан, йигирма тангадан беш юз тангагача тўплаб, устоз ҳазратларига етказадилар.

Фарангি: Энди тушундим, магар бу ҳазрати устозлар ўз вазифалари учун моянага эга эмаслар?

Мударрис: Эгадирлар.

Фарангি: Қанчадан вазифалини (моянаси) бор?

Мударрис: Уламоларимиздан биринчи даражали бўлған охунд йигирма беш минг танга вақфи муқарар, агар у яхшироқ олим бўлса, яна «муҳр»¹¹дан ўн минг танга ҳам оладир.

Фаранги: Сизнинг бу тафсилингиз, менинг назаримда, гоят ажибdir. Аммо, кейинги иккинчи фикрингиз ундан ҳам ажиброқ. Биринчиси шуки, шундай яхши мартабага эришган бўлса-ю, яхши олим бўлмаслиги ҳам мумкини? Иккинчидан, «муҳрдан ҳам ўн минг танга», дедингиз. Бу қандай маънога эга? Сизнинг юрtingизда «муҳр» қандай қилиб пул беради?

Мударрис: Биродар, Сиз худди даштда катта бўлган одамга ўхшайсиз. Дунёнинг йўлини ҳам, расмини ҳам билмас экансиз. Бухорода муоҳаз¹², яъни охундлик, уламолик, муфтилик, мударислик мартабалари жаноб олий ҳазрати амир томонидан қози калон воситаси-ла берилур. Шу тариқаки, мазкур қози калон кимники бир муоҳазлиққа лойиқ топса, амирга арз қилади, вақтики, унинг номига ёрлиқ келади.

Фаранги: Қози калон ҳар кимнинг лаёқатиға қараб үни муоҳазлиққа арз қиладиган бўлса, илмсиз киши охундлик мансабига қай тариқа эришади?

Мударрис: Нотўғри тушундингиз. Ҳар кимни лойиқ кўрсалар-да, ҳар кимнинг лаёқатли бўлиши (шарт) эмас.

Фаранги: Бас, илмсиз кишини қандай ва қайси виждон билан охундлиққа лойиқ кўрадилар?

Мударрис: (Эй худо, сўз пардадан чиқиб кетди, сир фош бўлди.) Биродар, жаноб қози калон ҳазратлари улуғ шахс бўлиб, олим ва уламоларнинг раҳбаридирлар. Ва шу билан бирга, ҳазрат Подшоҳнинг ишончига сазовордирлар. Кимники, қандай вазифага лойиқ кўрсалар, нега у кас(нинг номзоди) қабул этилмас экан!?

Фаранги: Тушундим, аммо, мен айтаманки, агар у жаноб уламоларнинг раҳбари бўлса ҳам, «Ал-уламау умаани-уллаҳ»^{*} ҳукмича, илоҳий даргоҳнинг ишончли улугларидан бўлсалар, қайси виждон, қайси диёнат, қайси илм ва қайси мусулмонлиққа кўра илмсиз шахсни уламоликнинг хос мансабига лойиқ кўрадилар?

Мударрис: Яъни, кимки кўброқ хушомад қилса, ҳар куни уч маротаба уларнинг ҳузурлариға бориб, руку¹³, таъзим, балки сажда қилишни жойига қўйса, у вақтда қози калон унга қараб соқолини ликиллатиб, калласини силкитиб табассум қиладилар, бундан маълум бўладики, унинг номини манофиқлар¹⁴ дафтариға ёзадилар, бундан икки-уч кундан кейингина унинг но-

* Ҳадиси шарифдан: Олимлар Аллоҳнинг ишонганиларидир.

мига ёрлиқ келади ва у кишининг агар бахти чопса, мударрис ё муфти бўлади.

Фарангиги: Бу бечора Бухоронинг хароблиқ сабабларидан бириди. Аллоҳ даргоҳининг ишончли улуғларидан бўлган зот шу тариқа иожӯя ҳаракат билан хиёнат қилса, ўзгаларнинг ҳоли не кечади? Суҳбатимиз шу тарзда давом этса, Сиздан жуда ажаб маълумотлар олсан керак. Энди, марҳамат қилиб айтинг-чи, муҳрининг пул бериши қандай бўлади?

Мударрис: Ҳой, бечора фараангиги, илминг йўқ; билмайсанки, муҳр пули жомаддир¹⁵. Жомад қобили иштиқоқ, яъни ишлаб чиқарилган нарса эмас, муҳр кишига пул бермайдир.

Аммо бир киши бир шаръий масъалага дуч келиб қолса, фатво берувчининг олдига боради, таҳрир этилиши жойиз масъаланинг ҳал этилиши йўллариниундан сўрайди. Муфти масъаланинг аҳамиятиға қараб, икки тангадан беш юз тангагача пул олиб, муҳрини босиб берадир.

Фарангиги: Бай, бай, бай! Бу нечук мусулмонлиқ!! Бу қандай диёнат!!! Воқеан, мусулмонларниң ўз шариатларини шунчалар таҳқирлашлари олдида биздан қўрқиб кутаётган заллат (адаиш)лари ҳеч нарса эмас экан.

Мударрис: Ажаб содда одам экансан. Наҳот ўйламайсанки, фатвохон муфтилар халқ ривоятларига «фи сабиллаҳ»¹⁶ муҳр босиб берсалар? Бу қандай бесдоблиқ?! Агар бир муфти бир шаръий масъалани текин муҳрласа, шариатни таҳқирлаған бўлади. Шариатни таҳқирлаш эса куфрdir. Бас, у муфти кофир бўлади.

Фарангиги: Бу таҳқиқотингииздан менинг ҳам кулгум, ҳам йиғлагум келади. Пайғамбарингиз буюрганларки: «Уламау уммати ка'анбийа-и бани Йероил»* ва «Ал-уламау варосатул-анбийа»**. Қайси тарихда кўрдингизки, бани Йероил Пайғамбарларидан бири илоҳий аҳкомларнинг ҳукми учун пул олғанини ва ё кимдан эшиздингизки, Қуръони карим ҳикматлари оят-оят бўлиб, халқ зарурати учун Пайғамбарнигизга нозил бўлган вақтларида у жаноб таблиғ¹⁷ қилаётib пул талаб қилғанини? Булар бўлса «Варосатул-анбийа» ва

* Ҳадиси шарифдан: Менинг олимларим батъян хусусиятларда бани Йероил Пайғамбарларига ўхшайди.

** Олимлар пайғамбарларниң ворислари дурлар.

«Қа' анбийа'-и бани Исронл»ни ўқиб ҳам пул олишни лозим қўрсалар. Жаноб! Пайғамбарингиз бу Ҳадисларни сизларнинг мажлис қуриб, тўрга чиқиб ўтиришинингиз учун айтмаган. Бинобарни, унинг матлуби шул эдикни, уламолар ҳам Пайғамбар авторини ўзига маслак тутиб, дарсфурӯшилик, фатвофурӯшилик, бошқача ибора билан айтганда, шариатфурӯшиликдан сақлансанлар. Токи, Сиз уламолар ҳавоёни нафса мафтун бўлиб, мусулмончиликнинг мақсадларига хилоф тарзда ҳаракат қилингизлар.

Мударрис: Чой совуди, Сиз жуда ғавғочи экан siz.

Фарангি: Дарвоқе, матлабдан узоқлашдик. Хўб, боя айтаётганингиздек, жаноб охундининг ифтитоҳ чулидан ташқари ўттиз беш минг танга кирими бор экан. Энди марҳамат қилиб айтинг-чи, бошқа уламоларнинг киримлари қанча?

Мударрис: Яна бошқа бир мартаба борки, бу охундлик мартабасидан кичикроқдир, лекин даромади охундникидан кўброқ.

Фарангি: У қандайдир?

Мударрис: Аъламлик.

Фарангি: Аъламликнинг ҳам тафсили киримини баён қилсангиз?

Мударрис: Жаноби мустатоби қудувватул-уламо (уламоларнинг олий мартабали раҳбари) ул-аълам ўз мадрасасидан ўттиз минг танга, муҳрона ва бошқа даромад жойларидан йигирма минг танга, жузкашликтади¹⁸ ўн икки минг танга олади.

Фарангি: Жузкашликни тушунмадим?

Мударрис: Ҳа, Сиз мадраса кўрмагансиз. Бунинг маъносини билиш учун мадрасага бормоқ ва дарс ўқимоқ лозимдир.

Фарангি: Илтимос қиласман, менга ҳам тушуни тирангиз.

Мударрис: Номи мадраса бўлиб, у ерда аълам дарс айтади, уни Говкушон¹⁹ дейдилар. Ул мадрасада бир киши муайян маблагни вақф қилған, жаноби аълам ул маблагни муллабаччаларга улашиб беради ва вақф қилғучининг фармойишинга кўра, икки минг тангани ўзи олиб қолади.

Фарангি: Бу сўзингиздан маълум бўладики, жузкашликтан икки минг танга олар экан, нега ўн икки минг танга дедингиз?

Мударрис (бир оз ўйлаб олгандан сўнг): Қолған ўн минг тангани муллабаччалар ўзлари...

Фарангি (сўзини кесиб): Жаноби мударрис! Зоти Воҳидга²⁰ қасам бераманки, менга тўғрисини айтинг. Негаки, каминанинг бу сўроғлардан ҳеч гаразим йўқ.Faқат азбаройи қизиққанимдан, бу умумий томошахона бўлган Бухоронинг аҳволидан маълумот олмоқчиман, холос.

Мударрис: Мазкур ўн минг танганинг тафсили шуки, ул аъламнинг ўн саккиз жамоа шогирди бор. Ҳар жамоанинг бир каттаси борки, уни қорийи жамоа дейдилар. Жузкашликтининг тақсими пайтида қори ўз шерикларининг номларини ёзиб келиши лозим бўлиб, токи ҳазрати устоз шерикларининг ҳақларини ҳам унга топширадилар ва у (жамоа қориси) тақсим қиласди. Шу суратда аълам мазкур қорига буйруқ берниб айтадики, шерикларидан бир нечтасининг исмларини ортиқроқ ёзиб, тақсимдан ортган пулни устозининг хизмати учун (ортиқчароқ ёздиргани учун) унга қайтариб берсин.

Фарангি: Жаноби мударрис! Бошим айланиб кетди, қўрқаманки, бир ваҳшатни менга юклаб қўйдингиз ва илло қаттиқроқ айтаман: Бухоро уламоларининг бу иши қандайин ҳаракатки, магар булар Худодан қўрқмайдиларми, Пайғамбардан уёлмайдиларми?! Магар улар Худонинг расули ҳаром қилған нарсани ҳалол деб билсалар, бу хиёнат уларни ўз (жаҳаннам) қаъриға тортмайдирми? Бечора жамоа қорисини бу гуноҳ ва бенафъ ишга мажбур қилмоқлик, бошқача қилиб айтганда, уларни ҳидоят ва раҳнамолик ўрнига залолат ва гумроҳликнинг қоронғу тубига отмосқликдир. Ажабо, бу икки турли қора сифат эгалари Пайғамбарнинг ўринbosарлари даъвосини қилишдан шарм қилмайдиларми? Айтинг-чи, қолған муфтиларнинг мадоҳили²¹ қанча?

Мударрис: Қолған муфтилар мадраса ва муҳрдан олти минг тангадан то ўттиз минг тангагача оладилар.

Фарангি: Ҳар қайсларининг шунчадаи даромадлари бўлатуриб, улар яна нима учун бечора муллабаччаларга жабр қилиб, улардан пул оладилар ва у ғарифлар таътил пайтида ҳам шаҳарда қолиб дарсларини мукаммаллаштиришига нега йўл қўймайдилар?

Мударрис: Сиз ғалати одам экансиз. Сиз аҳли фарангига Бухоро муллабаччаларининг ғамини емай қўя қолинг. Бу дардлар билан нима ишингиз бор? Ҳазрати

домлалар кимнинг отасининг ҳаммоли ёки қайси бир муллабаччанинг опасининг эридирки, кечалари ухла-масдан бедор қолиб, китоб кўрсалар, кундузлари текин-га дарсгўйлик қилсалар?! Улар вақтида меҳнат қилиб, қанча машаққатларни ютиб, бу мартабага эришгацлар. Энди улар рози бўлмайдиларки, муллабаччаларга текиндан дарс беришга... Уларнинг бунга ҳақлари ҳам бор. Чунки бу замонда шундайки, бирон-бир киши ўз манфаатини ўйламасдан текинга жойидан қўзғалмайди.

Ф а р а н г и: Секинроқ сўзланг, сўзни ҳаддидан оширмангиз. Аввало, Сизнинг «бирон-бир киши ўз манфаатини ўйламасдан текинга жойидан қўзғалмайди», деган сўзингиз ботилдир. Зоро, бу замон маданият замонидир. Маданият деган муованат²², демакдир.

Тасаввур қилинг: Ниёзийбек, Анварбек Истанбул машрутаси²³ учун қилган меҳнатлари тараққийпарварлик бўлмай, нимадир? Эрон машрутасини сўраб чиқсан Сатторхон ва Боқирхоннинг²⁴ ўз жонини қўлларига олиб, ҳар тарафга югуришлари элнинг осойншалиги учун бўлмай, нима эди? Абдурашид Иброҳим Нўғай ўйидан ўн икки сўм ўрус пули билан чиқиб, ислом иттиҳодини таъсис қилиш учун то Чин ва Японияга қадар борди. Япониянинг пойтахти Токиода бир қанча аъёнларни мусулмон қилиб, бир ислом жамиятини тузди. Бунинг мақсади ислом динига фидойилик қилишдан бошқа нима эди? Ҳатто ҳайбатидан тоғлар ларзага келадиган баъзи япон вазирлари бўш вақтларини ўз раиятининг болаларига таълим беришга сарфлаб, яъни, Сиз айтишингизча, мактабдорлик қиладилар ва бунинг учун ҳеч кимдан ҳеч нарса олмайдилар, балки ўз харжларидан қолған қисмини бу йўлда сарф этадилар. Бугунги кунда насронийлар орасида ҳам шундай одамлар борки, улар фақат ўз манфаатлари йўлида юрмасдан, ботиний умумисоний иянятларини амалга оширишни лозим биладилар, бундай йўлда юргагиларни эса инсон санамайдилар. Энди, инсоф қилинг: «Хайрун наси маи йанфа' ун-нас», яъни «Инсонларнинг яхшиси инсонларга наф келтирувчилардир», деган Сизнинг Пайғамбарингиз. Сизнинг ўйларингиз қандаю ва Сиз коғир деб билганингиз бизнинг ақидамиз қандай экан? Бундаги тафовут қаердан қаергача? Ва бунга илова қилиб, у вақфдан оладиган пули отасининг ёки акасининг моли эмас, балки буни маърифатпарвар зоти қарамлар савоб ва Худо йўлида вақф қилиб қолдиргандарки, бирор олим бу ерга келиб, дарс айтиб, фақир

муллабаччалардан пул талаб қилмасин, деб. Шундай экан, агар ҳазрати уламолар текин дарс айтсалар, отасининг ҳаммоли ё поччасининг шогирдлари бўлиб қоладиларми? Йўқ! йўқ! Улар ўз ҳақларини олганлар, энди ифтилоҳ ҳақини олмасликлари лозим. Ё аксинча, вақф пулидан воз кечсингларки, уларниң иккисидан бири ҳаромдир. Марҳамат қилиб айтинг-чи, у «авсофи ҳамида» (мақталган сифатлар) қандай дарс ўтадилар ва мазлум муллабаччалар улардан нимани ўрганадилар?

Мударрис: Биринчи йили — «Аввали илм», «Биндон»²⁵.

Иккинчи йили — «Мўъзий, Занжоний»²⁶.

Учинчи йили — «Кофия»²⁷.

Тўртинчи йили — «Шарҳи Жомий»дан «Ал-марфуъот...»²⁸.

Бешинчи йили — «Ал-мажруот...», мазкур шарҳдан²⁹.

Олтинчи йили — «Ал-мансубот...», мазкур шарҳдан³⁰.

Еттинчи йили — «Ал-мабниййот...», мазкур шарҳдан³¹.

Саккизинчи йили — «Ҳамд» ва «Баҳси исм», мазкур шарҳдан³².

Тўққизинчи йили — «Қутбий» ҳошиясидан «Ва роттабтуҳ ала муқаддима»³³.

Унинчи йили — «Ҳамди ақойид»³⁴.

Ун биринчи йили — «Баъд...», «Ақойид»дан³⁵.

Ун иккинчи йили — «Самава...», «Ақойид»дан³⁶.

Ун учинчи йили — «Ҳақойиқ ул-ашайя...», «Ақойид»дан³⁷.

Ун тўртинчи йили — «Ҳамди таҳзиб»³⁸.

Ун бешинчи йили — «Таърифи илм», «Таҳзиб»дан³⁹.

Ун олтинчи йили — «Ҳикмат ул-айн»дан «Ал-ҳикмату истикмал ун-нафси»⁴⁰.

Ун еттинчи йили — «Ҳикмат ул-айн»дан «Ал-вужуди бадиҳийун»⁴¹.

Ун саккизинчи йили — «Мулла Жалол»дан «Ӣаман ваффақана»⁴².

Ун тўққизинчи йили — «Мулла Жалол»дан «Сатафтариқу»⁴³.

Ун тўққизинчи йили охирда — «Саҳиҳ Бухорий»дан, «Иннамал-амалу бин ний ўтатни»⁴⁴, «Тафсири Байзозвий»дан «Муаввазатайн»⁴⁵ ўқилиб, хатми таҳсил қилинади.

Фарангি: Номи келтирилган китоблар тамом ўқилурми?

Мударрис: Ўхў! Ҳаммаси қаёқда?! Фақат айтилган жумлани ўқийдилар.

Фарангি: Ажабо, бир жумлани ўқиш бир кундан, ортиқ вақт талаб қилмайди-ку?! Улар нима учун бир жумла кетидан бир йил югурадилар.

Мударрис: «Ҳошия» ўқийдилар, «ҳошия»!

Фарангি: «Ҳошия»си нима?

Мударрис: Сиз жуда гаранг одам экансиз. «Ҳошия», яъни шарҳнинг шарҳидир. У шундайки, мен айтган китобларнинг ҳар бирига қариб ўн беш нафар одам «ҳошия» (шарҳ) ёзганлар. Масалан, Мулла Жомийнинг шарҳиға битилган «ҳошия»лар: Абуғафур, Асомиддин, Абулҳаким Исматуллоҳ, Шайх Жамол, Мавлавий Шариф, Охунд Шайх, Содиқ ва ҳоказо⁴⁶.

«Қутбий»да Абдулҳаким, Мулла Аҳмад, Асом, Сайнанд Шариф, Қул Аҳмад ва бошқаларнинг шарҳлари бор⁴⁷.

«Ақонд»да Хаёлий, Мулла Аҳмад, Абдулҳаким, Асомиддин, Мулла Қосим Харпүтий, Сариҳ ва шу кабиларнинг «ҳошия»лари⁴⁸ ёзилган. Ҳоказо қолган китоблар...

Фарангি: Бу китобларда нималар ҳақида баҳс юритилади?

Мударрис: Бу «ҳошия»лардаги бутун мақсадлар иккى амрга бўслиқдир. Биринчиси, шарҳ қилгучи сўзи-нинг таҳқиқи. Масалан, «Ҳамд»нинг «алиф» «лом»и нимадир?⁴⁹ «Ва роттабтуҳу» замирининг ўрни қаерда?⁵⁰ «Сатафтариқу»даги «син» қайси «син»дир?⁵¹ Иккинчиси, ҳақиқатан биринчининг ҳосиласидирки, қўйидагилардан иборатдир: шарҳ қилғувчи сўзига эътиroz, мазкур эътиrozning радди, мазкур эътиroz раддининг радди, мазкур эътиroz радди раддининг радди, мазкур эътиroz радди раддининг радди раҳбар бўлса шу қадар (давом этиш мумкин).

Фарангি: Ажабо,

Ҳар че дарин парда нишонат деҳанд.

Чун настони ба изонат деҳанд.

Мазмуни:

Ҳар нарсаки, бу парда ичра сенга нишон берадир,

Худди санчиқ каби сенга озор берадир.

Мен бу «музаҳрафот»ин⁵² бирордан уйқуда эшитсан ҳам гумон қиласман! Бу не беҳудалиқ, нечук вақт ўтказишидирки, Бухоро мардуми бунга гирифтор бўлмиш? Уттиз тўққиз йиллик қимматли ва азиз умрни бир муфти-

га беҳуда сарф қилғач, кейин мазкур пуч ва бемаъни таҳқиқотнинг тадрисига⁵³ машғул бўлдилар, аммо таҳсили вожиб бўлган Тафсир, Ҳадис, Фиқҳ, Усули фиқҳни ўрганиш вақти қачон келади ва яна бу йигирма йилда Наҳв, Мантиқ, Ақоид, Ҳикматдан ўқиган бўлсалар ҳам, фақат уларнинг дебочаси экан. Мазкур илмларининг аслини, фойдали асосий қисмни қачон ўқийдилар?

Мударрис: Гумоним борки, форсийни яхши билмас экансан. Мен айтдим-ку, таҳсил йилиға олти ойдир. Қолған олти ойда, яъни таътил пайтида агар ўқисалар монеъ йўқдир.

Фарangi: Ё мен (Сиз айтган) форсча сўзларни хато тушуняпман, ё Сиз хато гапирайтасиз. Боя айтдингиэки, «қолған олти ойда имомгарчилик қилиб, ифтитоҳ пулини тонадилар» деб, энди лутф қиляпсизки, «бу олти ойда ўқисалар, монеъ йўқдир». Бу олти ойлик таътил вақтида, бу зарурий дарсларни ўқиған тақдирда ҳам бу қандай ионисофликки, олти ой таҳсил пайтида пуллари, истак ва ғайратлари бўла туриб, у бечораларни «Ҳамд»нинг «лом»ини таҳқиқи, «Тааммул» муродининг тайини «Фал-йатааммул»лардан⁵⁴ иборат бўлган пуч ва беҳуда нарсаларни ўқишга мажбур қиладилар. Агар у муллабаччалар зарурий дарсларнинг ўқитилишинни талаб қилсалар, бир сўз билан «вақтим йўқ» деб, уларни маъюс қиласизлар. Таътил кунларида пулсиз, ғайрат ва истаксиз «агар хоҳласалар, ўқийдилар», дейсиз! Мен уларнинг номидан айтаманки, ҳозирги таҳсил пайтида ҳам зарурий дарсларни ўрганишини хоҳлаймиз, агар таътил вақтидағи олти ойда ҳам шаҳарда яшаб дарс ўқиб, имомгарчиликка бормасдан, ифтитоҳ пулини тошишга вақтимизни бермасак, келгуси таҳсил йилининг бошида бепул ёки Сизнинг ниятингиздагидан озроқ пул билан ҳозир бўлсалак, у вақтда, наузибиллаҳ⁵⁵, нафрат ва ғазабдан тўлган кўзларингиз, чимирилган қошлирингиз қаршисида қандай чидаб ўлтирамиз? «Жувонмарг, оқ қилдим», деб дам-бадам бақиришларингизни қайси тоқат билан эшигтамиш?

Энди айтинг-чи, Бухорода аёллар ҳам таҳсил олади-ларми ёки йўқ?

Мударрис: Йўқ, аёллар таҳсил кўрмайдилар.

Фарangi: Нега уларни таҳсилдан бебаҳра қолдирганлар? Аёл ақли таълим ва тарбия хусусида эрекдан камроқ бўлмаса керак. Бизнинг ҳакимлардан бирни айтадики: «Биз Америка ва Франсиё аёлларининг иҳтийорлари мушоҳадасини кейин билдикки, аёлнинг

тушуниш даражаси эркакникидан кам эмасдир». Ва Сизларнинг Пайғамбарингиз ҳам буюрдики, «Талаб ул илми фаризатун ала кулли муслимин ва муслиматин», яъни «Илм олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга фарздири», Аёлларнинг тарбияти фойдали бўлиб, «Ман жаа бил ҳасанати фалаҳу ашру амсалиҳа», яъни Кимки яхшилик келтирса, унга ўн баробар...» оятининг ҳукмига кўра, яхши амалларга эга бўлишлик вожибидир. Негаки, яхши амаллар, яхши ахлоқсиз мумкин бўлмайдир. Яхши ахлоққа кейинроқ эга бўлишлиқ ҳам «Мин баъди муқаддимат-ул вожиб», яъни. «Вожиб бўлган амалларнинг биричиларидаидир». Бирор кимса ҳам тарбиясиз яхши ахлоқ соҳиби бўлмайди. Бизниг бириичи тарбиямиз оналаримиз тарафидандир, уларнинг ўзлари тарбия кўрмаган бўлсалар, биз ҳам уларнинг ёмон тарбиясидан ҳамиша ёмон ахлоқ эгаси бўламиз. Шу сабабли дононлар бизнинг олами инсоният доирасидан ташқарида, деб биладилар. Юртнинг баҳтсизлиги, заминнинг саодатсизлиғидирки, аёллар у ери таълим ва тарбия шарифидан маҳрум қиласидилар.

Мударрис: Ёжаб содда одам экансиз. Беҳуда ишларнинг ташвишини қилянисиз. Аёлларнинг яратилишидаги ҳикмат «таволуд ва таносул» (туғиш ва насл қолдириш)дир. Мен аввалдан арз қилдимки, бизда таҳсил 37 ёшида тамом бўлади. Бу суратда агар аёлларни ҳам таҳсил эттирасак, уни тутагтандан сўнг, ёши 37 га боргандা, ҳеч бир эркак уларга рағбат қилмайди ва у вақтда, «силсилаи таносул» (кетма-кет насл қолдириш) узилган бўлади.

Фарангি: Аммо, бу гапингиз, яъни агар аёлларни таҳсил эттирасак, таносул силсиласи узилади, деганинтиз ботилдир. Далил шуки, агар Сизнинг ушбу сўзингиз тўғри бўлганда, комил ақл эгаси бўлган, оламнинг низомини Сиздан яхшироқ билған Пайғамбарингиз «Талаб ул илми фаризатун ала кулли муслимин ва муслиматин», яъни, «Илм олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга фарздири», демас эди. Аммо, Сизнинг «биздаги таҳсил муддати узун»дир деганингиз, бир таҳсил усулининг нодурустлиғидирки, бу таҳсилни манъ қилишликни келтириб чиқармайди. Сизнинг бу таҳсил усулингиз мушкул ва нуқсонли экан, бошқа усулни ихтиёр қилингиз.

Мударрис: Фарангни биродар, бўлмайди, асло бўлмайди. Биз осон бўлған таҳсил усулини қабул қилинганимизда ҳам яна бўлмайдики, қизларни илм таҳсили учун кўчага чиқарниб юборсак. Негаки, эркакларимизни

ахлоқи бузуқдир. Тездан уларнинг таҳсилини фасодға йўлуктиради.

Фарангиги: Бу ҳам ўзингизнинг камчилигингиз. Ахир Сиз уламосиз. Шаръий ишлар сизга топширилган, амри маъруф, наҳий мункар Сизнинг вазифаигиз. Нега у бечора эркакларнинг ахлоқини тузатишга киришимайисиз?

Мударрис: Ҳой, бечора фарангиги! Сен шарнатни билмайсан. Бизнинг шарнатда амри маъруф ва наҳий мункар фасодни тугатган тақдирда ҳам аслида тўғри бўлмас.

Фарангиги: Бу масъала доимо эътино⁵⁶ бўлмаган, бироқ ёлғондир. Амри маъруф, наҳий мункар кабиларни эса бажариш керак. Чунончи, Сизнинг Пайғамбарингиз ҳам буларни бажарган.

Мударрис (қаттиқ газаблансан ҳолига): Ай, одам, оғзингни юм! Шаръий масъалалар ҳақида беҳуда гапурма. Магар сен кофиру мен мусулмонман, бу гапларни эшитишга тоқатим йўқ.

Фарангиги: Ажаб, мени гапуриш ҳуқуқидан манъ қиласизми? Асло хомуш бўлмайман, айтаманки, «миёйамаш аз уҳда берун»⁵⁷, яъни бу масъала шаръий масъала эмас, балки тўқиб чиқарилган нарсадир.

Мударрис: Хомуш бўл, одобсизлик қилма. Сен кимсанки, бизнинг дини аҳкомимизни «бу тўқилған нарса», «бу шаръий эмас», деб айтасан?! Ахир қаердан биласанки, бу шаръий масъала эмаслигини?

Фарангиги: Ваҳшат қилмайгиз, далил сўранг. Бу масъалани қаерда кўргансиз?

Мударрис: Китобда.

Фарангиги: Исломнинг хароб бўлиш сабаби шудир! Сиз ислом тоифаси умранинг таълифи билан шунчалар машғул бўлгансизларки, натижада ислом динининг ҳақиқатидан фарсаҳларча узоқлашгансиз.

Магар ўн йил аввал саккиз ёшли бола шўхлик қилиб, китобнинг ҳошиясиغا «мей офтобин тия суратида кўрдим» сўзларини ёзиб қўйгани туфайли, бугун Сизга офтобни ҳақиқий шаклни исбот қилишлик мумкин бўлмай қолди. Масъала Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдан равшан бўлаётган вақтда, қўшимча кигобга қараб югурмоқ девоналидир. Қуръони карим возеҳ⁵⁸ усулида айтадики, амри маъруф ва наҳий мункар лозимдирки, бу ишни Пайғамбар бажардилар, саҳобалари бажардилар, фитнадан қўрқмадилар. Сиз ахир уларнинг уммати ва издошларисиз, улардан улуғ-

роқ эмасдиризки, нега йўқ фитнадан қўрқасиз? Шариати аҳмадий асло Сизнинг бу узрингизни қабул қилас. Ислом тарихида фитна чиқарувчи бўлиб қолдингиз. Пайгамбарнинг бутун араблар тавҳид аҳлига душман бўлган ҳангомда Пайгамбарлиқ даъвосини қилди, халифаи аввал, Муҳаммад умматининг энг фазилатлиси Абубакр Сиддиқ хилофот маснадига⁵⁹ ўтирганда ҳар тарафдан араблар иртидодга⁶⁰ тушдилар, яъни диндан қайтдилар. Абубакр Сиддиқ ислом лашкарларининг заифлиғига қарамасдан, комил бир азм билан уларни таслим бўлишга мажбур қилди ва бу қиёсга кўра, Сизнинг салафларнинг асло ҳеч кимдан қўрқмасдан ислом муқтазойидлари, яъни тақозо этилган нарсаларнинг ижросига азму ҳаракат қилдилар. Ҳа, ислом динининг хоҳиши шудир. Сиз айтатётган бу масъала бир неча нафар таъмагир ва шикампараст⁶¹ мусулмонлар томонидан ўртага қўйилган бўлиб, шарнати аҳмадийга бунинг алоқаси йўқдир. Муллаваччаларнинг энг кичик бир нафари бесоқол бир болакай туфайли шаҳар каттларини ҳақорат қилишдан қайтарса-ю, уламсоларнинг эса, бунчалик иқтидорга эга бўлғанларига қарамасдан, амри маъруф ва наҳйи мункар фасод чиқаради, деган гапларини ким қабул қиласди?

Булардан ташқари, биз амри маъруф ва наҳйи мункарни қўполлиқ билан амалга оширинг деб, қачон айтдик. Худо сақласни, ҳеч қачон бундай гапни айтмаганимиз ва айтмоқчи ҳам эмасмиз. Минбаъд айтмаймизки, мактаб ва мадрасаларда ахлоқни вайрон қилувчи ошиқона байтлар ва «лом жинси»ни таҳқиқ қилишдек пуч нарсалар билан кўмилиш ўрнига, ахлоқ ўргатиб, матбаа очиб, жарнадалар воситасида халққа яхши хулқни тарғиб қилинг. Яхши, Сизнинг тамоми араб тилида бўлған 20 йиллик таҳсилнингизда, наҳвни билмаса ҳам, араб тилида маҳоратга эга бўлишингиз керакми?

Мударрис: Үҳён, биз Бухоро уламоси араб тилини арабларнинг ўзидан ҳам яхшироқ биламиз.

Фарангি: Шуниси ҳам ғаниматдур. Марҳамат қилинг, бир оз биргаликда араб тилида сўзлашиб кўрайлик, мен ҳам бу тилдан хабардорманим ё йўқ?

Мударрис: (Ай худо! Бу ногаҳон балони қаердан бошимга юбординг? Мени аста-аста расво қилишига яқин қолди.) Биродар, афу этасиз. Биз, Бухоро уламоси, арабча гаплашни билмаймиз. Бизнинг арабча билишимиз шу меъёрдаки, муллабаччалиқ вақтимиизда устознинг ёнида ўқиган эдик, арабча дарс китобларини

бир кечада машаққат ютиб, улардан саҳифасинигина мутолаа қила олардик.

Фарангি: Бай, бай! Сиз Бухоро уламоси хўб «арабийдон»⁶² экансиз. Бизинг болаларимиз уч йил мактабда ўқиб, зарурӣ ҳат-саводни чиқаргач, 2—3 тилларни ва диний масъалаларнинг муқаддимаси, ҳукмлари, тарихи, ҳисоб илмини яхши ўрганадилар. Сиз 20 йил арабча таҳсилдан кейин ҳам ҳануз у тилда тақаллум қилишга ожизсиз.

Уфф!. Абу Али ва Форобий каби комил фарзандларии етиштириб, бундай кимсасиз ва қора кунда ўтирган шўрлик Бухоро, бегоналарнинг шуҳрати, илму фазилат ноғорасининг шовқинини шарофат деб кўтариб юришға мажбур бўлдингки, бу жаҳолат ва фалокат поясинга етиб қолғанингданdir, бечора Бухоро!

Жаноби мударрис, ахир инсоф қилинг, бу илмсизлик қачонғача, бу нодонлик қачонғача?! Илм мулк-мамлакат ободлигининг сабабчисидир. Илм миллат тараққийсининг боисидир. Илмдирки, Амриқо ваҳшийларининг қайнашини ушбу дараҷадаги такомул ва буюклик мартағасига етказган. Илмдирки, Эрон заминида зиёлиларни йўқ қилмоқчи бўлған икки отни таназзул ва зиллат чоҳига қулатған. Илмдирки, бир сиқим инглиз ороли эгаларини Ҳинд, Миср, Белужистон⁶³ ва Арабистоннинг бир қисмиға фармон раво қилған, ўруснинг зиёли бўлмаган аҳлини Татар, Қирғиз, Туркистон, Қафқаз мусулмонларнiga молик қилиб қўйған. Васиъ⁶⁴ усмонли мамлакатларини парча-парча қилиб, бегоналар қўлиға тутқазган магар жаҳл, фаронса таслис аҳлининг⁶⁵ байроғини то форс муважҳидлари⁶⁶ уйиннинг томига қадар тикиб қўйған магар жаҳл. Токай Сиз мусулмонлар, бу хонумонингизни ёқувчи дарднинг давоси учун бирор тараддуд кўреатмасдан, қайси чорани изляпсизлар? Инсоният иқтисосига кўра айтаман: магар Сиз туркистониларнинг йўлингиз шу бўлса, яъни, азиз умрнинг қимматли 37 йилини музахрафот парчаларининг таҳсилига сарф этиб, ўзингизни фойдали илмларнинг шарафидан маҳрум қиляпсиз. Бир неча йилдан кейин Туркистонда исломдан ҳеч нарса қолмайди, фақат тарих саҳифаларида гина унинг номи қолади, холос! Бу қандай таҳсил?! Инсоф қилинг, «Ломи ҳамдининг жинсияти ва зиёдати лафзи салосин»дан нима матлаб ҳосил бўлмоқда? Афсус, бунга кетган вақтлар учун. Дариф, бунча ҳаракатлар учун! Агар шу ҳаракатни Қуръоний маънолар ва рамзларни дарж ва кашф этмоққа сарф қилиб,

саодат аҳқоми учун ишни йўналтирганингизда эди, ҳозир «Иа аййуҳаннасу коджакум бурҳанумми-р-роббикум ва анзалнаа илайкум нўром-мубийна», «Фааммалазина-аману биллаҳу ва тасиму биҳи фасойдҳилуҳум фи роҳматин минҳу ва фазлини ва йаҳдиҳим илайхи сиротим-мустақийма», яъни «Эй инсонлар сизларга Парваридгорингиздан ҳужжат келди ва сизларга равshan нурни (яъни. Қуръонни) нозил қилдик», «Аммо шундай зотларки, Аллоҳга иймон келтирдилар ва унинг ҳукумларини маҳкам тутдилар. Бас, тез кунда уларни ўз тарафидан бўлган раҳматга ва фазилатга доҳил қиласди» ояти каримасининг ҳукмига кўра, бироз-да бўлсин, фазилатларингизни орттириш фурсатига эришган бўлардингиз! Ҳозир ҳам фурсат кетмаган. Тафсир ва Ҳадиснинг таълим ва тааллуми⁶⁷ учун ҳаракат қилиб, Қуръони каримнинг олий сирлари ва ҳукми мутаволийсини⁶⁸ диққат билан кузатинг. Шояд «Ҳаза китабун анзалнаа-ҳу мубаарокан фаттабиҳу ла аллакум тарҳамун», яъни «Бу китобни (Қуръони каримни) унга (Пайғамбарга) муборак тариқада нозил қилдик, бас, унга тобеъ бўлинглар, шояд раҳм қилингайсизлар» оятининг равshan ҳидоятифа кўра, молингизнинг ҳусрон⁶⁹ ҳолиға Худонинг раҳми келиб, ҳосили натижасиз ва фалокатли бўлган бу мазаллат ва асоратдан Сизга најот берса ва илло, такрор айтаманки, бир неча йилдан кейин Моварауннаҳрда исломни куффорлар залолати остида нобуд ва кўзингизни очгунча, масжидингизни бутхона, фарзандларингизни насроний кўрасизлар.

Бас, қўлдан кетган ислом мамлакатларига назарий ибрат билан қаранг, мусулмонларнинг ҳам ғамини еб, фарзандларингиз ҳолиға раҳм қилинг..

Мударрис: Жаноби фарангни, Сиз хотиржам бўлинг. Бухоронинг соҳиби бор, унинг ўзи ҳимоя қиласди. Биз аминмизки, то Баҳоваддин мозорининг бир ғиши боқий экан, рўйи заминининг тамом подшоҳлари Бухорони ололмайдилар. Сиз беҳуда ташвиш чекяпсиз.

Фаранг: Бу қандай қўпол хато, бу қандай исломни ёндирувчи ақида?! Баҳоваддин Бухорони ҳимоя қиласди? Бу нима дегани? Баҳоваддин?!

Мударрис (*Фурсат бермасдан камоли газаб билан*): Ўй, ўй... Э одам, оғзингга қара, ислом улуглари ҳақида беҳуда гап гапирма, сени шундай жазолаб, чеккага сурайки...

Фаранг: Бечора мударрис, Баҳоваддин ҳақида «ёмон» гапирганим учун бу қадар ваҳимаға боряпсиз,

йиллардирки, минг Баҳоваддин ва ундан ҳам улуғроқ азизу авлиёлар ислом муҳофазаси учун жон топширган. Ислом ҳуқуқи масиҳий давлатларнинг бебек тажовузлари билан поймол бўлмоқда, (бунииг учун) ўзингизни ҳамиятсизлик ва ҳамдилликда айбдор деб билинг!

Агар Баҳоваддинга нисбатан бўлған бу ҳамдардлик ва тарафдорликни исломга нисбатан ҳам дариф тутмасдан, уч ярим миљүн ислом нуфузи биргаликда қўлни қўлга бериб, камоли иттифоқ ва ҳамжиҳатлик билан, оламни тутувчи баланд овоз билан, бутун олам узра исбот қилингки, «биз, мусулмонлар тоифаси, дини мубинимиз ва муҳтарам диндошларимизни ҳимоя қилишда жону дилдан тайёр бўлиб, то ҳар биримизни сўнгги нафасимиз бор экан, бизнинг биргаликдаги жонимиз узра азиз исломга ҳеч ким таарриз қилишга муваффақ бўлолмайди. Шубҳасиз, ўз диндошларимизни қаерда асирик бўлса, мусулмонлар ҳисобиға бўлаётган бу қаро кунлардан халос қилингиз».

Мударрис: Сиз доно одам экансиз, ҳақиқатан биз, мусулмонлар тоифаси, учун иттиҳод ва ошкора ҳаракат зарурат даражасига етган, аммо, таассуфки, иттиҳод бизнинг ўртамиизда маҳол, иттиҳодсиз ҳаракат ҳам мутлақ заарли бўлади.

Фарангি: Буларнинг барчаси ақидангизнинг сустлиғидандир.

Мударрис: Агар бизнинг бу ҳалокатли хасталигимизнинг иложи бўлса, айтинг?!

Фарангি: Агар исломий жаридаларнинг мутолаасини ҳаром демасдан, балки гоҳида бўлса ҳам ўқиб борса эдингиз, бугун ислом дардининг иложини мен кофиридан сўрамас эдингиз. Ҳозир нима дардингиз бўлса, унинг иложини бир-бир Сизга шарҳлаб беришлик менинг инсоний бурчимдир. Лекин, аввал мақсадни тамом аниқлаб олишимиз керак.

Мударрис: Ҳақиқатан мақсаддан узоқлашиб кетдик, гап Баҳоваддин ҳақида эди.

Фарангি: Бале, жаноби мударрис! Мендан Баҳоваддин ҳақида беҳуда гаплар айтиётиди, деб гумон қилманг. Чунки ҳар бир динда шу тариқа улуғ кишилар бўлғанлар, улар ўз ҳаётлари давомида дин ва миллатнинг саодати учун хизмат қилғач, жаҳонда яхши ном қолдириб кетганлар. Гап шундаки, Сиз ўз вазифангиз бўлган диний ва дунёвий ишларингизни уларга ҳавола қилиб тинчгина ухламаслигингиз керак, бинобарин, ислом шариати ҳам бу ақидангизни қабул қилмайди.

Мударрис: Юз марта айтдим-ку, бизнинг диний масъалаларимиздан гапирманг, деб. Яна «Ислом шариати бу ақидангизни қабул қилмайди», деяпсиз. Қандай қилиб қабул қилмас экан? Авлиёларнинг кароматларини тасдиқ этмоқ бизнинг диний масъалаларимизданdir.

Фарангি: Мен авлиёларнинг кароматларини тасдиқ этманг, демаяпман. Айтмоқдаманки, ўз ишларингизни тамоман Баҳоваддинга топшириб қўйиб, ўзингизни таҳбаллиқ ва ғайратсизлик эшигига урушингиз на шаръян дурустдир, на ақлан.

Мударрис: Нега дуруст эмас?

Фарангি: Албатта, дуруст эмас.

Мударрис: Қайси далилға кўра?

Фарангি: Мен биладиган ўша далилға кўра.

Мударрис: Қаҳ, қаҳ, қаҳ... ҳеч билмайсан, беҳуда лофлар уряпсан!

Фарангি: Биламан, лекин Сиз уларни эшлишга қобил эмассиз!

Мударрис: Мен одам эмасманми?

Фарангি: Билъакс, Сиз одамсиз, аммо одамийлик сифатларидан бири Сизда йўқ.

Мударрис: У нима?

Фарангি: Ҳақ гапни қабул қилмоқ.

Мударрис: Сизнинг гапингизнинг ҳақлиғи қаердан маълум?

Фарангি: Айтинг-чи, Аллоҳ улуғми ё Баҳоваддин?

Мударрис: Аллоҳ.

Фарангি: Пайғамбар дономи ё Сиз?

Мударрис: Бу саволларнинг маъносини тушунмаяпман?! Албатта, Пайғамбар доно бўлганлар.

Фарангি: Пайғамбар Сиздан доно экан, у ҳеч бир ишни Баҳоваддиндан улуғроқ бўлган холиқи Аллоҳга ҳавола қилмаган. Ўзлари сафарда ранж, йўл заҳмати, очлик азоби кўриб, ғазотларда қатнашиб, мухораба⁷⁰ майдонида ҳозир бўлардилар. Кофирлар азиз ислом вужудига ҳар тарафдан зарба бериб турған бир ҳолатда, бу суратдан унинг шариати қачон рози бўлади. Сиз бир гуруҳ осудапараст уламо бу қимматбаҳо гавҳари аҳмадийни қутқармоқни ўйламасдан, билъакс, бу ишни Баҳоваддиннинг вазифаси билан, ўзингиз аҳли аёл билан, камоли осудаликда лазиз таомларнинг тановули билан машғул бўлдингиз. Иккинчидан, Аллоҳ таоло «тужаҳидуна фи сабилиллаҳи биамваликum ва анфусикum заликум хойруллакum ин кунтум

таъламун», «Ва қотилул-мушрикийна каффатан ҳама йўқотилуна кум каффатан», «Ва қотилул-лазийна лаа йуминуна биллаҳ», яъни «Аллоҳ йўлида молларингиз ва нафсларингиз билан жиҳод қиласизлар, агар билсаларингиз, мана бу сизлар учун яхшидир», «Сизларни қатл қилсалар, сиз ҳам мушрикларни бутунлай қатл қилинг», «Аллоҳга иймон келтирмаганиларни қатл қилинглар», ояти каримасини ҳидоят қилиувчи ва бошқа оятлар ҳам жиҳод ва қитол⁷¹дан мақсад исломни муҳофаза қилиш ниятида айтилган олий қалиматуллоҳ дирки, у тирикларға фарз қилинганми ё ўликларга?!

Мударрис: Тирикларга.

Фарангি: Олий қалиматуллоҳни қўйдук, Аллоҳ таоло равшан тарзда сиз тирикларға амр берган байзойи исломнинг муҳофазасини нега тажоҳул қилиб, ўликларга ҳавола қиляпсиз?

Учинчидан, Пайғамбарнинг вафот замони яқинлашиб қолганда; барча асҳобни жам қилиб, хутба ўқиб: «Эй менинг асҳобларим, мен тириклигимда Аллоҳнинг динига нусрат беришда иҳмол⁷² кўрсатмадингиз, менинг риҳлат вақтим етиб келган. Дини мубини ислом ва шони улуғ Қуръонни Сизга ва сизнинг авлодларингизга ва авлоддан-авлодларға омонат қолдирияпман» деганларида, ўша вақтда Пайғамбарни тинглаб турган асҳоблар тирикмидилар ё ўликмидилар?

Мударрис: Тирик.

Фарангӣ: Бас, У соҳиби омонатларини тирикларга топширган экан, Сиз нега ўликларга ҳавола қилиб, ўзингизни чеккага тортяпсиз?

Тўртинчидан, улкан Андалус қитъаси 450 йил мусулмон сultonларнинг пдораси остида уламо ва фузалонинг кўблиги бўйича мусулмон ўлкаларининг биринчиси эди. Жуда кўб уламо киром этказиб, бисёр авлиёи изом⁷³ этишитирди. Андак гафлат шумлиғи ва андишасизлик оқибатида, Испания насронийларнинг тасарруфиға ўтиб қолди. Бир олам уламо ва авлиёнинг умри ўтган масжид ва мадрасалар бутхона, ўша бутун ислом уруғларининг қабрлари бутпаратслар томонидан поймол бўлган. Илгари аzon садоси янграган жойларда бугун қўнгироқ овози жарангламоқда. Нега у жойнинг авлиёси қабрдан чиқиб, бу ислом ноҳиясини кофирларнинг дастидан халос қилмадилар?! Улар ҳаётлик пайтларида ўз вазифасини битириб, вафотидан сўнгра бу вазифаларға мажбур бўлмаганилиги учун лозим бўлмади. Исломнинг муҳофазаси ўша сарзаминдаги тирикларнинг иши эди.

Тириклар ўз вазифаларини адо қилишда ғафлатга тушдилар, кўрадиганини кўрдилар, ғафлат уйқуси ва андишасизлик билан жаҳонни мунаввар қилувчи шариати гарроий аҳмадий қўёшининг саодати нурини бу маъмур ўлқадан шу қадар узоқлаштириларки, бугун у ерда бир мусулмон масжиди тугул мусулмоннинг ўзи ҳам топилмайди.

Бешинчидан, Ҳинд ва Мисрға ибрат назарини солинг. Бу муқаддас ислом замини инглизларнинг босқинчилик тажовузлари билан поймол бўлган ва ҳануз у ерларда ўтган авлиёлардан бирортаси инглизни даф этмоқ учун бирор каромат кўрсатмаяпти.

Нега кўрсатмаяпти?⁷⁴

Уларнинг вазифаси эмас.

Қайси далилға кўра?

Мен айтган далилға кўра:

Олтинчидан, Сиздан сўрайман! Баҳоваддин улуғми ё Пайғамбарнинг амакиваччасими?

Мударрис: Пайғамбарнинг амакиваччаси.

Фарангি: Бир неча йилдирки, Русия давлати Самарқандни эгаллаган,⁷⁵ бу зулм у ерлик мусулмонлар учун ачинарлик эмасми? Айтишларича, ўруслар у ерда фаҳш ишларига йўл очсан, бошараф аёл ва қизлар, агар хоҳласалар, у ерга бориб ўтирадилар. Бу ишни ҳеч ким манъ қилолмайдими? Ҳам айтмоқдаларки, уламо ўрус законига мувофиқ бўлмаган ҳар қандай шаръий масъалани ижро этишда ожиздирлар. Яна айтмоқдаларки, Самарқанд уламоси ўрусларнинг байрам кунида табрик учун черковга бориб ўтирадилар. Булар нинг ҳар бири ислом вужудига берилган катта зарба эмасми?

Нега Пайғамбарнинг амакиваччалари ётган Шоҳизинда ўрусларни у ердан даф қилмаяпти? Бу уларнинг вазифаси эмасми?

Бале, вазифалари эмас.

Қайси далилға кўра?

Боя айтган далилларни кўра.

Еттинчидан, (узоққа бормайлик) Бухоронинг ўзини ўруслар эгаллаганларми ё йўқми? Агар эгалламаган бўлсалар, ҳар куни император томонидан амирга ё консулдан қушбегига келадиган янги бир таклифнинг боиси нима? Шоҳид бу ҳукумлар дўстонадир, деб айтсангиз, мен ҳам камоли одоб билан Сизга дейманки, нега буни муқобили сифатида амирдан ҳам ўрус давлатига бирор таклиф бўлмаяпти?

Агар ўруслар Бухорони эгаллаган бўлсалар, нега бунга Баҳоваддин йўл қўйиб берди?

Бу уларнинг вазифалари эмасмиди?

Бале, вазифаси эмасди.

Қайси далилға кўра?

Боя айтган далилимға кўра.

Мударрис: Тўғриси шуки, бизнинг ҳеч қайсимиз ўрус давлатининг бизнинг ҳукуматимиз билан муносабати қандайлигини билмаймиз. Фақат мен шу қадар биламанки, марҳум подшоҳимиз амир Музаффарнинг мағлубиятидан кейин, ўрус давлати билан бизнинг ҳукуматимизни асло йўқ қилмаслик ҳақида дўстона бир битим тузилағаи.

Фарангি: Жансоби мударрис! Бухоро илгарилари тугал мустақил ва икки миллийн нуфузи бўлған бир давлат эди. Амир Музаффарнинг мағлубиятидан кейин хонлик тантанаси амирликка, истиқлол дабдабаси вассалликка ўзгарди, раият нуфузи уч баравар, ер майдони эса ўн баравар тушиб кетди. Уша кундан то шу дамгача ажнабийларнинг қўли Сиз нодонлик саҳроси уйқучиларининг ғафлати дастёргигида бу ярим тугатилған амирликни ҳам тушкун ҳолга келтириб қўйдик, унинг вужуди назарларда мавҳумлик мужассамаси⁷⁶ каби жилваланмоқда. Агар яна бир оз муддат эски ғафлатингизни давом эттирасангиз, дин ва миллатингизнинг фамини емасангиз, шараф ва номусингизнинг муҳофазасини ўйламасангиз, меҳрибон она Ватанингизнинг ҳуқуқини унутсангиз, жаҳонгир Темур бобонгизнинг шаъни ва иззатига хиёнат қилсангиз, бу мужассамани ваҳималар доирасидан ҳам чиқариб ташлаб, ном-нишонсиз, шарафсиз, иззатсиз роҳат уйида азалабад ухлаяжаксиз!

Мударрис: Биродар, мени ваҳимага қўйдингиз. Сўзларингизнинг ҳайбатидан жоним тан қолибидан чиқиб, парвоз этиб кетишинга оз қолди. Азбаройи худо, айтинг, бизнинг иложимиз нима? Бу дарди бедавонинг чораси қайси? Қаерға борайлик? Нима қилайлик? Қайси тупроқни бошнимизга сочайлик? Қачон бу фалокат ҳолатидан ва истиқбол мушкилликларидан диморимизга халос бўлишилик бўйи этиб келади.

Фарангি: Сабр қилинг, айтаман.

Мударрис: Жуда сабрим қолмади, айтинг.

Фарангги: Агар талаб қилмаганингизда ҳам айтардим. Энди бу қадар талаб этар экансиз, албатта, айтаман.

М у д а р р и с: Тез-да айтинг!

Ф а р а н г и: Айтаман, аммо...

М у д а р р и с: Азбарой «аммо»ингизни қўйиб туриб, муддаони баён қилинг!

Ф а р а н г и: Жаноби мударрис! Албатта, бунииг иложини Сизга айтаман бироқ, қўрқаманки, қабул қилмассиз.

М у д а р р и с: Сиз дарди бедавойимизни айтасиз-у, биз қабул қилмас эканимизми?

Ф а р а н г и: Иложингиз шуки, жадид мактабларини очингиз. Бу музахрафотни, яъни «Ломи ҳамднинг жинсияти ва зиёдатул лафзи салосин»нинг ўрнини серманфаат, натижаси тез ҳосил бўладиган илмларни таҳсил қилишга алмаштирингиз. Пайғамбарингиз халифасининг пойтахти бўлган Истанбул, бугунда янги илмларнинг кўблиги ва санъатининг тараққииси билан машҳурдир. Муаллимларни жалб қилиб ҳаракат қилингларки, то сизлар ҳам уидан намуна олиб, бирор нарсалик бўлинглар. Насоролар шулар туфайли ислом устидан ғалаба қозонганлар.

М у д а р р и с: Бай, бай, бай! Энди тушундимки, сенинг мақсадинг нима эканини... Энди билдим, ислом учун бунчалик куюнишларинг ёлғон экан. Энди англадимки, Бухоро тўғрисида қилган дўстликларингниг асли йўқ экан. Бизни алдамоқчимисан? Билгинки, сенинг фириб вақтинг ўтди. Бизни гумроҳ қилмоқчи бўлған дўстларингниг пардаси кўбдан бери йирилған.

Ф а р а н г и: Бу нима дегани? Мен нима дедимки, бундай танбеҳга сазовор бўлсан? Нима ҳимоятдирки, жадид мактабининг номини эшитишингиз билан бундай совуқ қарайпсиз? Хўб, менга айтинг-чи, жадид мактабини қачон, қаерда кўргансиз? Бу серфойда илмлар манбаи ҳақида нима эшигансиз? Агар ҳақиқатни айтсангиз, мен ўз томонимдан айтилган танбеҳ — дўқпўниса сўзларга тавба қилиб, Сиздан узр сўрайман.

М у д а р р и с: Бечора! Менинг ваҳшатимдан қўрқдинг. Бу сен айтган жадид мактаблари бизнинг Бухорода ҳам очилган эди, бир йилча давом қилди ...лекин бизнинг уламон бузрукворлар ишнинг ҳақиқатини билиб қолиб, мазкур мактабларни тезда беркитдилар.

Ф а р а н г и (ўта ажабланган ҳолда): Мударрис, очиқроқ гапиринг, яъни бу жадид мактабини Сизнинг Бухоронгиэда очган эдилар-у, уламолар қўймадиларми?

М у д а р р и с: Ҳа, ҳа!... Бу мактабни бизнинг диндор,

шариатпараст уламоимиз аниг ҳақиқатини англаб қолғандан кейин беркитдилар.

Фарангি: Ылтимос құламан, менға ҳам тушунтириңг, бу мактабнинг ҳақиқати нима әканки, уламоингиз бу қадар фойдалы мактабни манъ қилдилар?

Мударрис: Ҳой, нодои, яна фойдалы мактаб десап. Гумон қиласанки, мен ҳали сенинг фирибингга алданяшманм? Мендан эшит, бу мактаб бир неча йил ичиде бизнинг болаларимизни ҳам коғир қилиб қўйди.

Фарангি: Ажаб далилсиз даъвони ўртага қўйдингиз.

Мударрис: Нега далилсиз? Минг далилнимиз бор?

Фарангি: Хўб, аввало, марҳамат қилиб айтинг-чи, бу мактаб Сизнинг болаларингизни коғир қилиб қўй-фувчи эканини қаердан билдингиз.

Мударрис: Сен Бухоро уламосини кўрмагансан ва билмайсанки, улар ғоят улуғ зотлар бўлиб, ҳар қайси минг нафар талабага дарс айтурлар. Отларининг бўйнига беш сир⁷⁷ олтун тақарлар. Бизнинг уламои ҳазратимиз сағойи ботин билан аниг маъносини кашф қилған бўлсалар, бу олтинлар жоиз эмасми?

Фарангি: Бечора мударрис! Менинг Бухоро уламосини аҳволини билмаслиғимни бекорга гумон қилиб, хато қиласиз. Бандангиз хўб хабардорманки, таҳсил давомида кундузлари кўчама-кўча бачаларнинг қетидан югурадилар, кечалари эса ҳужраларнинг бурчакларида анвойи мускурот ичимликлар ичадилар. Ўзининг инсонлик шарафларини хатм қилиб, озгина муохаз учун қози уйининг остонасида туфроқ ялаб, қози ё раис бўлғандарда бечора, бадбаҳт раиятнинг молу жонини ўз отлари авлодларға қолдириған вақф сингари тасарруф қилардилар. Агар мударриси бузруг ё муфти бўлсалар, ўз ватанидан овораи гариб бўлиб келган муллаваччаларнинг қонини «ифтитоҳ» ва «совғалиқ» номи билан ичарлар. Бу жамоадан қандай кашғу каромат умид қиласиз. Айтасизки, уларнинг ҳар бирин минг нафар талабага дарс айтарлар — муқаррардир⁷⁸. Бироқ, айтинг-чи, қандай дарс айтадилар, ўша минг нафар бечораға қайси илмдан таълим берадиларки, бу илмнинг дунёдами ё охиратда фойдаси бор? Бунинг ўрнига у гариблар йигирма йил давомида ўз молларини сотиб, устоз ҳазратларига пешкаш (совғалиқ) қиладилар. «Ломи ҳамднинг жинсияти», «зиёдати лафзи сулус», «қубҳу ҳусни замири маштаъмала»⁷⁹дан бошқа нима ўқийдилар? Мазкур музахрафотнинг таълимидан кейин

ҳам уларнинг дини ва дунёсиға нима фойда етади, аммо «отларининг бўйниға беш сир олтин осадилар», деб айтганингиз, бу маъжусийлар афъол ва атворининг каромат оламиға нима дахли бор?

Мударрис (камоли ваҳшат билан): Ай, беҳрадӣ доностагўй (эси паст дошишманд!) Сен бизнинг уламони маъжус дейсанми?

Фарангиги: Ҳаргиз, ҳаргиз... мен уламонигиз ҳақида бундай адабсизлиқни ўйламайман, лекин айтаманки, аларнинг бу одати кароматларининг далили бўлмас. Бунга илова шуки, бу одатга шариатингиз ҳам ҳеч вақт йўл қўймайди.

Мударрис: Нега йўл қўймас экан? Бу ишлар илм иззати, илм иззатининг шариатда маъмур бўлиши яхшидир.

Фарангиги: Ажаб шаръий масъалани ўртага қўйдингиз. Сиз, бухоролилар, нафсга алданиб, ўз дини мубинингизнинг аҳкомлари ҳақиқатидан ҳам ғофилсиз. Пайғамбарингиз бутун умри давомида заруратсиз отга минмаган. Сизга қаердан етдики, отнинг гарданига «беш сир» олтун осмоқ ва олдинда бир неча мулозимларнинг югуриши. Ахир, ўз мазҳабинигизнинг уламоси ва улуғларининг аҳволи тарихидан ибрат назари олингиз. Уларнинг ҳаёти қай равишда кечгайн, атворлари қандай бўлганини ўрганингиз, токи «илм ул-яқин»⁸⁰, Сизга маълум бўлсинки, бу Сизнинг равишингиз эмас. Магар маъжусийлик шўъбаларидан бу номашруъ васфларнинг бутун васфи қай виждан билан кашфу кароматни даъво қиласлар?

Мударрис: Хўб, кашфу кароматни қўйдук, бинобарин, бизга буни мударрислик мансабига сарафroz бўлғайн, усули жадидага хўб дикқат қилған мўътабар уламолардан бир нафарӣ тушунтириб қўйди.

Фарангиги: Бинобарин, мен ҳам Сизнинг уламонигиз бу «кизби маҳз»ни⁸¹ далилсиз қабул қилганиларидан жуда таассуфдаман. Менинг вазифам Сиздан далили истифсor талаб этмакликдир, бироқ мақсадим Сизни ғафлат уйқусидан уйғотмак бўлгани учун, бундай фойдали усули жадидани ҳаром деб, арбоби ислоҳни коғир атаган ул жаноби мударриснинг аҳволини очиқ кўрсатишим керак. Хўб, марҳамат қилинг, ул зоти муҳтарам Бухоро аҳлиданми ё хорижий?

Мударрис: Хорижий.

Фарангиги: Усмонли раиятиданми ё Эронданми?

Мударрис: Ўрус раияти.

Фарангি: Қайси тоифасидан эканлар?

Мударрис: Тотор тоифасидан.

Фарangi: Унинг таржимайи аҳволини биласизми? Бошқача ибора билан айтганда, бу киши ўз миллати ва мамлакатига қанчалар буюк хиёнат қилғанини биласизми?

Мударрис: Йўқ.

Фарangi: Бу шахс ўз ватандошларининг диний ва дунёвий ишларида бағоят буюк хиёнат қилғандирки, бугун ҳиссиёт соҳиби бўлған ҳар бир тоторнинг лаънатларига учрамоқда.

Мударрис: Яна бизнинг уламоимизга бадгўйлик қилишни бошлаяпсан?

Фарangi: Бадгўйлик қилмаяпман, ҳақни гапиряпман. Айтмишларки, ҳақни яширмаслик лозим. У шахс хиёнаткор кишидир, ҳеч қаочи, ҳеч бир мусулмон ҳақида ёмонлиқни дарнф тутмаган, бугун ҳам сизларни жадид мактабини манъ қилишга қўзғаб қўйиб, шу васила ила мусулмонларға зарба бериб, ислом душманлари олдида ўзини тинчликсевар қилиб кўрсатмоқчидир. Агар истасангиз, ул шахсни ўз миллати ва Ватанига раво кўрган заарларни шу онда бирма-бир айтиб ўтаман.

Мударрис: Йўқ, керак эмас! Негаки, мен у мударриснинг аввалги ҳолларини билмайман. Бинобарин, Сизнинг сўзларингизни тасдиқ қила олмайман. Лекин ҳар бир сўқил наздида бухороли бир мударриснинг хиёнаткор бўлиши маҳол кўринади.

Фарangi: Жим туринг, чалкаштирманг. Баъзида саводсизни охунд қилиб қўйиншган бир шаҳарда, бир мударрисни хиёнаткорга чиқарилса, бунинг нима фарқи бор? Нимаси маҳол бўлди?

Мударрис: Маҳол, демаяпман. Айтняпманки, олим ва диндор бир мударрис қайси виждан билан дин душманларига ёрдам учун ўз миллати ва Ватанига хиёнатни ва Бухоро мусулмонларига заарни раво кўради.

Фарangi: Мударрисни олиму диндор деб васф қилмоқ ботилди. Чунки бир охуни талабга жавоб бермаган бир мамлакатда қандайдир бир мударрис авло⁸² йўлда бўлмайди. Диндорликка қаочи етсин?! Иккинчидан, қайси виждан билан қабул бўлишини сўрайсиз. Қулоқ солинг, қайси виждан билан «Фалон аълам жузкашликка хиёнат қилди, фалон муфти рибо (пора)еди, фалон муфти фалон бесоқол бачага шарм-

сизларча ҳаракат қилди, бу мударрис ҳам ислом ола-
мига хиёнат қилишликни қабул қилди», деб айтасиз?

Мударрис: Булар билан жадид мактаби масъа-
ласини исбот қила олмайсиз. Негаки, Бухоро уламоси,
балки бутун аҳли Бухоро бу жадид мактабининг ҳаром
эканлигига бир фикрга келганлар.

Фарангি: Бир жамоанинг далилсиз ва ҳужжатсиз
бир амри хусусида бир фикрга келишлиги девоналиkdir.
Улар бирор нарсани талаб қилмайдиларки, бунга ҳам
ҳен қандай эътибори йўқдир. Макка кофирлари ҳазрати
Набини тақзиб қилмоқ⁸³ учун бирлашмаганларми, на-
соролар зоти илоҳийни таслис қилиш⁸⁴ учун ҳам бир-
лашмаганларми? Улар бирлашганликларининг аҳамия-
ти бўлмаганидек, Сизнинг бир фикрга келганликларин-
гизнинг ҳам аҳамияти йўқдир. Бир фикрда жамъ бў-
лишлик ақлий ва нақлий бурҳонлар (ҳужжатлар) би-
лан бўлиши лозим, гумон ва интизоъ⁸⁵ билан эмас.

Мударрис: Ай, одам, сен мадраса кўрмагаи, биз-
нинг илмларимизни ўқимаган бўлсанг, бу гаплар билан
нима ишининг бор? Ҳазрати Наби буюрадилар: «Ла таж-
тами'у умматъалаз-залалат», яъни «Умматим залолаг-
га жамъ бўлолмайди (ҳамма бараварига залолатга бор-
майди)», вақтики, жамъ бўлган эканлар, бошқа гапга
ўрин йўқ.

Фарангি: Бале, бале! Азбаройи ҳалол, бино-
барин, жадид мактабининг лозим эканлигига шу
Ҳадис кифоя қиласди. Узингиз биласизки, Мұҳаммад
уммати таңдо Сиз эмас, балки қаерда мусулмон бўлса,
Ул жанобининг умматидир. Ҳинд, афғон, усмонли, араб,
тотор, эрон мусулмонлари иттифоқ билан бу мактаб-
нинг зарур эканлигига иқордирлар. Сиз эса бу суратда
инкор қилмоқдасиз. Гарчи ҳамжиҳатлик бўлмаса-да,
назар солинг, аксарият қайси тарафни ёқлади?

Мударрис: Бизнинг назаримизда, вақтида собит
бўлдикни, бу мактаб ҳаромдир, энди бу гапларининг фой-
даси йўқ.

Фарангি: Қайси далил билан собит бўлди?

Мударрис: Бу мактаб болаларимизни кофир қи-
либ қўяётганди.

Фарангি: Худди шу ўринда, мен айтаман ва бутун
ислом олами ҳам айтмоқдадирки, бу мактаб болаларин-
гизни кофир қилмайди, балки ватанипарвар, боодоб, ко-
мил мусулмон қиласди.

Мударрис: Йўқ, йўқ! Бу мактаб болаларимизни
кофир қилиб қўйиши муқаррар.

Фарангি: Худо ҳаққи, агар қиёматгача ҳам Сиздан далил сўрасам, «Фалоний деди»дан бошқа далийнгиз йўқ. Шунга қарамай, сўраш мумкинки, Сизнинг шаҳрингизда бир йил давом этган бу мактабда билдиғизми, нима дарслар берилар экан?

Мударрис: Бале, билдик! Бир йиллик ўқув дарслари тұғагац, имтиҳон топширадилар. Баъзи уламо, мен ҳам улар жумласидан әдимки, мажлисда ҳозир бўлдик. Форсий ҳат-саводдан ҳамда ахлоқий, тарихий, диний масъалаларниң муқаддимоти, ҳисоб ва жугрографиядай имтиҳон топширилар, ҳақиқатан жуда таҳсинга лойиқ имтиҳон бўлди.

Фарангиги: Ўша вақт у болалардан бирортаси куфромуз калима ё нафратаңгиз ҳаракат содир қилдиларми?

Мударрис: Йўқ, йўқ! Болалар у мажлисда жуда одобли ва мусулмон кўриндилар.

Фарангиги: Ўша мактаб китобларидан бирорта куфр калима ёзилганини кўрдингизми?

Мударрис: Йўқ, бинобарин, у ердаги бутун китоблар фойдали, вожиб ут-таълим эди⁸⁶.

Фарангиги: Ўша болалардан бирортаси мактабдан ташқарида мусулмонларниң нафратига сабаб бўладиган бирор сўз айтганини эшитдингизми?

Мударрис: Асло, бунга илова, эски мактаб болалари каби ўйинларни хуш кўрмасдан; нафрат қиладилар.

Фарангиги: Бу мактаб болалари таҳорат ва намозда сустлик қилдиларми? Ё уларниң таҳорат ва намозлари бошқачамиди?

Мударрис: Ҳаргиз бундай эмас эди, бинобарин, бу болалар таҳорат ва намозниң барча рукиларига амал қилиб, катталардан яхшироқ ҳаракат қиладилар.

Фарангиги: Илтимос қиласман, ҳазилни қўйинб туринг. Етти яшар боланинг етмиш ёшли кишидан таҳорат ва намозни қоидалироқ адo этишига қандай ишониш мумкин?

Мударрис: Мен айтган хусуслар ростдир, ҳазили йўқ. Негаки, бизнинг катталарнинг аксарияти саводсиздирлар. Аларниң саводлилари ҳам Хўжа Ҳофиз ва Навоийнинг икки-уч ғазалидан бошқа нарса билмайди. Бу болалар диний масъалалардан воқифтирлар. Шунинг учун аларниң таҳорат ва намози катталарникидан қоидалироқ бўлди.

Фарангি: У мактабнинг муаллими кофирмиди ё номаълум бир шахс?

Мударрис: Билъакс, уларнинг муаллими мусулмон ва мутадайин шахс бўлиб, Буҳоро фозиллариини бири эди.

Фарангি: Бас, Сиз ўзингиж иқрор бўлган бутун яхшиликларга қарамасдан, бу мактаб болаларингизни кофир қилиб қўяётганини қаердан билдингиз?

Мударрис: Яна мунозаранинг аввалига қайтдинг. Мен бу мактабни яхши, демадим. Бинобарин, максадим шуки, хийла ва макр майдонида гёё иблисдан сабоқ олаётган бу нобакор жадидлар болаларимизни кофир қилмоқ учун, яхшилик билан марғуб бир услубни амалга оширганилар. Аввало, болаларга машруъ илмлардан таълим бериб, ўзларини бизга хайриҳоҳ қилиб кўрсатмоқдалар. Ўша муфтига ўхшаб уларга алдансак, ўша заҳоти болаларимизни кофир қилмоқлик сари асл мақсадларини бошлайдилар.

Фарангি: Ажабо, наҳотки бир нафар муфти ҳам усули жадиданинг тарафдори бўлган бўлса?

Мударрис: Ҳа, ўзининг бир ўғлини ўша мактабга берган.

Фарангти: У муфти яхши олимми? Ё Бухоронинг одатдаги муфтиларидан?

Мударрис: Ўх ў, у бисёр мулладир. Бошқа катта муллаларга ўхшаб илмда танҳо бўлиб, мантиқ ё нахв, ё каломдагина эмас, балки бутун масъалаларни хоҳ диний, хоҳ мантиқий, хоҳ эътиқодий, хоҳ фалсафий бўлсин, тўла эгаллаган. Бундан ташқари, мутадайин ва ислом жонкуярларидан ҳамdir.

Фарангти: Ҳали, жаноб, Сиз иўғай мударриснинг хиёнати ҳақида айтниш эдингизки, у қайси виждон билан хиёнат ўғлини қабул қилди, деб. Ўз айтганингизга кўра, олим ва мутадайин бўлган бу киши ҳақида ҳам, у ўз ўғлининг ҳам мусулмонлар жамоасининг кофир бўлишилиғига қайси виждон билан рози бўлди, деб нега ўйламадингиз?

Мударрис: У муфти бу мактабнинг ҳақиқатини билмади.

Фарангти: Нима бўлдики, «зараба зайд»нинг таркибини билмаган⁸⁷ бир мажхул мударрис унинг ҳақиқатини билиб, мактабни ҳаром деб ҳукм қилса-ю, машҳур олим ва мутадайин бир муфти унинг ҳақиқатини билмасдан, бу мактабга рухсат ҳукмини берса? Хўб,

билдингизми, бу мактаб неча йилдан кейин болаларингизни кофир қилиб қўяркан?

Мударрис: Ҳа, тўрт йилдан кейин.

Фарангি: Бу мактабиниг прўграмини⁸⁸ биласизми?

Мударрис: Прўграм нима? Менга мусулмонча гапиринг!

Фарангি: Хўб, мактаби жадида дарсларининг фиҳристини биласизми?

Мударрис: Мен қатон бу ишаръий ишни кўрибманки, билайнин!

Фарангি: Усули жадидани ҳаром деган Сизнинг бошқа бир уламойингиз муни биладирми ё йўқ?

Мударрис: Ажаб ақлсиз экансан. Бир одам бир жадид мактаби очди, бошқа бир одам айтдики, бу мактаб ҳаромдир, уламо ҳам муни қабул қилиб, мундай мактабни беркитдилар. Дунёда бундай усули жадида мактаби борлигини билармидики, унинг китобларини билснилар.

Фарангি: Магар сизнинг уламонингиз Аллоҳ таборак таоло юборган мана бу «Вала такулу ламма тасифу ас-сунат кумул кизба ҳаза ҳалалун ва ҳаза ҳаром», яъни «Тилларингиз бу ҳалол ва ҳаром деб сифатлаётган бўлсалар ҳам ёлғон айтманг» оятни каримасининг мазмунидан ғофилмики, бир тариқа билиб, таҳқиқ қилмасдан, бир ажнабий одамнинг ганига қараб бир нарсани ҳаром десалар? Агар сиз ҳақиқатан илм арбоби бўлиб, бир кимсага фосид гаразингиз бўлмаса, албатта, умумислом олами лозим билиб қабул қилган нарсани Сиз ҳам қабул қилиб, бу пуч таассуб ва бемаза муҳолифатлардан қайтинг ё таҳқиқ қилинг, токи эртага қиёматда Ҳақиқат қозисининг ҳукмидан шарманда бўлмангиз. Ҳозир бу мактабиниг заарарсизлиги ҳақида аввалгилардан қувватлироқ бир далилга эгаман.

Мударрис: Ганиринг.

Фарангি: Бундай мактабни Истанбул, Багдод, Миср, Ҳинд, Нўгойистон ва Кафказда очилганига аича бўлди. Ҳалигача улардан бирортаси кофир бўлмаган, балки мусулмончилик ва илмда комил даражага етганлар. Мулоҳаза қилиб кўринг, насронийлар бутун ҳимматларини ислом динини рад қилишга қаратган шу вақтда, шариати муҳаммадияга қарши кунига бир неча жилд китоб ижод ва нашр қилинмоқда. Истанбул, Ҳинд, Миср уламоси соатма-соат уларнинг китобларига радијия ёзишга киришганлар. Кунма-кун уларнинг тўплланган муллалари билан мунозаралар қилиб, аларни мағлуб

этмоқда. Бухоро уламосидан бирортаси насронийларни рад қилиш сифати билан ҳатто бирортасини маҳтаб ёзганини ҳалигача эшиитмадим. Бу йил 1328 да Афғонда ва Пайғамбарингизнинг шаҳарлари бўлмиш Мадинаи мунаавварада бундай мактабни очганлар. Хусусан, Мадинада бу мактаби шарифанинг очилиши катта байрам бўлди. Сиз қаердан олиб гапирияпсиз? Ҳеч ким «бу мактаб ҳаромдир, болаларимизни коғир қилиб қўяди», демади.

Мударрис: Бу жадид мактаби коғир қилишдан ташқари бир неча важҳдан ҳам ҳаромдир.

Фарангি: Жуда яхши, ҳозирнинг ўзида иқрор бўлдингизки, жадид мактаби болаларингизни коғир қилмаган.

Мударрис: Магар девона бўлибманки, мундай иқрор қилайин. Албатта, жадид мактаби болаларимизни тўрт йилдан кейин коғир қилур.

Фарангি: Қайси далилга кўра?

Мударрис: Далилнинг нима кераги бор. Нўғай мударрис айтдилар...

Фарангি: Бу нўғай одамнинг гапидан бошқа ҳужжатингиз борми ё йўқми?

Мударрис: Йўқ.

Фарангি: Ажабо, фитнаангиз ва хиёнаткорлиги ҳаммага маълум бўлиб турган ажнабий бир кимса ўз мишишининг таъмини учун ёлғон гап тарқатса-ю, Сиз өтибор берсангиэ. Ахир мен ҳиссий шоҳидлар келтирмоқдаманки, нега қабул қилмайсиз? Масалан, мен айтаяпманки, бу мактаб аччадан бери Истанбул, Миср, Бағдод, Нўгайистон ва Кафказда жорийдир. Ҳануз кимсанни коғир қилғани йўқ, балки уларнинг ҳаммаси аввалгидан олимроқ, мутадаййинроқ ва ватанпарварроқ бўлганлар. Демак, тўрт йилда болаларни коғир қилади, деган нўғай одамнинг гапи ёлғон эканлиги маълум бўляпти. Бундай мактабни бу йил Афғонистон ва Мадинади мунаавварада очдилар, ҳеч ким, ҳеч нарса демади. Демак, нўғай одамнинг гапи фириб эди. Ҳозир ўзингиз Ҳиндистонни кўрдингиз, инсоф юзасидан айтинг-чи, шарнати муҳаммадийя ҳукмларига бу ерлик одамлар событқадамроқми ё бухоролилар?

Мударрис: Ҳиндистонлилар бухоролиларга қарандан мусулмонроқ экан.

Фарангি: Бу ерлик мусулмонлар орасида бирор кимса Аллоҳнинг бирлигини ё Ҳазрат Муҳаммаднинг Пайғамбарлигини ва ё Қуръон ҳақиқатини ҳамда шари-

ат аҳқомларидан бирор ҳукмни инкор қилғанини кўрдингизми ё эшитдингизми?

Мударрис: Йўқ, йўқ! Асло, бу ерликлар хўб комил мусулмон эканлар.

Фаранг: Пиғирма йилдирки, мактаби жадида бу заминда жорий қилинғандир. Уз айтғанларингизга кўра, алардан бирортаси қоғир қилмаған экан, ҳали ҳам ўша нўғай мударриснинг ёлғон гаидан шубҳангиз қолдими?

Мударрис: Жадид мактаби болаларимизни қоғир қилмайди, деб фараз қилайлик, бироқ бошқа бир неча сабаблар билан ҳам у ҳаромдир.

Фаранг: Ҳаром бўлишилик бошқа масъала. Ҳозирги менинг тақриротидан сўнг ҳам ўща фасодчи нўғайнинг гапини тасдиқлашга мажолингиз борми ёйўқми?

Мударрис: Хўб, Сизнинг тақриротингиздан билдимки, ҳақиқатан, бу мактаб болаларни коғир қилмас. экан. Аммо бир оз ўшубҳам бор.

Фаранг: У нима экан?

Мударрис: Ӯша нўғай мударрис нима учун бекордан бекор бу бенаф ёлғонни гапиради.

Фаранг: Бу гапни аввало даф қидған эдим, ахир бир куни у кимсаннинг миллат хоини эканлиги сабиг бўлади-ку! Демак, у ёлғонни ўз орқасидан гапирмайди, бундацманфаатсиз ҳам эмас.

Мударрис: Тўғри, аммо мулла бир мусулмон қайси виждон билан ислом зарари учун иш тутади?

Фаранг: Уфф, неча марта айтдим, аксар мулларингизнинг виждони йўқ. Қайси виждон билан фалон аълам жузкашликка хиёнат қилди, фалон муфти фонз олди, фалон муфти бесоқол бачага нобоп ҳаракат қилди. Бу мударрис ҳам аҳли куфр тарафидан ислом зарари учун иш қилди. Энди нега гапиряпсиз? Жадид мактаби болаларингизни коғир қилиб қўймаслигини тушуниб етдингизми?

Мударрис: Ҳа.

Фаранг: Бу ёлғон гапни нўғай одам ислом душманлари тарафидан туриб ёйганини фаҳмладингизми?

Мударрис: Ҳа.

Фаранг: Хўб, мактаб ҳақида не дейсиз?

Мударрис: Бу мактаб ҳаромдир.

Фаранг: Қайси далилга кўра?

Мударрис: Минг далилмиз бор.

Фаранг: Жуда яхши. Аввал бутун далилларингизни бир-бир айтиб чиқсангиз, сўнг мен жавоб берсам,

мастъала ғавшанлашмаяпти... Яхший, бу далилларни битта-битта айтсангиз, таҳқиқ қилсак.

Мударрис: Биринчи далил шуки, бу мактабда болалар курсида ўтирадилар.

Фарангি: Жуда яхши, бундан нима чиқади?

Мударрис: Сен шариатни билмайсан. Найғамбар, «Ман ташаббаҳа қовман фахума минхум», деб буюрганлар, яъни «Қимки бирор қавмга ўзини ўҳшатса, бас, у ўша қавмдандир». Курсида ўтироқ ўриснинг ишидир. Агар бизнинг болалар ҳам курсида ўтирасалар, ўрисларга ўҳшаб қоладилар, демакки, ўрис бўладилар.

Фарангӣ: Боракаллоҳ, ҳазрати муҳаддис, ўша ҳадисни айтған кимса мазкур ҳадисни ҳам айтгаңлар, «Ман қола ла илаҳа иллаллоҳу лайадхулун-нард», яъни «Қимки калимаи тавҳидни айтса, дўзахга кирмайди». Агар биринчи ҳадиснинг мавзуси Сиз айтганингизча бўлса, бу икки ҳадис бир-бирига зид тӯшмоқда. Бир ҳадисни або-аждодларингиздан эшитасиз, лекин ҳадис қитобларига боқиб таҳқиқ қилмайсиз. Муҳаддиси киром мазкур ҳадисни шу тариқа шарҳлайдилар: «Ман ташаббаҳо қовман муҳаббатан лаҳум, майлан ала дийниҳум фахума минхум», яъни «Қимки бирор қавмга муҳаббати юзасидан ўҳшаса, у ўша қавмдандир». Иккинчидан, агар коғир бўлмоқ учун бу қадар ўҳшашлик кифоя қиласа, Сизнинг уламонингиз отининг бошி ва бўйинларига тилла ва кумушлар осмоқдалар. Буниңг ўзи мажусий одатидир. Улар ҳам мажусий бўлишлари керак.

Учунчидан, Ҳудованди карим Сизнинг кўз ва қулоқларийгизни ўрисларнинг кўз ва қулоги каби яратди. Бундан диннингизга нима зарар етди?

Тўртинчидан, курсида ўтириши ўрислар бино қилинганлар, балки курсида ўтирган биринчи кимса саҳобанинг улуғларидан Мусвия бинни Абу Суфёни⁸⁹ эди.

Бешинчидан, бирор марта ўз виждонингизга мурожаат этинг. Оlam ва одамларнинг халлоқи тарафидан улуғ фариштаси воситасида яратилмишларнинг энг фазилатлиси бўлмиши Расулиллоҳга нозил бўлған Қуръонии нега ҳар ким ҳар ерда ва ҳас-ҳашак устида ўқиса мусулмону ва қимки камоли эҳтиром билан курсида ўтириб ўқиса коғирдир?

Олтинчидан, агар болаларнинг курсида ўтиргани учун бир ислом мактабини беркитсангиз, нега ўрис мактабини очиқ қолдирияпсанз. У ерда ҳам курсида ўтирадилар ҳамда ўрис тилини ўрганадилар.

Ёттиңчидан, амирлик раиятининг қонини ичаётган зино, уламоси ейдиган рибо, талаба ҳуқуқиға хиёнат, мусулмонлар ўртасида нифоқ, мулласи мускирот ичимлиги истеъмол қиладиган, бойлар закот ва намозни тарк қилган ва аксар таъқиқ қилинган ишлар билан машғул бўлаётган бир мамлакатда (исломни) ҳеч ким ҳалигача манъ қилмаган ва қилмайди. Қандай қилиб фойдали бир мактабни курсида ўтириш баҳонаси билан манъ қилсалар? Агар уламонингиз ҳақиқий уламо бўлсалар, «варосат ул-анбиё»⁹⁰, «ка анбиёни бани Йеронил»⁹¹ бўлишлари керак. Бас, Худоваиди карим «ва маллоҳу йурийду зулман лил-оламийн», «валлоҳу лайахдилковмаз-золимиин», яъни «Аллоҳ тамоми ғламга зулмини хоҳлагувчи эмас», «ваҳоланки, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмайди», ояти карималарига кўра, зулмдан қайтарар экан, нима учун Бухорода кенг тарқалган зулмнинг асосини очиб ташлашга ҳаракат қилмаяптилар? Зулм учқуни ва фалон ҳокимнинг истибоди улкан... қитъасини беҳад ёндирганига қарамасдан, бугун 20.000 Мұхаммад уммати у ердан қўшини мамлакатларга ҳижрат қилғанлар. Ҳеч ким Сизга нима бўляпти, нега ўз Ватанингизни тарк этяпсиз, хонумонингиз хароблигининг бойиси ким, деб сўрамади. Балки золим бир шахсни ...нинг давлатҳоҳи қилиб қўйдилар. Фалон қозининг ситами ... маъмур мамлакатини хароб қилған. Аллоҳ яратган осойиш асосини юлиб ташлаб, олиму мутадайин жаноби эшон номи билан... дорилҳукумани унга топширдилар. Субҳоналлоҳ, Марвда ...нинг истибодидан қочғанлардан бири билан мулоқат қилғаним ва унинг ҳижратининг сабабини сўрафаним ҳануз ёдимдан кетмайди. У деди: «Соҳибжамол хотиним бор эди. Ҳокимимизнинг катта ўғли муни эшитиб, нафс ва шаҳват қўйида хотинимни унинг олдига жўнатишимни мендан талаб қилди. Мен унамадим. Ҳар қанча ширин ваъдалар ва даҳшатли таҳдидлар билан талаб қилган бўлсалар-да, мен кўнмадим. Ноchor мени қўйиб юбордилар, лекин тўрт кундан кейин жаҳаннам мувакилларидек ҳоким ясовули келиб, дасту гарданимга ўғирлик туҳматини осиб, мени олиб кетди. Ҳоким ҳам менга гўё унинг бандилигидан бир неча бор қочғани учун сўроқ-саволсиз ҳисбга олинган, деб қаради. Зинданда бир муддат ётганимдан кейин мажбуран ҳокимга икки минг танга, унинг сдамлариға минг танга ҳадя қилиб халос бўлдим, бир оз осойиш умиди билан уйга шошилдим. Уйга етиб келгач, ҳайҳот, кўрдимки, эшик очиқ,

на аёлимдан хабар бор, на амвол ва асбобимдан асар, девона бўлиб ҳар томонга югурдим. Ҳамсояларимдан бири айтиб берди. Мени ҳибсга олишгандан сўнг. ҳоқимнинг худодан қўрқмас ўғли хотинимга одам юборган. У бечсра ғариба қўрқувдан бирорга маълум қилиш ўрнига йинглаган ва у золим бўлса, фоят ғазабланиб, уйумнинг ашёларига эгалик қилибди. Буни эшитиб, у сарзамида ортиқ яшашга тоқат қилолмасдан, бошқа бир қишлоқдан аёлимни топиб, уйимни бир оз оқчага сотиб, шу тарафга келдим». Ажабо! Бу бечоралар наҳотки инсон эмаслар, магар Муҳаммаднинг умматлари эмасми улар? Магар Аллоҳ адолатни буларнинг осойинши учун қурмадими? Магар шариати аҳмадий уларнинг истироҳати учун зулмни наҳий⁹² этмадими? Қамоли иймон билан айтаманки, бу кун Бухоронинг ҳар бир гўшасида минг турли зулм жафо мавжуд, буларнинг энг осони мазкур ҳидоятдир: инсон ҳар қанча бағри тош, ваҳший, бераҳм бўлса ҳам, аёғдан йиқилаёзган бу миллатнинг хароб ҳолини кўтаришга мадад қилмаслиги мумкин эмас. Бале, ўрислар ғалабасининг боиси шулардан мужассамдир. Бухородек маъмур ва обод бир заминни дунёнинг энг хароб еридан ҳам хароброқ қилған шу зулмдир: агар ҳаммол ва мешкобдан тортиб то Бухоронинг улуғ аъёнлариғача сўрасак, алалиттифоқ ислом душмани бўлған ўрис ҳукуматини бу диёнатсиз мусулмонлардан кўра таржеҳ қиладилар. Агар уламонигиз чин уламо бўлсалар, илоҳий амрларни ижро этиш хаёлини қилсалар, Аллоҳнинг номи билан ҳоли қолған майдонга циқсинлар, исломни тараққий эттирсинлар. Бу тоифа Муҳаммад умматини зулм юки остидан халос этиб, ислом динини кофирларнинг тасаллутидан қутқарсинлар ё најот берсинлар: йўл қўймасинларки, бир нафар ҳоким на худодир, на пайғамбар, на авлиё, на малоика, на унинг тўрт кўзи бор, на саккиз оёғи, на диний илмларни биладилар, на муҳтасар сиёсий фанларни ва на зарурий хат-саводлари бор?! Ранятнинг шарафли кишиларидан бирини зинданбанд қилди, хотинини олиб қочди, мол-мулкини талон ҳолга келтирди.

Мударрис: Бу уламоларнинг вазифаси эмас, амирнинг ишидир. Уламонинг не ҳадди борки, амирнинг қаршисиға бирор гап қилсинлар.

Фарангиги: Хато гапирияпсиз, муборақ амири олий ҳазратнинг раъи ҳаргиз ҳеч важҳдан бу тамом зулмларга ва раняткашликка розилик бермайди. Зоти Ҳумоюн бу ишда шу қадар танҳодирки, инсонийлик тақозо-

сига кўра, ҳар раиятнинг аҳволини ўз кўзи бирла ку-
затиб туро олмайди, шунга кўра, бир шахсни муайян
бир жамоага ҳоким номи билан юбориб, байт ул-мол
ҳуқуқини улардан бажаришликни талаб қилади, шу-
ниңг учун у ранят аҳволи ва ҳокимлар интизомини қў-
риқлай олмас. Ҳоким ўзи ишонган уламодан икки на-
фарини қози ва раис тайин этиб, ўзига йўлдош қиласди,
улардан ҳеч бирни ҳоким ҳаракатларининг назоратчиси
бўлиб, у гайри машруъ бирор амрини содир этгай заҳоти
уни ҳайдаш учун арз қилолмайди. Бу икки нафар ула-
мо ҳазрати ҳокимнинг ҳар бир номашруъ амри туғул,
уни хунхўрлик йўлидан ҳам қайтара олмайди; бу уч
нафар инсоният душманининг жафо ўқларидан яралан-
ган раиятнинг уйқусини кўтаришга ҳеч кас ботинмас.
(Улар) ҳазрат подшоҳфа арз қиласидирларки, аҳволи
осойишталик бешигида беланган; фалакзада мазлум-
ларнинг исласи арши аълодаги сокинларининг қулоғини
кар қиласкац, улар кундан-кун ортиб бораётган абад
ул-давлат дуосидан бошқа ишлари йўқдир, деб хабар
қиласди. Агар баъзан ўша мазлумлардан бир нечтаси
бизнинг ҳам подшоҳимиз бор, подшоҳимиз одил ва
мушфиқдир, бориб арзи ҳол қилайлик, шояд бизни бу
дўзах моликининг набиралари азобидан халос қилса,
деган мулоҳаза билан ҳазрати Ҳумоюн даргоҳига кел-
салар, истибдодпеша бўрилар подшоҳ олий ҳазратнинг
атрофини маҳкам ўраб олғанларки, ундан ўтишнинг
иложи йўқ. Агар раиятнинг аризаси тақдим этилса ҳам,
уларнинг назаридан ўтиб, Ҳумоюннинг мутолаасига
етиб бормоғи маҳолдир. Бинобарин, аларнинг аризасини
ярим йўлда йиртиб ташлаб, «ёлғон ёзгани» учун амир-
нинг номидан бир шаллоқ уриб, яна ўз жойига қайта-
рарлар: бечора раиятнинг ҳоли аввалги кунидан ҳам
сиёҳроқ бўлиб қайтиши аниқдир. Энди айтингчи, амир
олий ҳазратнинг бу ўртада гуноҳи нима? Қарши ҳоким-
лигига ўтирган Тўра хўжа 1327-йилда (милодий 1909 й.
--Ҳ. Б.) қозиларининг зулмини ҳазрати амир (марҳум)га
арз қилди: Ҳумоюн дастхати содир бўлдикни, қози ўз
мулоғим, хизматкор ва раислари билан вазифасини бў-
шатенилар. Аммо бадбаҳтиқни қарангки, ҳеч ким
мазкур дастхатнинг ижросини жойига қўймайди. Агар
сиз уламо ҳам ҳокимларнинг зулмини зоти Ҳумоюнга
эшииттириб, золим ҳокимлар подшоҳ олий ҳазратнинг
номини ёмонотлиқ қилмоқдалар деб арз қилсаларингиз,
золимлар салтанати «Ва ма лиз-залимийна мин ансар»,
яъни «Золимларга ёрдам берувчилар йўқдир», ояти

каримасига кўра, Сизнинг арзингизни поймол қилмайди, албатта. Сизнинг гапларингизни қабул қиласди, аммо начораки, Сиз, Бухоро уламоси, ҳамиша нафсоний ҳаваслар билан машғул бўлиб, ислом тараққиёти ва илоҳий ҳукмларнинг ижросини хаёлга ҳам келтирмагансиз..

Воқеъан, масъаладан узоқлашдик. Бу мактабнинг ҳаром эканлигига Сизнинг бошқа далилингиз борми?

Мударрис: Агар бу мактаб Бухорода ўн йил давом этса, бутун мадрасалар хароб бўлиб, таҳсили дарс барҳам топади.

Фарангি: Бу гапдан мақсадингиз «илем Бухородан кўтарилади», демак бўлса, буни бошқа ибора билан, «бу мактаб аҳли илем таҳсилини куфр ё гуноҳ биладилар», деб айтиш мумкинки, бунинг ўзи ботилдир. Зеро, юқорида айтдим: бу мактаб Ҳинд, Бағдод, Миср, Қафказ, Қозонда бир неча йиллардан бери жорийдир ва бу мамлакатларнинг аҳолиси Бухоро мардумидан бир неча бор илмлироқдирлар. Ўзингизнинг иқрорингизга кўра, Ҳинд аҳли Бухоро мардумидан илмлироқ ва мутадаййинроқдир. Агар айтсангизки, «бухоролилар мубтало бўлған мазкур дарс ўқитиши равиши барҳам топиб, ўрнига бошқа бир равиш шойеъ бўлади»⁹³, деб. Бундан ислом оламига нима зарар? Матлабимизни муфассалроқ баён қиласлиқ. Ўз иқрорингизга кўра, таҳсили қадимнинг равиши шул тариқадир: бола етти ёшлигида мактабга бориб, ўн йил ўқиб, форсий хат-савод чиқариб, ундан сўнг машаққатлар чекиб, ҳар не топса устоз ҳазратларига тақдим қилиб, йигирма йил таҳсил қиласди. Бу муддатда «жинсияти ломи ҳамд» «зиёдати лафзи салоса»дан бошқа ҳеч нарсани билмасдан тугатади. Ҳатто йигирма йиллик таҳсил тамоман араб тилида бўлгани ҳолда, ҳануз у тилда тақаллум қилишга ожиздирлар. Ҳатми таҳсилдан сўнг бориб исломга хизмат қилиб, мардумни рост йўлға ҳидоят қилиш ўрнига у ўз инсонлик шарафини озғина «муаҳаз» учун жинсдошларининг кўзи ўнгига поймол қиласди. Бир мударрислик мансаби учун бир саводсиз қозининг уйини «каъбаи муаззама» ва дарбонларини⁹⁴ «малоикаи раҳмат» деб танисин.

Таҳсили жадиданинг равиши шуки, болани олти ёшлигидан мактабга юборадилар, у ўн тўққиз ёшида олим, мутадайин, ватанпарвар, диндўст, миллатпаст, сиддиқ, одил, тамом исломий амрларга мутиъ, бутун инсоний шартларга муштамал бир шахс бўлади. Демак, мактаби қадим ва мадрасалардаги усули қадим билан

бирга ўттиз йил, таҳсили жадида муддати эса ўн уч йилдир. Таҳсили қадимнинг кайфияти: талаба аввало ўн йил қоронғу хона андухини чекиб, зиндан гўшала-рига жуда ўхшащ бўлған заҳ ҳавода, ё ҳайвонлар яшайдиган жойларга ўхшаш ўриниларда ўтириб, «малак улмавт» (ўлим фарнштаси) бир муаллимдан калтак ва ҳақоратлар қўшилиб, ҳар куни икки сабоқ оладилар. У ҳам «ўқи» ва «ўт» тарнида, унга ҳеч ким парво қилдиришмайдики, кечаги сабоқ ўзлаштирилдими, бу-гунги сабоқ тушунарли бўлдими ёйўқ?

Таҳсили жадиданинг кайфияти: болалар фараҳбахш, ҳамма бисоти муҳайё, кенг иморат ва ҳифзи сиҳаг (гигиена) қоидаларни мувофиқ бўлган бир хонада Эрам боғларининг ўртасида, жаннат қасрига ўхшаб жилваланаётган мактабга келиб, фаришта каби хуш-феъл, хушсиймо муаллимларидан бир кунда уч дарс имтиҳон шарти билан пешонасини тириштирмай, ҳар дарс ўртасида чорак соат танаффус қилиш усули билан таълим оладилар.

Таҳсили қадимнинг фойдаси: талаба таҳсил давомида қўлинни ишга урмайди, кўп вақтларини камоли қашшоқлик ва қарздорлик билан ўтказадилар. Қашшоқлик иллати туфайли хотун ҳам ололмайди. 37 ёшдан то 40 ёш орасига мадрасани хатм қилғандан кейин, ақлан уч йил «муҳаҷаз» талабида дарбадар кезинадилар. Равшандирки, аксар мардум умрининг замони қирқ ёшdir: шундай қилиб, кўпинча, хатм қилувчилар хотун олмоқ тугул, қарзни адo ҳам қилолмасдан ўлиб кетадилар: Шу туфайли ҳам мусулмонлар ўртасида насл камаймоқда, бир неча мусулмон ўз шариатларига хилоф равишда мардумнинг ҳаққини бўйнида олиб кетадилар.

Таҳсили жадиданинг фойдаси: бойларнинг болалари пулли мактабларда, бечораларники пулсиз мактабларда камоли осудалик билан таҳсил олиб, хатмдан сўнг мударрислик, сипоҳийлик, тижорат, ҳунармандлик, кимдир дехқончилик, умуман, хоҳлаған ишига дарҳол қийналмасдан киришиб олиб, ўз вазифаларини уddyалай оладилар.

Таҳсили қадимда муддат узоқлиги учун аёлларни илм олиш шарафидан маҳрум этиб, «Талабул илму фаризатун ала кулли муслимни ва муслиматин», яъни «Илм олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга фарздири» ҳадиси шариифиға риоя қилмайди.

Таҳсили жадидада қизни олти ёшлигида мактабга берадилар, агар хоҳласалар, ўн саккиз, аксарият ўн тўрт

йил ўқитиб, тафсирхон ва ҳадисхон олима қилиб, куёвга берадилар. Ҳозир маълум бўлдики, қаерда жадид таҳсили ўн йил давом этса, албатта, таҳсили қадим барҳам топади, аммо бу исломга зарар эмас, беҳал фойдалидир.

Мударрис: Нега исломга зарар эмас? Бизнинг мужтаҳидлар, олимлар, ота-боболаримиздан қолған таҳсил орадан кўтарилиб, унинг ўрнига кофириларнинг ихтироси бўлған янги усул юзага келмоқда.

Фарангি: Аввало, жадид мактаби кофириларнинг ихтироси эмас, кофириларнинг ихтироси бўлган тақдирда ҳам мусулмонларнинг бугунги ҳолатида ғоят фойдали бўлғани учун ихтиёр қиласангиз, дунёнинг қаери вайрон бўлади?

Мударрис: Дунёнинг ҳеч қаери вайрон бўлмайди. Агар бу усули жадидани усули қадимдан афзал кўрсанқ, «таржеҳи куфр бар ислом», яъни исломнинг ўрнига куфрни танлаш лозим келади.

Фарангি: Чунончи, усули жадида кофириларнинг ихтироси бўлмаганидек, Сизнинг таҳсил усулингиз ҳам ислом улуғлари ва мужтаҳидларининг таҳсили эмас-дирки, «таржеҳи куфр бар ислом» лозим келса: фараз қиласангиз, Сизнинг таҳсилингиз ислом улуғлари ва мужтаҳидларининг таҳсили бўлған, бугун ундан осонроқ ва фойдалироқ бир усул топдингиз, буни қабул қиласангиз, исломга нима зарар етади?

Масалан, оталаримиз, улуғларимиз, мужтаҳидларимиз ҳажфа хизмат қилишдан аввал, от ёки эшак миниб, олти ой давомида Бухордан Бағдодгача борар эди. У ердан елканли кемага ўтириб, бир йил давомида Маккага етиб, ҳаж қилиб, Бухорога келгунча уч йилу бир неча ой ўтарди. Ҳозир кофирилар ўт-ароба ва оташ-кемалар қурғанлар. Ҳамма бир бор ўз дини улуғларининг ҳаж қилиш тарзини тарқ этиб, кофирилар очган қўлдан 25 кун муддатда Маккага бориб етдилар: на динингиз қўлдан кетди, на дунё вайрон бўлди, балки Бухордан қадимда йигирма киши Қаъба зиёратига зўрга етиб борған бўлса, ҳозир йилинга минг киши ҳажфа бормоқда.

Таҳсил масъаласи ҳам шундайдир: эски усулда бутун аёллар илм олиш шарафидан маҳрум бўляпти, эркакларнинг аксари хат-саводсиз ҳаёт кечирмоқдалар. Ҳар асрда бир ёки иккита улуғ олимгина етишяпти, усули жадидага кўра, осонлик билан аёллар ҳам, эркаклар ҳам олим бўладилар.

Чунончи, Қуръони каримни Пайғамбар ва унинг асҳоблари замонида қўйнинг терисига кўфий хат билан ёзардилар. Ҳозир асрлар ўтмоқдаки, қуладайлиқ учун қоғозга насҳ хати билан ёзяптилар. Ҳануз осмон узулиб ерга тушгани йўқ. Таҳсил масъаласи ҳам шундайдир. Шарнати аҳмадийнинг асоси тавҳили амал⁹⁵ бирла Парвардигорининг розилиги билан бўлади. Ҳақ таоло айтадики: « Йуридуллаҳу ан йухаффифа анкум ва холақол инсана заифа», «Йуридуллаҳу бикум ул-йусро вала йуриду бикум ул-ъусро», яъни «Аллоҳ таоло Сизларга енгилликни хоҳлайди, машаққатни эмас», «Аллоҳ таоло Сизларга енгиллик хоҳлайди, ваҳоланки, инсонни заиф яратгандир».

Мударрис: Бошқа далилнимиз шуки, жадидлар алифбони 25 ҳарф қилғанлар, бу бизнинг мазҳабда дуруст эмас, жадидлар коғирдирлар.

Фарангি: Алифбони форсийни 25 ҳарф қилғанларми ё алифбони арабийними?

Мударрис: Алифбонинг форсий, арабийси йўқ. Болалар мактабда ўқийдиган ўша алифбони.

Фарангি: Жаноби мударрис! Сиз ҳам воқиф бўлишингиз керакки, инсоният бирор маъно ифодалаш учун такаллумга муҳтоҷ бўлған вақтда азбаройи ўша ифодаларининг сақланишлиги учун ҳам шу қадар таҳрирға эҳтиёжлари бор эди. Бас, ҳар қавм азбаройи ҳар бир нав товушни ёзиш учун бирор шакл вазъ⁹⁶ қилдилар. Масалан, такаллум вақтида оғизларидан 29 тарзи садо чиқадиган араблар 29 шакл, гаплашганида оғизларидан 25 ҳарф чиқадиган форслар 25 шаклни ёзмоқ учун тайин қилдиларки, биз у шаклларни «алифбо» деб атамиз. Бу тақрирдан уч нарсани тушунган бўлинингиз керак. Биринчиси шуки, ҳар миллатнинг ўз тилига мувофиқ алифбоси бор, иккинчиси — алифбони арабий 29 ҳарф, алифбони форсий 25 ҳарфдир, учинчидан — ҳар қавмнинг алифбоси ўз тилларига тобеъдир, дин ва мазҳабға алоқаси йўқдир. Жадид мактабида алифбони форсийни алоҳида, алифбоси арабийни алоҳида таълим берадиларки, шу тарздадир:

Алифбони форсий

ا ب پ ت ج ج ح ح د د ر ز ذ س ش غ ف ك گ ل م ن و ه ل ا

Алифбони арабий

Охиригача шу тартибда

ا ب ت ث ج ...

Бу тақрирдан билдингизки, жадид мактабида алиф-бони камайтирганлар, балки алифбои форсийни алоҳида, алифбои арабийни алоҳида ўргатганлар. Токи бола катта бўлгаңдан сўнг, дарс ўқиб мударрис бўлиб ҳаж йўлида бир фарангি олдида ўз тилининг алифбосини бошқа бир тил алифбосидан фарқ қилишдан ожиз қолмасин. Бас, бечора жадидлар коғир ҳам бўлмағанлар. Алиф-бони 25 ҳарф қилиб қўйғанини қабул қилган тақдирда ҳам, қандай қилиб, Сиз Бухоро уламоси Худованди карим кўбина оятлар билан фарз қилған жиҳот ва байзойи исломнинг муҳофазаси масъаласидан танбаллик ва роҳатпастлик билан кўз юмдингиз, рибо, нусаввасга монеъ қилишдан ташоҳул қилиб, маҳзари шаръийда қонуний васиқалар билан муомала қилдингиз, вақфларни шаръий ижозатсиз олди-сотдиға чиқардингиз, Туркистон ислом миллатларини, ислом подшоҳларининг кавзай тасарруфидан чиқариб ташладингиз? Азиз исломни — залил, ғолиб исломни — мағлуб, жузъя оловчи исломни — жузъя берувчи қилдингиз. Қаҳр қуввати билан коғирни титратган исломни анвойи тазалзулга дучор қилдингиз.

«Аслуҳа сабитун фил-арзи ва фаръуха фис-самаъ», яъни «Ислом шариатининг асли [томири] етти қават ерда мустаҳкамдир, унинг шоҳлари осмонда» бўлған исломни йўқ бўлиш ҳолатиға етказиб қўйдингиз, меҳрибон она-Ватанини бегоналарнинг оғушиға ташладингиз, бироқ коғир бўлмадингиз. Энди жадидлар алифбодан тўрт ҳарфни камайтирганлари учун коғир бўлдиларми?

Ай, ғафлатзадалар! Токайғача тажоҳул? Қачонғача худписандлиқ? Исломни ғариб кунга солдингиз, исломни кимсасизлик ҳолиға келтириб қўйдингиз, бир оз ҳүшингизга келинг. Етар танбаллик, етар худписандлиқ, етар ваҳшийлик! Бир оз мулоҳаза юритиб қаранг, Сизнинг вужудингиздан исломнинг латиф пайкарига нима зарбалар етмаган, шаръий матини муҳаммадий бошиға Сизнинг ваҳшатингиз воситасида нима балолар ёғмаған? Ай, бехабарлик водийсининг гумроҳлари, магар қисқа муддатда Арабистондан тортиб, то Ҳинд, Чин, Тотқристон, Туркистон, Рум, Эрон ва Андалусни маданият нури билан равшан этган бу ислом эмасмиди? Баҳодирлар тарафдорлари ва жасур ҳимоячиларнинг ҳайбатидан замину замонни титратган магар ислом эмасмиди? Исломнинг иззати, шукуҳи, давлати ва шавкати бор эди. Ислом азamat ва устунликка эга эди.

Ислом құдратлы ва забардаст әди. Фаранса қалъаларини титратған Андалус султонларининг түп садолари ва ўрис калиса (черков)лариниң зири забар этган Темур ий суворийларининг туёқ ларзалары ислом туфайли әди. Эрон ва усмонли султонларини Фарангистондан қўлини баланд қилған, ўн саккиз буюк подшоҳини ҳамишалиқ Ҳиндистоннинг тождори қилған ислом әди. Ай, мусулмонлиқ ҳақиқатидан бехабарлар, исломнинг қувваи ғайбийасига ким барҳам берганини ўйлаганмисиз?

Ислом маданияти қани? Илмга нима бўлди? Жасур ҳимоячилари қайга кетдилар? Уларнинг баҳодир тараф-кашларига нима бўлдики, ислом тарафдорлигини тамоман тарқ этдилар? Иззат ва шарафини ким ғасб этди? Давлат ва шавкатини ким яксон қилди? Нима бўлдики, улар баҳодирлиқ ва ғолиблиқни қўлдан бердилар? Нега қудрат ва забардастлиги нобуд қилинди? Андалус заминидан фотимий султонларининг иомини, ҳинд тупроқларидан тождор подшоҳларнинг асарини ким йўқ қилди? Қайси тасаллут қўли усмонли ва Эрон подшоҳларини заиф ва тазалзул кунига солиб қўйди? Темур набираларининг гарданига ўриснинг итоат арқонини ким боғлаб қўйди?

Қамоли итмийон билан⁹⁷ айта оламанки, буларни Сиз қилдингиз. Ҳа, ислом азиматининг бартараф этилиши, ислом давлатининг заволи, динининг яксон бўлишга йўлиқиши— ҳаммаси Сиз туфайлидир. Эртага исломнинг барбод бўлиши ҳам Сиз сабабли бўлади. Зоро, агар Сиз тараққиёт ва маданият эшикларини Муҳаммад умматларининг юзига ёпмаганингизда, агар Сиз ваҳшийлик бисотини буларнинг орасиға ёймаганингизда, агар Сиз ҳарб асбобини шамширу эгри камон ва етмиш яшар мафлук⁹⁸ сарбозлар билан чекланиб, «Фаманеътада алайкум фаътадуъ алайхи бимисли маътада алайкум», яъни «Бас, кимки Сизларга тажовуз қилған бўлса, Сиз ҳам уларга шундай тажовуз қилинг» ояти каримасининг мазмунича, бир оз мулоҳаза қилмай, тўп, милтиқ, бўмба, динамит ва бошқалар ясашни ва илми низом⁹⁹ таҳсилини ҳаром демаганингизда, агар Сиз «Ваътасиму биҳаблиллаҳи жамъиян ва ла тафаруқу», «Иннамал мұъминуна ихватун фаслау байна ахавайкум», яъни «Жам бўлған ҳолатда Аллоҳнинг ипидан тутинглар ва ажралманг», «Албатта, тамоми мўминлар бир-бирлариға биродардирлар, бас, бир-бирларини салоҳиятга келтиринглар» номай шарифаси-

нинг топшириғидан кўз юмиб, кучли ва бирлашган уммати Мұхаммадийни шиа, сунний, зайдий, ваҳҳобий номи билан фирмә- фирмә қилиб, бирини бирига душмаү қилиб қўймаганингизда, агар Сиз Қуръони карим амрларининг аксариятини шаҳватпараст ҳавоий нафсингизга фидо этмаганингизда, агар Сиз миллат ҳуқуқини гасб қилувчиликага тамаллуқ¹⁰⁰ билан мусованат этмаганингизда, албатта, ислом бугунги ҳолға тушмасди. Агар ислом учун ҳозир нажот йўли мавжуд бўлса, у ҳам ушбу жадид мактабидир. Йблинсинг дасиса дўконида¹⁰¹ тў-қилған бир неча ёлғоннинг асосий сабабини қабул этсангиз, токи буни ҳам ёпиб қўйиб, ислом номини Туркестон саҳифаларидан ўчириб ташласинлар.

Инсоф шунчамики, Сиз ислом вужудига зарба бे-рувчи бўлдингиз ва шундай бўлмоқдасиз?! «Айавму нахтику ала афваҳиҳим ва тукаллимуна айдиҳим ва ташҳаду аржулуҳум бима кану яксибун», яъни «Қиёмат кунида уларнинг оғизларини муҳрлаймиз, нимаики қилған бўлсалар [бу ҳақда] қўллари гапиради ва оёқлари гувоҳлик беради». Анинг хосиятларидан бир лавҳа бўлған қиёмат куни, агар Аллоҳнинг расули Сиздан юз ўгириб: «Эй душманлар ва менинг нурли шариатмининг бадҳоҳлари, Аллоҳдан қўрқмадингиз, менинг бугунги мулоқотимни мулоҳаза қилмадингиз. Сизга омонат топширилган шариати матинимга¹⁰² хиёнат қилдингиз. Бу қавий¹⁰³ диним асосининг тамҳиди учун қилған меҳнатларимни зое этдингиз: борниг, эй шариат ҳуқуқининг хоинлари, эй, Аллоҳ амрининг ўғрилари, «Хазиҳи жаҳаннам ул-лати кунтум таъадун», яъни «Сизлар қўрқитилган дўзах мана шудир», — деса, шармандалиқдан бошқа нима узрингиз бўлади? Аллоҳнинг азобига гирифтор бўлишдан бошқа, бошингизга қайси тупроқни сочасиз? Ўйлаб қўринг, Сизнинг салоҳингиз бунда эмаски, «Фаҳкум байнаннаси вала татабаъ ул-ҳава», яъни «(Пайгамбарга) Одамлар срасида ҳукм қилинг. Ҳавоий нафсга тобеъ бўлишлигни тарқ этиб, шахсий ғаразларни оёқ ости қилиб, илм талабига тарғиб қилиб, ҳақиқатан ходими диний мубини ислом бўлған бечора таҳсил тариқини осонлаштирувчи ва мусулмонлар тараққиётининг сабаби бўлған жадид мактабларини очишга ёрдам кўрсатянисимиз?

Мударрис: Йўқ. Мамлакатимизда бу мактабини ҳаргиз очмаймиз.

Фаранг: Нима сабабдан?

Мударрис: Зеро, бу мактаб харом бўлмаған тақдирда ҳам бидъатдир.

Фарангি: Ҳа, бидъатдир, аммо бидъат икки хил бўлади: бидъати ҳасана¹⁰⁴, бидъати саййина¹⁰⁵. Масалан, Қуръонни қофозга насҳ хати билан ёзмоқ, оташ аравава ўт-кемада ҳажга бормоқ, мадраса бино қилиб, вақф тайин этмоқ бидъати ҳасанадир. Муайян вазифалиги (маоши) бўла туриб, ғарид муллаваччалардан дарс ҳақи сифатида пул олмоқ, отнинг гарданини тилла тақинчоқлар билан зийнатламоқ, баҳмал, фаранги анжомлар, кимхоб киймоқ, сайд кунларида катта саллалар билан, узун-узун тасбехлар билан ўрус аёлларининг ўйинхоналарига кирмоқ бидъати саййинадир. Мусулмонлар тўп ва миљтиқ ясашни билишлари керак. Нега? Чунки, бу бидъати ҳасанадир. Қайси далилга кўра? Шу далилга кўраки, бутун исломнинг муҳофазаси тўхтаб қолган.

Уламо ифтитоҳ олмасинлар. Нега? Чунки бидъати саййинадир. Қайси далилга кўра? Шу далилга кўраки, ислом буюкларидан ҳеч бирин муайян вазифалиги (маоши) бўла туриб дарс ҳақи олмағанлар.

Мусулмонлар жадид мактабини очмоғи керак! Нега? Чунки бидъати ҳасанадир. Қайси далилга кўра? Бир қанча далилга кўра. Биринчи: Сизларнинг мактаб ва мадрасангиз таҳсил усули ғоят узоқдир, шу сабабдан бечора аёллар улар учун ҳам фарзи айн бўлған илм ва ирфон шарафини қўлга киритишдан маҳрум қолмоқдалар. Иккинчи: улар илмсиз қолмоқдалар, ҳар [бир] илмсиз тарбиясиз бўлғани каби, улар ҳам тарбиясиз бўлиб қоладилар. Маълумдирки, ким тарбиясизнинг қўлида катта бўлса, у тарбиясиз ўсади. Бинобарин, Сиз ҳаммангиз тарбиясиз қолмоқдасиз, чунончи, қолғансиз ҳам. Учинчи: Сиз насронийлар устингиздан ғалаба қилиб, номингизни олам саҳифаларидан ўчириб юборишга восита бўлған илмларни таҳсил олмоғингиз лозим. Агар бу илмларни ҳозирги дарсларингизга қўшиб усули қадим билан ўқисангиз, олтмиш йилда хатм қилишингизга тўғри келади, бунинг эса фойдаси йўқ. Агар ҳозирги дарсларни тарқ этиб, фақат жадид илмларни ўқисангиз, бу ҳам маҳолдирки, зеро, дарсларнинг аксари диний илмлардирки, уларни тарқ қилиб бўлмайди. Демак, таҳсилингиз учун янги бир усул топингки, ҳам қадимги илмлар, ҳам янги фанларни камоли осойиш билан ўн икки йил давомида ўн саккиз ёшда хатм қилиб, ундан сўнг ислом муҳофазасининг асбобини ҳозирламоққа ки-

ришинг. Демак, событ бўлдики, усули жадида шунга кўра бидъати ҳасанадир ва жоиздир, лозим ва вожиб ҳамдир.

Булардан қатъи назар, кўрайлик-чи, Худованди карим қитол ва жиҳодни кўпгина оятлар билан нега фарз қилди экан?

Ҳифзи ислом¹⁰⁶ ва илқойи калиматуллоҳин¹⁰⁷ қўяйлик, бироқ байзойи исломнинг муҳофазаси бугунги мусулмонлар учун ҳам фарзми ё йўқ?

Мударрис: Албатта, фарзdir.

Фараниги: Фараз қилайлик, насроний давлатлар исломни парчаламоқ учун бирдан ҳужум қилиб қолсалар, чораси нима?

Мударрис: Маълумдир, ул вақт мудофаа барча мусулмонлар учун фарз бўлади.

Фараниги: Насроний давлатлар ҳарбий аскар, оловли ҳарб қуроллари тўп, милтиқ, динамит, бўмба сингари, лашкарни сафарбар этмоқ учун эса, кема ва бронепоездларга эга. Мусулмонларнинг ҳам мазкур асбобга энг мукаммал тарзда эга бўлиши лозимми? Ё уларнинг муқобилида ўзининг номунтазам лашкарини таёқ, пичоқ, ҳанжару эгри шамшир, тийри камон билан қуролланиб, от аробаларда йўлга тушиб, ҳеч қандай қаршилиқсиз ўзини коғирларга мағлуб ва исломнинг йўқ бўлишига маҳкум этадиларми?

Мударрис: Албатта, лозимдирки, аҳли ислом ҳам янги ҳарбий қуролларга эга бўлсин, зероки, булардан ташқаридан мудофаа бўлмайди.

Фараниги: Қарорингизнинг изоҳларидан маълум бўлишича, мусулмон кишиларига бу вожибдир. Бироқ ҳозирға насроний давлатларидағи каби, тараққиётни кўлға киритишга машғул бўляптими?

Мударрис: Ҳа, бинобарин, насроний давлатларидан ҳам ўз мавқеини зиёдароқ мустаҳкамламоқ вожибдир.

Фараниги: Муддао равшанироқ бўлсин. Масалан: жумладан, тараққиёт асрида насроний давлатлари ўзларининг ҳифзи шарафи учун, номусини ҳимоя қилмоқ учун, нуфузнинг ортиши, сарватнинг таъмини ва ўз тинчлиги учун ўртаға чиқарғани тўп ва милтиқдир. Мусулмонлар ҳам мазкур мақсадлар мулоҳазасига кўра, тўп ва милтиқقا эга бўлмоғи вожибми?

Мударрис: Албатта, вожибдир.

Фараниги: Мусулмонлар ҳам тўп ва милтиқларни насроний давлатлари ясаган йўл билан ясайдиларми

ё аввалдан ўзи янгича тўп ва милтиқ ихтиро қилғанларми?

Мударрис: Агар мумкин бўлса, аввалдан насронийларнинг молидан яхшироқ қилиб, ўзига янги тўп ва милтиқ ясамоғи лозим.

Фаранг: Насроний давлатлари ишлаётган қуроляроғлари одамнинг бир неча минг йиллик илм ва ижтиҳодининг¹⁰⁸ натижасидир. Асрлар ўтмоқдаки, ҳануз бирор нафар мусулмон улардан бирор намунасини ясаганини эшитмадик. Ва аминмизки, бундан кейин ҳам ясамасалар керак. Магар вақти етдики, ҳозирги кунда таҳсил билан умумни комилликка етказса.

Ҳозир нима деяпсиз, мусулмонлар ҳам тўп ва милтиқни фаранг ҳакимларининг илму фанлари орқали ясашлари керакми ё мусулмонлар ўртасида ҳам янги ихтиро зоҳир бўлгунча мунтазир ўтирасинларми?

Мударрис: Доими интизом ҳалокатни тақозо этганидек, ўз дини ва Ватанинг муҳофазаси асбобини ҳозирги илму фанлар билан тезроқ тартиб беришлари керак мусулмонларнинг.

Фаранг: Бас, ўзингизнинг иқрорингиз билан аҳли исломга жадид мактабини очиш ва ҳозирги замонавий фанларнинг таҳсили вожибдир. Кимки буни манъ этиш учун қалқса, шарнатға мункир, исломға душман, маҳбуби Ватан хонни бўлиб, дунё ва охиратда ҳазрати Ҳақ таолоға мағзуб ва мақҳур¹⁰⁹ бўлади.

Мударрис: Нақадар бисёрроқ гапирсанг, шу қадар бемаънироқ бўлянти. Қуръони каримнинг ҳукмига кўра, мухарраф ва мансуҳ¹¹⁰ бўлған насроний китобларидан биз учун таълим бериш дуруст эмас, бу гапларнинг билан уларнинг таҳсилини бизга вожиб қилмоқчимисан?

Фаранг: Қани айтинг, исга яна қочяпсиз? Хато қиласиз. Қуръонингизнинг ҳукмига кўра, мухарраф ва мансуҳ бўлған у китоблар Иnjил, Таврот, Забур бўлиб, бизнинг диний китобларимиздир. Уларнинг ҳеч биррида тўп ва милтиқ ясалиши ҳақида бирор сатр мавжуд эмас. Мен Сиз вожиби таҳсил деяётган бу илмлар шундайки, уларнинг асосини насронийлар мусулмон ҳакимларининг асарларида олган. Булар дин ва миллатга даҳли бўлмаған иқтисодий фанлардир. Бу илмларни Сиз ҳам таҳсил кўрсангиз телеграф сими тортасиз, оташ ароба қурасиз. Йигирма кунда юз минг сарбозни бу дунёдан унинг бошқа чеккасига етказасиз, Қуръоннинг асрорини тушунасиз, Ватанингизни бегоналар-

нинг дастидан халос этасиз. Ҳифзи ислом ва илқоён калиматуллоҳ учун тўп ва милтиқ ясангиз. Мулкдорлик, усули тижорат, зироатни ўрганиб ўз мамлакатингизни обод қилинг, ўз миллатингизни ассрат занжиридан халос қиласиз. Исломни аввалги ҳолатига келтирасиз. Виждонимга қасамки, исломнинг боқийлиғи бугунга боғлиқ. Агар бу илмларининг таҳсилидан яна ҳам чекинсангиз, ортиқ юз йил ислом номини Туркистон саҳифаларида сақламоғингиз маҳолдир.

Мударрис: Токай бу бўлмағур илмларнинг манфаатидан оғзингни тўлдирасан? Магар хотирламайсанми, мусулмон султонлари Амир Темур Бухорий¹¹¹, Маҳмуд Фазнавий, Нодиршоҳ Эронийларнинг тараққиёт замонлари биз эга бўлиб турган мана шу мадраса, мана шу мактаб, шу мулкдорлик усулида бутун олами олганлар, уларнинг ҳеч қайсиниси сенинг бу бўлмағур илмларнингни на ўқиған, на эшиған?!

Фарангি: Қайси замонни айтяпсиз? Бу подшоҳларнинг тараққиёт замони қачон бўлған? Қани аларнинг тараққиёти? Улар эгаллаган оламлар қаёқса кетди. Амир Темур Бухоро ҳодисаларининг ахбори бир кечада Ҳиндга етиб боради, деб қачон гумон қилған? Бир нафар одам йўлнинг икки минг қадамидан бир соатда эллик кишини тортиб кетиши Нодиршоҳнинг хотиридан ўтганми? Амир Темур замонида Бухородан Ҳиндгача лашкар тортиб бориш муддати бир йил эди, ҳозир йигирма кундир. Бу подшоҳлардан ҳар бири Ҳиндни Чинга қадар қабзайн тасарруфиға олғаниға шубҳа йўқ, лекин улар ўтиши билан ўша шаҳарлар ҳам аввалини ҳолатига қайтған, уларнинг тараққиёти муваққат, ўша шахсларнинггиша ҳаётига боғлиқ эди. Оврупа давлатларининг тараққиёти эса доимийдир, зеро ўша вақтда мусулмон подшоҳларининг салтанати ўз раъйнга тобеъ бўлған. Бугун Оврупа султонларининг раъйи ушбу илмларга тобеъдир.

Мударрис: Менинг гафим буларда эмас, балки айтаманки, инчунин, собиқ ислом подшоҳлари замонида ушбу мактаб, мадраса, илмлар тараққий этиб, бошқа давлатлардан устун келдилар. Ҳозир ҳам ушбу дастгоҳимиз билан Оврупа давлатлари каби тўп, милтиқ ва аскар тўплаб, тараққий этишиниз мумкиндир.

Фарангি: Ислом подшоҳларининг тараққиёт замонини бу вақтга тенглаштирманг... Сарбозларингиз низомсиз эди, ҳатто насронийлардан ҳам низомсизроқ, илмларингизнинг доираси чекланган, таҳсил усулингиз

мушкул эди. Насронийларда эса шу қадар ҳам йўқ эди. Бинобарин, подшоҳларингиз насроний давлатлари устидан ғолиб келиб, илқойи калиматуллоҳга мувваф-фақ бўлғанлар. Лекин аста-секин кофирилар бу қадар мағлубиятга тан бермай, сайъ ва тараддуд йўлиға тушиб, ислом уламосининг китобларини Бағдод ва Андалусдан жамлаб, уларнинг асрорини таҳқиқ қилишга тушдилар ва салтанат асосини Қуръонингиз аҳкомига кўра белгилаб, «Ва ман йұттал-ҳикматта фақат утия ҳайран касира», яъни «Кимгаки ҳикмат ато қилған бўлса, батаҳқиқ унга кўб яхшиликлар ато қилингандир», «Утлубул-илма валав бис-син» —«Илмни Чиндан бўлса ҳам изланг» ҳукмига кўра, бутун илму ҳикматни қўлға киритиб, аслаҳани табдил этиб, яъни шамширу найзани тўп, милтиқ, бўймба қилиб, аскарни низом остига олиб, оташ ароба ва ўт-кемага миндириб шу васила билан исломий ҳукуматлардан устун келдилар ва мусулмонларнинг аксарини маҳкум ва барбод, баъзиларни мағлуб ва яксон қилдилар. Агар ҳозир Сиз ҳам таассубни бир тарафга қўйиб, муентазам жадид мактабларини очиб, олам тараққиётини асоси бўлган ушбу илмларни [нг] таҳсилини олсангиз, фабиҳалмурод¹¹² бўлади. Ва аксинча, агар мактабларингиз таҳсил усулнингиз, мулкдорлик равишинингиз шу бўлса, фарангилар каби аскарга эга бўлишлик тугул, буғга ҳам эга бўлингиз маҳолдир.

Мударрис: Сиз хийла донишманд одам экансиз. Воқеан, бизнинг Ватан ва миллатимизни дардларини топиб, иложини ҳам яхши баён қилдингиз. Зотан, бизнинг ҳам «биринчи нажот йўли илмдир» хусусида муҳолифатимиз йўқ. Бизнинг ишти боҳимиз жадид мактаби ва замонавий илмларнинг таҳсили эдики, буни ҳам камоли яхшилиғ билан юксак эканини кўрсатдингиз. Сиз жаноб мусоҳабатидан кўп масрур бўлдим. Энди бизга руҳсат.

Фаранг: Хайр, Аллоҳфа омонат!

Хотима

Ушбу ўринда қаламни бухоролиларни меҳрибон отаси, олий ҳазрат ҳам миллатпаноҳ подшоҳ «ваффақа-ҳуллоҳу битаъийид ил-ислом»¹¹³ға қаратиб, арз қиласизки: Эй, ҳазрати Кирдикор (Аллоҳ) томонидан муқаддас мусулмонлар жамоасининг молик риқоби қилиб қўйилган Зот! Исломия салтанатининг заифлири меҳ-

рибон қалбингга, очиқ ва бадиятан давримизнинг авлиёсига маълумдирки, бугун ё эрта дини исломнинг душманлари бил мусулмон халқини қаро асирилик кунига дучор қиладилар. Вазифан аввали дини исломга хусумат бўлған бу разиллар яқин замонларда биздан динимизни тарқ қилишни талаб қиладилар. Йомомимизни пўпга, азснимизни қўнғироққа, масжидимизни черковга алмаштироқдан бошқа чора қолмас. Ахир муборак фикрингни ишнинг бу томонига ҳам машғул қилиб кўргин, бу ҳолда биз бечораларнинг иложимиз нима бўлади? Бизнинг халоскоримиз ким? Бизнинг ожиз қўлимииздан тутиб, бу бало гирдоғидан ким қутқара олади? Бизнинг изтиробли иолаларимизни дилсўзлик қулоғи билан ким эшитади? Бу кун зоти муқаддаси ҳумоюн, меҳрибон отамиз, хуш фармонлар чиқарғувчимиз, оқил подшоҳфа эга эканлигимизнинг ўзи бизнинг энг яхши фурсатимиз эмасми? Ушбу ҳумоюн вужудингнинг бақоси нажотимизнинг энг буюк василаларидан эмасми? Ҳошо... виждан билан қарасам, сенинг муборак вужудинг билан қасам ичаманки, агар бирор фурсат лозим бўлса, бирор қутилиш йўли кўринса, биз уни хоҳлаймиз, бас, нега ва қайси хотиржамлик билан янги келган меҳмон каби осуда ўтирибмиз? Токи, бу фурсат ҳам қўлдан кетмасин. Агар раият ҳаракат қиласалар, айб эмас, улар ғофилдирларки, оламнинг тараққиётидан хабарлари йўқ. Аммо сен, зоти муборак, барча тараққиёт асроридан нуқтама-нуқта огоҳдирсан!

Эй, Бухоро миллатининг меҳрибон отаси! Раият ҳолиға тушуниб раҳм қилғин, муборак вужудингга Ҳақ таоло тарафидан топширилган Муҳаммаднинг нурли шарнатиға хизмат қилиб, йиқилған миллатингнинг нурли фикрлариға ва маориф тараққиётининг тавсиясига цқдом қил.¹¹⁴ Ҳа, «чанин кунанд бузургон чу кард бояд кор» («улуглардан бирор иш лозим бўлса, шундай қиладилар»).

Иккинчидан, барча азиз ватандошлар, муҳтарам диндош биродарлар! Сизларга хитоб қилиб камоли одоб билан айтаманки, биродарлар, жуда кўб кунларни ва хийла фурсатни ғафлатда ва танбалликда ўткарямиз. Бац, энди! Ҳозир ғафлат вақти эмас. Ҳар қайсингизга маълумдирки, насронийлар ҳар тарафдан исломга ҳужум ўюштириб, ҳар соат бизни нобуд қилмоқ учун, динимизни йўқ қилиш учун баҳоналарни қўлга киритмоқдалар. Ўзингиз иисоф қилинг, ким руҳсат бердики, бундай бало сели атрофимизни ўраб олған бир пайтда,

осудалик билан ўтириб, ҳеч вақт, ҳеч важҳдан қўл-оёқни ҳаракатга солмайлик, токи кофирилар бизни нобуд этиб, динимизни орадан кўтариб, муқаддас Ватанимизни, бир қанча муддат нозпарвар оғушида парвариш қилған обод юртимишни поймол этмасинилар, нега уларга қарши ҳаракат қилишимиз. Агар сиз иккилансангиз, тараддуздизлигингиш боиси «ислом очиқ диндир ва Аллоҳ унинг қўриқчиси» бўлса, мен ҳам сизнинг ақидаларингизга шерикман, бироқ айтаманки, Аллоҳ диннинг қўриқчиси ва носиридир, аммо у сизнинг ҳаракатингизга боғлиқ. Агар Сиз ҳам азиз жонингизни қўлга олиб, нусрат учун кўтарилмасангиз, аниқдирки, Сиз на мусулмондирсиз, на Аллоҳ Сизга нусрат этар! Аллоҳ ва унинг Расули бизга жиҳодни фарз қилғанларининг далили билан, агар бизнинг унга ўтиришимизни ҳам Аллоҳ нусрат қиласр экан, нега унинг Пайғамбари иззат нафси билан ғазотга борғанлар, ҳамма асҳобларини нега кишангага тутганлар. Узоққа бормайлик, агар меннинг ақидам рост бўлмаса, нега ҳозирга қадар нусрат қилмаган?! Агар Сизнинг тараддуздизлигингишнинг сабаби «кулли ёвмин батар», яъни «кундан кун баттар бўлади»,¹¹⁵ ёлғон ҳадиси бўлса, бу пайғамбарнинг ўз ҳадиси эмас, балки сохта жумладир, ёлғон муҳокамадирки, Сизнинг танбал, шикампарат уламойингиз уни ўз осудалиги учун иблис дастёргигига тўқиганлар. Тошу васила билан ҳақиқатбин кўзингизни боғлаб, ҳавоий нафсингизға мувофиқ яшамоқдасиз. Бале, танбал уламолар шу қадар ҳам танбалдирларки, форсча «батар» («бадтар»нинг қисқаргани) калимасини арабчадан но-тўғри талқин қилиб, ўз ёлгои муддаолари учун буни халос йўли сифатида тузганлар¹¹⁶. Биродарлар, ислом қадимдан тараққий қилған. Нимаики, қўлға киритган бўлсалар, бу мусулмонлар сайъ-ҳаракатининг баракоти билан эди. У пайт жузя¹¹⁶ олар эди, мусулмонларнинг танбаллиғи ва гайратсизлиғи билан бу кун у жузя беради. Ҳа!

Кофирилар жамияти бизнинг паришонлиғимиздандир.

Бутхоналарнинг ободлиғи бизнинг вайронлиғимиздандир.

Зотан, ислом аслида қандай бўлса, ҳозир ҳам шундайдир.

Қандай айб бўлса, бизнинг мусулмонларимиздандир.

Ислом бизнинг динимиздандир, ислом бизнинг шарафимиз, ислом бизнинг саодатимишдир. Ислом бизнинг сафарозлиғимиз боиси, ислом осойишталиғимиз сабаб-

чисидир. Исломни бизга Пайғамбаримиз омонат топширганлар. Бухоро бизнинг муқаддас ватанимиздир, Бухоро бизнинг меҳрибон онамиздир, Бухоро бизнинг нашъу намо жойимиз, Бухоро бизнинг саждаоҳимиздир, Бухоро бизнинг азиз маъшуқимиздир, Бухоро бизнинг жонимиз-ла баробар маҳбубимиздир, Бухоро биздандир, биз Бухородан. Бас, бу қадар ғафлат ва танбаллик, бехабарлик ва жоҳиллиқда ўтирганимиз. Бу дини мубинимизнинг нобуд бўлишини, бу муқаддас ватанимизнинг поймол этилишини камоли шарафсизлиқ билан қабул қилганимизни на шариат, на урф-одат қабул қилмайди. Балки, олам оқиллари, жаҳон жамият-бандлари бизни лаънат қилиб, инсоният йўлидан четда ҳисобламоқдалар. Биродарлар! Бироз ҳушингизни йиғинг. Инсон ер юзидағи маҳлуқларнинг энг шарафлиси-дир. Инсоннинг бошқа маҳлуқотдан шарафи шундаки, инсон тараққиёт ва таназзулға қобилдир, бошқа ҳайвонларда эса бу йўқ. Ҳакимлар инсон тараққиёти ва таназзули учун уч олами ажратганлар: ҳайвонот олами, жамодот¹¹⁷ олами ва инсоният олами. Кимки ўз инсонлик даражасини бу муайян ҳолатға маҳкамлаб қўйса, ҳайвонот оламига дохилдир, бошқа ибора билан айтганда, ҳайвондир. Кимки инсонлик даражасини муқаррарлиқ мақомида таназзул қилса, жамодот оламига дохилдир, яъни жамоддир. Кимки ўз инсонлиқ даражасини асл ҳолатидан тараққий қилдирса, бу унинг инсонлиқ оламиға киришидир. Ҳакимлар уни **ИНСОН** деб атағанлар. Ахир, инсоф қилинг, кофирлар тараққий қилсалар, биз нега таназзулда?! Кофирлар бутун олам оқилларининг наздида ўз номии **ИНСОН** ёздирсалар, биз нега жамод?! Кофирлар камоли давлатмандлик ва осудалик билан ҳаёт кечирсалар-у, биз нега гадойликка рози?!

Уялмайсизми, ҳар куни насронийлар оташ ароба, ўт-кема ва телеграф симлари каби минг тур ҳунарлар зоҳир қилмоқдалар, бизнинг саноатимиз сайр аравача ва сопол офтобалар билан четланмоқда. Тфу, бу қадар қаро кунимизга, эшигу девордан ҳам ҳижолат чекмомиз лозим. Насронийларнинг энг кичик амирлари ҳам бир лак доимий сарбозға эга бўлған бир пайтда, биз ўн минг ўғрини атрофимизга тўплаб,¹¹⁸ болаларимизнинг ўйинчоги қилиб қўйганмиз. Эй, менинг бу китобчамнинг ўқувчилари! Агар динға, Ватанға, молға, жонға, авлодға муҳаббатингиз бўлса, агар диннинг халос бўлиши, шариатнинг ривожи, Ватан ободлиғи, авлоднинг тинчлиги, яхши ном қолдиришнинг чорасини хоҳласан-

ғиз, сизнинг иложингиз, аввало, касби маорифдир. Қобилиятиларни таҳсил учун ўқишига юборинг. Қобилияти сустроғини Бухорода янги мунтазам мактабларни очиб топширинглар. Иккинчидан, исломдаги ҳамма фирқалар иттифоқи, яъни кимки «Ла илаҳа иллолоҳу Мұхаммадун расулуллоҳ» калимасини айтса, қайси мазҳабда бўлса ҳам, мусулмон деб билинг, аниқроқ айтсан, шна ва суннийлар иҳтилоғини орадан кўтариш. Сизни ушбу важқ ила мухолиф қилиб ажраташтганлар ислом хонилари дир. Уларнинг фирибларига учраманглар! «Биллоҳу валлоҳу», яъни «Аллоҳ номи билан қасам!», на замонавий илмларнинг тахсилни ҳаромдир, на ислом иттифоқи! «Вас-саламуъ-ала мин табаъ ал-ҳуда!» — «Ҳидоят йўлиға тобеъ бўлғанларга салом бўлсин!»

ҲИЙД САПЕҲИ БАЁНОТИ

Бундан бир неча вақт муқаддам бухороли бир киши билан учрашиб қолиб, бу шаҳарнинг қанақа эканлигин сўраған эдим. У шунчалиқ мақтов сўзларини айтған эдики¹, ўша пайтдан бошлаб бу шаҳар зиёратиға боришини кўнгулга тугуб қўйғандим. Бу йил, ниҳоят, ниятимға етдим. Бухоро сафарига отландим. Шаҳарга киргунга қадар бутун йўл давомида ҳикоя қилингана арзигулик воқеаға шоҳид бўлмадим. Бухорода бўлиб, неча ойлар давомида Бухоро шаҳри ва бухоролиларнинг аҳволи-руҳиясини ўргандим. Уларнинг қарийб барча ишларидан огоҳ бўлдим.

Улуг бир таассуф билан айтиш мумкинки, бухоролилар фақатғина исломнинг умумий емирилишига «ҳисса» қўшимағанлар, балки ислом оламининг айрим қавм-қабилаларини ҳам ғафлат оламига тортмишлар!

Саёҳатимиз тафсилини баён қилинганда аввал Бухоро ва бухоролилар хусусинда ўзумда пайдо бўлған фикримни қисқача билдириб, ҳурматли ўқувчиларимизни муҳтасар равишда аларнинг аҳволидан боҳабар қилинни зарур, деб биламан. Бухоро аҳолисининг жамъи учтоифадир: уламо, умаро ва фуқаро. Бу ўринда аларнинг ҳар бири хусусинда алоҳида-алоҳида зикр этиб ўтамиш. Уламо: Маълумунгизки, Бухоро қадимдан ғоят доно ва зуқко бўлиб етишган фузало аҳлини тарбиялаб, вояға етказган. Ҳар куни бир Абу Али, Форобий, Мұхаммад ибн Исмоил Бухорий ва Улуғбек кабиларни жаҳонга ҳада этиб, шу тариқ ўзининг шарафли довруғини жа-

ҳон халқларининг қулоқларига зирак қилиб таққан. Аммо мана иккι юз йилдирки, ўзининг илмий қимматини йўқотмиш. Мирзажон Шерозийнинг² келиши билан Бухоро уламолари «зиёдати лафзи салосин» маънисини таҳқиқ этишдек нафъсиз ишға берилиб, адашмишлар. Туркистонлиларнинг кўбчилиги айни шунда таҳсил кўрганлари боис бухоролиларга эргашиб, улар ҳам жаҳолат ва ғафлат ботқоғига ботмишлар. Алал-оқибат маданият осмонининг порлоқ юлдузи, инсоният китобининг нурли саҳифаси бўлмиш Туркистонни дўсту душман олдида эшитиш ва гапуриш бобида уятлик бир ҳолга етказмишлар, ҳалокатға мубтало этмишлар.

Бухоро руҳонийларидан энг мўътабар мақомға эга бўлмиш бир жамоа кишилари бугунги кунда ҳақиқий илмдан мутлақ хабарсиз қолмишлар. Йигирма йил таҳсијл олиб, яна йигирма йил дарс бериб, андин сўнгра муфтийлик мансабига эришганлар, яна арабча китоблар мутолаасида қийналмишлар, ўзларининг форсий фикҳ китобларини афзал билиб, ояти карималарни қандай истасалар, шундай тафсир қилмишлар. Ҳадислар тўқиб чиқармишлар. Масалан, ўрни билан шуни ҳам таъкидлаймизки, ўзлари чексиз гуноҳларни содир этганлари ҳолда ҳеч нарсани кўрмагандек, яна бечора авомни гуноҳи сағира³ учун «коғир» атаб, тепкиламишлар. Бу жамоа ҳар тарафдан Бухоро вақфларин қилғучининг шартларига зид равишта иштаҳа билан кемирмишлар, бошқа тарафдан эса, фойдали илмнинг номини ҳам эшитмаган мискин аҳолининг бор-йўғини шогирдлиқ йўли билан ўзларига таслим қилмишлар.

Умаро: Бу даҳшат тўла жамоа онгсизлик важҳидан баҳтга эришган тўдалар ёрдами билан бир-бирларини қувиб, ҳукмронлик отиға мингач, бечораю бадбаҳт халқнинг моли ва жони, ирзу⁴ номус ва шарафини шафқатсизларча поймол этмишлар. Бу «салоҳиятли»(!) ҳокимлар тўдаси ҳеч бир замонда ҳеч кимнинг ҳурмат-эътибориға сазовор бўлмаган икки тоифадан тузилмишлар. Биринчи, жоҳил ҳокимзодалар бўлиб, оталининг ҳукмронлиғи даврида фисқу фужур ва бемаъниларча майшатга берилиб, барча инсоний фазилатлардан, ҳатто зарурий хат-саводдан ҳам бебаҳра қолмишлар. Бошқа бир тоифа аттор ва боққоллар бўлиб, ҳар икки дунёнинг саодатидан имкон борича баҳрамандлик истамишлар ҳамда илму фазл таҳсилини инсоний фазилатлардан биладиларки, ҳаммалари бирлашиб,

турлича йўллар билан ҳокимликнинг олий мартабасиға етмишлар.

Ушбу «азизлар» мактаб кўрмаганлар, ҳокимлик қоиниятларини эшиитмаганлар, маъмурий идоранинг аҳлоқ қондаларин билмамишлар. «Миллат қандай юксалади, мамлакат қайси йўл билан бойийди, давлатнинг хазинасини қандай тўлдириш мумкин» каби масъалалар аларнинг хаёллариға келмамиш. «Муайян ҳокими мансабдорнинг халқ олдидаги вазифаси недан иборат, ҳалқнинг ҳокимга нисбатан ҳуқуқи қай даражали» каби андишаларни ҳеч қачон эшиитмаганлар. Аммо бирор бир вилоят ҳокимлиғига тайинлансалар борми, ўшал ер ҳокимлигини дўзах оловининг бароти ёхуд босқинчилик манбани деб билмишлар. Алал-оқибат ўзлариға қарашли кишилари ва бор дўстлари билан бало лашкари мисол ушбу ерга қўнуб, бадбахт аҳолининг молини нафслари истаганча оладилар-да, подшоҳ хазинасига эса инсофлари етканча топширадилар. Ҳеч бир кас улардан бу дарёсимон горатчилик ва томчидай топшириш сабабини суриштиrmайди.

Фуқаро. Бу бечораларда айб йўқ, улар ҳар ишға қодирдирлар. Бироқ айблари шундаки, буни ўзлари ҳам билмайдилар. Эмди уларнинг асл аҳволини асарнинг моҳиятига боғлаб, арзимизни бошлишни маъқул билдик.

Бошланғич

Когонда вагондан тушиб, юкларимни бир фойтунға ортғач, Бухоройи шарифға йўл олдим. Йўлда божхона назоратидан ўтдим. Шаҳар дарвозасиға бориб, арава тўхтади. Сўрадим:

— Нима гап?

Бир киши жавоб берди:

— Қуёш ботғанидан сўнг тўрт соат вақт ўтган. Шунинг учун шаҳар дарвозасини беркитмишлар.

Аравадан тушдим. Кўрдимки, шаҳарга киролмаган кишилар бир кишининг атрофига тўпланишиб, унга ёлбормоқда эдилар. У қўполлик билан бир нарсалар деб тўнгиллар. Шу пайт «йўл беринг» деган овозни эшиитдим. Миршаблар одамларни ҳайдаб четга суришди. Дарвозани очдилар. Олдинги икки-уч аравадаги арманилар ичкарига олингач, дарвозани яна беркитдилар. Дарбондан сўрадим:

— Биродар, арманиларга-ку ҳеч нима демай рухсат бердинг, биз мусулмонларнинг айбимиз нима?

Дарбон жавоб бермай, бошқа тарафга қараб кетди. Шу пайт яна: «Йўл беринг», — деган товуш эшитилди. Одамларни кетга суреб, дарвозани очдилар. Эмди яхудий тўла бир неча аравалар шаҳарга киритилди. Бундан жуда изтироб чекиб, баланд овозда: «Ёраб, Мұхаммад умматларининг гуноҳи нима?» — деб қичқирдим.

Истараликгина, чехрасидан нур ва ақл ёғилиб турған бир йигит орқамдан келиб: «Жаҳолат!» — деди.

Бу орада яна шаҳар дарвозасини очдилар. Бояги арманилардан бири ичкаридан чиқиб, баланд овозда кимнидир (ниманидир) чақирди. Шунда бир ит чопиб келиб, эгасининг этагини исказ, гингшиди. Маълум бўлдики, у бояги арманининг ити бўлиб, дарвозанинг ташқарисида қолған экан. Итнинг эгаси унутган нарсасини эслаб, ярим йўлдан итни олиб келиш учун қайтибди. Ит ҳам армани билан ичкарига киргач, шаҳар дарвозасини яна ёпдилар. Эмди бу ерда қолишға тоқатим қолмади, бурчакдаги бир чойхонага қўнуб, тонггача донг қотиб ухладим. Эрталаб турганимда атрофимда жуда кўб одамлар ҳам ухлаб ётардилар. Демак, бу кеч ҳеч кимни шаҳар ичкарисига қўйишмабди. Таҳорат олиб, намоз ўқуб бўлганимдан кейин, юкларимни бошқа бир аравага ортиб, аравакашдан илтимос қилдим:

— Бу шаҳарга биринчи бор келишим, баланд-пастини билмайман, мени бирор карвонсарайга олиб борсангиз.

У: «Жуда яхши», — деб, йўлга тушди. Бозорнинг ўртасига келганда аравамиз тўхтаб қолди. Манзилга етибмиз деб ўйлаб, тушмоқчи бўлдим.

Аравакаш: «Ҳали етмадик», — деди.

— Бўлмаса, нега тўхтадинг?

— Қаршимиздан ҳам арава келяпти.

Фойтундан тушиб, икки-уч арава ва фойтун билан юзма-юз бўлиб тўхтаб қолғанимизни кўрдим. Йўл жуда тор, ўтиш мушкул эди.

Аравакашдан сўрадим:

— Нима қилиш керак?

— Бир томондаги аравалар тисарилиб, пича кенгроқ жойга бориб турнишлари керак.

Мен: Биз билан юзма-юз келганлар нега орқага тисарилиб турмайдилар?

Аравакаш: Ор қиласидилар.

Мен: Бўлмаса, сиз тисарилиб туринг.

Аравакаш: Нима, бизда орият йўқми?

Мен: Сизда ҳам, уларда ҳам орият бор, бироқ биз нима қиласайлик?

Аравакаш: Бир пас ўтириб туринг.

Шу пайт ғала-ғовур бошланиб кетди. Нима бўлса бўлди, деб аравакашни шу ерда қолдириб, олдинга юрдим. Қарасам, икки аравакаш юзма-юз келиб қолишиған. Қабиҳ сўзлар билан бир-бирини ҳақорат қилмоқдалар. Баногоҳ улардан бири аравасидан тушиб, ҳамчисини кўтариб беригининг бошига туширди. У ҳам аравадан тушиб, наригининг юзига икки мушт қўйиб кетди. Бошқа аравакашлар ҳар тарафдан буларга ёрдамга келишди. Ҳаял ўтмай, «ушла», «қўйма», «ушладингми?», «ур!» деган товушлар ҳаммаёқни босиб кетди. Томошабинлар жанжалчиларни бўш келмаслика ундан бақирап эдилар. Ёнимдаги бир кишидан сўрадим:

— Биродар, ҳокимият одамлари йўқмикин, уларни ажратса?

У киши менинг гапимдан ажабланиб, деди:

— Ҳокимият одамларининг булар билан нима иши бор? «Ҳокимият одамларики бу ишга аралашмас экан, ўзумни нари олай» деб, аравамга бориб ўтиришни ўйлаб, орқамга қайтдим. Бироқ бетартиб оломон йўлни тўсиб қўйган эди. Кўб мاشақкатлар тортиб бир дўконнинг суфасига бордим-да, жанжалнинг тугашини шу ерда кутдим. Одамлар ораға тушиб, жанжалчиларни ажратдилар. Енгилган томон араваларини чорраҳагача қайтариб, йўл берадиган бўлди. Биз бошқа йўл топиб, улардан ўтиб кетдик.

Ниҳоят, арава бир карвонсарой олдида тўхтади. Саройбон юкларимни тушириб, мени бир қоронғу ҳужраға бошлаб кирди. Нарсаларимни ҳужрада қолдириб, шаҳарни томоша қилиш учун чиқдим. Бу шаҳарда ҳеч кимни танимаганим учун зерика бошладим. Икки-уч кун чидаб, сўнг саройбонни чақириб, дедим:

— Менга бирор қизиқроқ диққаттортар жойни айтсангиз, бориб вақтимни ҳушласам.

У: «Ҳавзи Девонбегига⁵ боринг», — деб, йўлни ҳам кўрсатиб берди. Бориб кўрдимки, ҳовуз жуда катта экан. Унинг атрофида сартарошлиқ дўконлари. Одамлар чойхонада йиртиқ гиламлар устида чой ичиб ўтирасиди. Мен ҳам у ерда ўтирдим. Ҳовузнинг қибла томонида кенг бир майдон, майдонда баланд ва катта бир маҷит қад тиклаган эди. Бухоро аҳолисининг кўбчилиги

намозни шу мачитда ўқир эканлар. Намозхонларнинг кўпи шу ҳовузда таҳорат олар эканлар.

Ҳовуз атрофидаги сүфалардан бирида бир пас ўтирадим. Бухоро муллаларидан икки киши келиб ёнимга чўқди. Афти-ангормидан мусофиригимни билиб, қараб-қараб қўйдилар. Ёлғизлиқ жонимга тегди. «Булар билан бир суҳбат қурай» деб, яқин бориб, салом бердим. Улар алик олиб, бир ниёла чой узатишиди. Чойни ичдим, улар сўрадилар:

— Сиз қаердан?

— Ҳиндустондан.

Улар яна ўз суҳбатига тортилишиди. Ўзлари билан бўтиб, мени эсларидан чиқариши чоғи, мен ўзумни эслатиб, сўрадим:

— Анчадан бери кузатиб турибман: одамлар катта мешларда ҳовуздан сув олиб кетиб, яна бўшатиб келадилар. Бунча сувни қаерға ташир эканлар?

Мулла: Хонадонлариға олиб борадилар.

Мен: Нима учун?

Мулла: Ичиш учун.

Мен: Ҳали сизлар ҳам шу ҳовуздан сув ичасизларми?

Мулла бир аччиқ билан сўради: Бу сувга нима қилибди?

Мен: Бунинг соғлиққа катта зиёни бор.

Мулла: «Ва жаалия минал маъни куляни шайъин хай», яъни «Ҳар бир тирик жонини сувдан яратдик», дейли Қурони карим⁶. Сувнинг инсон соғлиғига фойдаси бор, наинки зараги бўлса?...

Мен: Албаттa, сув инсон учун зарагли эмас. Аммо бу ҳовузнинг суви ҳеч-да сув эмас, балчиқ ва ифлосидир.

Мулла: Нега ҳаммаси ифлос бўлар экан?

Мен: Қаранг, кўпчилик ҳовузда таҳорат оладилар, оғиз ва бурунларини чаядилар, лой оёқларини ювадилар. Агар сартарошлиқ, чойхона, каллапаз ва балиқпазларнинг ҳам чиқиндиларицинг ҳисобини олсак, ҳар куни бу ҳовузга ярим ман⁷ ифлос тушар-ов.

Мулла: Бу билан нима демоқчисиз? Бу ҳовуздан сув ичмайликми?

Мен: Сув ичманглар, демайман. Бу ҳовузда таҳорат олманглар, бурун ва оёқларингни ювманглар, ахлат ва чиқиндиларни бунга ташламанглар демоқчиман. Чунки ичадиган сув тоза бўлиши керак.

Шу вақт аzon айтилди. Мен ҳам мачитга кириб, намоз ўқидим. Намоздан сўнг карвонсарой томонга юр-

дим. Иўлда бир йигит келиб, салом берди. Бу ўша мен шаҳар ташқарисида учратган йигит эди. Таниб, алик олдим.

Айтди: Мулла билан ҳовуз тўғрисидағи баҳсингиздан қониқиб, мамнун бўлдим.

Айтдим: Ташаккур. Банда⁸ бу юртда мусо фирмани, ҳеч кимни билмайман. Агар малол келмаса меникига келиб кетиб турсангиз.

Айтди: Таклифингизни розилик билан қабул қилдим, қаерга тушдингиз?

Мен яшаб турган манзилимни айтдим. Хайрлашдик, йигит кетди. Қайтиб келгач, саройбондан «бу шаҳарда яна қизиқроқ бошқа жой борми?» деб сўрадим.

Айтди: Эртага сешанба. Ҳазрат Баҳоваддин мозорига боринг.

Тунни ўз ҳужрамда ўтказдим. Тонгда ташқариға чиқмоқчи бўлганимда, эшик тақиллади.

Айтдим: Марҳамат кираверинг.

Кечаги йигит бир шериги билан келиб экан.

Айтди: Сизни уйимиизга олиб кетмоқчиман.

Айтдим: Бандангиз бу тонг Ҳазрат Баҳоваддин мозорини ихтиёр қилиб эдим. Бирга бўлсангиз, кўб яхши бўлур эди.

Айтди: Албатта, борурмиз. Аммо жаноблари, бундан кейин бундай карвонсаройларда турмасликлари лозим. Уйимнинг тўри сиёга таслим. Юкларингизни дўстимга берайлик, уйфа олиб бориб қўяди. Биз биргалашиб Ҳазрат Баҳоваддин зиёратига борурмиз.

Айтдим: Жуда яхши.

Юкларимни шеригига топшириб, янги дўстим билан кўчага чиқиб, аравага миндик. Манзилга етиб, яна бир оз пиёда ҳам юриб, кенг бир саҳнга чиқдик. У ерда янги қурилған минор бор экан. Мачит майдонидан ўтиб, зиёратгоҳ эшигидан кириб, шуларни кўрдик: кенг саҳн, ўртада Баҳоваддиннинг қабри бўлиб, одамлар уни зиёрат қиласар, бир-бир, икки-икки кишилашиб унга таъзим қиласар эдилар. Мен ҳам зиёратга тутиндим. Баъзи жойларда икки-уч қўчқор шохини кўрдим, бошқа жойларда от думи қилидан ялов ясад, осиб қўйған эканлар. Хожалар қишлоқлардан келган зиёратчиларнинг ёқасидан ушлаб, «Пирингни зиёрат қил» деб, ўша шохларни ўптирас ва шу йўл билан пул олар эдилар. Мўъмин қишлоқилар бу шохларни астойдил ўпар, ялов қилларини кўзларига сурар эдилар. Шу вақт хожалардан бири от қилидан ясалган яловни олиб, «Зиёрат қил!» деди-да,

юзимга суркади. Ғазабим келиб, унинг қулоғи тагига бир мушт туширдим ва ўтиб кетдим. Кузатишмча, қабр зиёратидан қайтған ҳар мўъмин бошини мозорнинг байроби кўтарилган чўпга теккизиб, уни ўпар, кўзларига сурар ва йиғлаганча беш дақиқа чўпдан бошини олмас, мисоли шу чўпга ўзининг паришон рўзгоридан шикоят қилиб, ҳожат чиқармоқчидек эди. Ташқариға чиқдим. Дўстимниг таклифи билан чойхонага кирдик, ўтирдик. Икки-уч бухороли келиб, бизнинг сўрига ўтирилар. Бирга чой ичдик. Улардан бири менга қараб, айтди:

— Ушбу файзли мозорни қандай топдингиз?

Мен: Нақшбанд ҳазратларининг мозори туфайли бу жой ғоят файзли ва эҳтиромға лойиқ. Фақат унинг зиёратида қалбимни қоронғулиқ босди.

У киши: Нима қоронғулиқ?

Мен: Ана у қабр устига кўтарилган чўб нима?

У киши: Бу мозорнинг байроби.

Мен: Баҳоваддиннинг ўзидан қолғанми?

У киши: Йўқ..., бу чўб муқаддас қабрларнинг аломатидир. Уни ора-сирада янгилаб туришади. Баҳоваддинга буни даҳли йўқ...

Мен: У ҳолда нега мўъминлар бу чўбга сажда ва тавалло қиласидилар?

У киши: Сажда қилмайдилар, фақат бошларини қўйиб, ҳожатларини сўрайдилар.

Мен: Шунинг ўзи сажда эмасми?

У киши: Сажда қилиш, бироқ бу ибодатдаги сажда эмас, шунчаки ҳурмат юзасидан таъзим қилишдир. Бунинг гуноҳлиқ жойи йўқ.

Мен: Унда насронийларни нега коғир атайдизлар?

У киши: Улар бутга сифинувчилардир.

Мен: Йўқ, улар бутга сифинувчилар эмас, улар китоб аҳлидирлар. Ҳазрати Масиҳ умматидирлар.

У киши: Улар бутга ўҳшаган бир нимарсаға сифи надирлар.

Мен: У нимарса?

У киши: Чўнтагидан қалам ва қофоз чиқариб, қофозга хоч расмини чизди ва деди:

— Мана бу!

Мен: Бу ниманинг сурати эканини биласизми?

У киши: Бутнинг сурати.

Мен: Бутун дунёда ҳеч бир аҳмоқ топилмайдики, бир маънисиз шаклга худо деб сифинса. Насронийларнинг таълимоти барча жойда маълумдирки, бу шаклга улар ҳеч ҳам худо номини бермамишлар. Сиз бут деб

айтган бу сурат хоч шакли бўлиб, насронийларнинг эътиқодига кўра, у Исо пайғамбар танига теккани учун табарруқ бўлған. Шунинг учун насронийларнинг бир тоифаси унга таъзим қиласидилар. Ибодат учун эмас, шунчаки ҳурмат юзасидан таъзим этадилар. Макка кофиirlари ҳам мусулмонликдан аввал бутин худо деб билар эдилар, гўёки ўша бутлар қиёмат қойимда уларни асрар эмиш. Чунончи «Ҳа улайн шуфъа уна индаллаҳи», яъни «Булар Аллоҳнинг олдида бизларнинг шафоат қилғучиларимиздирлар» ояти бу маънининг далилидир. Фоят ҳайратланарли жоий шундаки, сизлар бошқаларни хочга сажда қилганлари учун кофир деб атасиз, ўзингиз бўлса мозордаги ялов чўпларига сажда қилиб, ҳожатингиз иложини Баҳоваддиндан сўрайсиз ва яна ўзингизни мусулмон деб айтасиз.

Тарсам нараси ба Каъба, ай аъроби,
К-ин раҳ қе ту мерави ба Туркистон аст.

Яъни: Эй мусоғир, мен қўрқаманки сен Каъбага етолмайсан. Сенинг бу юрган йўлинг -- Туркистон йўлидир.

Сажда қилиш эса, уни таъзим деб атасалар ҳам, ибодат деб атасалар ҳам, бизнинг шариатимизда Аллоҳдан бошқасига жоиз эмас. Сизга ислом тарихидан озғина арз айтсан: Мұҳаммад Пайғамбар ҳазратлари Макка кофиirlарининг мурувватсизликларидан хафа бўлған вақтларида ўз яқинларига Ҳабашға йўл олишларини буюрди. Саксон икки эркак ва йигирма бир аёл йўлга тушиб, Ҳабашга етдилар. Нажоший⁹ ислом мұхожирларининг ўз мулкига келганларидан хабар топиб, уларни ҳузуриға чорлади. Мұхожирлар Нажоший ҳузуриға кирдилар, бироқ унга сажда қилмадилар. Дарбор аҳли уларнинг бу ҳаракатларидан ҳайрон қолиб, сўрадилар:

— Биз одатимиз бўйича ўз подшоҳимизга таъзим ва саждалар қиласидиз. Сизлар нега бундай қилмадинглар?

Ҳазрат Алиниңг биродари Жаъфар бинни Абу Толиб уларнинг орасида бўлиб, бундай жавоб берди:

— Биз Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч кимга сажда қilmаймиз. Пайғамбаримиз бизни кишиларга сажда қилишдан маън этмишлар ва Худованддан ўзгага сажда этмаслигимизни амр этганлар.

Нажоший Жаъфарнинг бу жавобидан қониқиб айтди:

— Аллоҳ номи билан айтаманки, мен учун Аллоҳдан ўзгага сажда қилмайдиганлар энг қадрли кишилардир.

У киши: Сиз Ҳазрат Баҳоваддин ҳаққиға ҳурматсизлик қилияпсиз.

Мен: Аллоҳ асрасин, банда ҳеч вақт авлиёлар ҳаққиға одобсизлиқ қилмадим ва қилмаймен ҳам. Мен Ҳазрат Баҳоваддин ёмон одам эди ва одамлар ҳам унинг зиёратига келмасинлар, леб айтмайман. Пайғамбаримиз Ҳазрат: «Қабристонни зиёрат қилингиз, у сизга охиратни эслатади»,— деб буюрганлар. Албатта, мозорларни виёрат қилиш, агар ўлим ва қиёматни эслаш учун бўлса, бу яхши ишдир. Аммо масъала шуки, зиёратни бутпастлик даражасига етказмаслик жоиз. Инсоф қилинг: Ҳазрат мозоротида номоз ўқийсиз, мозор яловининг чўпига сажда қиласиз, ҳожатларингизни Баҳоваддиндан сўрайсиз. Бугун Бухорий шарифда кимса йўқки, «Е Аллоҳ!» ўрнига «Е Баҳоваддин!» деса. Бу ишларнинг ҳеч бири шариатда жоиз эмас. Мана қаранг, Ҳазрат Пайғамбаримиз нимани буюрганлар: «Қоталаллоҳу-л-йаҳӯда иттаҳозў қубуро анбийаъиҳим масжид», яъни Аллоҳ таоло яҳудийларни қатл этади, улар Пайғамбарларнинг қабрларини мачит қилиб олғанлар! Биз Ҳазрат Баҳоваддинни яхши кўрамиз, унга эҳтиром қиласиз, зиёратларига келамиз, аммо бу муҳаббатимиз, эҳтиром ва зиёратимиз бизни шариат қонунларидан чиқариб, баҳоваддинпарастликка олиб келмасин.

Шу вақт биз ўтирган чойхона рўнарасига бир киши келиб, йўлнинг ўртасида тушунарсиз шева билан баланд овозда байт ўқиб, ҳамманинг диққатини ўзиға тортиди. Дўстимдан сўрадим:

— Бу ким?...

Дўстим: Маддоҳ. Вонз ҳам дейиша ҳи.

Мен: Ҳа... Вонзлар яхши кишилар бўладилар, мусулмонларни Ҳақ йўлиға даъват қиласидилар. Унинг айтганинларига қулоқ солиш керак.

Дўстим кулиб айтди:

— Магар ундан бўлса, қулоқ солинг!

Маддоҳ кулгили оҳангда қиссанини бошлади. Аммо қанақа қисса дениг? Бу унинг маймунона ҳаракатларидан ҳам кулгилироқ. Бу қиссани ўқимоқчи бўлсангиз, бирон бир китобдан тополмайсиз: бўш, бемаъни, ёлғон, кулгили. Масалан, бундай деб айтарди:

— Ҳазрат Али бир наъра тортишда ўн олти фарсаҳ ерни ларзаға солди... У ювиқсиз гумроҳни белбоғидан кўтариб, осмонға иргитган эди, у халойиқ кўз ўнгидан

буткул йўқолди. Бир соатдан кейин осмондан шалоб-лаб тушди. Яна қўл узатиб белбоғидан олдилар. Боши узра айлантириб ерга чунонам урдиларки, у сурма сингари уқаланиб кетди.

Содда одамлар ушбу сафсаталарни эшитиб, Ҳазрат Алини ўзларича тасаввур қилиб, ғолиб табассум билан унга таҳсин ва оғаринлар бағишилар эдилар. Тўсатдан бу маддоҳ ўз ҳикоясини ярмида тўхтатиб, Эрон торчиларининг ўйинчиси¹⁰ каби жазавада ётиб-туриб, турли қилиқлар бошлади, ўзини ерга урди, югурди, қийқирди, чапак қилди, кўкракларига муштлади, саллаларини ерга отиб урди. Бу ҳолни кўриб, уни чиндан «ақлдан озди», деб юбордим.

Дўстим айтди: Пул истаяпти.

Мен: Ҳали қиссани тугагани йўқ-ку?

Дўстим: Тўғри, агар қиссани тугатиб сўраса, ҳеч ким бермайди-да. Шунинг учун қиссанинг энг қизиқ жойида тўхтаб, пул сўрайди.

Ўрнимдан турдим. Дўстим ҳам менга эргашди. Қолған вақтимизни атрофни томоша қилиш билан ўткардик. Кечаси хожалардан бирининг уйида тунадик. Эрталаб вақтли туриб, шаҳар томошасига чиқдик. Аравалар бекатига келдик. Ўнг томондаги чойхоналардан ҳар хил овозлар қулоққа чалинди. Дўстимдан сўрадим: Нима гап?

Дўстим: Ҳофизлар ғазал ўқишаюни.

Мен: Бориб кўрайлик.

Дўстим: Кўришга арзимайди.

Мен: Нима бўлса ҳам, кўрмасдан кетиш бўлмайди, дедим.

Дўстим ноилож ортимдан эргашди. Беш-олти қадам босганимни биламан, нимани кўрдим, денг? Ҳайҳот! Бу шарафли жаннатнинг ёнида жаҳаннам дарвозалари очилмиш. Бу муқаддас мозорнинг ёнида Лут қавмининг разолати¹¹ кўкармиш! Одамлар чойхона ўртасида беш-үн кишилик давра тузиб, ўртада ёш болакайни ўтиргизган. Ў кўҳликкина бола уятчанлик билан ёд олган икки-уч байтини айтиб беради. Атрофдагиларнинг ҳар бири худди иблисдек унинг атрофини ўраб олиб, ўзларининг шаҳват тўла нигоҳларини бечораға қадаған эдилар!!! Ушбу ваҳима ва куфр томошадан бутун вужудимни титроқ босди. Девоналарча ҳаракат оёқ-қўлимни босди. Ўзимча айтар эдим: «Ё Муҳаммад! Агар мумкин бўлса, тикка (қабрингдан) тургин! Эй, маданият тузукларининг ношири, ушбу ваҳшийларнинг

ҳаракатига бир назар сол! Эй, оламни халқ этганинг мусаллаҳ ҳомийси!¹² Ё буларни тарбиялашнинг бирор чорасини топ, ё Лут қавми каби ер остидан уларга жой кўрсат! Бу шармиз шармандаларнинг ифлос вужуди Қуръони каримнинг обрў-эътиборига путур етказишларига йўл қўйма!»

Дўстим қўлнимдан туртиб, «Кетайлик» деди.

Таклифга қўшилиб йўлга тушдим. Биз фойтунга ўтириб, дўстимнинг уйига келдик. Кечам жуда нотинч кечди. Тонгда дўстим уйғотди. Номоз ўқуб, таом тановул қилдик. Дўстим сўради:

— Бугун қаёққа боришини мўлжалляйсаниз?

Мен: Агар фурсатингиз бўлса, мадрасалар зиёратига борсак. Дўстим таклифимни қабул қилди. Кийиниб ташқарига чиқдик. Катта бир мадрасага етиб ичкарига кирдик. Бу олий мадрасалардан эди. Дўстимдан мадраса кусусинда сўзлаб беришларини сўрадим:

Айтди: Буни Кўкалдош мадрасаси дейдилар. Бир юз қирқ ҳужраси бор. Дарсхона, кутубхона, масжид ва умумий ошхонаси ҳам бор. Йиллик вақф пули бир юз эллик минг танга бўлиб, ҳар йили унинг минг тангаси кутубхонага берилади. Йигирма тўрт минг тангани мударрис олади. Қолғанини эса имом, сўфи, фаррош, мешкоб, сартарош ва ҳужра эгалари ўртасида тақсимланади.

Ташқарига чиқдик. Қаршимизда яна бир мадраса юксалган. Дўстим айтди: Бўнисини «Девонбеги мадрасаси» атайдилар. Етмиш беш ҳужраси, Кўкалдош мадрасаси сингари умумий ошхонаси, масжид ва дарсхоналари бор. Йиллик вақфи бир юз эллик минг тангани ташкил қиласди. Ушбу маблағдан йигирма тўрт минги мударрисга тегади. Қолғанини эса муаззин, фаррош, мешкоб, сартарош ва ҳужра соҳиблари бўлиб оладилар.

Дўстимнинг бу сўзларидан қувониб:

— Алҳамдулилоҳ, Бухоро бу важҳдан ўзининг шарафини тўла ҳимоя қилган экан,— дедим.

Дўстим таъсирланиб, сўзларим жароҳатини янгилаандек, ғамгин нигоҳини менга қадади-да:

— Оҳ... кошки! — деб қўйди. Катта машаққат билан ўзини босди.

Мен яна қувончимни яшиrolмай дедим:

— Ҳақиқатан шундай олий мадрасалар ва катта миқдордаги вақфларға эга бўлишлик ҳар бир мулкнинг шарафлик ва саодатлик белгисидир. Бухоролиларнинг

юксак толеъи ва Бухороға таҳсил учун келадиган талабаларнинг хушбахтлигидир.

Дўстим бу сўзларни эшишиб яна паришон ҳолға тушди ва ўз ҳолини сездирмаслик учун қўлимдан тутиб, тушкун руҳда:

— Кетдик, — деди.

Уч-тўрт соат шаҳар бозорини тамоша қилдик. Бу шаҳарнинг дўконлари эскича услубда қурилған. Айрим расталарда гарб услубича қурилған бир-икки дўкон ҳам кўзга ташланади. Бу ўлканинг тижорати маданиятли, ривожланган мамлакатлар тижорати каби тараққий этмаган бўлса-да, аммо ҳануз умуман аҳолининг қўлидан чиқмаған. Агар ислоҳ қилсалар, Бухоро аҳолиси жуда катта давлат ва бойлиқ эгаси бўлишлари мумкин. Эронга муносабатдаги каби маънисиз такаллуфлар бу мулкда камдир. Илло, бесоқол болаларга нисбатан таъзим ва эҳтиромни ҳам бандалик даражасига етказмишлар. Агар йўлларидан бирон бесоқол бола ўтадиган бўлса, атрофни таъзим ила букилган гавдалар ўраб олади ва уни давраларидан ҳаёсиз сўзлару оҳ-воҳлар билан кузатадилар. Абу Али ва Форобий фарзандлари учун нақадар пасткашлик бу!!! Дўстим мени ушбу шармсизлик мусобақаси аро олиб ўтиб, яна икки-уч мадрасаларни зиёрат қилишга ёрдам берди.

Кун ботарға яқин уйга қайтдик, хуфтон намозигача дам олдик. Менинг таърифимни дўстимдан эшигтан икки киши бир маҳалда кириб келди. Танишганимиздан сўнг бирпас сұхбат қурдик. Дўстимга айтдим:

— Сизнинг илтифотингиз баракати туфайли айрим мадрасаларни тамоша қилиб, жуда мамнун бўлдим.

Дўстим: Албатта, сизни мамнун этиш бандангизни бурчиdir. Агар истасангиз, эртага ҳам мадрасаларни тамоша қиласмиш.

Мен: Барака топинг. Сиздан умидим ҳам шу эди. Аммо Бухоронинг барча мадрасалари хусусинда олдиндан бир оз маълумот берсангиз жуда мамнун бўлар эдим.

Дўстим чой қўйилган пиёласини ерга қўйиб, ҳикоясини бошлади:

— Бухорода икки юзга яқин мадраса бўлиб, улар уч тоифага бўлинади: олий, ўрта, қўйи.

Олий тоифага қўйидагилар киради:

| Мадрасаларнинг номи | Йиллик вақфи |
|-------------------------------|----------------------|
| 1. Кўкалдош | 150 000 танга |
| 2. Жаъфархўжа | 250 000 танга |
| 3. Жўйбор | 130 000 «—» |
| 4. Мири Араб | 150 000 «—» |
| 5. Муҳаммад Али Ҳожи | 150 000 «—» |
| 6. Турсунжон | 140 000 «—» |
| 7. Девонбеги | 150 000 «—» |
| 8. Говкушон | 190 000 «—» |
| 9. Абулазизхон (икки мадраса) | 120 000 «—» |
| 10. Мирзо Улуғбек | 60 000 «—» |
| 11. Калобод | 80 000 «—» |
| 12. Ҳожа Порсо | 50 000 «—» |
| 13. Иброҳим Охунд | 40 000 «—» |
| 14. Фатҳуллоҳ Қушбеги | 80 000 «—» |
| 15. Биби Халифа | 50 000 «—» |
| 16. Халифа Ниёзқул | 55 000 «—» |
| 17. Мулла Муҳаммад Шариф | 60 000 «—» |
| 18. Фарибия | 40 000 «—» |
| 19. Хиёбон | 60 000 «—» |
| 20. Жўйборча | 60 000 «—» |
| 21. Абдуллоҳ | 50 000 танга |
| 22. Модарихон | 40 000 «—» |
| 23. Асирий | 40 000 «—» |
| 24. Ҳожаниҳол | 50 000 «—» |
| 25. Шодимбий | 40 000 «—» |
| 26. Дорушшифо | 40 000 «—» |
| 27. Чорбакр | 70 000 «—» |
| 28. Бадалбек | 40 000 «—» |
| 29. Ҳожа Давлат | 120 000 «—» |
| 30. Мискин | 60 000 «—» |
| 31. Домулло Шер | 40 000 «—» |
| 32. Дўстчеҳра Окоси | 40 000 «—» |
| 33. Нақиб | 120 000 «—» |
| Жами: | 2 815 000 «—» |

Ўрта тоифа (мадрасалари) қўйидагилар:

| | |
|--------------|--------------|
| 1. Ҳизр | 25 000 танга |
| 2. Афон | 15 000 танга |
| 3. Раҳмонқул | 30 000 «—» |

| | | |
|---------------------|----------------|--------------|
| 4. Уткур Қушбеги | 25 000 | «—» |
| 5. Ҳусайнбой | 30 000 | «—» |
| 6. Олимжон | 20 000 | «—» |
| 7. Атолик | 25 000 | «—» |
| 8. Исмоилхўжа | 30 000 | «—» |
| 9. Модари хони хурд | 30 000 | «—» |
| 10. Рашид | 25 000 | «—» |
| 11. Фозиён | 25 000 | «—» |
| 12. Фаридони чок | 30 000 | «—» |
| 13. Чучук ойим | 25 000 | «—» |
| 14. Шарофатбону | 30 000 | «—» |
| 15. Нақиби хурд | 25 000 | «—» |
| 16. Чубини калон | 30 000 | «—» |
| 17. Болои ҳавз | 30 000 | «—» |
| 18. Миржон Али | 30 000 | «—» |
| 19. Аскарбий | 30 000 | «—» |
| 20. Садрбий | 25 000 | «—» |
| 21. Эски Бадалбек | 25 000 | «—» |
| 22. Қўнғирот ҳофизи | 35 000 | «—» |
| 23. Искандархон | 35 000 | «—» |
| 24. Чорбаққолий | 22 000 | «—» |
| 25. Сартарош | 30 000 | «—» |
| 26. Мирзо Фузайл | 25 000 | «—» |
| 27. Тўпчибоши | 20 000 | «—» |
| 28. Сайд Қамол | 22 000 | «—» |
| 29. Абдушукурбой | 20 000 | «—» |
| 30. Қарбос | 24 000 | «—» |
| 31. Чуқур | 30 000 | «—» |
| 32. Қози Латиф | 18 000 | «—» |
| 33. Бадридин | 16 000 | «—» |
| 34. Пушаймон | 22 000 | «—» |
| 35. Эрназар | 35 000 | «—» |
| 36. Домулло Ҳасан | 15 000 | «—» |
| 37. Эшони пир | 16 000 | «—» |
| 38. Миркамол | 14 000 | «—» |
| 39. Жўрабек | 12 000 | «—» |
| Жами | 961 000 | танга |

Қўйи тоифага мансуб мадрасалар юздан ортуқ бўлиб, уларнинг вақфи минг тангадан ўн минг тангагачадир. Бу мадрасаларнинг умумий вақф миқдори 500 минг тангага етади.

Бухорода уч юзта қўйи мактаб ва ўн битта кутубхона бор.

Кутубхоналар мана булар:

| Кутубхонанинг номи | Уларнинг йиллик вақфи |
|--------------------|-----------------------|
| 1. Жаъфархўжа | 18 000 танга |
| 2. Говкушон | 5 000 «—» |
| 3. Хожаниҳол | 8 000 «—» |
| 4. Кўкалдош | 1 000 «—» |
| 5. Абдулазизхон | 2 000 «—» |
| 6. Мирзо Улуғбек | 800 «—» |
| 7. Бадалбек | 800 «—» |
| 8. Дор уш-шифо | 3 000 «—» |
| 9. Бозори гўсфанд | 1 500 «—» |
| 10. Болои ҳавз | 1 600 «—» |
| 11. Жўйбор | 1 400 «—» |
| Жами: | 43 100 танга |

Бухорода йигирмадан ортуқ йирик ва кичик умумий ошхоналар бор. Йирик ошхоналар: ҳар бирининг йиллик вақфи ўн мингдан қирқ минг тангагача. Кичик ошхоналар: ҳар бирининг йиллик вақфи эса тўрт мингдан тўқиз минг тангагачадир.

Булардан ташқари, беш ё олтига қориҳона ва қирқ-қа яқин таҳоратхона ҳам бор. Уларнинг ҳар бири учун кўб миқдорда йиллик вақф тайинланган.

Ҳикоя шу ерга етгаҳ, дўстим тўсатдан жим бўлиб қолди. Мен ушбу тафсилдан мамнун бўлиб, Бухоро ва бухоролиларни мақташ ниятида бошимни кўтардим. Бироқ, таассуфки, мен ҳам ноилож сукут қилишға мажбур бўлдим, чунки дўстимни жуда қаттиқ ҳаяжонга тушган, юзи алам ва ғазабдан қизарған, кўзларида олов чақнаған ҳолда кўрдим. У ўн дақиқа сукутдан сўнг бирдан «уҳ» тортиб, айтди:

— Оламга тўрт юз олимни берган Бухоройи шариф шунчалик мустаҳкам илмий қувватга эга бўла туриб, эмди... оҳ! Буюк бадбахтлик билан иқрор бўламанки, ҳозир бу маърифат қуёшининг осмони, бу инсоният оламининг жанинати, бу фозиллар дунёсининг маъмур хонадони, бу маърифат оламининг дарсхонаси тараққиёт учун барча имкон ва воситаларга эга бўлса ҳамки, жаҳолатнинг асл макони, хорлик занжирининг асирилигича қоляпти. Тириклик учун барча зарур ашёларга эга бўлишига қарамай, ёқасини ажал панжасига тоширмиш!

Во ажаб! Нега? Бас, шуннинг учунки, юқоридағи барча хайрли масканлар, ҳисобсиз маблағлар халқ

мулкини таловчи бир тўда разолатпеша худобехабарларнинг жаҳолат уйига айланиб, икки-уч ўз қорнини ўйлайдиган инсофенз кимсаларнинг фасод тўла қозонини қайнатишдан бошқа нарсага ярамаса, бирорвнинг оғирини енгил қилмаса, улардан халққа қандай наф? Бизнинг оталаримиз «Ҳал йаставилазийна йаъламуна вадлазийна ла йаъламун»¹³ юксак ҳикматининг илм олишдаги аҳамияти ва даражасини тушуниб етиб, икки юз мадраса, ҳар мадрасада эса ўнтадан ўн бештагача ҳужралар қурғанлар. Мударрис ва шогирдларнинг кундалик харжларини ҳисобга олған ҳолда, йилига тўрт миљүн тангадан ортуқ вақф пули ажратганлар. Бу билан ҳам кифояланмай, илм толибларининг таҳсилини тўла таъминлаш учун ўн битта кутубхона қурдириб, ўз давридаги жами китобларни шу ерда тўпламишлар. Илму урфоннинг кундалик тараққиётини инобатга олиб, ҳар йили китоб ва турли мажмуалар чоп қилиш учун қирқ минг танга вақф ажратмишлар. Шарқият илмига алоҳида аҳамият бермишлар. Мадрасалар билан қошиқмай, беш ё олти қироатхона қуриб, уларнинг ҳам йиллик вақфини тайинламишлар. Биз — бу ҳиммат эгаларининг азиз фарзандлари эса, шунчалик баҳтли шароитга қарамай, бадбахт, жоҳил ва мискин қолдик. Мадрасамиз бор, кутубхонамиз бор, аммо юртимизда Тафсир ва Ҳадиснинг бир саҳифасини, ҳатто бир байтини ҳам араб тилида хатосиз ўқиб, комил равиш билан тушунтирувчи биронта алломага эга эмасмиз! Оҳ, ё раб! Шараф соҳиби бўлмиш бир қавм учун қанчалар хўрлик!...

Шу пайт дўстим ҳам тўлқинланиб кетиб, кўз ёши қилиб олди. Йиғлаганини мен билмаслигим учун бир оз сукут қилиб, икки дақиқадан сўнг титроқ ва йиғламсираган овоз билан сўзини давом қилдирди:

— Ҳа, икки юзта мадрасамиз бор. Уларнинг ҳаммаси тўрт миљүн тангага яқин вақфга эгалар. Фақат бу вақфларнинг ҳаммаси иккига бўлуниб, бир қисми «ҳаққи ул-тадрис»¹⁴ номи билан дарс берувчиларнинг «ҳаммият» чўнтағига киради. Иккичи қисмини эса, ҳужраларга қараб таҳсилаганлари учун, ҳеч шубҳаланмай, бечора муллабаччаларнинг ҳалол ҳақларига десак бўлар. Бадбахтикни кўрингки, ушбу ҳужраларни ҳам муфтилар, мударрислар ва бошқа давлатманд уламолар ўзларининг мулкларига айлантиришган. Зоро, муллабаччаларнинг вақф пулларини ҳам ўзлариға олғанлар. Ҳатто ҳужраларни ҳам ўн мингдан қирқ минг тангагача нархда сотмишлар.

Уларнинг қиласиган саховатлари шундаки, толиб ижара пулини тўламаса ҳам унинг шу ҳужрада яшашига рози бўлурлар. Бироқ савоб ниятида эмас, балки бу бир неча бор фойда қилиши кўзлаб қилингандир. Биринчидан, уларнинг ҳужрасида яшовчи муллабачча ҳамма вақт ҳаммол сингари хожасининг хизматида бўлиши шарт. Иккинчидан, ҳужра эгаларининг олим ва жоҳилликларидаан қатъи назар, улардан дарс олишлари лозим. Бу эса уларнинг «шогирдим бор, дарс бераман», дейишларига асос бўлади ва каттароқ мадрасаларга мударрислик қилишлари учун йўл очиб беради. Учинчидан, ўша фақир муллабачча «устоз ҳазратлари ҳужрани бошқа кимсага бермасин», деган мулоҳаза билан ифтитоҳ пулининг¹⁵ кўброқ бериб, гоҳида совға шаклида турли нарсаларни ҳужра эгасига тақдим қиласиди.

Тўғри, кутубхонамиз бор, бироқ китоб қани? Ҳамма китобларни ўша тоифа уламолар уйларига элтиб, ўз мулкларига айлантирганлар. Муайян вақф пулига эга китоблардан бўшаган кутубхонанинг ўринларини мударрисликка муносиб қози ва муфтийларнинг ўғилларига топширмишлар. Ҳазрат маҳдум ушбу кутубхоналарнинг вақфини ўзлаштириб, иморатини бир бечора муллабаччага беради. Бу ҳам икки шарт билан: биринчиси, муллабачча кечаю кундуз эшони маҳдум хизматида ҳозиру нозир бўлиши лозим, иккинчидан, жаноблари бора-бора бу маҳдумни ҳам «дарс берадилар» баҳонаси билан мударрисликка кўтармоқчилар.

Уч юзга яқин қўйи мактабимиз бор, аммо буларнинг бари саводсиз муаллимларнинг разолатхонасига айланмиш. Оҳ, ё раб! Қандай ажиб тилсимлар бу мулкнинг аҳволи! Бугун дунёдаги мулкдорлар ўғрилик, бадхулқлик, разолат ва ғарибликни йўқ қилиш учун мактаблар очадилар, магар шаҳарларида бирор бир мактаб очилгудек бўлса, дўпшиларини осмонга отадилар. Бизда эса, уч юздан ортуқ қўйи мактаб бўла туриб, болаларимиз ўғрилиқ, бадхулқлик, разолат ва ғариблика маҳкумдир.

Қориҳоналаримиз ҳам бор, аммо бутун бир Бухорода бирор бир киши «Аллоҳ» деган калиман жалилани «Аввоҳ» ёки «Аблөҳ» демасини¹⁶. Ахир, саодатимизни талон-тарож қиласиган, истиқболимизни бало оловининг ўртасига ташлаган бу уламо жамоаси бизга қандай таълим берадилар? Фиқҳдан: ҳар ким таҳорат пайтида чап қўли билан оғзига сув олиб ичса, ёхуд таҳо-

ратда ўиг оёқдан бошламаса етмиш минг йил дўзах оловида ёнмиш. Ҳар ким илм аҳлиға икки марта салом бермаса, кофир саналмиш. Ҳар ким олим кишини оёғи теккан кўчадан юрса, ҳисобсиз ва азобсиз жаннатга йўл олмиш.. Ақойидлардан: тўртинчи осмонда етмиш бошли, ҳар бошида етмиш минг оғиз, ҳар оғизда етмиш минг тили ва тилининг ҳар бири етмиш минг лугатда сўзлашувчи малоика мавжуд.

Худобехабар! Сен Бухорода туриб Самарқанд аҳволидан бехабарсан-у, тўртинчи осмондан қандай қилиб хабар берасан?

Ҳайҳот!.. Ислом дини қаерда-ю, бу музахрофот¹⁷ қаерда?! Эй, бечора миллат! Буларнинг ҳаммаси мажбуран шаръий қилинған ҳуқуқлар бўлиб, сен ҳозир ана шу зўравонлар — қонингни сўрувчи, хону монингни поймол қилувчи, шараф ва номусинг бунёдиға ўт қўювчи кишилар тарафдорисанки, ҳали ҳам буни тушумайсан! Наинки тушуниш, билъакс, бу масалани англаб етган, аҳволингни жиддий суратда ислоҳ қилишфа ҳаракат қилаётган, ўзининг кўб маблағларини эл равнақи учун сарфлашга интилаётган бир донишманд жамоани¹⁸ кофирлар қаторига қўшасан. Таассуф, таассуф!

Дўстим сұхбат асосида ичолмай қолған пиёладаги чойни олиб ичди ва жуда узоқ сукутга чўмди. Билдимики, эмди сўз навбати менга етганди. Ҳар тугул, бу бечорага тасалли берай деган ният билан сўз бошладим:

— Ҳақиқатдан ҳам Бухоро ва бухороликлар ҳоли жуда ачинарли бўлиб, воқеан, бу ҳудписанд уламоларнинг ишлари бу миллатнинг таназзулига сабаб бўлған. Аммо, биродар, бундан жудаям қайғуга ботманг. Фақат сизнинг уламонингиз эмас, ислом оламидаги барча уламолар ҳам сўнгги уч юз йил ичидаги шунга ўҳшаш хиёнатларга йўл қўймоқдалар. Куни кечагина усмонли, татар, Эрон ва Ҳиндустон уламолари ҳам, сизнинг уламонингиз сингари, ўзларининг мазлум халқининг қонини ичиб келдилар. Фақат бу миллатлар сиздан олдинроқ ушбу ҳақиқатдан огоҳ топиб, имкон борича бу уламоларнинг томиринга болта уришга интилиб, қисқа вақт ичидаги миллатпарвар уламоларни қорни йўғон уламолардан фарқлаб, биринчиларини бошлариға тож қилиб, иккичиларини эса оёқ остига олмиш. Илоҳий қонун будир: магар бирор бир қавм ўзининг ишларини Аллоҳ фармойинши асосида олиб бормас экан, ўзининг шахсий ҳаётини шараф, саодат ва фароғат ҳамда буюклик билан боқадам ўтказмас экан, тинч ва осойишталик йў-

лидаги ниятларини йўққа чиқариб, кибр ва ғуур во-
дийсиға қадам қўяр экан, Ҳақ ваadolat йўлидан чи-
қар экан, ўша, заҳоти шон ва шарафлиги ер билан як-
сон бўлиб, осойишталиги заҳматга, буюклиги эса хор-
ликка айланиши муқаррардир. Чунончи, «Иннал-арзо
йарисуҳа ибадуллаҳи-с-салиҳин»¹⁹ ояти каримаси бу
муддаоға далиллдири. Аммо осойиш ва саодат нашъасиға
маглуб бўлган, кибр ва ғуур водийсиға қадам қўйған
вақтларнинг Ҳақ ва адолатнинг тўғри йўлидан қайтған-
да уларнинг шарафлиқ ҳоллари шарафсизлиққа, осо-
йишлари заҳматга, буюклиги эса мазаллатга айланажак.
Чунончи, «Инналаҳа ла йўғайирру ма би қавмин ҳатта
йўғайирру ма би анфу сихим», яъни «Албатта, Аллоҳ
таоло бу қавмни ўзгартирмагунларича» ояти жалиласи
бу маънонинг ҳужжатидир. Ва қачонки, бу адашув-
чилар фалокат ва ожизлик юқидан «дод» солиб, ғаф-
лат уйқусидан уйғониб, ўзларнинг саодатларини бар-
қарор этиши йўлида сайъ-ҳаракат қилсалар, Ҳазрат
борий таоло²⁰ уларнинг дардларига қайта даво ато этиб,
келган неъматларини қайтариб берур. Бунинг масур
жиҳати шундаки, бугун сиз ва сизга ўхшамиш доно,
закий, ҳамиятли ва фикрли ёшлар этишиб чиқибди.
Шунинг ўзи бухоролиларнинг уйғониши учун катта бир
далиллдири.

Ҳаммага маълумдирки, ҳар бир миллат тараққийси
учун асосий сабаб илмидир. Сизнинг илмингиз йўқ, аммо
тўла ифтихор билан айтаманки, бугун илм олиш учун
сизнинг шаҳринингизда барча шарт-шароит мұхайёдир.
Масалан, бир жоҳил кишининг олим бўлниши учун уч
нарса лозим келур: пул, мадраса, саъю амал. Сизнинг
Бухорода мадраса ҳам, пул ҳам бор, чунки бу вақфлар-
нинг барчаси илм олиш учун вужудга келтирилган,
саъю амал — интилиш ҳам мавжуд, зеро Бухоро аҳли
илм таҳсилиға мұхаббатидир. Фақат шунни айтиш ло-
зимки, сизнинг дарс бериш ва дарс олиш тартибларингиз
ёмон, мадрасаларнинг вақфи эса ҳисобсизdir. Ҳар ик-
кисини ҳам тузатиш осон. Тўла ишонч билан айтаман-
ки, бир одил, ҳур фикрли амир²¹ ва тадбиркор, худо-
дан қўрқувчи вазир бўлса²², бу ишларнинг ҳаммасини
ислоҳ этса бўлур.

Ҳақиқатан ҳам шукр қилишингиз мумкин, зеро бир
одил подшоҳ ва бир доно вазир Бухоро мадрасалари-
нинг ислоҳи учун бел боғласалар, ўша куни Бухорода

Элликта олий, бир юз элликта ўрта мадраса ва уч юзу олтмишта қўйи мактаб очилиши муқаррафдир.

Дўстим заҳарханда қилиб айтди:

— Сиз бу миллат ҳақида қанчалик илиқ фикр айтманг, мен у ҳақда шунчалик ёмон фикрдаман. Сиз бу миллатга қанчалик умид билан боқсангиз, мен шунчалик умидсизланаман. Бу шундай миллатки, ҳақини форат қилсалар, ўзига ана шу яғмогарлар оёғига бош қўйинши фазилат деб билади. Фано қудуғига бошлари билан ботиб турсалар-да, ўзларининг ҳалоскорларини кофирлар деб атайдилар. Улардан нимани умид қилиш мумкин, қайси келажакни улардан кутиш жоиз?!

Мен: Бас, сўзламанг, нималар деяпсиз? Худо ҳаққи, сизнинг бу сўзларингиз миллатнингизга зарар етказадиган хиёнаткор талончиларнинг хуирезлигидан ҳам баттарроқдир. Сизнинг сабр қилмоқдан, бардош бермоқдан бошқа чорангиз йўқ. Сабр ва бардошдан бошқа нарсаси бўлмаган миллатнинг ҳамма нарсаси бўлиши мумкин ва сабру бардошдан бошқа ҳамма нарсаси бўлган миллат ҳеч нарсасиз улардан маҳрум қолиши мумкин. Бир одамнинг бардоши буюк бир миллатни ислоҳ қилишга қодир. Ислоҳчилар тоифаси учун бардошдан бўлак асл қурол йўқ. Сабрсизлик заҳри қотилдирки, ҳар бир миллатнинг танглайига тушса, димоғидан тутун бўлиб чиқади... Бизнинг бу суҳбатимиз сизни жуда безовта қилди. Бошқа мавзуда суҳбат қиласак, яхши бўлар эди.

Биз яшаб турган бу дунё жуда қадим ва кўбни кўрган. Масалан, бугун бизни ўз ихтиролари билан, янги янги ҳунарлари билан ҳайратда қолдираётган Оврупанинг аҳволи ўрта асрларнинг бошларида ҳозирги аҳволимиздан ҳам беш баттар эди. Аҳоли жоҳил ва мазлум, ҳоким ва руҳонийлари эса фожир ва золим эдилар. Руҳонийлари жуда кўб ерга эга бўлишиб, ҳар бирларнинг ўз байроқлари бор, боз устига пул ҳам зарб этар эдилар. Айримларининг мулклари эса бутун бир вилоят ерларича келарди. Ҳукумат кишилари уларнинг ерларига кириб, солиқ ололмаганлар. Гуноҳ иш қилған қотил қочиб, уларнинг ерларига кирса, мишлоналар уни олиб кетнишга иложсиз эдилар. Гуноҳларини пул ва ер эвазига кечириб юборганлар. Ким руҳонийларга ёмон муносабатда бўлса ёхуд уларни ҳақорат қилса, уни килисога²³ киришдан маҳрум этиб: «Ўлуғларнинг бизга берган ҳуқуқиға биноан, муни килиссодан маҳрум этдик. Бундан кейин шаҳар, қишлоқ, дала ва ҳар бир хона-

донда уни лаънатлашсин, бирон-бир насроний у билан сўзлашмасин, бирга овқатланмасин ва бирон бир руҳоний унинг ҳақиға дуо қилмасин»,— дер эдилар.

Фақат бугина эмас, улар ҳукумат ишларига ҳам аралашар, ўша даврииң қирол ва императорлари ўзлариги килисонинг мұхіблари деб билишарди. Бирон бир амир ёки подшоҳ руҳонийларнинг гапларини иккى қила олмаған. Агар уларнинг розилигисиз бирон бир иш қылса, ўша заҳоти уни килисадан маҳрум қилишған. Бироқ, шуниси аниқки, бундай ваҳшийлик, имонсизлик ғайри-инсоний қонуни ва ҳаракат узоқ давом этиши мүмкін эмас эди, албатта. Бир кун келиб, Аллоҳнинг ғазаби ва аҳолининг ғайрат-ҳиммати билан бундай тузумнинг томири қирқилиши муқаррар әди.

Мазкур пўпларнинг юритган ишлари, ҳаракатлари ҳам узоққа чўзилмаган. Унинг аср (исовий мингинчи йил) бошида Оврупанинг айрим ишқатларида протестантлар²⁴ мазҳабига мансуб махсус гуруҳлар майдонга чиққан. Улар 12-асрга келиб, кенг миқёсда тарқалған ва жойларда ўзларининг гуруҳларини тузишиб, ўз уламоларига қарши кураш бошлаганлар. Протестантлар Йижилни оддий халқ тилига таржима қилғанлар, авом халқни илмга даъват этганлар. Улар Йижилга қаршу ҳар хил гап ва ишни қоралағанлар. Айтар эканларки, агар бизнинг уламомиз Ҳазрат Масиҳнинг нонблари бўлишсалар, нега мунчалик мол-мулк тўплаганлар? Ҳақиқий уламолар ва Ҳазрати Масиҳнинг нонблари пулга бунчалар ўч бўлмасликлари, бир қултум сув ва бир бурда нонга қаноат қилишлари лозим эди. Наҳотки, бизни таркидунёчиликка даъват қилған кимсалар назру ниёзимиз ва тавбаларимиз эвазига мол-мулкимизга эгалик қилсалар! Биз ҳам худонинг бандаларимиз. Агар биз бирон бир гуноҳга ўйл қўйсак, Худованддан истиффор ва мағфират қилишини сўраймиз. Нега эмди гуноҳни Аллоҳ даргоҳида содир қилиб, пўп олдида тавба қиласиз-у, тавбамизнинг қабул қилиниши эвазига уларга пул ҳам берамиз?

Протестантлар жамоаси жуда қисқа вақт ичидагатта зафарларга эришиб, ўз ташаббусларининг самарасини кўра бошлаганлар. Оврупанинг айрим ўринларида қаршу мазҳаб устидан ғолиб келганлар. Бу жамоа музafferligининг бош омили — улар ўзларининг ният ва мақсадларини халқа жуда содда, аниқ тил билан тушунтирганлар. Агар зарурат туғилмаса, пўплар билан мунозара га тушмаса, эдилар. Бироқ ҳамма жойда

ва ҳар бир бобда уларнинг хато ва камчиликларини кўрсатиб берган эдилар.

Ушбу эътироzlар жамоасига яна бир иш жуда қўл келган. У ҳам бўлса салиб юриши эди. Бу уруши дастлаб 1095 йилда бошланиб, 1492 йилга қадар қайта ва қайта қўзғалаверган. Оврупа ушбу уруш ҳаракатларини ислом оламига қаршу қаратдик, мақсади Қуддуси шарифни ишғол этиш бўлган. Оврупа аҳли бу ерда мусулмонлар билан яхши муносабат ўрнатиб, жуда кўб моддий ва маъниавий фойда кўрганлар. Масалан, Фарангистон дорилфунунининг Шарл Санивиюс исмли муаллими қўйидагиларни эътироф қилған: «Ўн биринчи асрда Оврупа ва ислом олами бутунлай бир-бирларига қаршу эдилар. Оврупа шаҳарлари кичик ва оддий, қишлоқлари вайронга кулбалардан иборат бўлган. Йўлда ўлдиришларидан қўрқуб, ҳеч ким ўз уйндан ўн фарсаҳдан йироққа боролмас эди. Ислом олами эса Бағдод, Шом, Миср, Андалус сингари бутунлай обод ва кўркам шаҳарлар, мармар билан безатилган саройлар, мукаммал корхоналар, мадраса ва мактаблар, зийнатли ва озода бозорларға эга бўлған. Далаларининг ҳар қадамидаги гўшалару хирмон-хирмон хосилни кўрганининг кўзи қувонар эди. Испания билан Туркистон ўртасида савдо карvonлари бемалол бориб келарди. Оврупалилар мусулмонлар тараққийини холис ният билан қабул қилиб, касб ва илм ўрганиш ниятида ислом шаҳарларида таҳсил кўрганлар. Оврупа мусулмонлар билан алоқа ва муносабат ўрнатиш орқали тараққий қилған. Оврупалиларнинг ислом оламидан қабул қилған ишлари тубандагилар:

Зироат: кўк буғдоӣ, тут дарахти, гуруч, ҳурмо, лемн, пўртаҳол, шахта, қаҳва ва найшакар²⁵.

Саноат: шойи газламалар, зар тўқиши, шиша, ойна ва қоғоз.

Илм-фаҳ: ал-жабр ва ал-муқобала²⁶, ҳандаса, чизмачилик, кимё, ҳисоб ва ҳоказо. Ислом аҳли Юнон, Эрон, Ҳинд, Чиннинг илму фандаги ихтиrolарини тўплаб ва ўзларидан кўбгина нарсалар қўшиб, охири-оқибат буларнинг барини оврупалиларга топшурдилар».

Бу улуғ бир фаранг муаллимининг ислом оламининг тараққийини хусусида билдириған иқроридир. Эмди диққат билан назар солсак, дарҳақиқат, оврупалилар ўзларининг юксалиши омилларини ислом аҳлидан олганликларини кўрамиз. Бугун эса, ё раб, қўлдан кетган маданиятимизни тиклашга ҳаракат қилған заҳотимиз

уламоларимиз «коғир бўлдинг» деб бизни йўқ қилиш пайига тушганлар.

Эмди мақсадимизга қайтсан: аввал таъкидлаганинг мизча, салиб урушлари протестантлар жамоасининг ҳаракатларига ёрдам бериб, аҳолининг асосий қисмини улар билан ҳамфикр қилди. Оврупалилар ислом оламидаги ҳайратга солувчи ютуқларни кўрганларидан сўнг, уларнинг мафтуни бўлиб, иротестантлар таклифи ва далолатлари билан Бағдод, Миср, Андалус мадрасалари га бориб, мусулмон мударрисларидан турлук илмлар бўйича таҳсил ола бошладилар, пўпларнинг бу йўлга монеъ бўлишиларига эътибор қилмадилар. Пўплар Оврупа аҳлининг мусулмон шаҳарларига бориб таҳсил олишиларини ҳам протестантларга қўшуулғаниларини кўриб бу ишининг олдини олиш учун шошилинич чора-тадбирлар кўра бошладилар. Ҳар ким эътироҳ қилса, ёхуд пўпларнинг кароматиға мункир келтирса²⁷ ёхуд мусулмон шаҳарларига бориб таҳсил кўрса, ҳатто адашувчилик билан жума кунлари янги киём кийса, уни ўша заҳоти динсизликда айбладилар, урдилар, ўлдирдилар, оловда кийдирдилар. Иш шу билан тугайдики, ўзлари буткул мағлуб бўлиб, инон-иҳтиёрларини протестантларга топширдилар.

Ўйга кириб келган иккала меҳмон ҳам менинг сўзларимни маъқуллар эдилар. Бир соатча турли мавзуларда суҳбат қурдик. Кейин меҳмонлар кетишга рухсат сўрадилар. Уларни кузатиб, кечашинг қолған қисмини ўйқуда ўткардик.

Эртаси куни дўстим мени сарбозларни кўришга олиб борди. Бухоро сарбозларининг аҳволи ажаб: тараққий этган давлатлarda сарбозлик муддати уч-тўрт йил бўлса-да, Бухоро сарбозлари учун бу хизмат муқадлас бўлмай, балки қилиған жиноятлари учун бериладиган жазодир. Бухоро сарбозлари ўз кунларини хорлик, манфурдлик ва бечораҳоллик билан ўткарадилар. Уларнинг сарбозлик муддати бир умрликдир. Ўғри ва қотилларни бу шаҳарда қамоқ ва сургунга жўнатиш. Қатл қилиш ўрнига, сарбозликка юбориб, бир умр ойнга йигирма танга маош билан ушлаб турадилар. Киши сарбозлик хизматига киришгач, яна ҳам кўброқ ўғирлик қилидади. Бунинг бонси иккита. Биринчиси, у сарбозликка олинишидан аввал, ойнинг биримчи ярмида ҳаммоллик қилиб, ўртача ҳар куни беш тангадан, яъни юз эллик тангани қўлға киритиб, ойнинг қолған ярмини фароғат билан ўтказар эди. Сарбоз бўлгач эса, ойига

йигирма танга олади ва бошқа иш қилмайди. Иккинчиси, у аввал ўғирлик қилмас, чунки сарбозлардан қўрқар эди. Энди у сарбоз бўлгач, унинг учун ўғирликтан устун ва манфаатли касб йўқдир.

Юқорида кўрсатилгандан бошқа, сарбозликка қабул қилишнинг яна бир томони бор, унинг тафсили биринчидан ҳам баттарроқдир. Бирор саркарда ёки юзбоши бирор кишидан пул ундириш ниятида бўлса, уни ушлаб: «Сен эски сарбоз эдинг, вақтида жанобларининг хизматидан қочгансан, эмди қўлимфа тушдинг, сени сарбозлар қаторига қўшаман»,— дейди. У бечора: «Мен умримда сарбоз бўлмаганман, милтиқ отишни ҳам билмайман»,— дейди. Юзбоши бўлса: «Сенинг милтиқ отишни билмаслигинг. ҳеч нарсани ҳал қилмайди, бошқа сарбозлар ҳам милтиқ отишни билмайди»,— деб эътироз қилади. Бечоранинг фіғони кўкка чиқиб: «Туҳмат қилманг, ахир сиз ҳатто исмимни ҳам билмайсиз-ку, сабиқ сарбоз эканимни қаердан биласиз?»— деб зорланади. Ниҳоят, иложесиз қолиб, бечора ё сарбозликни қабул қилади ёки уч минг тангани юзбоши жанобларига таслим қилиб, ўз ёқасини унинг мустаҳкам қўлидан кутқаради.

Сарбозлар томошасини кузатиб, бозору расталарни кўришга тутиндик. Пешин намозидан кейин дўстим айтди:

— Бугун Бухоро мударрисларидан бири бизнинг уйимизга келмоқчи эди, тезроқ қайтишимиз лозим.

Яна бир оз айланиб уйга қайтдик. Намози асрга қадар мударрисни кутиб ўтиридик. Аср намозидан кейин мударрис жаноблари буюк дабдаба билан кириб келдилар. Дўстим у кишини эшик олдида кутиб олиб, уйга олиб кирди, тўрға ўтқазди. Мударрис ўтиргач, фотиҳа қилди. Дўстим меҳмоннавозлик билан «хуш келибсиз», деди, ҳол-аҳвол сўради. Мударрис жавоб берид, сўнгра менга қараб сўрадилар:

— Бу киши қаердан?

Дўстим жавоб берди:

— Бу киши Ҳиндустон мусулмонларидан бўлиб, юртимизга саёҳатга келганлар. Уйимизда меҳмонлар.

Мударрис «кўб яхши», деб жавоб берди. Бу сафар менга мурожаат қилиб сўради:

Мударрис: Сиз Ҳиндустоннинг қаеридан?

Мен: Деҳлидан.

Мударрис: Деҳлида илм таҳсили қай даражада?

Мен: Яхши. Деҳли аҳлининг таҳсили, илмга рағбати баланд.

Мударрис: Бухородагидай яхши мударрислар борми?

Мен: Камина Бухоро мударрислари билан ошно эмасман, уларнинг ҳолларидан бехабарман, бироқ Деклида илмли мударрислар талайгина.

Мударрис: Бухорода ҳам кўбгина забардаст уламолар бор.

Мен: Албатта, Бухоро донишманд олимларга эга бўлиши керак. Чунки ҳамма мусулмонлар бу шаҳарни илм маркази деб биладилар.

Мударрис: Сиз ҳам илм таҳсил қилғанинисиз?

Мен: Сарфу наҳвни²⁸ бир оз ўқуған эдим.

Мударрис: Қай даражада ўқуғансиз?

Мен: Араб тилида сўзлашнига имкон берарлиқ даражада.

Мударрис: Ҳозир арабча гаплаша оласизми?

Мен: Эҳтиёжга қараб.

Шу вақт дўстим дастурхон ёзди. Мударрис мени имтиҳон қилмоқ учун атайдаб арабча гапирди:

— Кул!²⁹

Мен бир бурда нон олиб едим. Мударрис кулди:

— Сиз арабча гаплаша оламан, деб айтган эднингиз.

Мен: Ҳа, биламан.

Мударрис: Үндай бўлса, мен арабча сўзлаганимда нега жим турдингиз?

Мен: Жаноблари «егин!» дедилар. Мен шундай қилдим. Сўзлашга зарурат бўлмади.

Мударрис: Ҳо-ҳо-ҳо! Ийсоннинг эиг номаъқул одатларидан бири шу! Одам сафарга чиқиб, иккн-уч шаҳарни кўра бошлагач, шунчалар ёлгон сўзлайдиган бўладики, кулгинг қистайди... Домулло! Араб тилида сўзлаш осон иш эмас. Биз йигирма йилдан бери кўкрагимизни захга бериб ўрганамиз. Шунга қарамасдан умр бўйи араб тилида сўзлаётмасдан бу дунёни тарк этамиз. Жаноблари озгина сарфу наҳвни таҳсил қилиб, «араб тилида сўзлаша оламан» деб юрибсиз-а?!

Мен: Мударрис жаноблари! Агар сиз минг йил кўкрагингизни захга бериб, араб тилини ўргана олмасангиз ҳам ҳеч айби йўқ. Аммо мен уч-тўрт йил ичнда араб тилини сиздан яхшироқ ўргандим.

Мударрис: Ёлғон айтасиз!

Мен: Агар меним айтганларимга ишонмас экансиз, араб тилида гапиришаман: «Кайфа аҳвали саййидина? Лиълаҳи макруната би камамил-афијата ва тамамис-саламата, сайиди кунту атвақу...»³⁰

Мударрис: Тўхтанг, тўхтанг!

Мен: Лам таъмируна би-т-тафаккуф?³¹

Мударрис: Билдик, арабчани билар экансиз... Бундан кейин сиздан арабчани сўраганинг падарига минг налат. Бу қанчалар уят-е?! Биз ҳам дарс ўқуғанмиз, биз ҳам араб тилини биламиз... Бир оз тўхтанг дейман, яна арабча сўзлай берасиз...

Мен: Нима истайсиз?

Мударрис: Уша арабча калимаигизни яна бир бор қайтаринг.

Мен: Кайфа аҳвали саййидина? Лиллаҳи макруната би камамил-афијата ва тамамис-саламата...

Мударрис: Тўхтанг, тўхтанг!

Мен: Яна нима бўлди?

Мударрис: Бунчалик кўб араб сўзларини бирданига ўзлаштириш анча мушкул иш. Оз-оздан айтсангиз, ўрганиб улгуар эдим.

Мен: Жуда яхши, ўрганинг.

Мударрис сўзларимни қўйидагича мутолаа этди: «Кайфа аҳвали саййидина». «Аҳвали саййидина»—музоф ва музофинлайҳ³² ва эга, «кайфа»—аввал келган кесим, маъниси — «сайидимизнинг аҳволи қандай?»

«Лиллаҳи макруната би камамил-афијата ва тамамис-саламата»—«ал-афијата ва ас-саламата» даги алиф-лом нима? Алиф-лом тўрт хилдири; жинс, истироқ, ташқи аҳд ва зеҳн аҳди. Бу алиф-лом ташқи аҳд ва зеҳн аҳди эмас, истироқ ҳам эмас, агар истироқ бўлса эди, «тамом» ва «камол» сўзларининг ортиқчалиги аниқ бўлар эди. Шундай экан, бу алиф-ломлар жинс бўлса керак.

Домулла шу ерга етгач, менга қараб деди:

— Эмди давомини айтинг.

Мен бошладим: Сайди кунту атвақу... минсаза заман ал-шарқ маҳзарат ул-жинаҳ.³³

Мударрис: Тўхтанг, тўхтанг!

Мен: Сиз тўхтаб туринг, мен сўзумни тугатай: ...маҳзаратул-жинаҳ йакумул маъван илай фи муҳиммат³⁴.

Эмли ўрганинг.

Мударрис: Сайди кунту атвақу... бу «атвақу»нинг маъниси нима? Феълми ёки отми?

Шу орада мударрис уй эгасига қараб:

— Биродар, «Фиёс ул-луғот»³⁵ китобингиз борми?— деди.

Дўстим: Бор эди, бироқ тунов куни қўшнимиз олиб кетиб, ҳали қайтарғанча йўқ.

Мударрис: Агар малол келмаса, ўшани олиб чиқсангиз.

Мен: Мударрис жаноблари, нима истайсиз? Биз ҳар кеча бир олам суҳбат қиласар эдик, сиз жаноблари билан бир иш қилмасдан, бизни ҳам, ўзингизни ҳам саргардон қилдингиз.

Мударрис: Нега саргардон қиласар эканман? Сизнинг айтганларингизни мутолаа қиляпман, суҳбат қиляпмиз.

Мен: Бунақа мутолаанинг уруғи қурсин, бундай суҳбатга минг лаънат! Мен сизга йигирмата араб сўзи-ни айтдим, сиз эса унинг мутолаасига икки соат вақт сарфладингиз. Устига устак, бу бечорага қўшнисининг уйидан «Ғиёс ул-луғот» китобини олиб келишни буюрасиз ва шу йўл билан «атвақу»³⁶нинг маъносини билишни истайсиз. Бўлди, бунақа суҳбатнинг баҳридан кечдик. Агар истасангиз, форсча гаплашайлик. Худо ҳаққи бизни кўб овора қилманг!

Мударрис: Яхши, эмди форсча гаплашамиз: Бухоро мадрасаларини кўрдингизми?

Мен: Ҳа, кўрдим. Бухорода кўб улуғ мадрасалар бор экан, бироқ ундан не нафки, уламо турли ношаръий йўллар билан уларни истифода қилса?!

Мударрис: Қандай қилиб?

Мен: Сизнинг ота-боболарингиз бу мадрасаларни бечора муллабаччалар учун қуриб, вақф қилиб кетган бўлсалар, бироқ бугун бойлик учун ўз иймонидан кечган кимсалар, мадраса ҳужраларини даромад манбаинга айлантириб, уларнинг вақфларини жиғилдонга урмоқдалар. Бу ҳужраларнинг асл эгалари бўлмиш мискин толиби илмлар эса мачитларнинг бурчак-бурчакларида фужанак бўлуб ётиб, қотған ион ва совуқ сув билан кун ўткармоқдалар. Бухоро уламосининг бу ишлари худодан қўрқишидан фарсаҳ-фарсаҳларча йироқдир.

Мударрис: Ўҳу, бу дард сизга ҳам юқсан экан-да.

Бу жуда бўлмағур гап. Ҳалигача бу ишларни ҳеч ким билган эмас. Тўғрисини айтканда, муллабаччалар дарс ўқушларини билсинлар, ҳужраю вақфлар билан нима ишлари бор?

Мен: Иисофнингизга балли! Бечора муллабаччалар хор-зор бўлиб, совуқ сув ва қоқ ион билан мачит бурчакларида кун кечирснилар-у, сизлар эса уларнинг ҳужраларида ўтуриб, бечораларнинг вақф пуллари ҳисобидан палов ва кабоб тановул қилсангизлар ва ушибу ҳолни сизга англатган кишинга «муллабачча дарс ўқуши-

ни билсин, ҳужраю вақфлар билан нима иши бор?» деб айтсангиз.

Мұдаррис: Бу сўзингиздан мақсад нима?

Мен: Мақсадим шуки, ҳужралар муллабаччаларниң молидирлар, сиз уларни олди-сотдиси билан машғул бўлишингиз шариатдан эмас.

Мударрис: Э... сиз бизни унчалар аҳмоқ деб ўйла-манг, ҳужраларнинг олди-сотдиси ношаръий эканин биз ҳам биламиз.

Мен: Шундай экан, нега уларни ўз мулкингизга айлантирасиз? Нега бу ҳужраларни бошқа одамларга сотиб, муллабаччалар учун тегишли вақф пулини уларга бермайсиз?

Мударрис: Биз ҳеч вақт ҳужраларни олиб-сотган эмасмиз.

Мен: Воажаб, унда ўн минг, йигирма минг, қирқ минг баҳода сотилаётган бу ҳужралар кимнинг отасидан қолған мерос экан?

Мударрис: Биз ҳужраларни сотмаймиз, унинг шотиси ва тоғора³⁷сини сотамиз, холос.

Мен: Мардлигу шижаотингизга, топқирилигинги газа балли! Бу иддаонгиз шариат олдида ҳечdir. Сиз «шоти ва тоғорани сотамиз», деб айтасиз, тўғри, қозихона васиқалариға шундай ёзасиз. Аслида эса ҳужрани сотасиз. Васиқада шаръий ёзиладиган сўзлар эса ёлғонлигича қолаверади. Бунга бир неча сабаб бор: биринчиси, дунёнинг қай бурчига борманг, шоти билан тоғораминг нархи йигирма тангадан ошмайди. Кейин васиқа қилишдан олдин ҳужрани бориб кўрасиз, маъқул келса васиқа қиласиз. Иккинчиси, уйингизга бориб, «мен бугун бир шоти ва тоғорани сотдим», демайсиз, балки «бир ҳужрани сотдим», дейсиз. Булатнинг ҳар бири шундан далолатки, сиз ҳақиқатан вақфга тегишли ҳужрани олиб-сотасиз. Ҳийлайн шаръийни қўллаб, «васиқан шаръий» дейишингизниң бир пуллик қиймати йўқ. Чунки ислом шариаги ниятни асл деб билади, турли сафсата ва найрангларни кўтартмайди.

Мударрис: Ҳийлаи шаръий ишлатиббиз-да!

Мен: Тўғри, сизинг бу ишнинг хийла ва фирибгарлик, лекин мутлақо шаръий эмас.

Мударрис: Ҳийла ҳам шаръийдир.

Мен: Жим туринг, шариатимиз бундай пайтларда ҳийлани қабул этмайди, балки кишининг ниятини асл ёътибори билан қабул қиласи. Мен сизга ўхшаб, томдан тараша тушгандай гапурмайман. Эмди Қуръон, эмди

Ҳадис сўзлари: Настаъизу биллаҳ: «Ва ин тубду маъфи анфуси кум ва туҳфуҳу йуҳасибукум биҳиллаҳ», яъни «Сизлар ўз мақсадингизни хоҳ изҳор қилинг, хоҳ пинҳон тутинг, Аллоҳ таоло сизнинг бу мақсадингизга қараб, ҳисоб-китоб қиласжак. «Вала йу ахизикум уллаҳу бил-лағви фи айманакум валаким йу ахизукум бима касабат кулубу-кум», яъни «Ўзича муоҳаза³⁸ қилмайди. Сизларни сизнинг тилингиздаги сўзлар туфайли муоҳаза қиласди, Худованд сизларни ниятингизга ва қасдингизга кўра муоҳаза қиласди». Ҳадиси шарифда, «Иннамал-аъмалу бин-ниййат»ни³⁹ ҳам шоят эшитгандирсиз?! Бу Ҳадиснинг маъниси шуки, ниятсиз амалнинг ҳаргиз эътибори йўқ. Шундай қилиб, ушбу ояти карима ва Ҳадиси шариф сизнинг муддаоингизнинг ботил эканини бизга англатди. Лекин сиз Бухоро уламоси ислом шариатига эътибор қилмайсиз. Сизнинг бу сўзларингиз ботил эканига бошқа ақлий далилим ҳам бор. Айтасизки, «биз ҳужрани сотмаймиз, балки шоти ва тоғорани сотамиз» деб. Шундай экан, мен сизларга арз қиласки, биз ҳам сиз билан ишимиз йўқ, (шоти ва тоғорани) олиб-сотаверинг, лекин фақир ва мискин мулла-баччаларнинг ҳалол ва шаръий мулки бўлған ҳужра ва вақфларни қолдирсангиз ҳамда шоти ва тоғораларингизни олиб, бу ҳужралардан кетсангиз.

Мударрис: Офарин! Билмадикки, жаноблари дунё-нинг қайси бурчидан келиб Бухоро уламолариға насиҳат қилиш ниятида эканлар... Иншооллоҳ, муборак ният! Бироқ меним ҳам 'сизга бир насиҳатим бор: Сиз бу бефойда масалаларга аралашиб, овора бўлмангиз. Бухоро уламоси ўз 'ишини сиздан кўра яхшироқ биладилар. Уйқу вақти ҳам ўтиб кетди. Меним фонусимни берсангиз, кетсам.

Үй эгаси фонусни келтириб берди ва мударрис «Аллоҳга амонат», деб чиқиб кетди. Биз ҳам ухлашга ётдик.

Эрталаб барвақт уйғондим. Бугун моҳи рамазон арафаси эди. Одамлар жуда катта шодлик ва тантана билан ўз дўконларини безатмоқда эдилар. Ҳамма рамазон учун тайёргарлик кўрарди. Бирор қайси масжидда хатми Қуръон қилсанам, деб ўйласа, яна бирор қайси масжиднинг хатмисига иқтидо⁴⁰ қилсанам экан, деб ўйларди. Шаҳарининг раста ва бозорлари ажиб бир манзара касб этмиш. Одамлар бу ой ибодат ойн эканидан жуда масрур эдилар. Кеч кириши олдидан амир аркининг тепасида ноғора чалиниб, халқни ра-

мазон киришидан хабардор қилди. Ҳалқ рамазонни катта байрам деб билади. Тушгача дўкон ва расталар очилмайди. Тушдан сўнг дўкондорлар то намози асрга қадар ўтирадилар. Қейин қўлларига обдаста олиб, ҳавзи Девонбегига бориб намоз ўқийдилар-да, сўнгра ифторлик учун ўз уйларига қайтадилар. Ифтордан кейин яна дўконларига келиб, ярим кечага қадар ўтирадилар. Кечаси ҳамма ёқ чароғон бўлади. Қишилар тўп-тўп бўлишиб, сайр қиладирлар. Ҳамма ерда масрурлик ҳукм суради. Бироқ шулар қаторида кишининг нафратини қўзғатувчи ишлар ҳам содир бўлиб туради. Бу бемазагарчиликларнинг энг каттаси бесоқолбозликдир. Қундузлари ҳавзи Девонбеги атрофида, растаю бозорларда муллабаччалар бир бесоқол болани ўртага олиб шўришу⁴¹ ғавголар кўтаришиб, оламга ғулғула соладирлар. Айрим пайтлари бесоқол боласи бўлмаган бир гуруҳ муллабаччалар улар билан юзмажу з келишиб, оч бўрилардек уларнинг «қўй»ларига ўзларини урадилар. Жуда кўб уруш ва талашлардан сўнг қайси томон устун келса, бесоқолни ўзиники қилиб олиб кетади. Энг ажабланарлиси шундаки, Бухоро уламолари ўзларининг шогирдларини бу ғайри шаръий, ифлос йўлдан қайтармас эдилар, билъакс ўзлари ҳам бевосита шу иш билан шуғулланар эдилар. Шуни айтиш мумкинки, бугун Бухоронинг ҳар бир мударриси ва муфтийси ўзининг чиройли бир шогирди билан ишқибозлик қиласи ва уларнинг айрим уруғлари Худонинг бандаларидан ҳеч бир уялмай ўзларининг уйларида бесоқол асрашади.

Рамазон ойини ўткариб, ҳайнитнинг иккинчи кунида касалланиб, ётиб қолдим. Бутун вужудимни иситма қақшата бошлади. Дўстимга айтдим:

— Менга бир табиб чақириб берсангиз.

Дўстим илтимосимни бажарди. Табиб томиримни ушлаб, деди:

— Бир шишани олиб менинг дўконимга боришин, бир оз мушк шарбати, косон арафи варайхон уруғидан юбораман. Кунига икки мартадан иссангиз, нишондоҳ, тузалиб кетасиз.

Мен: Тўғри, қўрқмайман, фақат нимадан бемор бўлганимни билишни истар эдим.

Табиб: Терлаб келиб тўнингизни ечгансиз, сизни совуқ олган.

Ҳакимнинг бу гапидан ҳайратга тушиб, айтдим:

— Биродар, биринчидан, мени совуқ олгани йўқ,

иккинчидан, совуқ олганнинг давоси мушк шарбати варайхон уруғи эмас, учинчидан, сиз айтган бу дорулар икки юз йил муқаддам ишлатилган. У даврдан ҳозиргача табобат илми анча тараққий этган. Донишманц табиблар янги ва фойдали дорулар ихтиро этканлар. Сиз бўлсангиз ҳали ҳам беда мушкининг шарбати варайхон уруғи деб юрибсиз.

Менинг сўзларимдан табибининг жаҳли чиқиб кетди:

— Сиз табобатдан бехабар бўлсангиз, касалингиз шамоллашдан эмаслигини қаердан билурсиз? Мушк шарбатини икки юз йил аввал касалларга берилишию ҳозир янги дору дармонлар кашф этилганини-чи? Булар девона ҳам гапурмайдиган сўзлардир.

Мен: Тўғри, менинг айтганларим эмас, балки сизнинг гапингиз девонага хос. Сиз табобат илмининг буюк тараққийсиға мункир бўлмоқдасиз. Бундан нима фойда? Бугун фақатгина тиббиёт илми эмас, балки оламнинг барча ишлари ҳам юксалиш томон йўл тутган ва бундан кейин ҳам тараққий қилиши шубҳасиздир.

Табиб: Сўзларингизни эштутиб, кулгим қистаяпти. Тиб илми қаерда юксалган? Нега мен бундан бехабарман?

Мен: Сиз жуда кўб нарсадан бехабарсиз.

Табиб: Ахир, сиз айтаётган «табобат тараққийси» жаҳоннинг қайси бурчидা содир бўлған?

Мен: Таажжубланманг, инсоният тараққиётга қодирдир ва юксалиши муқаррар. Юз йил аввал мамлакатингизнинг қаерида темир йўл, телеграф симлари бор эди? Улуғвор мисолларни-ку, қўя қолайлик. Юз йил аввал мана шу гугуртни қайси бир бухорий кўрган эди? Бундан аввал сизнинг чоловорингиз карбосдан, кўйлагингиз қалами матодан эди. Бугун нафис докалар ва турлича рангин парчаларга етибмиз. Буларнинг барчаси мен даъво қилаётган тараққийнинг наомунасидир. Шулар қаторида тиб илми ҳам юксалиб, тобора баланд погоналарга кўтарила борди... «Тиб илмининг тараққийси қайда?» деб сўрайсиз. У ҳамма ерда ва ҳар ким томонидан қабул қилинган, бироқ сиз кўрмайсиз, чунки кўриш ниятида эмассиз. Бу тараққиёт ҳатто Бухорода ҳам бор. Ана у мавжуд дўхтурхона табобат тараққийсиға намунадир.

Табиб менинг сўзларимдан ҳайратда қолиб, сукутга толди. Сўрадим:

— Жаноблари, табобат илмидан қаерда таҳсил олганлар?

Табиб: Бухоронинг ўзида.

Мен: Қайси табибдан дарс олғансиз?

Табиб: Ҳеч кимдан дарс олғаним йўқ, ўзум бўш вақтларимда тиб китобларини мутолаа қилиб, табиб бўлганман.

Мен: Биродар, мени кечиринг-у, сиз касалимни туза олмайсиз.

Табиб чиқиб кетгач, уй эгасига айтдим:

— Менга яхшироқ табиб топиб, чақириб келсангиз. Дўстим бу талабимни бажо келтирди. Йккинчи табиб, кибр-ҳаво билан келиб, томиримни кўрди. Деди:

— Сиз бир оз қўрқибсиз, мен икки-уч ҳубби мусҳил⁴² юбораман, уни ичиб, кейин ўзингизни алас-алас қилдирсангиз, тузалиб кетасиз.

Кулгим қистади, буни сездирмай сўрадим:

— Ҳаким жаноблари менинг жуда ёмон бир одатим бор: табиб касалим нимаданлигини ва ўзининг дорулари қандай наф беришини исботламагунча, уларни истеъмол қилмайман. Сиздан илтимос, айтингчи, қўрққанимни қаердан билдингиз?

Табиб: Иссиғингиз бор.

Мен: Ҳубби мусҳилнинг қўрққанларни даволашдаги ўрни нимада?

Табиб: У киши ҳароратини, туширади.

Мен: Яхши, касалимни ҳам белгиладингиз, дорусини ҳам тайин қилдингиз. Лекин каминанинг феъл-ҳуйи жуда ёмон, табибининг қайси мадрасада ўқуғани ва қайси устоздан таълим олганини билмагунча, унинг дорусини ичолмайман.

Табиб: Ҳо-ҳо-ҳо... Ҳотиржам бўлинг, камина Бухоронинг бош табибиман. Ҳазрати Амир ва дорушшифо мадрасасининг табобати ҳам менинг қўлимдадир. Ҳар йили миллиатнинг 12 минг тангасини оламан.

Мен: Ажаб! Бу 12 минг тангани қаердан оласиз?

Табиб: Дорушшифо мадрасасидан.

Мен: Сиз жаноблари, тиб илмини қаерда тахсил қилғансиз?

Табиб: Бухоронинг ўзида.

Мен: Қайси мадрасасида?

Табиб: Бухоро тиб мадрасасига эга эмас.

Мен: Қайси табибдан таълим олғансиз.

Табиб: Мен тиб илмини ҳеч кимдан ўрганмаганман.

Мен: Унда қандай қилиб табиб бўлдингиз?

Табиб: Раҳматли отамиз жуда катта табиб эдилар, у кишининг китоблари менга мерос қолганди. Шуларни кўб ўқиб амирнинг табиби бўлдим.

Мен: Одам фақат тиббий китобларни ўқиши билан ҳам табиб бўла оладими?

Табиб: Албатта, тиб китобларини узлуксиз мутолаа қиласа, бу осондир.

Мен: Йўқ, хато қиласиз, мактаб ўқумасдан туриб табиб бўлиш мумкин эмас. Тараққий этган мамлакатларда ўн йил умумий таълим олингандан сўнг, тиббий мактабга кириб беш йил ўқийдирлар, шундан кейингина табиб бўладирлар. Сиз бўлсангиз, бўш вақтимда отамдан қолган китобларни ўқудим, дейсиз. Сизнинг бу айтганингиз билан табиб бўлиш асло мумкин эмас. Бу масалани бир мисол билан равshan арз қиласам. Масалан, мен сизга айтсамки, фалон катта йўлга бориб, у йўлдан бошқа бир йўлга ўтиб, бир неча қадам илгарироққа юринг. У ерда қадди баланд, кенг жуссали, буғдойранг бир одам ўтирур. Унинг исми Зайддир. уни олиб келинг. Сиз аввало минг тараддув ва иштибоҳ билан йўлни йўқотмай, мен айтган ўша ерга борасиз. Мен айтган ўша кишини кўрасиз. Лекин ёлғиз 'кўролмайсизки, уни олдимга олиб келсангиз. Зеро унинг Зайд эканлигини билмайсиз. Бинобарин, унинг ўзидан «Сиз Зайдми?» деб сўрайсиз. Агар «Ҳа, мен Зайдман» деса, уни олиб келасиз ва агар «йўқ мен Зайд эмасман» деса олдинроқ ўтиб, Зайдни қидирасиз ва, эҳтимол, Зайдни топгунга қадар бошқа бир неча жойда ҳам шу тарзда иштибоҳ қиласиз. Эмди табобат фани ҳам шу қабилдадир. Тиб китоби сизга айтадики, фалон жойда бир одам фалон шаклда касал бўлган. У касалликнинг номи фалондир. Унинг иложи фалон. Лекин ҳеч ким бу қадар билишига қарамасдан, табиб бўлмайди. Аммо тиб мактабининг таҳсили бу тариқа эмас. У ерда устод сизга бир кун ушбу масъалани ўқитади ва бошқа куни тажриба қилдиради, яъни ушбу касалликни сизга кўрсатиб айтадики, кеча китобда ўқуғанингиз ўша дард будир. Дориси—бу ва дорунинг ичилиш тариқи—бу. Сиз ҳам уларни ўз кўзингиз билан кўрасиз ва бошқа бир жойда иштибоҳга тушмайсиз. Табиб бу гапларимни эштиб, деди:

-- Жуда яхши, мен сиз айткан табиблардан эмасман!

Мен: Мен ҳам сиз айтган bemorlaridan emasman!

Табиб паришон ҳолда чиқиб кетди. Ғамгин тортиб, уй эгасига айтдим:

— Менга ўрис дўхтурни чақирсангиз.

Дўстим истагимни бажо келтирди.

Бу дўхтур жуда билимдон киши экан, тезда касалимни аниқлади ва яхши дорулар берди. «Икки кундан кейин хабар оламан», — деб чиқиб кетди. Буюрган дорусини олиб келдилар, ичдим, икки кун ичида касалим тузалиб, қувватга кирдим, иштаҳам ҳам очилди, бироқ дўстим:

— Бугун дўхтур келмоқчи; бир оз сабр қилсангиз, агар рухсат берса, кейин тановул қиласиз, — деб монеълик кўрсатди.

Дўхтурнинг келишини кутдик. У келиб, аҳволимни кўриб хурсанд бўлди ва деди:

— Бутунлай тузалиб кетибсиз.

Мен: Алҳамдулилаҳ, тузалдим. Бухоро табибларини кўриб жуда маъюсланган эдим. Чунки шундай катта бир шаҳарда биргина донишманд табибининг бўлмаслиги катта бир бахтсизлиқ. Лекин сиз жанобларини кўриб, жуда мамнун бўлдим. Иншооллоҳ, жаноблари Бухоро аҳолисининг сиҳатини асраш бобида кўб хизмат қиласиз.

Дўхтур: Тўғри, мени Бухоро аҳлиға хизмат қилиш учун юборганлар, лекин бундан нима фойда? Бухорода жуда кўб кишилар борки, мен бир марта ўтган кўчадан ҳеч ҳам ўтмайдилар.

Мен: Ажабо, бунга сабаб нима?

Дўхтур: Сабаби маълум! Мен кофир, улар эса мусулмон. Кофир дўхтур мусулмон касалларни ўша заҳотиёқ «ўлдиради».

Мен: Ажабтовур эътиқодға эга эканлар. Бир томондан, табибсизлиқ, бошқа томондан, доно табибларга эътиқодсизлик. Ана шу икки нарса Бухорода бирон-бир кишининг соғ қолмаслиги учун етарли омилдир.

Дўхтур: Тўғри, бутун Бухоро мулкида ҳар йили бир марта касал бўлмайдиган одам жуда кам топилади.

Мен: Сиз ҳозир шу мулкнинг расмий дўхтурисиз, бу касалликни бартараф қилиш учун нега курашмайсиз?

Дўхтур: Сиз бизнинг мамлакатимиз ва Фарангистоннинг айрим шаҳарларини албатта, кўргансиз. Оврупа ҳукуматлари ўз халқларининг соғлигини сақлаш учун пул сарфлайдилар. Кўчаларини бу шаҳар хона-

донларидан кўра покизароқ тутадилар, қўйни шаҳар ичидаги сўймайдилар, ўлукни шаҳар ичига кўммайдилар, ҳайвонот ахлатини йўл усти ва йўл ёқаларида қолдирмайдилар. Бизнинг шаҳарларимизда ҳам тиб мактаблари мавжуд бўлиб, ҳар йили гуруҳ-гуруҳ табибларни етиштириб, атрофга юборадилар. Мактабларимизда болаларга соғлиқни муҳофаза қилиш мавзусида дарс ўтилади, донишманд дўхтурлар ҳар куни бу мавзуда газетларда мақолалар ёзиб, саломатлик қоидаларини элга тушунтирадилар. Шунинг учун Оврупа аҳолиси тиббиётнинг айрим қоидаларини бир табиб даражасида биладилар.

Бироқ Туркистон халқлари мутлақо уларга қаршу иш тутмишлар. Буларнинг кўчаларини кўрдингизму? Ҳали ҳам қўйларни шаҳарда сўйиб, уларнинг ахлат ва чиқиндиларини йўл устига ташлайдирлар. Ўлукларни шаҳар ичидаги кўмадирлар, айрим кўчаларда эса, фақат ҳайвон ахлатларигина эмас, балки одам нажаси ҳам кўбдир. Буларнинг ичадиган суви икки юз ҳалажой остидан ўтиб, ҳовузларга тушадир. Мактабларда-ку бир навъи, ҳатто мадрасаларда ҳам соғлиқни сақлаш борасида бир калима сўз эшитмайсиз. Шунга қарамай, бу кишилар мен бир марта ўтган кўчадан ўтмайдирлар. Барча айтканларимни шариатга қаршу деб талқин қиласадирлар. Гапимга ким тарафдорлик билдиrsa, коғир деб эълон қиласадирлар. Ҳатто бундан бир неча йил муқаддам амир менинг маслаҳатим билан кўчаларни супуришни амр эткан эди. Бухоро аҳли сиқилиб: «Бу коғир кўча супуришни расм қилиб, Бухородан хайр-баракани кўтаради»,— деб гап қилишди.

Мен: Хўб, фараз қиласадирлар, Бухоро аҳли сизнинг сўзларингизни қабул қилди, деб. Ўшанда Бухорода қасалликни олдини олиш учун қандай чора кўрар эдингиз?

Дўхтур: Албатта, Бухорода бу иш осон кечмас, аммо мақсадга эришиш учун бир оз ташаббус етарлидир. Бухоро дўхтурлар хизматига жуда муҳтоҷ. Биринчидан, шаҳардан ташқари жойларда дўхтурлар йўқ. Қарши, Шаҳрисабз, Ҳисор, Кўлоб каби туманларда ҳатто дўхтур номини эшитмаган одамлар бор. Қайси томонга борманг, тажрибакор биби арбобдан бошқа бирор ҳаким ва фалончи аттордан бошқани кўра олмайсиз. Бухоронинг ичидаги ҳам шундай одамлар борки, безгак титроғини даволаш учун, қасалнинг устига эшак тўқимини қўйиб, устига ўтириб, «иш-ш-ш»

дейдилар. Кейин бу ерда икки-уч дўхтур ҳам бухоролилардан эмаслар. Шунинг учун бухоролилар дўхтурга эга эмаслар, деб қатъий айтса бўлар*.

Аввалан, Бухорода дўхтурлар сонини кўпайтириш лозим. Бу масъалани ҳал қилишнинг йўли шундаки, бухоролиларнинг ўзлари ўз дўхтурларини тарбиялаб етиширишлари лозим. Чунки бошқа мамлакатларнинг дўхтурлари донишманд ва қудратли бўлганларича, арзимас пул учун Бухорога келмайдилар. Агар кўб пул берсалар, келадирлар. Бироқ Бухоро ҳукумати бунчалик пул беришга рози бўлмайди. Шунинг учун ҳам бухоролиларнинг ўзларидан дўхтурлар тайёрлаш лозимdir. Яна бир масъала шундаки, Бухоро ҳукумати йирик мадрасалардан бирини тиббиёт мадрасасига айлантирсиз ва бу даргоҳга доно дўхтурлардан бирини мударрис қилиб тайинласин. Петербург ва Фарангистоннинг йирик шаҳарларидан донишманд муаллимларни таклиф этсинлар. Бошқа жиҳатдан Бухоронинг ўт-кир зеҳнли ёш йигитларини Оврупага юбориб, тиб илмини ўқутсинлар. Бухоронинг хазинаси ҳар йили бир неча илм толибларини Оврупага юбориб ўқитишга қодир эмас, дейишлари мумкин. Майли, Бухоро ҳукумати талабаларнинг ҳарж-масрафини⁴³ ўзидан бермасин. Бу ерда Дорушшифо номли мадраса бор бўлиб, унинг йиллик вақфи қирқ минг танга, бу олти минг сўм демакдир. Бир илм толибининг Петербургда ёки Оврупанинг бошқа шаҳарларида таҳсил олиши учун беш юз сўм етарлидир. Агар Бухоро ҳукумати олти минг сўмлик вақф пулидан беш минг сўмини шу йўлда сарфласа, ўн толибни Петербургга юбориб, тиб илми бўйича таҳсил кўришига имкон яратади. Тўрт йилдан кейин бу толиблар Бухорога қайтадилар ва тиб мадрасасида оврупалилар ўринида муаллим бўладилар. Кейин эса яна ўн толибни таҳсилга юборадилар. Шу тариқа Бухоро тиббий мадрасага эга бўлади, қанча табиб керак бўлса, шунча етказиб олади. Лекин бу гапларни эшитғучи қулоқ қани, эътибор билан қаровчи кўз қани?

Мен: Жуда яхши, сизнинг бу мулоҳазаларинги мақбул, бироқ исега Бухоро халқига буни тушунтирмайсиз?

* Бу саёҳат дўхтур Собир Мирзо Хўрдуф жанобларининг Бухорога келишларидан аввал бўлиб ўткан ҳамда исми зикр этилган зот ёдга олишга лойиқ ва эътибор, ифтихорга сазовордир (Абдур-Рауф).

Дўхтур: Айтдим-ку, «бу тапларни эшигадиган қулоқ қани, эътибор билан қаровчи кўз қани?» деб.

Мен: Ахир, нега қабул қилишмайди?

Дўхтур: Айтишларича, бу шариатга хилоф эмиш.

Мен: Унда Бухоро ҳукуматига айтинг.

Дўхтур: Шариатга қаршу ишни қандай қилиб ҳукуматга тушунтираман?

Мен: Менимча, сиз англатган фикрларнинг бирор таси ҳам шариатга хилоф эмас.

Менинг бу сўзларимдан ҳайратга қолған дўхтур:
— Сиз мусулмонмисиз?

Мен: Алҳамдуиллоҳ, мусулмонман.

Дўхтур: Ишончим комилки, ҳозир бутун Бухорода менинг сўзларимни шаръий деб биладиган бирор бир киши топилмаса керак. Сиз нега бундай дейсиз?

Мен: Таажжубланманг, айтканларингизнинг бирор таси ҳам шариатга қаршу эмас. Изоҳлаб берайми: биринчидан, сиз Оврупанинг кўча ва шаҳарлари покизалигини маҳтаб, мусулмон шахарлари ва йўлларидағи тартибсизликдан нолидингиз. Қаранг, Пайғамбаримиз саллаллоҳи алайҳи вассаллам шаҳар ва кўчаларнинг покизалиги ҳақида нима деганлар: «Абну маса жидакум жамман вабну мадинакум мушаррафатан», яъни «масжидларингизни содда, безагу жим-жимасиз бино қилинглар, шаҳарларни эса шарафли ва эйнатли қилиб қуринглар, кўчаларни покиза ва тароватли тутинглар». «Тайибу сахатакум файнна антанассахати саҳатул-йаҳуд», зоро: «Кўчаларнинг энг бадбўйи яҳудий кўчаларидир». «Иниаллоҳа тайибун йуҳиббут-тоййиба, назийфун йуҳиббун-назафата, каримун йуҳиббул-карима, жавадун йуҳиббул жуъда, фаназзиғу афний атакум», яъни «Худованд тайибдир⁴⁴, тайни яхши кўради; назифдир⁴⁵, покизаликни севади; каримдир, карами кенгликни ёқтиради; жавводдир⁴⁶, саҳиҳликни⁴⁷ хуш кўради. Шунинг учун уйингизнинг атрофини покиза тутинглар ва яҳудийлар каби бўлманглар». Пайғамбаримиз булар билан қаноатланмай, биз мусулмонларнинг ҳар биримизни ҳам покиза бўлишга ундаганлар. Масалан, шундай буюрадилар: «Анназафату шатрул-ийман», яъни «Покизалик иймоннинг бўлагидир». «Туҳаллилу файннаҳу назафатун тадъу илал-иймани, вал-ийману маъса соҳибиҳи фил-жаннати», яъни «Ҳилал қилинглар⁴⁸, зоро ҳилалланмак покизаликдир ва покизалик сизни иймонга даъват қиласи ва иймон ўз соҳибини жаннатга етаклайди». «Лавла анмашиққоала

уммати лаамартухум биссивақи ваттибиъинда кулли салатин», яъни «Агар мушкул бўлмаса, мен умматларимга таҳорат пайтида тишларини ҳилаллаш ва мисвок ишлатишларини ҳамда намоз олдидан хушбўй ҳид таратувчи нарсалар суртишларини буюрар эдим».

Шундай қилиб, сизнинг маломатингиз ва мисолларининг нишонига тушган мусулмонлар ирзли⁴⁹ умматлар бўлиб, бундан бир минг уч юз йил муқаддам уларнинг покиза бўлишларига амр этилган эди. Бироқ, бу бечоралар нима қиссинларки. улар исломнинг ҳақиқатидан огоҳ эмаслар. Қуръони каримнинг бирор оятини ёки Пайғамбарнинг ҳадисини тўғри ўқуб, маънисини тушунтириб берадиган одамнинг ўзи йўқ (бу ўлкада).

Эмди табобат масаласига келсак, кўрайлик-чи, Пайғамбарамиз бу ҳақда нима деган эканлар: «Тадаву йа 'ибадаллоҳи фа иналлоҳа лам йазоъ даъан илла вазоъалаҳу даваъан», яъни «Эй худонинг бандалари, бетоб бўлсангиз даволанингиз, чунки Худованд бирор касалликни бермаганки, унинг давосини ҳам яратмаган бўлсин».

Бухоро мадрасаларидан бирини тиббий мадрасага айлантириш, сизни унга мудир қилиб тайинлаш, Оврупадан муаллимлар олиб келиш ва ҳар йили бир неча истеъодди ёш йигитларни тиббий таълим олиш учун Ўрусияга юбориши — уларнинг бирортаси шариатимиизга хилоф ишлар эмас. Зоро, оламнинг фахри бўлмиш Алайҳиссалавату вассаллам буюрганларки: «Утлубул илма ва лав биссини», яъни «Илм агар Чинда бўлса ҳам уни тилаб ўрганингиз». Ана шу ҳадиси шариф мазмунига диққат қилайлик. Пайғамбарамизнинг Чинни мисол келтиришларидан мақсадлари, албатта, фиқҳ ва тафсир илмини ўрганиш эмас, чунки Чин кофиристондир. Бу ҳадисда тилга олинган илм дунёвий илм, яъни тиб ва санъатдир. Маълум бўлдики, дунёвий илмларни ғайридинлардан ўрганиш ҳам бизнинг шариатимиизга шойеъдир.

Бундан ташқари, яна бир ҳадис борки: «Ал-ҳикмату заллатул-муъмини йаъхузуҳа айна важада ҳа», яъни «Ҳикмат мўъминларнинг (гўё) ўйқотған нарсасидирки, уни қаерда топса, (дарҳол) олади». Ва «Ҳузил-ҳикмата вала йазуррука мин айни виъаъин ҳарожат», яъни «Ҳикматни олинглар, у қайси манбадан чиқмасин, сизга зарар қилмас». Расули алайҳиссаломнинг

ушбу ҳадислари шундан далолат берадики, сўзларингиз шаръи шарифга мутлақо хилоф’эмас.

Эмди ислом тарихига бир назар солсак: исломнинг улуғ вакиллари жуда кўб насроний ва маъжусий табибларга пул бериб, ўзларининг сиҳатларини яхшиланлар, уларнинг айримларини ўзларининг хос табиблари қилиб ва айримларини эса, ўз даврларида тиббиёт муалими қилиб белгилаганлар.

Халифа Мансур⁵⁰ аббосийларнинг иккинчи халифаси бўлиб, Журжис бинни Бахтиашу⁵¹ исмли бир насроний табибни Бағдоднинг бош табиби қилиб тайинлаган эди. Халифа Хорун ар-Рашид⁵² аббосий ҳам Моико⁵³ исмли бир мажусийни ва юқорида зикр этилган Бахтиашунинг ўзининг шахсий табиби этиб тайинланган. Юқорида номлари зикр этилмиш табиблардан ташқари жуда кўб насронийлар ҳам аббосий халифалар томонидан мансаб ва давлатга эга бўлиб, иззату шараф кўрганлар. Аббосий халифалар юонон китобларини араб тилига таржима қилдириб, Бағдод мадрасаларида нашр этар эдилар. Мен эмди юонон китобларини Бағдод халифалари насроний табибларнiga буюриб таржима қилдирганликларини сизга арз қиласам: «Китоб ул-каср»⁵⁴, «Китоб тақаддимат ул-маърифа»⁵⁵, «Китоб ул-ахлот»⁵⁶, «Китоб қотийтийун»⁵⁷, «Ал-маъу вал-ҳаво»⁵⁸, «Табнат ул-инсон»⁵⁹.

Бу китобларнинг муаллифи Буқротдир⁶⁰.

Яна насроний Ҳунайн аббосий халифаси Маъмун⁶¹ буйруғи билан таржима қилганлар: «Китоб ул-фарқ»⁶², «Китоб ул-мавлуду лисабаъати ашҳур»⁶³, «Китоб ул-мизож»⁶⁴, «Китоб ридоъ ун-нафс»⁶⁵, «Китоб ул-набз»⁶⁶, «Китоб уз-зубул»⁶⁷, «Китоб шифо ул-амроз»⁶⁸, «Китоб кафий ағзия»⁶⁹, «Китоб ул-илали вал-амроз»⁷⁰, «Китоб ут-тадбир ул-мулассаф»⁷¹, «Китоб ул-ҳимоят»⁷², «Китоб мудовот ул-амроз»⁷³, «Китоб ул-буҳрон»⁷⁴, «Китоб Буқрот фи амроз ул-ҳодат»⁷⁵, «Китоб айём ул-буҳрон»⁷⁶, «Китоб Буқрот или Таросибулус»⁷⁷, «Китоб ул-илал савт»⁷⁸, «Китоб ут-табиби вал-файлласуф»⁷⁹, «Китоб ул-ҳаракот үл-мажҳула»⁸⁰, «Китоб ус-саҳийя»⁸¹, «Китоб ус-суъул мизож»⁸², «Китоб ул-меҳнат ут-табиб»⁸³, «Китоб ул-адвийят ул-муфрада»⁸⁴, «Китоб ул-Афлотун фи Таймавус»⁸⁵.

Бу китобларнинг муаллифи юонли Жолинусдир⁸⁶, Халифа Маъмун аббосий топшириғи билан Ҳунайн номли насроний араб тилига ўйрган.

«Китоб таъриф ул-илал»⁸⁷, «Китоб набз ул-кабир»⁸⁸,

«Китоб тадбир ул-исҳиъи»⁸⁹, «Китоб ҳийлат ул-буръи»⁹⁰, «Китоб ут ташриҳ ул-кабир»⁹¹, «Китоб ихтилоф ут-ташриҳ»⁹², «Китоб ут-ташриҳ ил-ҳайван ил-ҳаййи»⁹³, «Китоб ут-ташриҳ ил-ҳайван ил-маййити»⁹⁴, «Илми Буқрот фит-ташриҳ»⁹⁵, «Ал-ҳожату илан-набз»⁹⁶, «Улуми Арасту»⁹⁷, «Ташриҳ ур-раҳми»⁹⁸, «Ороъу Буқрот ва Афлотун»⁹⁹, «Ал-одот»¹⁰⁰, «Ҳисб ул-бадан»¹⁰¹, «Ал-мани»¹⁰², «Манофеъ ул-аъзо»¹⁰³, «Таркиб ул-адвия»¹⁰⁴, «Ал-хуссу ила илм ут-тиб»¹⁰⁵, «Қавий ун-нафси ва мизаж ул-бадан»¹⁰⁶.

Ушбу китобларнинг муаллифи ҳам юонли Жолинусдир. Жубайш исмли насроний табиб Халифа Матмун топшириғи билан араб тилига таржима қилған.

«Ҳаракот ус-садр»¹⁰⁷, «Илал ун-нафс»¹⁰⁸, «Ҳаракот ул-азал»¹⁰⁹, «Ал-имтилоъ»¹¹⁰, «Ал-мираъту вас-савдо»¹¹¹.

Ушбу китоблар муаллифи ҳам Жолинусдир. Истенон¹¹² исмли насроний табиб аббосий халифа Мутаваккил буйруғига биноан араб тилига таржима қилған.

«Сасараду фит-тибб»¹¹³, «Акокир ул-ҳинд»¹¹⁴, «Истинкор ул-жоме»¹¹⁵, «Сафват ун-пужх»¹¹⁶.

Ушбу китобларни Моико исмли мажусий табиб Халифа Хорунтар-Рашид топшириғига биноан ҳинд тилидан араб тилига таржима қилған.

Шундай қилиб, аббосий халифалари даврида илмга энг чаңқоқ олимлар ва фоқиҳлар яшаган бўлса ҳам, жуда кўб табибларга ва ғайри дин фозилларига пул ва мансаб бериб, юон ва ҳинд илмидаги ютуқларни араб тилига таржима қилиб, Бағдод мадрасаларида ўқутғанлар. Ҳатто Халифа Абу Жаъфар Мансур аббосий (Имоми Аъзам унинг замонида ўткан) насроний Журжис бинни Бахтиашуни Бағдоднинг бош табиби қилиб тайинлаган ҳамда Халифа Хорун ар-Рашид (Имом Абу Юсуф унинг қозиси эди) насроний Бахтиашу бинни Журжисни Бағдоднинг бош табиби ва мажусий Моикони ўзининг хос табиби қилиб тайинлаган эди. Булар ҳам далилдирки, агар биз, мусулмонлар, бугун ҳам тибб илмининг таҳсили учун Овруға илм толибларни юборсак ва у ердан дошишманд табибларни чақириб, мадрасаларимизда муаллим қилиб тайинласак, бизнинг бу ишимиз шариатга хилоф бўлмайди. Бухоро ҳукумати ишбилармон ва доно одамларга эга бўлиши лозим. Сиз бу фикрни аларга айтинг, умид қиламизки, қабул қиларлар.

Дўхтур менинг бу сўзларимдан мамнун бўлиб, биздан рухсат олиб чиқиб кетди.

Бутунлай тузалганимдан кейин, яна бир неча кун Бухорода бўлиб, кейин саёҳатга чиқиш режасини туздим. Ўйниг эгаси Бухоронинг мўътабар кишилариномидан катта шаҳарларнинг қозиси ва ҳокимлари номларига мактублар олиб берди. Менга ёрдам бериш учун бир муллабаччани ҳам қўшиб қўйди. Эрталаб тонгда Бухоронинг бир аравасига миниб, йўлга тушдик. Намози аср пайтида кўзланган манзилга етдик. Бу унчалик обод жой эмас, икки-уч баққоллиқ дўконидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Ўша дўконларнинг бирида тўхтадик. Баққол юкларимизни олиб, қорайиб кетган бир айвон остига туширди. Етиш учун жой тайёрладик. Таҳорат олиб намоз ўқудик. Сўнг атрофни айланишга киришдик. Бироқ қандай атроф деңг? Икки-уч дўконнинг нарёғи қип-қизил дашт-биёбон! Фақат бир томонда мадрасага кўзим тушди, унинг ҳам эшиги афтодаҳол эди. Ичига кириб кўрдим, бутунлай вайронага айланибди. Сўрадим:

— Бу мадраса нега бунчалар хароб?

Шеригим: Бу мусофирихона. Қаранг, тўғрида бир сардоба¹¹⁷ ҳам бор. Дарҳақиқат, рўпарада катта бир тош сарdobани ҳам кўрдим.

— Буларни ким қурдирган?

Шеригим: Бухоро амирларидан Абдуллоҳон¹¹⁸. У ўзига тобеъ бўлған барча қаровсиз йўлларда бир неча мусофирихона ва сардобалар қурдирган эди, аммо ҳозир улар тупроққа кўмилиб ётибди.

Шеригим оламнинг тараққиётидан хабарсиз эди. Шунинг учун бу ҳикояни ҳеч қандай маломат ва аламсиз, бепарволик билан сўзларди. Буни эшитиб, жуда ачиндим. Ўзимча дер эдим: оврупалилар бизлардан келгуси авлодга бир ёдгорлик қолсин деб, ҳар куни бир хайр биносини бунёд этадилар, биз, мусулмонлар эса «келгуси авлодга биздан ёдгорлик қолсин, улар бизнинг номимизни унтишмасин» деган фикрни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Устига устак яна ажиб савдо шундаки, ота-боболаримиз ва улуғларимиздан қолған ёдгорликларни бузамиз, харобага айлантирамиз.

Қош қорайиши билан дўконга қайтдик, чой ичиб, ухладик. Ярим кечада уйғониб, яна аравага миниб, йўлга тушдик. Қисқаси, тўрт кечаю тўрт кундуз юргандан кейин, Қарши шаҳрига етдик. Йўлда диққатга

сазовор бирор воқеага дуч келмадик. Фақат ҳар бир манзилда биринчи манзилда кўрган рангда Абдуллоҳ-хоннинг мусофирихона ва сардобаси учрар, улар бузилган ва нураган ҳолда эди.

Биз Қарши қозисининг уйига қўндик. Бухородан олиб келган хатимизни қозининг одамига топширдик. Бизни бир уйга олиб кирдилар. Кечани шу хонада ўткардик. Эрталаб қуёш чиққандан сўнг, қозининг зиёратига бордик. У киши илтифот қилдилар. Бир оз ўтириб, сўнгра айланишға чиқдик. Бу шаҳарда бир ҳафта давомида яшадик. Бу етти кун ичидаги ушбу шаҳарда кўрганларимнинг тафсилини арз қиласман.

Қарши Бухоронинг катта шаҳарларидан биридир. Бир вақтлар бу шаҳарнинг тижорати Бухородагидай эди. Бироқ темир йўл бўлмағани учун, савдо анча орқада қолибди. Илму маориф ҳам анқонинг уруғи. Кўбчилик ҳатто зарурий хат-саводдан ҳам маҳрум. Саноат ва ҳунармандчилик пойтахт саноатидан яхшироқ. Ҳалқи обдаста ясаш ва гилам тўқишида жуда моҳир, айниқса, алача тўқишида тенги йўқ. Аммо, таассуфки, ушбу нарсаларнинг ҳаммасини эскича усулда тайёрлайдилар, яъни корхоналарнинг ҳаммасида қўл меҳнати устун. Машина билан ишловчи корхоналарга эга эмаслар ва уни яратиш хаёлларига ҳам келмайди.

Кунларнинг бирида қози мулоғимларидан бири билан бирга машҳур аллача тўқувчи устанинг уйига бордик. Шунда сўрадим:

— Сизнинг корхонангиз Қарши шаҳрининг бошқа корхоналаридан катта, сизнинг аллачангиз бошқа аллачалардан нозук ва нағисроқдир. Ўрисларнинг ипак матолари нозик ва чиройли, аммо пишиқлик ва чидамлиликдан маҳрум. Сизнинг аллачаларингиз эса, ҳам нозик, ҳам чидамли экан. Бу хусусда бир ҳикоя эшитгандим. У ажиб ҳикояни сўзлаб берсам: Бухоро ҳожиларидан бири бир кийимлик аллачангизни ҳадя этиш учун Мадинаи мунавварага олиб борган. Аммо (билимдим нима сабабдан) аллачангизни қайтариб Бухорага олиб келмоқчи бўлган. Ҳаждан қайтаётib, Одесса шаҳрига этиши билан, Русия божхонасининг маъмурлари ўша сизнинг аллачангизни Фарангистон моли гумон қилиб ундан бож талаб қилғанлар. Бечора ҳожи бор товуши билан «бу аллача Бухоронинг маҳсулидир», деб фарёд қилса ҳам, божхонадагилар: «Ҳали Бухорода бу дараҷадаги молни! тўқийдиган фабрика қурилган эмас. Сен буни Истанбулдан сотиб олгансан»,—

деб айта берганлар. Бечора ҳожи ноилож, бир неча сўм бож пули бериб, ўз алачасини қайтариб олган экан. Эътибор беринг-а, бунда айб Русия божхонаси-нинг маъмурларида эмас, балки сизнинг тўқиған алачангизда. У бир қарағанда Фарангистон молининг ўзи, балки чидамлиликда ундан ҳам устундир.

Дўкон эгаси бу сўзларимдан мамнун бўлди. Шу пайт дастурхон ёздилар, чой ичиб, яна суҳбатга ту-тундик:

— Ҳақиқатан ҳам Қарши аҳли алача тўқиша жуда ҳам ҳунарманд. Бугунги кунда бу муборак ҳу-нарлари билан анча фойда ҳам кўрадирлар. Бироқ, ушбу касбнинг келажаги ҳақида сиз жанобингизнинг фикрлари қандай?

Тўқув дастгоҳи соҳиби сўзларимни тушунмай, мен-га ҳайрат билан қаради. Фикримни очиқроқ баён қил-дим:

— Қарши ҳунармандларининг ушбу ишлари яна ўн-ўн икки йил шундай ривожланиш даражасида қо-ладими ё йўқми?

Уста бу сафар менинг фикримни тушунди, бироқ бундай савол бугунга қадар унинг хәслига ҳам келма-ган эди, у яна ҳайратланиб, ҳеч нима демади. Сўзим-ни тағин қайтардим:

— Ҳурматли уста, Оврупа халқлари, агар бирор ишга қўл урсалар, шу ишларнинг ўн йил, йигирма йил, ҳаттоқи юз-икки юз йил кейинги ривожини кўзда тутадилар. Сиз — Қарши халқи ҳам жуда юксак ҳу-нарга эгасиз. Ана шу ҳунарларингни келгуси тақди-рини ҳеч ўйламайсизларми?

Уста: Бизнинг ҳунаримиз бундан бир неча йиллар аввал ҳам яхши эди. Ҳозир ҳам ёмон эмас. Бироқ, кел-гусида нима бўлишини худо билади.

Мен: Тўғри, аммо сиз ана шу ҳунарингизнинг яна ўн йил давом этиши учун бирор ҳаракат қиляп-сизми?

Уста: Ҳозир ишмиз яхши, ўн йил кейин ким тири-гу ким ўлук?

Мен: Ҳўб, ҳозир тирик қолиш эҳтимоли ҳам бор экан, нега энди ўша куннинг ғамини ҳозирдан емай-сиз? Фараз қилайлик, умрингиз охирига кетмоқда, аммо фарзанд ва набираларингиз нима билан шуғул-ланишади. Уста жаноблари, сиз келажак ҳақида фикр юритишни унутманг, чунки ҳар бир кишининг ҳаёти ўз ишининг келажаги билан боғлиқ. Эртани ўйлаш

блам ободлигининг боисидир. Тожир сафар машаққатларини чекар экан, мол-дунёсининг бугунгидан кўброқ бўлишини, мулла ҳужранинг қоронғу бир бурчагида ўта оч ҳолда ўткарап экан, келаси йил мударрис бўлишини, ҳоким, халқ қонини сўраётуб, эртага вазирлик лавозимига кўтарилишини истайди. Подшоҳ эса эртага бир мулкнинг хутбасига номини қўшиб ўқишини ўйлаб, юз минг аскарнинг ўлимига рози бўлади. Шундай қилиб, минг йиллардан бери давом этиб келаётган ва бундан кейин ҳам давом этадиган бу ишларнинг бариси истиқбол ишқида, яъни келаси замон учун амалга оширилади. Бутун оламда ўтмиш учун қадам қўйган бирор кимса йўқдир.

Менинг сўзларим устага маъқул тушди. Яна фикримни давом эттиридим:

— Модомики, сўзларимни қабул қилған экансиз, келинг, касбингизнинг келажаги ҳақида фикрлашиб олайлик. Бундан юз йил аввал Бухоро аҳлининг тўни ва кўйлаги нимадан тайёрланганлигини биласизми?

Уста: Қалами ва карбосдан.

Мен: Саллалари-чи?

Уста: Фиждувон докасидан.

Мен: Овқатларини қандай идишга солиб тановул қиласр эдилар?

Уста: Софол тобоқларда.

Мен: Ана шу карбос, қалами, софол тобоқ ва Фиждувоннинг докаларини ким тайёрлаб берар эди?

Уста: Бухоролиларнинг ўзлари.

Мен: Буларнинг ишлари қўл билан бажарилармиди ёки машинадами?

Уста: Қўлда.

Мен: Кўрдингизми, ўша вақтлар туркистонлилар ҳаёти учун зарур бўлған ҳамма молларни ўзлари тайёрлардилар, яъни пулни чўнтакларидан чиқариб, қайтиб яна чўнтакларига солар эдилар. Бирор бир чақани бегона фабриканларга бермаганлар. Аммо Оврупа фабрикалари бирин-кетин нозик сурғ, ҳарир докалар ва чиройли гулли чинни тобоқлар ишлаб чиқариб, Туркистон ерларини тўлдирилар. Аҳоли, албатта, бу жилоли молларни ёқтириди ва бошқа миллий ашёларға эътибор бермай қўйди. Оқибатда дока ва карбос тўқувчи дўконлар ва тобоқ ишлаб чиқарувчи корхоналар ёнилди, уларнинг эгалари истар-истамас ҳаммоллик билан машғул бўлдилар ёки бирорлар эшикида хизматкор бўлиб, оқибатда ҳасрат ва надомат билан

дунёдан кўз юмдилар. Агар улар ҳам сизга ўхшаб «ўн йилдан кейин ким тиригу ким ўлик», деб ўтирма-салар эди, ўзларининг карбос тўқувчи, чинни ва софол ясовчи дастгоҳларини кўпайтириб, жуда қисқа вақт ичидан тор дўкон ва вайрона уйларини катта-катта магазинлар ва йирик мармар биноларга айлантирас эдилар. Фақат ўзларинигина эмас, балки бутун туркистонлиларни ҳам баҳт ва саодатли қиласар эдилар. Чунки бечора халқнинг чўнтағидан чиқсан ва бегона фабрикантлар ҳамёнига кирган пулларнинг ҳаммаси туркистонлиларнинг ўзларига қолар эди. Эмди кўрайлик-чи, сизнинг ишингизнинг келажаги ҳам шундаймикан ёки йўқми?

Сиз, масалан, бир қийимли ипли алачага ўн беш танга сарфлаб, йигирма тангага сотасиз ва беш танга фойда кўрасиз. Аммо фабрикантлар алача тўқиши ишига қўл урсалар, худди сизникидек алачани ўн танга билан фабрикадан чиқарип, ўн беш тангага сотадилар. У вақтда ҳеч ким йигирма танга бериб, сизнинг алачангизни олмайди. Кейин сиз ҳам алачангизни ўн беш тангага сотасиз. Улар сизнинг бу ишингизни кўргач, ўзларининг молларини саккиз тангага сотишади ва иккى танга зарарни (уч кунгача) ўзларига раво кўришади. Ана шунда сиз ва ҳамкасларингиз ҳам ноилож ўзларингизнинг алачаларингизни саккиз тангадан сотиб, жуда катта зарар кўриб, ҳовли ва дўконларингизни сотиб, шу зарарни қоплайсиз. Бечораҳоллик йўлига кирасиз. Бутун Туркистоннинг барча алача тўқувчилари ўз касбларидан кечиб, бошқа иш билан банд бўлғанларидан сўнг, фабрикантлар ўз алачалирнинг нархини аста-секинлик билан йигирма-йигирма беш тангага кўтаришади ва туркистонлиларнинг даста-даста пулларини ўз ҳамёниларига урадилар. Мен шундай хуносага келдимки, агар туркистонли ҳунарманлар оврупалилар сингари қўл меҳнатига асосланган корхоналарини доимий фабрикаларга айлантирас эканлар, бир неча йилдан кейин уларнинг шарафли санъатидан ном-нишон қолмайди. Шунинг учун умид қиласардимки, менинг сўзларимни инобатга олсангиз, чунки иш таназзулга юз тутганидан сўнг, пушаймон бўлишнинг фойдаси йўқ.

Сўзни шу ерга еткариб, устадан жавоб сўраб, ташқарига чиқдим. Эмди ўз мақсадим баёнинга қайтсам.

Ушбу шаҳарнинг экин-тикини ҳам яхшидир. Қаршининг тамаки, арина ва буғдои бисёр, айниқса, тама-

киси машҳур ва кўбдир. Аммо шуни эътироф қиласанки, Қарши халқи ерларнинг ҳосил бериши даражасида меҳнат қилмайдилар, яъни ерларининг имкониятича ҳосил ололмайдилар. Фақат Қаршигина эмас, балки бутун Бухоро ўлкаси бугун шу ҳолдадир. Менинг қарашларим ва кузатишинг кўра, бу халқнинг дэҳқончиликка рағбатсизлигининг сабаби уч нарсадандир. Бу масъала амлоқдорларнинг ишлари билан боғлиқ бўлиб, унинг тафсилоти узун ва бу китобчага сиғмас. Шундай бўлса ҳам амлоқдорларнинг аҳволини қисқа баён этишини лозим кўраман.

Биринчидан, Бухоронинг амлоқдорлари ҳукуматнинг ҳақини дэҳқон ҳосилига қараб тахминан оладилар. Масалан, фалон дэҳқоннинг бир хирмон буғдоий бор. Амлоқдор ўзининг истагига кўра ушбу буғдоининг миқдорини чамалаб, подшоҳлиқ ҳақини талаб этади. Амлоқдорлар ҳукумат томонидан ҳаққул-хизмат олмайдирлар, балки ўзларининг бутун ҳарж-масрафларини дэҳқон ҳисобидан ундирадирлар. Шунингдек, амлоқдорлик жазога мустаҳиқ эмас. Масалан, амлоқдорлар дэҳқоннинг хирмонини инсофсизлик билан /чамаласалар, подшоҳнинг ҳақини халққа ва халқнинг ҳақини подшоҳга ўткарсалар ҳам, жазога тортилмайдирлар. Шунинг учун улар раият ҳақиға қўлларидан нима келса, шу даража хиёнат қила берадирлар.

Иккинчидан, масъала дэҳқоннинг ўзига ҳам боғлиқдир. Дэҳқончилик асбоблари ва экин-тикин усуллари ҳали ҳам Ҳазрат Одам Ато дэҳқончилигидан фарқ қилмайди. Масалан, Оврупа мамлакатлари ўзларининг йирик шаҳарларида дэҳқончилик мактаблари очганлар. Ўз фарзандларини шу мактабга киритиб, қишлоқ хўжалигига оид фанлардан таҳсил оладилар. Бу мулкнинг дэҳқонлари эса «дэҳқончилик мактаби» деган тушунчани тушларида ҳам кўрмаганлар. Оврупа ҳокимлари ерга қувват бахш этадиган ҳайратланарли дорулар ишлаб чиқарғанлар. Бухоро дэҳқонлари эса, ерларига қувват бериш учун энг аввало битта от ва арава ёки бир неча эшак сотиб олишга мажбурлар, кейин эса шаҳар ичига келиб, ҳар куни одамлар оғилхонасидаги ахлатни ўша арава ва эшакларга ортиб, далага олиб кетадирлар, тўплайдирлар, тупроққа соладирлар. Зарур бўлған тақдирда, бу ифлос нарсаларнинг қопини бир таноб ерга тўқадирлар. Оврупа дэҳқонлари ерни шудгорлаш учун машиналарга эгадир-

лар. Бу машиналар бир кунда бир неча таноб ерни ҳайдаш құдратига эга. Бухоро деҳқонлари эса әнг аввало иккита ҳўқизни анча қиммат нархда сотиб оладирлар, кейин йил бўйи ем учун кунига ўн тангадан сарфлаб, уларни асрайдирлар ва баҳор кунларининг бошланишида катта мاشаққат билан бир таноб ерни кунлаб шудгор қиласидирлар.

Фарангистон деҳқонлари буғдои яниш учун алоҳида машина ясаб олишган. Бухоро деҳқонлари эса, бу ишни бажариш учун бир неча ҳўқиз, эшакка муҳтождирлар. Шунинг учун ҳам бухоролилар ердан унумли фойдаланишолмайди. Бухоро донишмандлари бу жиҳатдан деҳқонларни гуноҳсиз билиб: «Асл гуноҳ бизнинг катталаримизда, буларни ҳалиғача тўғри йўлға бошламаганлар», — дейдилар. Мен ҳам бу фикрга қисман қўшиламан, аммо бу билан қаноатланолмай, гуноҳнинг бир қисмини деҳқонларнинг бўйнига қўяман, чунки ушбу сўзлар тушунтирилган тақдирда ҳам, улар қабул қиласидирлар. Масалан, Қаршида ҳам, Бухорада ҳам бир неча кишига Фарангистондаги зироатчиликнинг йўл-йўриғини тушунтиридим, аммо улар «сиз жаннатдаги деҳқончилик ҳақида сўзламоқдасиз», деб ку дилар.

Учинчи сабаб қозиларнинг хатти-ҳаракатидир. Энг аввало Бухоро қозилари маҳкамаси ҳақида қисқагина арз қиласам. Бухорога қарашли ҳар бир вилоятнинг ўз қозиси бор. Улар амир томонидан тайинланиб, асл вазифалари шариат ҳукмини жорий этишдир. Қозилар бозорларда ўзларига тобеъ бўлган ноибларни тайин қиласидирлар. Бу ноиблар шариат ҳукмининг «амалга оширилиши»ни назорат қиласидирлар. Лекин уларнинг ўзлари зарурий хат-саводдан маҳрумдирлар. Бу қозиларнинг ҳар бирни йигирма-ўттиз мулозимга ва бир неча бош молга эгадирлар. Уларнинг ана шу мол-мулк ва даромадлари муҳрхонанинг пули ва хизмат ҳақлари ҳисобидан қўлга кириши лозим. Бошқача айтганда, ушбу пулларнинг ҳаммасини бечора халқ чўнтағидан олишлари керак.

Қарши қозихонасида ўз кўзим билан кўрган бир воқеа Бухоро қозиларининг мурувватсизлигини яққол тасвиirlаб бера олади. Ўшани арз қиласам. Эрталаб қози эшон саломидан чиқиб кетаётган эдим, тўсатдан қозихонанинг эшигидан элликка яқин эркак ва бир хотун шовқин-сурон билан кириб, шариат бўйросининг¹¹⁹ устига ўтиришди. Мен ҳам қизиқиб, атайин уларга

яқин бордим ва сұхбатларини диққат билан эшитдим. Хотун турлук далилларни келтириб, даъво қиласа әди:

— Кече нон пишираётіб, битта нонни тандирдан узіб, суфанинг устига қўйдим. Шу пайт уйдан боламнинг йиғиси эшитилди. Хабар олиш учун борганимда, ўша қолдириб кетган нонимни мушук олиб кетибди. Эрим буни кўриб, мени кўб урушди. Ялиниб-ёлворишим фойда бермади, эрим тобора жаҳлга миниб, сўзларимга қулоқ солмасдан мени тепа бошлади. Ахийри жон ҳовурида қўшнининг ҳовлисига қочдим ва у ердан акамнинг уйига бордим. Кейин эса сизнинг хизматингизга етиб, арз қиғлиб, қозининг мулозимини олиб бордим. Мана эмди ўзини олиб келдим.

Қози хотуннинг эрига қараб, деди:

— Нега бу бечора заифани калтакладинг? Шаҳарни ҳокимсиз билдинги?

У эркак бутунлай мункир келиб, деди:

— Менинг бу ишдан хабарим йўқ. Хотиним акасининг мен билан душманлиги бор әди. Шунинг учун хотуним менга туҳмат қиляпти.

Қози ўта ғазаб билан:

— Ёлғон гапирасан. Шуғулланиб юрган ишларингни ҳеч ким билмайди, деб ўйлайсанми? Ҳозироқ тирноқларинг остига гаров тиқаман, — деди ва ўша заҳотиёқ қамашга ҳукм қилди.

Шу пайт ҳалиги кишининг тарафдорлари баланд овозда унинг бегуноҳлигини исботлашга тириша бошладилар. Хотун томонидан келганлар эса уларнинг сўзларини инкор қиласа эдилар. Хуллас, ҳар иккала томон орасида ғавго бошланди, бирор бирорвга қулоқ солмас әди. Тортинча-тортинча қозихонани тарқ қилдилар. Мен уйга қайтаётіб бу воқеадан ҳайратланиб, ўз-ўзимча дер әдим: «Хўш, нонни-ку мушук олиб кетибди, эллик киши овора бўлиб, икки фарсаҳ йўлдан бу ерга нега келишди экан?»

Бир оз китоб мутолаа қилдим. Пешин бўлди, нағозни масжидда ўқиб келдим. Овқатланиш вақти ҳам етган әди. Қози менга одам юборди. Бордим. Таомни биргаликда едик. Дастурхонни олдилар. Шу орада қозихона ҳовлисида икки киши кўринди. Қози уларни кўриб, менга деди:

— Эрталаб бир-бири билан уришган эр-хотунни кўрганмидингиз?

Мен: Кўрган әдим.

Қози: Бу икковлон уларнинг оқсоқоллари, қани кўрайлик-чи, нима истар эканлар...

Шу вақт иккала оқсоқол эшикдан кириб, салом бердилар. Қози улардан бирига қараб, деди:

— Ҳа, оқсоқол, аҳволларингиз қалай?

Оқсоқол: Дуо қиласман, тақсир. Худо сиз жанобларининг ва маҳдумжоннинг¹²⁰ умри ва жонига барака ато этсин:

Қози: Бу падарлаънат эшак хотунни нега урибди, мамлакатни ҳокимсиз кўрибдими?

Оқсоқол: Балоингизни олай, у бечорада гуноҳ йўқ, хотуннинг ўзи ҳам жуда шаллақи-да.

Қози: Хотун кишининг қўлидан нима ҳам келарди, барча худобехабарлик ва шармандалик ўша эшакнинг ўзидандир, бу занфани кимсасиз гумон қилған. Мен кимсасизларнинг отасиман. Шу бугуноқ жаноби олийга арз қилиб, етмиш беш дарра урдираман, токи бошқаларга ибрат бўлсин.

Оқсоқол қозининг бу сўзларидан жуда қўрқиб, деди:

— Тақсиржон, дардингизни олай, қари қулингизнинг сўзини қабул қилиб, ўша бадбахтнинг гуноҳини ке-чиринг, хотуни ҳам гуноҳидан кечди.

Қози: Ёлғон сўзлайсиз, хотуни ҳеч вақт унинг гу-ноҳидан кечмайдир.

Оқсоқол: Биз ёлғон гапураётганимиз йўқ, буюринг, хотуннинг ўзини олиб келайлик.

Қози: Олиб келинг.

Оқсоқол чиқиб кетди ва маълум вақт ўтиши билан хотунни тарафдорлари билан бирга бошлаб кириб, бўйро устига ўтиргизди. Қози хотунга қараб деди:

— Эрингни қамадим. Эртага жаноби олийга арз қилиб, етмиш беш дарра урдириб, сарбозликка топ-шурамен.

Бечора хотун қозининг сўзларини эшлиши билан бир сесканиб, йиғлаб, деди:

— Мен эрим номидан тавба қилдим, у бечоранинг гуноҳидан кечинг, худо ҳақи, бизнинг аҳволимизга раҳм қилинг.

Қози: Эй хотун, эмди бунинг иложи йўқ. Менга қара, эринг сени урдими ёки йўқми? Агар урган бўлса, жазолайман, урмаган бўлса, эрингга туҳмат қилганинг учни сени жазолайман.

Хотун: Эрим мени урган эди, аммо ҳозир унинг гу-ноҳидан кечаман, сиз ҳам унинг гуноҳини кечиринг.

Қози: Тамом... эринг сени урган экан, мен уни жазолайман. Албатта, эринг сени кимсасиз ва бечора деб билган, эмди қасдингни оламан, токи халойиқ билсники, мен бу шаҳардаги бечоралар ва кимсасиз кишиларнинг ҳомийсидирман.

Бечора хотун яна илтижо билан деди:

— Болаларингизнинг роҳатини кўринг, икки сағир¹²¹ фарзандимиз бор. Раҳм қилинг, ахир эримга нисбатан ҳеч даъвойим йўқ, у бечорани афв этинг.

Қози: Шарнатнинг сағир фарзанд билан ишни йўқ, эрингни жазолайман.

Хотун: Ҳозир сиз ўзингизни бечораларнинг ҳомийси дедингиз, арзимас шу ишни деб уйимизни куйдирманг, мени бева, фарзандларимизни етим қолдирманг.

Қози ғазабланиб, мулоғимларига буюрди:

— Бу падарналат девонани олиб чиқинг!

Раҳм-шағқатни билмайдиган мулоғимлар бечорани муштлаб-тепкилаб қозихонадан олиб чиқиб кетишди. Мен ҳам ўз уйимга жўнадим. Бу кеча ўтиб, эртасига намозни ўқиб, бир оз мутолаа билан шуғулландим, бироқ фикримни ҳеч йиға олмас эдим. Қозининг одами келиб, мени чойга таклиф этишини сабрсизлик билан кутар эдим. Мақсадим шу баҳонада ўша кечаги маҳбус эр ва бадбаҳт хотуннинг тақдиридан хабар топиш эди.

Кўп ўтмай, хабарчи менга қозининг таклифини етказди. Худодан рози бўлиб, тезда қозининг уйига етиб бордим. Таом тановули орасида бир оз сұхбат қилдик. Шу пайт кечаги икки оқсоқол салом бериб, уйга кириб ўтирдилар. Қози табассум билан алик олди ва мулоғимларидан биринга кечаги маҳбусни олиб келиши буюрди.

— Эй худо урган бадбаҳт! — деди қози маҳбусга қараб. — Мен сени етмиш беш дарра урдириб, сарбозликка тошишимоқчи эдим, аммо бу сафар ҳам, оқсоқоллар ҳурмати, гуноҳнингдан кечдим.

Оқсоқоллар ҳам, маҳбус ҳам эл дардини ўйладиган бу қози ҳақиға дуо қилишди. Мен ҳайратдан ёқа ушлаб, ўзумча дер эдим: «Кечаги ўта қаттиққўллик, бугун ўта марҳамат ва мулоҳимлик кўрсатган қози эшоннинг ҳаракатлари сабаби не экан?»

Фақат ана шу масъаланинг ҳақиқатига етишиш учун қозининг уйидан чиқиб, миrzахонага бордим. Қозининг миrzакалони донишманд киши бўлиб, баъзан туркий, баъзан форсий газетларни ҳам ўқур эди.

Биз бир неча марта ҳамсуҳбат бўлган эдик. Мени қўриши билан деди:

— Мусоғир жаноблари, кўрдингизми, биз қанчалар бадбаҳт эканбиз.

Мен: Нимани қўрибман?

Мирза: Ана шу эр ва хотун жанжалини яхшилаб мулоҳаза қилдингизми ёки йўқми?

Мен: Ҳа, диққат билан кузатдим. Билдимки, ўша нонни мушук олиб кетибди. Аммо қозининг «мушук ўйуни» қилганининг сабабини тушунмадим.

Мирза: Қолған ноиларни ҳам улардан тортиб олиш учун эди.

Мен: Биродар, бу воқеадан жуда ҳайратда қолдим. Ишнииг ҳақиқати қаерда? Қози эшон биринчи куни нега қаттиқ туриб олдилар? Бугун нега камоли илтифот билан маҳбусга жавоб бердилар?

Мирза: Бу кеча намози шомдан кейин ўша икки оқсоқол келиб, шариатпаноҳ жанобларига икки минг танга ҳадя қилиб, эрнинг гуноҳини тилаб олдилар. Қози эса оқсоқоллар «ҳурматидан» у бечоранинг гуноҳидан кечдилар.

Мен: Нима деяпсиз? Мушук олиб қочган битта ноннинг қиймати икки минг танга.., Бунинг маъниси не?

Мирза: Кошки, бу харажат икки минг танга бўлса эди? Фақатгина қози жанобларининг улушки шунча.

Мен: Яна қандай харажатлар бўлиши мумкни?

Мирза: Бир ярим минг танга қози мулозимлари, раис ва ҳокимнинг кишилари ҳамда ўша икки оқсоқолнинг чўитакларига кирди.

Мен: Ўғрисини айтсан, сизнинг бу қиссангиз мени жуда ҳайратга солди. Агар битта нонни ўғирлаган мушукнинг харажати шунчалик бўлса, катта-катта даъволар учун қанча тилар экан булар?

Мирза: Ҳайрон бўлсангиз ҳам, бўлмасангиз ҳам— ҳақиқат шу. Албатта, катта даъволар катта харажат талабдир.

Мен: Шундай экан, халқининг аҳволи нима кечади?

Мирза: Худо билади.

Шу пайт икки мулозим кириб, суҳбатимизни бўлишди. Мен чиқиб, ўз уйим томон кетдим. Тушда ҳар кунги одатим бўйича қозининг уйига бордим. Қози мени қўриб, кулиб деди:

— Шаҳар ёнмаса, дарвешнинг кабоби пишмас. Биз жанобингизни қандай хурсанд қилишни билмас

Эдик. Яхшики, худо етказди. У хотуннинг ионини мушук олиб қочиб, биз ҳам бир неча тангага эга бўлдик. Ана шу янги овимиздан ўзимнинг ҳаққим ва маҳдумжоннинг улушкини олдим. Бу уч юз танга сиз жанобларига қолди. Кам бўлса, кўб ўрнида кўрасиз.

Шу сўзларни айтиб, бир неча ўрис қофоз пулларини олдимга қўйди. Мен уларга қўл тегизмай, дедим:

— Жуда ҳам мамнун бўлдим, аммо бир густоҳлик қилсанам. Агар марҳамат қилсангиз арз айтсанам.

Қози: Нима густоҳлик?

Мен: Бу хотун ва унинг эри пулни қаердан топишди экан?

Қози: Хо-ҳо-ҳо! Биз пул олишни биламиз, бошқасига ишимиз йўқ. Отасининг гўридан топсин, бизга нима?

Мен: Афв этасиз, банда бир мусофириман. Бу ишларни билиш мен учун пулдан ҳам муҳимроқдир. Шунинг учун сўрадим.

Қози: Хабарим йўқ, аммо сазангиз ўлмасин, девонбегидан сўрарман.

Девонбегидан чақириб сўрадилар. У айтди:

— Эрида пича пул бор экан, етмаганига аёли икки таноб ерини сотиб берди.

Қози менга қараб, деди:

-- Тушундингизми?

Мен: Ҳа тушундим, мамнун бўлдим, аммо сиз жаноблари шаръий шарифнинг ҳокими бўла туриб, ўша бечоранинг пулинни олишга қандай ботиндингиз?

Қози: Эй биродар, шариатни қўйинг, агар қозиликнинг шундай ишлари бўлмаса, иссиқ уй-жойимизни совутиб, бу юртларга нега келдик.

Мен: Афв этасиз, мен бу пулни олмайман.

Қози: Нега?

Мен: Мусулмонман, буларни сизга берганлар ҳам мусулмондирлар.

Қози: Сўзларингизнинг маънисига етмадим. «Мусулмонман ва улар ҳам мусулмондирлар...» Ҳали биз на сизни, на уларни кофир деганимизча йўқ. Пулни нега олмайсиз?

Мен: Бизнинг шариатимиз барча мусулмонларни бир-бирига биродар қилиб, бир мусулмон молига иккинчи мусулмоннинг ноҳақ эгалик қилишини ҳаром деб уқтиради. Сиз жаноб бир мусулмон ҳаққини зўрлик билан олдингиз, буни мен ўз қўзим билан кўрдим. Эмди эса ундан менга ҳам улуш бермоқдасиз. Сизнинг

бу гуноҳингизга шерик бўлишни истамайман. Шунинг учун ҳам бу пулни олишим мумкин бўлмас.

Қози сўзларимдан аччиғланди ва ғазаб билан пулни ҳамёнига солди, бироқ ҳеч нарса демади. Мен ҳам туриб, ташқарига чиқдим. Бундан кейин бу ерда қолишим мумкин эмаслигини билиб, тездан бир аравани гаплашдим. Эрталаб қозидан рухсат сўраб, аравага ўтириб йўлга тушдим ва Шаҳрисабзга етиб келдим.

Бу шаҳар Бухоронинг йирик вилоятларидан биридир. Дарвоҷе, номига ҳам муносиб — «сабз», яъни кўмкўк шаҳар. Кенг ва фаровон далаларга эта. Айниқса, гуручни кўб етиширадирлар. Енгил саноатида Китобнинг алачаси ва ироқидўзилиги¹²² жуда машҳурдир. Кейинигиси алоҳида эътиборга лойиқ. Фақат шуни таассуф билан айтиш мумкинки, бу ҳунармандлик ҳали ҳам эскича усулда давом этмоқда ва шунинг учун ҳам бугунги кунда таназзул ёқасида.

Бу ерда ҳам қозининг уйига тушдик. У донишманд, оламдаги воқеалардан хабардор бир киши экан. Бир куни қозининг ҳузурида бўлиб Шаҳрисабзнинг аҳволи ҳақида сұхбат қурдик.

Қози: Жаноби мусофири бу вилоятни қай аҳволда кўрдилар?

Мен: Жуда маъқул мулкдир, мувофиқ ҳавоси ва аҳолисининг комил истеъоди бор, аммо не чораки, бошқа ислом мамлакатлари қатори, бу 'шаҳар ҳам харобага айланган.

Қози: Тўғри, биз, мусулмонлар, ҳеч вақт 'мамлакат ободлиги ҳақида' бош қотирмаймиш.

Мен: Сизнинг бу вилоятингиз Самарқанд билан қўшнидир. Ҳавоси ва бошқа фазилатларининг Самарқанддан кам жойи йўқ. Шаҳрингизнинг Самарқандчалик обод эмаслиги ҳақида ўйлаб кўрганмисизлар? Қози жаноблари, маълумки, бугун бутун ислом олами санъатсизлик ва илмсизлик туфайли абадий фалокат томонга юрмоқда. Сиз ҳам мусулмонларнинг мамлакат ободлигига эътиборсиз эканлигини таъкидладингиз. Ажабо, Муҳаммад умматлари нега бунчалар факир ва нодон эканлар? Ислом мамлакатлари нега вайрона ва харобазор ҳолда қолиши керак? Масалан, Қарши ва Китобнинг бирон-бир алача тўқувчиси Фарангистонда яшаса, бошдан оёқ зар-зеварга ботар эди. Бу бечораларнинг эса ейишга нони йўқ. Агар шу Шаҳрисабз ерлари Япўн элида бўлганида эди, зар экиб, зар ундирап эдилар. Бу ерлар нега шўразорга айлан-

ган? Бу саволларнинг ҳар бири ҳар қандай мутафақ-кирни довдиратиб қўядир. Фақат шуни тушунмайман: нега бу масъала сизларнинг хаёлтарингизга келмайдир?

Қози: Биродар, яхши биласиз, халқимизнинг фикр доираси тараққий этмаган, улар бу ишларнинг моҳијатини тушунмайдирлар. Тафаккури юксак бўлмаган кишилар қўйларга ўхшайдирлар, ҳар хусусда чўпонга тобеъдирлар ва ўз улуғларининг пайравидирлар. Мен ҳам шунга иқор бўлиб айтаманки, биз буюклар ҳам умримизнинг ақалли бир дақиқасини халқимиз осоиишталиги ва саодати йўлида сарф этканимизча йўқ. Халқнинг тинчлиги, мамлакатнинг ободлиги каби масъалалар биронтамизнинг хаёлимизга келган эмас. Ҳар бир ҳоким ўзини уч томоннинг вакиллари тан олишини истайди: биринчи — мамлакат, иккинчи — раият, учинчи — подшоҳ. Чунки ҳокимият ватан ва мамлакатнинг вужуди билан боғлиқdir. Агар миллат маҳв этилиб, ватан хароб бўлса, на биз ҳоким бўламиз, на подшоҳ. Тўгри, бизни амир ҳазратлари ҳоким қилиб тайнланганлар. Лекин қаерда? Шаҳрисабзда. Агар Шаҳрисабз ва бу жойнинг халқи бўлмаса, бизнинг ҳокимлигимиз худди гўристонга оқсоқол бўлишдек маънисиз ва кулгули бўлар эди. Биз, бухоролилар, бир шаҳарда ҳоким бўлдик дегунча, мамлакат ва халқнинг ҳуқуқини бутунлай эсдан чиқарамиз. Ҳатто худони ҳам унутамиз. Вақтимизни подшоҳни хурсанд қилиш йўлида чурутамиз. Бунинг ажиблиги шундаки, бунга тузук-қуруқ эриша олмаймиз. Подшоҳлар қанчалик тошбагир бўлишмасин, мамлакатнинг вайроналиги ва халқнинг бечораҳоллигига чидашолмайди. Шоҳимизнинг адолатпарварлик, раиятдўстлик ва халқпарварликда назири йўқдир. Имоним комилки, у зот ҳамиша миллатнинг тинчлиги, ватаннинг ободлиги билан машиғулдирлар. Аммо шуниси ҳам аниқки, бир кишининг донишмандлиги ва адолатпарварлиги тўрт миљиён кишилик элга таъсир қилиши қийин. Тўғри, амиримиз одиллар, аммо маъмурларнинг кўпчилиги адолат кўчасидан ўтмаган. Шунинг учун мамлакатимиз ҳалигича обод бўлмайди ва ғаминмизки, агар шу ҳол давом этса, бир умр ҳам обод бўлмас.

Мен: Ҳақиқатан ҳам сизнинг бу фикрларингиз маъқулдир. Аммо сиз жаноблари Бухоро халқини қўйга ўхшатиб, бутун гуноҳни ҳокимларга ағдаряпсиз. Бу жиҳатдан ҳокимларни гуноҳсиз демайман, аммо раият-

да ҳам айб кам эмас. Тўғри, Бухоро ҳалқи қўйга ўхашни мумкин, бироқ қўйга ўхашлик инсон учун ҳусн эмас, балки нуқсондир. Инсон инсондир, нега энди у ҳайвонга ўхашни керак? Аллоҳ таоло Қуръонда буюрадиларки: «Лақад ҳалақал-инсана фи аҳсани тақвийм», яъни «Биз инсонни аҳсани тақвийм (юксак қилиб) яратдик». Бошқа ўринда таъкидлайдики: «Ва саҳхара лакум ма фис-самавати вал-арз», яъни «Барча ер ва осмондаги нарсаларга сизларни ҳукм қилувчи деб буюрдик». Демак мулоҳаза қилинг, агар еру осмондаги нарсаларнинг бир қисми инсоннинг буйруғига бўйсунмас экан, фарангилар бу елканли кемалар ва ҳавода учиш воситаларини қаердан яратмоқдалар. Кўрдингизми, Инсон Қуръони каримнинг ҳукми билан ҳам олий маҳлуқотдир, у еру осмонга амр берувчидир. Агар тофу осмон, темири мумнинг инсоннинг иқтидорли панжасининг остида фарқи йўқ бўлса, у нега қўйга ўхшар экан? Нега турмуш тарзини ўз ҳокимларидан ўрганар экан? «Лайса лил-инсанни илла ма саъй», яъни «Инсонлар ҳар нима тонмасинлар, ўз интилишларидан топадилар, интилмас, ҳаракат қилмас экансиз, ҳеч нарсага эриша олмайсиз».

Пайғамбаримиз буюрадирлар: «Инналлоҳа йуътил-’абда биқодри нуҳматиҳи», яъни «Худованд ҳар бир бандасини унинг меҳнат ва ҳаракатига қараб суюяди». Парвардигор бизнинг саломатлик ва саодат йўлимизни тўла кўрсатиб берган. Аввалам дейдики: «Сизларни оламнинг олий маҳлуқи қилиб яратдим». Шунни яхши билиш керакки, биз кўз ва қошларимиз эвазига эътиборли маҳлуққа айланганимиз йўқ, балки эътиборлиларимиз ва устуналигимиз — билимимиз ва иқтидоримиз туфайлидир. Агар биз ўзимизнинг билим ва иқтидоримиздан фойдаланмасак, нанини эътиборли ва устун, балки энг ёмон ва тубан маҳлуқлардан ҳам ёмонроқ ва тубанроқ бўлиб қолишимиз аниқдир.

Тангри таоло яна шуни таъкидлайдирки: «Еру осмонда ҳар нима бўлса, сизларнинг буйруқларингизни бажарувчи қилиб тайинладик». Инсоғ билан айтингчи, ана шу еру осмондаги маҳлуқлардан қайси бирини биз ўзимизга тобеъ этдик? Агар сиз Оврупа мактабларинда ўқуганингизда ва оврупалилар телеграф, телефон, темир йўли, ҳаво кемаларини қайси йўл билан ва қандай яратганликларини билсангиз эди, Қуръони каримнинг ана шу бир оятида биз, мусулмонлар, қан-

чалар неъматларни оёқ ости қилганимизни тушуниб етар эдингиз.

Яна бошқа ўринда таъкидлайдики: «Инсон нимагаки эришса, ҳаракатининг натижасидан топади. Агар интилмаса, ҳеч нарсага эриша олмайди». Албатта, сизнинг ақл ва билимингиз туфайли маҳлуқларнинг энг олийси қилиб, барча маҳлуқларни эса сизга тобеъ қилиб яратган экан, демак сиз ўз билим ва иқтидорингизни ишга солишингиз лозим. Агар интилмасанги, унда Худодан нима гина? Ҳокимдан не шикоят?

Пайғамбар ҳазрatlари буюрадирларки: «Сизнинг ҳар бирларингиз ўз қўл остидагиларингизнинг чўпонисизлар ва сизларнинг ҳар битталарингиз ўз қўл остидагиларингизнинг аҳволи учун Аллоҳ олдида ҳисоб беражаксиз». Ушбу ҳадисга биноан, ҳокимлар ўз қўл остидагиларга раҳнамолик қилишлари лозим. Ҳокимлар халқ ғамини емайдирларми, демак осийдирлар. Шунинг учун ўзимиз ҳаракат қилишимиз лозим, чунки Аллоҳ бизга ҳам уларчалик ақл ва иқтидор берган. Агар бу ақл ва қудратимизни ишга солмасак, унда ўзимиз гуноҳкормиз...

Бир ҳафта Шаҳрисабзда туриб, кейин Самарқанд томон йўлга отландик. Самарқандга келиб, бир кечакундуз турдим. |Самарқанд Бухорога нисбатан анча обод ва тартиблидир, фақат аҳолисининг руҳияти Бухоро аҳолисининг руҳияти каби тушкундир. Самарқандлилар икки-уч қуий мактабга эгадирлар, уларнинг яхшии Шакурий мактаби¹²³. Агарчи бу мактаб унчалик тараққий этган бўлмаса-да, ҳар ҳолда мудир ва муаллимларнинг олийжаноб ҳимматлари соясида қисқа вақт ичida ривож толиб, камолотга етишишига умид боғласа бўлади. Яна шуки, нуктадон муҳаррирлар ва зукко фозиллар кўблигига қарамасдан, самарқандлилар ҳалигача бирор бир миллий газетга эга эмаслар. Самарқандли биродарларимизга: «Ҳимматингиздан умидворлигимиз каттадир», — деб. сафаримизни давом эттиридик.

Ўз саёҳатимнинг тафсилини баён қилсам. Самарқанддан вагонга ўтириб, Хатирчи станциясига етдик. Станциядан Хатирчигача икки фарсаҳ йўл бор. Бир бузуқ аравага мен билан олтига хатирчили ўтиришди. Улар Хатирчининг мўътабар кишилари бўлса-да, мутлақ саводсиз эдилар. Йўлнинг машаққати ҳам шул алфозда эдики, агар уни Пўли Сирот¹²⁴ ўрнида жаҳннам устига ўрнатсалар, ҳеч ким жанинат орзусини

қилмас эди! Арава одамларни гүё зилзиладагидек бир-бирларининг устига олиб отар, жуда нохуш тарақ-тарақ қилиб юрарди. Мен Самарқанд станциясига олиб борадиган йўлни эслаб, бу бало йўл билан ўшани қиёслаб, ўзимча дер эдим: «Ё раб, сенинг йўлларинг қандайин мушкул!»

Шундай қилиб, бу тарақ-тарақ дўзахсифат йўлдан тўрт соат юриб, Хатирчи мулкига етдик. Ҳоким уйини манзил этдик. Бизга алоҳида хона ажратдилар. Бу шаҳарнинг аҳволи Шаҳрисабз ва Қарши аҳволича, яъни уларга ёпирилган бало-қазоларга бу шаҳар ҳам мубтало, бунинг аҳволи улардан ҳам бадтарроқдир. Қишлоқларининг жуда кўб ерларига экин экилмаган, ҳалқи фақиру фалак қарфишига учраган кишилардир. Масалан, мен ўзум бир кишини Хатирчи қўргони атрофидаги бир неча таноб ернинг ҳар танобини ўн етти тангадан сотиб олганини кўрдим. Яна бир куни бозордаги чой дўконида ўтирган эдим, бир деҳқон келиб, ўн тангалик қарзи бўла туриб, яна қарзга ўн ой муддат билан нимча чой олди. Мен бундан жуда ҳайратда қолиб, ўша деҳқондан сўрадим:

— Шу ўн тангани нақд тўлай олмайсизми?

Деҳқон менинг юзимга тикилиб қараб туриб, деди:
— Йўқ!

Мен: Хўш, ҳар ой икки тангадан бериб, беш ойда шу қарздан қутула олмайсизми?

Деҳқон таассуф билан айтди:

— Ойига икки танга топиш сизлар — Худонинг ғазабига учрамаганлар учун осондир, аммо бизга мумкин эмас.

Мен: Ўн ойдан кейин бу пулни қаердан топиб берасиз?

Деҳқон: Мен амлокдордан қарздорман, ҳашар пулидан ҳам бўйнимда бир неча танга қолған. Яна судхўрлардан ҳам анча пул қарzman. Ана шу қарзларимдан кўбининг муҳлати ўн ойда тугайди. Ўшанда улар менинг бир неча таноб еримни сотиб оладирлар. Шундан кейингина бу кишининг ҳам ўн тангасини тўлашим мумкин.

Кунларнинг бирида ҳоким мирзаларининг бири билан Хатирчининг фалокатга йўлиққан, бечора ҳалқи ҳақида сұхбат қилаётганимизда, мирза:

— Яқинда ажиб бир ҳодиса содир бўлди, сизга шуни айтсан, — деди.

Мен: Жуда яхши, айтинг!

Мирза: Маълумки, дехқонларимиз ерларига маҳаллий ўғит соладилар. Уларнинг ҳар бири ўзининг бўш вақтида бир неча қоп ўғит тўплайди ва экиш пайтида ерга тўқади. Сафар исмли дехқон ҳам бир неча қоп ўғит тўплаган. Кунларнинг бирида унинг қўшиниси атайними, адашибми, унинг ўғитини ўз ерига солган. Бу ҳолдан хабар топган Сафар ғазабланиб қўшинисини сўқадир, қўшиниси ҳам ўз навбатида Сафарни ҳақоратлайдир. Бир дақиқа ўтар-ўтмас, жанжал йириклилашиб, катта можарога айланади. Шариат ҳокими — қози жаноблари икки юз танга мухронга, юз танга хизмат ҳақи олиб, ушбу можарони унинг фойдасига ҳал этганлар. Бечора Сафар раис одамига ҳам юз танга берган. Ўша куни бу хабар ҳокимхонага ётиб келди. Биз ҳам одам юбориб, икки юз танга олдик. Устига устак, миршаб юз танга ундириди. Шундай қилиб, бир қоп ўғит учун бу бечоранинг олти юз танга пулни вилоятнинг тўрт ҳокими томоққа урдилар.

Ушбу воқеани эшитгандан кейин юқоридаги чой сотиб олган дехқон эсимга келиб, мирзадан сўрадим:

— Биродар, эшитишимча, бу вилоят халқининг ҳатто ўн танга ҳам нақд пули йўқ. Шундай экан, у бечора олти юз тангани қаердан топади?

Мирза кулди:

— Тўғри, пуллари йўқ, аммо, алҳамдулиллоҳ, бу шаҳарда одамнинг оғирини енгил қилувчи саховатли кишилар кўб.

Мен: Улар қанақа одамлар?

Мирза: Судхўрлар. Уларнинг пул бериш йўллари ҳам ажиб. Масалан, фараз қилайлик, мен судхўрман. Ана шу номи юқорида зикр қилинган Сафар ўша жанжални бостириш учун олти юз танга сўраб олдимга келади. Ҳар юз танга ҳисобидан ойида тўрт тангадан фойда бериш шартни билан унга бу пулни тутқазаман. Ночор рози бўлиб қолади. Шунда ҳам пулнинг ҳаммасини бермайман. Ҳар юз тангага нимча чой — ўн танга, жами эллик танга ва эллик танга нақд пул бериб, уни юз танга қарздор қиласман. Шундай қилиб, [берилажак] олти юз тангадан уч юзига олти нимча чой олтмиш танга, бир ярим ман буғдой — юз эллик танга, бир ярим ман жўхори — тўқсон танга, жами уч юз танга ва яна уч юз танга нақд пул бераман. У бечора зорланиб, ёлбориб айтади: «Менга олти юз танга керак, мен бу чой, буғдой, жўхорини қайси дардимга даво қиласман?!» Мен зарда билан жавоб бераман:

«Менга нима? Бозорга олиб бориб сот!» У ўз навбатида: «Шу нарсаларни ўзингиз истаган нархингида сотиб олиб, пулини менга беринг»,— дейди. Мен чойга ўттиз олти танга, бир ярим ман бугдойга бир юз йигирма танга, бир ярим ман жўхорига олтмиш танга—жами бир юз ўттиз уч танга бераман. У бечора ҳам уч юз танга ва бир юз ўттиз уч танга — жами тўрт юз ўттиз уч тангани олиб, олти юз танга қарздор бўлади.

Бу муомалада икки марса диққат этарлиkdir: менинг инсофислизигим ва унинг бахтсизлиги. Инсофислизигими таҳлил қилсангиз, тўрт юз ўттиз уч тангани бериб, у бечорани олти юз тангага қарздор қиласман, яъни олти юз тангани ўз чўнтағимдан чиқармасдан бир юз олтмиш тўрт тангани форат қиласман. Кейин у бечорадаи «фойиз» деб ҳар йили икки юз саксон саккиз танга талаб қиласман. Эмди унинг бахтсизлигини тасаввур қилинг: энг аввало бечора тўрт юз ўттиз олти танга олиб, бир йил ўтгандан сўнг икки юз саксон саккиз танга «фойиз»ни ҳам қўшиб, саккиз юз саксон саккиз танга бериши лозим. Бу ҳам аниқки, бир йилда у бечоранинг бошига бунга ўхшаш савдолар бир марта эмас, ҳеч бўлмаганда уч марта тушади. Ана шунда у бир йилда тахминан уч минг танга қарз бўлади. Хўш, у бу қарзларини қандай узади? Албатта, уй ва ерларини ўша судхўрларга беради. Ўзию аҳли аёли дарбадар гадо бўладилар. Бу бошимизга тушган энг оғир ва қаттиқ балолардан биридир.

Мен бу сўзларни эшитиб, сиқилганимдан шундай дедим:

— Худонинг бандалари, бундай зулмга маҳкум бўлган мамлакатга Аллоҳининг раҳмати соя ҳам ташламас!

Хатирчида бир ҳафта туриб, кейин Бухоро йўлига равона бўлдик. Хатирчи станциясига келиб, поездга ўтирдим. Мен билан бирга икки тожир ва бир бухороли мулла ҳам йўлга чиқишган экан. Улардан ҳол сўрадим, айтдилар:

— Самарқанддан келяпмиз, Бухорога борамиз.

Вагон тез суръатда кетиб борар эди. Ҳар ким ўз юмуши билан машгул. Тожирлар савдо хусусида суҳбатлашишар эди. Мен бир китобни олиб, мутолаа қила бошлидим. Мулла уйқуфа кетди. Бир станция йўл юрдик, ҳали ҳам ҳамма ўз юмуши билан эди. Бироқ, мулла уйқусизликдан зерикиб, чуқур «уҳ» тортди-да, менга қараб, деди:

— Биродар, бу икки киши ўз суҳбатлари билан маш-

ғуллар. Сиз билан биз илм аҳлиданмиз, нега бир-бираимиз билан суҳбат қуриб кетолмаймиз?

Мен: Фақир китоб мутолаа қилмоқдаман, бироқ нега сиз йўлдошларнинг суҳбатига қўшилмайсиз?

Мулла: Биродар, биз илм аҳлиданмиз, булар эса дунё аҳли. Биз уларнинг суҳбатидан ҳеч нарса тушумаймиз.

Мен: Яхши, сиз булар билан суҳбатлашинг, зора булар сизнинг сўзларингиздан баҳраманд бўлсалар.

Ҳар иккала тожир ўз суҳбатларини тўхтатиб, бизнинг гапларимизга қулоқ солар эдилар. Улардан бири менга табассум қилиб, деди:

— Жаноблари Самарқанддан бу ёғига тўхтамасдан, бизга навбат бермай суҳбат қилдилар. Бахтсизликни қарангки, биз ҳам у кишининг суҳбатидан ҳеч нарса тушунмадик.

Мен: Сизлар домулланинг сўзларига диққат билан қулоқ солмагансизлар, шунинг учун уни тушунмагансизлар. Бўлмаса илм аҳлининг суҳбати ҳамиша ва ҳамма вақт ҳам эшитишга арзигулик ва нафлидир.

Тожир: Яхшигина эшийтдик, мақсадларини ҳам билдик, бироқ фойдалана олмадик.

Мен: Ажабо, домулланинг суҳбатидан нимани тушунингизни менга айта оласизми?

Тожир: Албатта, айтаман. Домулла ҳазратлари беш соат давомида тинмасдан, нафас олмасдан гапирдилар. Суҳбатларининг бошидан охиригача шуни фаҳмладики, марҳум қози калон яхши одам эканлар, бир неча марта домулла жанобларига кулиб боққан эканлар. Агар ўлмаганларида бу кишига катта мударрисликни берар эканлар. Бироқ, таассуфки, қазо қилибдирлар. Аммо ҳозирги қози калоннинг инсофи йўқ эмиш, чунки ҳалигача домулла жанобларига кулиб қарамабди. Инсоф қилинг, биз, бечоралар, бу суҳбатдан нима баҳра оламиз?

Домулла: Биродар, булар дунё учун яратилган одамлар, дедим-ку! Келинг, ўзимиз гаплашиб кетамиз.

Мен: Домулла жаноблари, сиз нега буларни ҳар сафар «дунё аҳли», деб камситасиз?

Домулла: Тўғри-да, улар доимо савдогарчилик билан машғулдирлар, молу мулк, давлат эгаси бўлиш учун интиладилар, шунинг учун уларни «дунё аҳли» деймиз ва эътибор билан қарамаймиз.

Мен: Нима учун эътибор қилмайсиз?

Домулла: Чунки Пайғамбар ҳазратлари буларнинг

ҳаққиға шундай демишлар: «Ад-дуня жифатун ва таълибиҳа қилабун», яъни «Дунё ўлган ҳайвон мисолидир, уни талаб қилғувчилар итдиirlар».

Мен: Ундаи бўлса, бу икки биродар ҳам ит экан-да?

Домулла кулиб туриб деди:

— Пайғамбарнинг айтишидан шу маъни чиқади, аммо бизнинг шаҳримизда шариатга аҳамият бермайлар. Шунинг учун ҳам ҳар каснинг кўнгли нима истаса, шу билан машғул бўлади ва илло, агар бизнинг одамларимиз расули худо буюрганидек иш тутсалар эди, бундай ишларга ҳеч қўл урмас, кечаю кундуз тоатибодат билан машғул бўлар эдилар.

Мен: Агар барча кишилар кечаю кундуз тоат ва ибодат билан шуғуллансалар, бирон ишга қўл урмасалар, унда озиқ-овқат ва кийим-бошларни қаердан топадилар?

Домулла: Худо етказадир.

Мен: Булар авомлар. Агар шариатга қарши бирон иш қиласалар ҳам атайин эмас, балки адашиб қилидилар. Шунинг учун уларда айб йўқ, аммо сиз, жаноблари, олимсиз, расули худонинг айтганлари асосида иш тутасизми ёки йўқми?

Домулла: Албатта, иш тутаман.

Мен: Дунёнинг моли учун ҳаракат қилишни худо ва расул манъ этган, дейдилар. Сизнинг ўзингиз дунё молига эга бўлиш учун ҳаракат қиласизми?

Домулла: Мен аслида бу ишларга қўл урганим йўқ. Ҳамиша тоқат қилиб, Аллоҳнинг ёди билан машғулман.

Мен: Шундай экан, бу тожирларга нега: «Марҳум қози калон яхши одам эдилар, доимо табассум билан боқар эдилар, бу қози калон инсофсиздир, менга кулиб қарамайдир», — дебсиз. Сўзларингиздан маълум бўладики, сиз ҳам дунё мол-мулкининг тарафдори экансиз. Сизнинг бу тожирлардан фарқингиз шундаки, улар ризқ-рўзларини ўзларининг саъй-ҳаракатларидан топадирлар. Сиз эса қози калоннинг кулиб боқишидан. Тожирлар кечаю кундуз ўз ҳаракатлари билан оворадирлар. Сиз жаноблари эса, қози калон жанобларининг табассумини овлайсиз.

Домулла: Биродар, албатта, бандасининг ризқини худо берадир, бироқ бесабаб бермайдир, албатта, бирон сабаби лозим. Бизнинг ризқ-рўзимизнинг сабаби ҳам қози калондирлар. Шунинг учун гоҳида қози калон табассумининг фикрида бўлишнинг ҳам заҳари йўқ.

Мен: Тўгри, аммо калтак яна сизнинг бошингизда синади. Булар ҳам сизга ўхшаб худонинг ризқ бериши ва бунга маълум сабаб бўлиши зарурлигини биладирлар. Шунинг учун тижоратни ўз ризқларининг сабаби деб биладирлар. Менимча, буларнинг ишлари сизнинг ишингизга нисбатан шариат юзасидан яхшироқ ва олийроқдир. Чунки Ҳақ таъоло буюрадики, «Ва ин лайса лил-инсанни илла ма саъа»¹²⁵. Ҳазрат пайғамбар алай-ҳиссалом буюрганлар: «Ман бата камилан мин тала-билҳилали батамаъфуран», яъни «Ҳалол йўлни тилаб чарчаб қолган кишилар ухласалар, уларнинг гуноҳларини худованд кечирган ҳолда ухлайдирлар». Бошқа бир жойда айтканлар: «Лаъан йаҳузу аҳадукум хаблаҳу сумма йағду илал жабали файаҳтатибу файабийу фабаъкулу ва йатасоддақу ҳойрун лаҳу мин ил-йасъалан-наса», яъни «Албатта, сизлардан битталарингиз арқонни олиб эрталаб тоққа кетсангиз, бас, ўтиң териб келсангиз ва уни сотсангиз ва (у пулдан) есангиз ва садақа берсангиз, унинг учун бу иш тиланмоқдан яхшироқдир». Бу ҳадис ва оятларнинг ҳар бири саъӣ ва амални муқаддас биладир, унинг эгаларини башорат қиласидир ва саволлар арбоби бўлган сизларга мазаммат ва таинбек берадир.

Домулла: «Ад-дуня жийфатун ва талибиҳа қилабуни» ҳадисига¹²⁶ нима дейсиз?

Мен: Бу ҳадисни қаерда кўрдингиз?

Домулла: Эшитдим.

Мен: Менимча, бу Пайғамбар ҳадиси эмас.

Домулла: Йўқ, йўқ! Албатта, Расулуллоҳ ҳадиси бу, чунки бу ҳадисни мен устодларимдан эшитганмен.

Мен: Устодлардан эшитганингизнинг ўзи ҳадиснинг саҳиҳлигидан далолат бермайдир. Сиз ҳам биласизки, дунёда ҳадис жуда кўбдир. Лекин уларнинг барчаси Пайғамбар алайҳи-с-саломнинг ҳадиси эмас. Уларнинг кўби соҳта ва ёлғондир. Имом Муҳаммад бинни Исмоил Бухорий «Саҳиҳи Бухорий»ни¹²⁷ яратиш учун олти юз минг ҳадис тўплаб, уларнинг ичидан тўққиз минг икки юзта тўғри ҳадисни ажратиб, ўз китобини яратган. Шунда ҳам бу ҳадисларнинг уч минги такрорланганларицир. Яна айтишларича, Имом Бухорий ўша олти юз минг ҳадисдан олти мингини саҳиҳ деб топган. Бу ерда бир муҳим нуқта мавжуд. Уни ҳам арз эта қолай. Имом Бухорий икки юз эллик олтинчи ҳижрий йилида оламдан кўз юмган. Маълум бўлишича, Пайғамбар замонидан бошлаб Имом Бухорий даври-

гача олти юз мингга яқин сохта ҳадис вужудга келган. Ким билади Имом Бухорий замонидан бизгача бўлган бир минг етмиш йил ўртасида неча милийўнлаб сохта ҳадислар вужудга келган экан? Шунинг учун устоддан эшиятган ҳар бир ҳадис тўғри бўлавермайдир.

Тожирлардан бирни деди:

— Эмди бу масъалани қўйиб, сал мақсадимизга қайтайлик. Маълумки, бизнинг Бухорода тижорат иши орқада қолиб кетган. Бунинг сабаблари кўб. Бироқ шуни ҳам инкор. этмаслик керакки, энг катта иллат — уламо ва машойихларниздадир. Чунки бу азиزلар пул ва давлатга эга бўлмаслик ҳақида шунчалик кўб ҳикоят ва ҳадислар ўйлаб топганларки, тижорат ва пулга эга бўлишлик фикрини миллатимиз дилидан сидириб ташлаганлар. Масалан, бугун ўзум савдогарман-у, аммо ишимга ишебати кўнглум ҳеч исимайди, чунки биламан: дунёда пул орттириш Аллоҳ фармойишига хилофдир.

Мен: Ҳақиқатан ҳам бу масъала баҳсга арзирлидир. Менимча, ҳар бир қавм учун тўжорат ва пулдорлик ақл ва одат юзасидан зарур бўлгани сингари, шаръян ҳам лозимдир. Бутун Қуръонда ва ҳадисларнинг бирида мусулмонларни бу йўлдан қайтарни борасида бирон сўз топа олмайсиз. Аксинча, Худо ва унинг расули бу ишни юксалтириш борасида олий фармойишлар бергандар. Мен уларни айтишдан аввал, ўз муддаимни бир аниқ ақлий далил билан исботламоқчиман. Сизларнинг ҳар бирларингиз яхши биласизки, мусулмонлик биноси беш амрдан иборатдир: иймон, намоз, зақот, ҳаж, рўза. Ҳар ким закот ва ҳажин амалга ошириши учун пул лозимлигини билади. Пулсиз кишилар бу икки ибодатдан маҳрумдирлар. Бироқ, агар рўзани бенаво кишилар ҳам адo этсалар-да, шунга иқрор бўлайликки, бойликка эга бўлсан муфтахўрларнинг¹²⁸ намоз ва рўзалари бечора кишиларнинг намоз ва рўзасидан яхшироқдир. Чунки намоз шартларидан бири шуки, намоз ўқиётган кини Аллоҳ томонга қараб, чин дилдан итилиши лозим. Бироқ, оч ва қашшоқлар ҳамма вақт эртаниги кунда қўлга киритилиши зарур бўлган ионларни ўйлар эканлар, бундай лаззатга ҳеч эриша олмайдирлар. Шу қатори давлатманд кишилар рўза куиларида туш пайтида ҳам мазали таомларни сийишга қодирлар ва уларнинг табиатлари ҳам мазали овқатлар тановулига мойилдирлар. Бечоралар эса фақат худонинг ризолиги учун тушки таомлардан воз кечиб,

намози шомгача оч юрадирлар. Шунинг учун давлатмандлар рўзасида илоҳий амрга итоат зоҳир этиладир, бу эса қашшоқ кишиларда кўринмайдир.

Қаранъ, ислом файласуфи Саъдий¹²⁹, Аллоҳ у кишини ўз раҳматига олган бўлсни, нималарин ёзибди: «Агар саҳоват, эҳсои қудратдир ва агар сажда қилиш қувватдир, давлатдорга поклик, ҳалол давлат, пок кийим, шараф ва номус, кенг феълга эга бўлиш имкони бор. Тоатнинг қудрати латиф сўзлардадир ва ибодатнинг асли покиза либосдадир. Маълумки, бўши қориндан қандай қилиб қувват ва ҳеч вақосиз қўлдан қандай мурувват келадир.

Тавонгаронро вақф асту назру меҳмони

Закоту фитраву эътоқу ҳадяву қурбони.

Ту кай ба давлати эшон раси, ки натвони,

Чу з-ин ки ду ракъату он ҳам ба сад пареишони»*.

Эмди покизалик, иймон ва Аллоҳнинг ягоналиги, Пайғамбарнинг набуввати, дин билан тасдиқ этилиши ва тилда иқрор бўлишидир. Ушбу тасдиқ ва мазкур иймон учун, оз бўлса-да, илм керакдир. Озгина илм таҳсили ҳам пулсиз амалга ошириш учун-да маблағ лозим. Маълум бўлдики, мусулмончиликдаги беш бинони бунёд этиш учун ҳам маблағ лозим. Шунинг учун ҳам Пайғамбар алайҳиссалом буюрганлар: «Қадал фақру аниакуна куфран», яъни «Қашшоқлик қуфрга яқиндир», бошқа бир жойда буюрадирки. «Истаъийзу биллаҳи мин ал-фақри ва ийлатин», яъни «Худодан қашшоқлик ва муҳтожлиққа тушмаслик учун паноҳ тиланг».

Домулла менинг сўзларимдан газабланиб, деди:

— Сизнинг барча айткан бу сўзларингиз иккى жиҳатдан тўғри эмас. Биринчиси, сиз ўқуған ҳадисларингиз ёлғондир, чунки Пайғамбаримиз ҳеч вақт қашшоқлиқни ёмон деб айтган эмаслар, балки «Ал-фақру минни ва биҳи афтаҳири», яъни «Фақирлик ҳам мендан ва мен у билан фахрланаман», деганлар. Ваҳоланки, Бухоро уламоларининг барчаси қашшоқлиқ тарафдо-

* Таржимаси: Давлатдорларнинг иши вақфу меҳмондорчиликдир, яна закот, фитр, кимнидир озод этиши-у ҳадия бериш ҳам қурбонлик қилишидир. Сен иккى ракат намозигини паришон ҳолатсиз ўқий олмайсан-у, уларнинг давлатига қачон тенг кела оласан.

ридирлар. Шунга қарамасдан, улар бу беш рукини тўла адо этадирлар.

Мен: Домулла жаноблари, биринчидан, Пайғамбар ҳазратлари ифтихор қилган нарса қашшоқлик әмас, балки Аллоҳ розилиги билан нафсни тийиншидир. Бундай фақирик давлатманд кишиларда ҳам мавжуд. Масалан, бир давлатманд киши рамазон ойи тўла рўза тутмасдан, кундузи уйида бекиниб олиб, лаззатли таом пишириб еб, кечалари уйида мажлислар ту заб, ичкиликбозлиқ билан шуғулланиб, шароб шишиларидан нафланиши мумкин. Лекин буларнинг ҳеч бирини қилмайдир, ҳеч қандай жабр ва иқрорсиз, фақат Аллоҳни рози қилиш учун кундузлари рўза тутиб, кечалари намозу ибодатга тайёр турадир. Унинг бу ишини «нафсни жиловлаш ва Аллоҳ розилиги», дейдилар. Ана шу Ҳазрат Пайғамбар ифтихор қилған фақириқдир. Кейин сиз «Бухоро уламолари қашшоқлиқ тарафдоридирлар», дедингиз. Тўғри, Бухоро уламолари қашшоқлиқ тарафдоридирлар, бироқ ўзлари қашшоқ әмаслар. Сизнинг уламонингиз қашшоқлиқни ўзлари учун әмас, балки ўзгалар учун муносиб биладирлар. Шунинг учун улар «сен ўлгин-у, мен қолай» дейдилар.

Эмди асл мақсадға қайтайлик. Шариатнинг ҳам пулни муҳофаза қилиш ва тижорат ташвиқи хусусида кўб топшириқлари бор. Жўмладан, айримларини зикр этай: «Иисо» сурасида¹³⁰ Рabb ал-иззат ҳазратлари буюрганларки: «Вала йуътус-суфаҳаъа амвалакум уллати жаъалаллоҳулакум қийаман», яъни «Ўз молларингни ақли фосиқ ва маданиятсиз кишиларга берманглар, чунки Аллоҳ таоло сизни бор будингизни шакллантириш ва манфаатингиз учун яратгандир». Расулуллоҳ ҳазратлари ҳам ўз ҳадиси шарифларида бундай деб айтканлар: «Ат-тажирус-содийқул-амийну маъанина бийнйна вас-сиддиқийна ваш-шуҳадон», яъни «Ишончли ва ростгўй тожирлар (қиёматда) пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар қаторидадир». Бошқа жойда айтканлар: «Инналлоҳа йуҳиббул-абдат тақий-йал-ғаниййа», яъни «Аллоҳ таъоло, албатта, давлатманд тақводорни сүядир».

Эмди менинг баёнотимдан билиндики, ислом шариати тижорат ва давлатмандликни манъ этган әмас, балки амр этган. Бироқ шуни ҳам билишимиз лозимики, ислом бизни тижоратдан манъ этмаган-у, бироқ баҳиллик, исрофгарчилик ва таъмагирликдан қаттиқ

тортган. Шундай экан, ҳар ким худонинг ва унинг расули мутеъи экан, пулдорлик ва тижорат ишига интилиши лозим ва тамаъ ҳамда исрофгарчилик қасалидан ҳазар қилиши лозим.

Шу вақт вагон бир станцияга келиб тўхтади. Сўрадим: Кармана экан. Тожирлардан бири ташқарига чиқиб, нон ва чой олиб келди, биргаллашиб тановул қилдик. Домулла пастга тушиб, бир оз айланиб келдилар. Бироқ, қайтиб, бизнинг олдимизга ўтирмасдан, бошқа жойни маъқул билдилар. Биз яна ўз сухбатимизни давом эттириш билан машғул бўлдик.

Тожир: Сизнинг сўзларингиздан жуда мамнун бўлдим. Бухоро муллалари бизни «дунё одами» деб кўб дакки бердилар.

Мен: Тўғри, агар давлатманд киши ростлик ва саҳоватдан узоқ бўлмаса, у ҳам ақлан, ҳам шаръян мадҳу санога сазовордир. Ўйлаб кўринг, мусулмонлар ўз динлари хусусида қаерда таълим оладирлар? Мадрасада. Намозларини қаерда ўқийдирлар? Масжидда. Бу масжид ва мадрасани биз учун ким қурадир? Давлатманд кишилар. Шунинг учун давлат эгалари ҳақоратлашга эмас, мадҳ ва мақтовга лойиқдирлар.

Мен бизнинг динимиз тижоратга тарафдорлик қилиши ҳақида сизларга фикр англатдим. Бироқ, бу масъала қандай амалга ошиши ҳақида ҳеч нарса демадим. Энди шу ҳақда арз қилмоқчиман. Ажабо, ислом дини нега тижоратни қўллаган? Чунки тижорат масаъласи башариятнинг ҳаёт-мамот масъаласидир. Дунё ҳалқларидан биронтасининг иши тижоратсиз амалга ошмайдир. Айниқса, бизнинг давримизда тижорат жуда эътибор беришга арзийдир. Қадим замонда оламнинг амир ва подшоҳлари фақатгина ўзларининг шаҳвоний нафслари учун бир-бiri билан уришар ва ярашар әдилар. Агар қадимги урушларга дикқат билан разм солсак, уларниг асл сабаби ўша подшоҳлардан бири қизини иккинчисига бермаганилиги ва уни иззат-икром қилмаганилиги бўлиб чиқадир. Лекин бизнинг давримизда бўладиган урушларниг асл сабаби тижорат можароларидан бошқа нарса эмасдир. Масалан, тараққий қилған бир давлат ўз тижоратини кепгайтириш иятида бошқа қолоқ давлат ерига борадир ва айрим имтиёзларга эга бўлиб, у мулкнинг йўлини ўз тижорати учун очадир ва маълум муддатдан сўнг, бу мулк аҳли унинг тижоратига монеълик қилиб халақит бера бошласа, ўша заҳотиёқ уларнинг устига лашкар тортиб, ҳар қандай йўл билан

уларнинг ерларини ўзиники қилиб олишга ҳаракат қиласидир. Агар бошқа бир кучли давлатда ҳам ўша вақтда тижорат ишлари юксалган бўлса, у ҳам ўз савдо миқёснин ҳимоя қилиш учун қарши томондан лашкар тортиб, урушга киришадир. Шундай қилиб, икки буюк давлат бошқа бир кичик давлатиниг ерида тижорат равнақи учун лашкар тортадирлар.

Тожирлар: Ажабо, давлатлар ўз савдоларининг ҳимоялари учун бунчалик ўзларини қурбон қилмасалар? Фараз қилайлик, уларнинг 2—3 одами фойда қилди ёки зарар кўрди, бунинг давлатга нима даҳли бор?

Мен: Бу давлатлар ҳар мулкнинг молини ўзига сарф қиласидирлар ва фақат ўша ернинг тижоратидан фойдаланадирлар. Масалан, бугун Ҳиндустон инглизларнинг қўлида, бироқ Ҳиндустон молларидан бир пул ҳам инглиз хазинасига кирмайдир. Барчasi фақат Ҳиндустон ободлигига сарфланадир. Инглиз давлати фақат у ернинг тижоратидан фойдаланадир. Шунинг учун ҳам бу тижорат учун жони борича ҳаракат қиласидир. Чунки, маълумки, агар Ҳиндустонда Англия тижорати ўрнини Олмония эгалласа, унда Англия учун Ҳиндустоннинг борйўқлигининг фарқи қолмайдир.

Эмди озгина бўлса-да, бухороли тожирлар аҳволини тадқиқ қилайлик. Менимча, сизларнинг бугунги тижоратларингиз бизнисиг пайғамбаримиз амр қилған тарзда эмас, балки доимий равишда фойда келтирмайдиган ўзгача тижоратдир. Пайғамбаримиз бизга амр этган тижорат бугунги оврупалиларнинг тижоратидир, чунки улар бундан маnfaat кўриш учун фойдаланадирлар. Бироқ савдогарларингизнинг аксарияти бугунгача фақатгина фойда кўриш учун эмас, балки ўзларнинг нафсоний ҳаваслари туфайлигина бу иш билан шуғулланганлар. Масалан, Бухорода фалон бой олтмиш минг тери олади? Нега? Чунки бошқа бир бой ҳам шунчалик тери олган. Бу йил фалон бой тижорат учун Америкага борадир. Нега? Чунки кўнгли саёҳат тилабдир. Бу ишларни тижорат демайдилар. Уларнинг ана шу ўйунларини тижорат деб қабул қиласиган ҳар бир қавм, албатта, маҳв ва нобуд бўлиши муқаррардир.

Бу фикримни исботлаш учун бир баҳс юритсам: сиздан сўрасамки, Бухоро тожирларни аввал пахта савдоси билан шуғулланганлар. Эмди эса шуғулланмай қўйдилар?

Тожир: Чунки пахта савдосидан кўб зарар кўрдилар.

Мен: Шу кунларда (яъни бухороли тожирлар пахта савдосидан қўл тортганларидан кейин) Бухородаги бегона савдогарлар ҳам пахта савдоси билан машгулмилар ёки улар ҳам бу ишдан қўл тортганларми?

Тожир: Шу кунларда Бухорога жуда кўб кишилар пахта сотиб олиш учун келадирлар ва кўб нул ишлайдирлэр.

Мен: Ана шу бегоналар Бухоро савдогарлари каби зарар кўрадиларми ёки фойда олмоқдаларми?

Тожир: Агар улар ҳам бизнинг тожирларимиздек зарар кўрганларида эди, пахта сотиб олишдан қўл тортар эдилар. Бироқ ҳозирча бу ишдан тўхтаганларича йўқ, аксина, ҳар йили аввалгисидан кўра кўброядадромад олмоқдалар. Айтиш мумкини, зарар кўрмайдилар, балки фойда оляптилар.

Мен: Ажабо, Бухоро тожирлари бухороли бўла туриб, ўз шаҳарларининг паст-баландини бегоналардан яхшироқ билсалар ҳам, нега пахта савдосидан зарар кўрмоқдалар? Бегоналар эса, бегоналигига қарамасдан Бухоронинг йўл-йўригини яхши билмай, қандай қилиб фойда кўряттилар?

Тожир: Бегоналар барча ускуналарини ўзлари қурадирлар, тузатадирлар, биз бу жиҳатдан уларга муҳтожмиз ва шунинг учун ҳам бизнинг харажатимиз уларнинг харажатидан кўброядир.

Мен: Сизларнинг фалокатга ботишларингизниг сабаби фақат бугина эмас. Яна бошқа йирик бир иллат ҳам бор. Ажнабийлар ўзаро иттифоқ ва бирликка эга. Сизлар эса пулларингизни ҳамиша ўзаро ички зиддиятларингиз йўлида сарф этасизлар. Молни сотиб олаётган пайтда, сизнинг фикр ўйингиз бухороли фалон бой устидан ғалаба қилиш борасида бўладир. Уйдан кўпроқ мол олиб, уни синдирангиз бас. Шунинг учун жуда кўп ҳолларда бир-бирларингизга қасд қилиб, пахтани *Масков* нархидан тўрт баравар ошиқ олиб, ҳисобсиз зарар кўргансизлар. Тери сотиб олишида ҳам ахвол шу. Бироқ ажнабийлар бу йўлни тутмайдирлар. Улар бозорга кириб савдо қилишдан аввал, тўпланишиб маслаҳат қилишадир. Кўрадирларки, пахтанинг нархи *Масковда* ўн беш сўм, улар бу ерда ўн сўмдан оширмасликка қарор қилишадир. Кейин бозорга кириб, ўз аҳдларида туриб савдо қиласидирлар. Пахта нархи ўн сўму бир тангага тенг келиши биланоқ ҳаммалари ҳамёнларининг оғзини беркитадирлар. Чорасиз қолғаш дехқон яна бир танга тушиб, арzon сотадир.

Эмди сизнинг фикрингиз ва менинг қарашларимни бир жойга жамласак, қуйидаги натижа ҳосил бўлади:

1. Бегоналар ўзаро иттифоқ тузиш ва бирлашиш кучига эга, сизларда эса иифоқ ва бегоналик бор.
2. Бегоналарнинг ўз фабрикалари бор, сизларда эса йўқ.
3. Улар савдо илмини неча йил зўр бериб ўқиғанлар ва биладилар, сизлар эса билмайсизлар.

Шунинг учун ҳам улар фойда кўрадирлар, сизлар — зарар. Шунинг учун пахта тижоратини бутунлай ва пилла тижоратини қисман сизлардан олганлар ва, аммианки, агар ускунасилик ва илмисилик, ўзаро иифоқлар тугамаса, терни жиҳатини ҳам бой бернишингиз шубҳасиздир. Бошқалар сизларни тижоратингизни тортиб олмасликлари учун нима қилиш керак?

Энг аввало ўртангизда иттифоқ ва бирлик лозим. Дини мубийнимиз¹³¹ ислом хусусида ҳам иттифоқ ва бирликни амр этган. Оҳ, агар уламоларимиз шундай бир муҳим илоҳий амрни бизга дурустроқ тушунтирсалар эди ва биз ҳам унга амал қиласак эдик, бугунги кунда бунчалар кучли балоларга учрамас эдик.

Кейин сизларнинг ўз фабрикаларнинг бўлмоғи лозим. Шуни тан олиб айтаманки, бугун Бухорода ҳам фабрика қуришга, ҳам тижорат қилишга сармояси етадиган киши йўқ. Агар ўнта бухоролик сармоядорнинг пули бир жойга тўпланса, тўртта фабрикага эга бўлиш мумкин ва бу сармоя эгалари муваффақият билан савдо ишини юрита оладилар. Улар оврупалилар ширкатларининг афзаллигини яқинда кашф этиб, ўз миллатларни бу ширкатларни тузишга даъват этдилар. Бироқ бизнинг Пайғамбаримиз бундан бир минг уч юз йил аввал амр этиб, деган эдиларки: «Ана салисуш-шарикайни малам йаҳин аҳадумуҳа саҳибаху фаиза хонаху ҳаражту мин байнаҳума», яъни «Оллоҳ таъоло дейдикни, мен икки бир-бирига хиёнат қилмайдиган шерикларнинг учунчи ҳимоячисидирман, бас, вақтики, улар бир-бирига хиёнат қилсалар, мен у икки (шерик) орасидан чиқаман».

Учунчидан, сизлар ўз фарзандларингизни тижорат мактабларига юбориб, савдо илмини ўқитингиз, чунки бегоналар тижорат илмидан хабардор, сиз эса бехабарсиз. Аллоҳ таъоло бу маънини Қуръони каримда хабар берган: «Ҳал йаставиллазина йаъламуна ва л-лаzinna la йаъламун», яъни «Билмаганлар билганларга баробар бўлмайдир».

Яна бошқа бир масъала ҳам борки, буни ҳам арз этсам: тижоратдан мақсад — бойлик орттиришдир (яъни пул тоини). Аммо сарватин¹³² қўлга киритишнинг йўли фақатгина тижорат эмас. Бунинг жуда кўп йўллари бор бўлиб, тижорат шулардан биридир. Бошқа йўл: «иҳроҳ саноати», яъни ер ости бойликларини чиқариб олиш ва «аъмол саноати», яъни ускуналар (фабрика ва зовудлар) яратишдир. Таассуфлар бўлсинки, сиз, бухоролилар, бу иккни жиҳатга мутлақо эътибор бермагансизлар, Бухорога тегинчи ерларда тилла, мис, темир, тошкўмир, лампа мойи ва бошқа заҳиралар кўпдир. Сиз, бухоролилар улардан баҳраманд бўлмаганикларингиздан кейин бу бойликлардан нима фойда? Яна қайтарамап, йирик ширкатлар тузиб, инфоқ ва ноиттифоқликни бир томонга йиғишириб, интилиш ва ҳаракатларингизга мунтазир қолған ва худонинг неъмати бўлган ер ости бойликларидан баҳраманд бўлингиз. Аммо бу бойликлар, заҳиралардан фабрика ва машиналар ёрдами билангина тўла ва озода ҳолда фойдаланиш лозим.

Шуни ҳам билингларки, агар сиз, бухоролилар, Аллоҳнинг неъмати бўлған бу бойликлардан фойдаланмас экансиз, ҳаял ўтмай, бегоналар бу бойликларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бирлари устида ҳайратангиз машиналар ва фабрикаларни ўринаштирадирлар. Дунёдунё пул ишлаб оладирлар. Минглаб хизматчилар бу ишга сафарбар қилинадир. У вақтда сизларнинг фарзандларингиз чорасиз қолиб, бегоналарнинг хизматларига бўйин этишлари муқаррар.

Бугунги кунда «аъмол саноати»нинг бир қисми, масалан, алача тўқиши ва бошиқалар сизнинг мамлакатингизда мавжуд, бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам қўлингиздан кетини муқаррар. Бу хусусларнинг тафсилини юқорида арз қилған эдим. Уларни қайта ёзишга ҳожат кўрмадим.

Шу пайт ўт аробанинг чинқириғи эшиштилди, (кимдир) айтди:

— Когонга етиб келдик.

Ҳар қим ўз нарсаларини туғишга киришди. Мен ҳам ўз нарсаларимни боғладим. Вагон тўхтади, тушиб, файтунга ўтирдим ва аввал уйида тўхтаганим—дўстимни кига қараб кетдим. У менинг қайтганимдан хурсанд бўлди. Уч кун Бухорода туриб, ўзимнинг муборак ватаним томон йўл олдим.

Муроди мо насиҳат буд, гўфтим,
Хаволат бо Худо кардим — рафтим.

(Муродимиз насиҳат эди — айтдик,
Худога ҳавола қилдик — кетдик.)

ТАМОМ

ҚИЕМАТ Хаёлий ҳикоя

Дўстимнинг оти Рўзиқул бўлса ҳам, биз уни «Почамир» дер эдик. Нечундир, билмадим, бир киши кўкнори ичкач, «почамир»¹ бўлиб қоладир!..

Бизнинг Почамир ўн беш кун касал ётди. Касалликнинг сабаби шул кўкнорсизлик эди. Ўн беш кун «оби ҳаёт» ичмай ётмоқ..., тушунингиз, қулайми? Почамирнинг ўлиб қолмагани ҳам анча ботирлик... Унинг ўрнида фил бўлганда ҳам ўлар эди.

Касаллик бошда Почамирни кўп қўрқитмаган эди. Тобут, сағана каби нарсалар эсига ҳам келмаган эди, фолчи, Холбиининг кўчириғидан кейин, кўнгли ҳам озгина кўтарилиди. Тезроқ соғайиб «майхона»га бормоқдан бошқа қайғуси қолмаган эди. Нима қилмоқ керак? Шу́л кўкнорсизлик ёмон. «Соғаймасанг, кўкнор йўқ», деган фикр тангри буйруғидан ҳам кучли.

Бўлурким, яна бир ой ётарсан, тангри кўрсатмасин, учтўрт ой ётмоқ ҳам бор! Кўкнорсиз қалай кун ўткарасан? Яна бир дарди бор: шундай нашасиз ётгандан кейин, ўлим йўқми? Ҳай, аттаиг-эй... Бир ўлиб қолсанг... У дунёда наша бормикин!?

Почамир ўйлаб-ўйлаб чарчади, яна иситма чиқарди. Қаттиқ иситманинг телба талвасалари орасида Почамирининг қуп-қуруқ лаблари орасидан шул сўз яна чиқиб қолди:

— У дунёда наша бормикин?!

Бора бора касаллик кучайди. «у дунёда» наша топмоқ фикри Почамирнинг миясини чарчатди. Энг сўнг шу қарорга келди: «У дунё»да «ҳур» деган қизлар, «ғилмон» деган бачалар бор экан-у, нега наша бўлмасин? Бизнинг Почамир мадрасаси чангига еган, «Шамсия»² мантиқига жуда ишонадир. Юқоридаги мантиқий сўз унга жуда ёқиб кетди.

— Бор, бор, — деди, — қизлар, бачалар бор экан, нашаси бўлмасми! «У дунё»да наша ҳам бор. Бироқ бизга берарларми уни?! Унга боргунча кўб қўнуқлар,

кўб бекатлардан ўтиш керак. Қил кўприк, тарози, Мункар-Накир³. Буларнинг барисини кўрмоқ, ўткармоқ керак, ундан кейин — наша!

Шуларни ўйлар экан, Почамирнинг эсига бир хийла келди. Ислитмаси бир оз тушган эди, хотинини чақириди. Кўзлари ёшига тўлган экан, титроқ бир товуш билан шуни англатди:

— Хотин, энди худога топширдик. Тирик киши ўлмай қолмас, албатта. Менинг касалим ёмонга ўхшайдир. Бир иш бўлиб ўла қолсам, мана шул рафдаги⁴ кўкнор халталаридан менга кафан тиктири. Бозордан сурф-мурф олиб юрма, англадингми? — деди.

Хотини айрилиқ хабаридан қайфуриб, бир оз йиғлаб қўйди. Энг сўнг Почамирнинг сўзини қабул этиб, уйдан чиқди.

Кўчириқлар, дуолар буткул фойдасиз экан! Почамирнинг жонини қайтариши нари турсин, унга бир оз кўкнор ҳам топиб бера олмадилар.

Почамир ўлиб қолган эди. Ювмоқ, исқот⁵, жаноза, ихлос ҳоки⁶, йиртиш масалалари, билганингизча, кўрилди. Сағананинг оғзи ҳам беркитилди. Нима дейсизким, ўлганидан кейин ҳам тинчлик йўқ эмиш! Почамир энди бир оз тинчгина ухламоқчи бўлган эди, гўрга икки малак кирди. Кўзлари жуда катта, бўйлари узун, бошлирида иккитадан шохи бор, кўкраклари жунили, қўлларида йўғон калтаклар!...

Биттаси қўлтиғидан кичкина бир шиша чиқарди. Ўликка тўғри тутди. Ўликка жон кирди. Почамир иргиб тургач, боши сағананинг тепасига тақиллаб тегди, қайтий йиқилди. Бу қатла секингина тургач, кўзи ҳалиги қўрқинчли малакларга тушди. Буларнинг Мункар-Накир бўлғанларини бот англади. Тириклигида ўйлаб қўйган ҳийланни эскариб, Мункар-Накирдан сўз кутиб турди. Мункар-Накир афандилар бизнинг кўкнорини қўрқитғали калтакларини кўтариб:

— Тангринг кимдир? — деб сўрадилар.

Почамир қўрқмади-да, шошмади-да, кўзларини уларнинг кўзига тикди:

— Узи нима гап, aka? — деди.

Малаклар бу кунгача ҳеч кимдан бундай қаршилик кўрмаган эдилар, шошиб қолдилар:

— Бизлар, Мункар-Накир бўламиз. Сенинг имонлими-имонсизми эканингни онгламоқ учун келдик, қани, жавоб бер! — дедилар.

Почамир: Сизларни ким юборди?

Малаклар: Тангри юборди, сўзни чўзма!

Почамир хўб қизиқ бир ишни кўрган каби шошиб сўзлади:

— Тангри юборган Мункар-Накир бундан уч ой бурун келиб, мени сўроқ қилған эдилар-ку, сизлар яна нима деб келасиз?!

Мункар: Сен қачон ўлдинг? — деб сўради.

Почамир: Уч ой бурун ўлганман.

Малаклар: Ёлғон айтма!

Почамир: Кафанимни кўрмайсизми! Сарғайиб, чириб кетган, — деди. Уларга сўз бермаслик учун тез-тез гапириб берди: Биродарлар! Менинг қачон гўрга кирганим бирор дафтарга ёзилмагац, сизларга қаердан, қачон юборилғанингизни билдирувчи бир мандат' берилимаган, ҳар соатда биттаңгиз келиб одамни роҳатсиз қиласиз. Охиратнинг бутун ишлари шундай тартибисизми?

Малаклар бундай қаршиликини кўргач, шошиб қолдилар. Нима қилишларини билмай турдилар. Қайтиб кетмоқчи ҳам бўлдилар. Накир деган каттаси бирдан бақириб:

— Одам ўғли! Менга тангридан ҳозир «илҳом»⁸ келди. Сен ёлғончисан. Бизларни алдамоқчи бўлибсан. Бизларни алдамоқ қулай, бироқ Тангрини алдаб бўлмас. Сен дунёда касал бўлиб ётғанингда, хотинингга васият қилган эдинг: хотининг кўкнор халталаринги қураб, сенга кафан тикди. Кафанингдағи сариқлиқ шундан экан. Тез бўл, жавоб бер! — деб калтакни кўтаргач, Почамир бурунғи туришини бузмай сўзлади:

— Тўхтангиз, Накир афанди! — деди. — Тангри-ку менинг уйимда хотинимга айтган сўзларимни билар экан, кафанимнинг кўкнор халталаридан тикилганини билар экан, менинг қачон ўлиб, қачон кўмилганимни ҳам билар экан, менинг имонлимни, имонсизми эканими билмадими, сизларни нега юборадир?

Малаклар бу кучли сўроқقا жавоб бера олмадилар. Бу эрка қулининг ҳолини айтмоқ ёки бир дастуруламал сўрамоқ учун Тангри ҳузуриға қайтдилар. Недандир, билмадим, қайтиб-да келмадилар!...

Почамир тинчгина ухлади. Гўрда чаёндан, илондан, тамуғ алангасидан бир нарса-да кўрмали.

Қулоғига эришган бир Ҳамбомбуғ⁹ товушидан уйғонди. Яна Мункар-Накир афандилар келдиларми, деб бир оз қўрқди. Кўзларини очиб қараса, ҳайҳот! Мункар-Накир у ёқда турсин, ўзининг устидаги сағанадан ҳам

асар қолмаган. Бутун дунё теп-текис бўлиб қолган. Кенг бир чўлнинг ҳар томонида ўсган тиконли буталарни кўрганимисиз? Мана шунга ўхшаб, ердан одамлар ўсиб чиқкан: янгигина тупроқдан бош кўтарға янъяланғоч кишилар ҳайрон-ҳайрон, бир-бирларига қараб ўтиralар! Худди шу паллада бояги Ҳамбомбуғ товуши атрофии титратди. Бу товуш Ҳамбомбуғ товуши эмас, жуда қаттиқ товуш эди. Бироқ бизнинг Почамир уйқудан кўз очкан чоғида, уни эшитгани учун, Бухородаги Ҳамбомбуғ деб ўйлаған эди. Шуннинг учун биз ҳам Ҳамбомбуғ дедик. Ҳамбомбуғ товушини эшитгач, барча одамлар ердан турдилар. Ҳамма қип-яланғоч! Ўртуклар-да деган нарса йўқ. Худди ўрис ҳаммоли.

Бунча «кашфи аврат»¹⁰ Почамири бир оз уялтириди. Кўкнор халталаридан тикилган кафани искарди, бироқ кафан тупроқ бўлган, битган эди! Шошиб қолган, ҳар ёнга телбаларча юргурган милйард одамлар орасида бизнинг Почамир ҳам чопиб юрган эди. Бирдан қўлига бир нарса бердилар. Қаради: Никалай замонидаги паспорт дафтарчаларига ўхшаган бир дафтарча, ўқимоқ истади. Лекин шундай бир кунда дафтарчани ўқиб турмоқ бўлурми?

Дафтарчани бармоқлар орасидан букуб ушлади.

Бир тўда малак полислари яланғоч одамларни бир томонга суриб, ҳайдаб келдилар. Почамир ҳам суркка қўшилиб юра берди-юра берди, кенг бир каппонга бориб тўхтадилар.

Каппоннинг тўрт ёғида хирмонлар: ёзуқ-эзгу хирмонлари. Ўртада катта, жуда катта зогомалий¹¹ бир тарози, бошида узун бўйли, йирик гавдали, катта кўзли бир малак. Одамлар каппон теграсида тўплангач, ҳалиги тарозибон ўзининг йўғон товуши билан бақириб:

— А...й, одам ўйиллари! «Қиёмат қойим» бўлған. Бу мезон тарозисидир.... Сизнинг амалларини шу билан тортиб кўрамиз. Эзгуси ортган киши ужмоҳга киради, ёзуғи ортган киши тамуқقا борадир,— деди.

Тарозибон афандининг бу бақириши ортиқча бир иш эди. Негаким, «қиёмат қойим», «мезон», «тарози», «амал тортмоқ» куни бўлғанини бизнинг Почамир билан шундаги ҳамма кимсалар билар эдилар. Тарозибоннинг бақиришидан кимса қўрқмади, ҳуркмади, сесканмади, ҳеч ким бир жавоб бермади. Ёлғиз бизнинг Почамир: «Хўб, онгладиқ, тез бўлинг, ишии битиринг!»— деб фўн-филлаб қўйди. Тарозибон ишга киришди.

Ишнинг бориши шул йўлда эди.

Ялангоч кишилар, тарози бошига ўнлаб, юзлаб бетартиб тўпландилар: «Бу менинг дафтарим! Аввал мен! Меникини ол! Мен қолдим-ку» — деб қичқиришдилар. Тарозибон биттасининг дафтарини олиб, «Мулла Олим» деб отини ўқнидир. Мулла Олимни йигиндан чиқариб, орқасига ўткарадир. Шунда юмуш кутиб турган кампир малакларнинг беш-ўнтасига Мулла Олимнинг дафтар-часини берадир. Бу кампир малаклар билан ёзуқ-эзгу ҳирмонларига бориб ўтирадирлар, гуруч ортгувчилардек, ёзуқ ва ҳам эзгу ҳирмонларини бармоқлари билан ти-тадирлар, Мулла Олимнинг эзгуларини ва ёзуқларини ажратиб оладирлар, тарозибон тортадир, биртасининг оғир келганини англагандан кейин, иккала зоромани ҳам ерга бўшатадир. Иккинчи бир кишининг ёзуқ, эзгуларини тортмоқ учун дафтарчасини олмоқчи бўладир. Яна жанжал, яна итариш, яна «мени ўтказ, уни қолдир» лар!

Почамир икки ярим йил кутди. Тарозига яқинлаша олмади. Тарози сари бир қадам отгач, йигирма қадам кейинга итарилар эди. Йиш шундай қолганда, яна йилгacha ҳам тарозига яқинлаша олмаслиги аниқ эди. Жонига теккан ёлғиз бизнинг Почамир эмас. Икки ярим йилдан бери навбат кутиб турган кишиларнинг ҳаммалири безор бўлған эдилар. Почамир халқ орасига фитна солмоқ, уларни бузмоқ режасини чизди. Ёнидаги-ларга гапира бошлади:

— Жоним, биродарим! Бу қандай тартибсизлик? Шунча одамнинг «камал»ини тортмоқ учун биттагина тарози нима бўлади? Ўи-ўи беш тарози йўқми экан? Шунча буюк ишни бошлар эканлар, бурунроқ тайёрлик кўрганида, бўлтасми эди? Буни қилмағанда ҳам, бир тартиб ўрнатиш керак эди.

Бир киши: Қандай тартиб?

Почамир: Сўнг замоида бизнинг Туркистонда бир тартиб чиқсан эди¹². Кўб кишига озиқ бермоқ учун очилган дўконлар бор эди, шунда тўпланган кишиларга тартиб билан озиқ бермоқ учун қуйруқ ясар эдилар, яъни келган кишиларни бир-бирининг кетига қўяр эдилар. Бунинг оти «очират».

Дунёда «очират»ни кўрганлардан шунда Почамирдан бошқа япа тўрт-беш киши бор экан. Почамирнинг оғиздан «очират» сўзи чиққач, ҳаммалари:

— Ҳа!.. Очират... Очират яхшидир... Очират истаймиз, — дея бошладилар.

Бошқалар ҳам шуларга эргашдилар:

— Очират яхши экан, шуни истаймиз, шу бўлсин, шу келсин! — деб қичқиришдилар.

Малаклар ҳар томондан югуришиб келдилар. Одамлардан нима истаганларини сўрадилар. Ҳаммалари бирдан:

— Очират истаймиз, шул келсин! — дедилар.

Малаклар «очират» сўзини эндиғина эштар эдилар, маъносини англай олмадилар.

— Бу қандай сўз? — деб шошиб қолдилар.

Почамир чаққонлик қилди, илгарига ўтди, кишиларни бир-бири орқасига қўйди:

— Мана, «очират» деб шунга дерлар, — деди.

Малаклар «очират»ни англагач, одамларни қатор қила бошладилар. Почамир ўзи учун қатор бошида ўрин ола билди. Тарозибон Почамирнинг дафтарчасини олди. Эзгу ёзуқларини тортди. Дафтарчага бир хат ёзиб, қўл қўйиб ўзига қайтарди.

Почамир қатордан чиқди. Қиёмат чўлида ҳайрон-ҳайрон юра берди. Каерга борғанини билмас эди. Бир тўда кишига учради.

— Қаёқقا борасиз? — деб сўради.

— Лаби ҳовуз борамиз, — дедилар.

Бу Лаби ҳовузнинг «Инна аъттайна»даги «Кавсар ҳовуз»¹³ эканини Почамир бот онглади. Ўзи ҳам сувсан ган эди. Бир ютум сув ичгуси келди. Шунларга қўшилди. Юрди-юрди, узоқда кенг бир ҳовузда тиниқ сувнинг лопиллаб тургани кўринди. Ҳаммалари бирдан илгари югурдилар. Бир оздан кейин ҳовуз бўйига эришдилар.

Почамир чиқарган «очират» бу ерда кўпдан онгланилган экан. Бундаги одамлар ҳовузнинг тўрт пучмоғида қуйруқ бўлиб, «очират» кутиб туради. Почамир қисқароқ бир қаторга қўшилди. Бир йил, бир ой кутгандан кейин навбат тегди, бир тос сув ичиниб, қатордан чиқди. Олти ой яна чўлиниг у ён-бу ёнига бориб юрди. Жуда ҳам қисилиб қолған эди. Бирдан қараса, катта таёқли малаклар кишиларни сурини бораётирлар. Бу ҳам шуларга қўшилиб юра берди. «Қил кўприк»ка олиб бордилар.

Почамир ҳар ёнга эс қўйиб қаради. Кенг, жуда ҳам кенг бир чуқур: чуқур оловга тўлган, алангаси чиқиб ҳар томонни қизартирадир. Чуқурнинг устида қил кўприк; қилдан ингичка бўлса ҳам ўзи қил эмас, негаким, шунча алангада ёнмай турадир. Кўприк кўб узун бўлгани учун нари ёғи кўринмас эди, бери ёғида эса кўп кишилар, кўб қўйлар ҳамда кўб малаклар аралашиб,

бақиришиб, югуришиб юрарлар. Бир неча киши қўйларга миниб қил кўприкдан ўтиб бормоқда¹⁴. Нечаси қўй устидан, нечаси қўй билан бирга чуқурга юмалаб кетмоқда, бу ёнда малаклар яна кишиларни қўйларга зўрлаб миндириб, қил кўприкка юргузмоқда.

Бу ҳол Почамирини жуда қўрқитди. Нима қилишини билмади. Четроққа бориб, яшириниб турмоқни ўйлади, чуқурдан секингина узоқлашиб, эл орасидан чиқмоқчи бўлди. Бирдан кучли бир қўл елкасидан тутди:

— Рўзиқул, юр! Гал сеники, — деди.

Почамир титради, қараса, қўрқинчли бир малак!

— Нима дейсиз менга?! — деди Почамир.

— Юр, қил кўприкдан ўтасан!

— Мен ўтмасам, шунда қолсам-чи?!

— Бўлмайдир!

— Майли, ундаи бўлса, қўйингиз, бир ютум сув ичиб келай.

— Бўлмайдир, — деб итариб юборди. Почамир йиқила-тура кўприк сари юрди, кўприк бошига келди. Икки малак тезлик билан бир қора қўйни илгари сурдилар:

— Шунга миниб ўт! — дедилар.

Почамир бу ориқ қўйни таниди, 1335 йилда¹⁵ қурбон қилған эди. Қўйни тутган малакка қараб:

— Ака, ўзи нима гап? Сизнинг бир каттангиз йўқми? — деди.

Узун бўйли катта бир малак:

— Нима дейсан? Мана мен катталари, — деди.

Почамир: Булар шу қўйга мени миндиromoқ истайлар.

Малак: Нега минимайсан?

Почамир: Миниб нима қилай?

Малак: Шунга минасан, шул қил кўприкдан ўтасан.

Почамирнинг жуда аччиғи келди:

— А! — деди у, — ман шуни 1335 йилда қурбон қилғанман. Шуни бозордан уйнинг келтиргунча уч киши саккиз соат тиришган эдик. Ҳаммамизнинг жонимиз чиқа ёзган эди. Бу сабил жуда чарс. Катта, тўғри йўлларда юрмас эди. Бу қил кўприк узра ҳеч юра олмайдир. Мени ҳам йиқитадир, ўзи ҳам кетадир.

Малак: - Менга нима? Узинг қурбон қилган қўй-да.

Ҳар ким ўзи қурбон қилган қўйига миниб ўтадир.

Почамир: Мен дунёда тўрт-беш қўй қурбон қилган эдим. Кўб яхшилари бор эди. 1332 йилда бир оқ қўй

сўйған эдим¹⁶. Жуда яхши эди. Шуни келтирсангиз бўлмасми?!

Малак: Йўқ, бўлмайдир!

Почамир: Нечун?!

Малак: Чунки Тангримизга ҳамма қўйларингдан шул қўй қабул бўлган.

Почамир: Нега бу қабул бўлган? Ул қўйлар яхши эдилар-ку.

Малак: Қўйнинг яхши-ёмонлигига Тангрининг иши йўқдир. Сен бу қўйнинг пулни тўғрилик билан топғансан. Ул қўйларингни ҳаром пулдан олгансан.

Почамир: Эй, ука! Сиз бизнинг дунёмизни кўрмага экансиз. Унда тўғрилик билан бир қўй пули топмоқ мумкин эмас. Мен шу сабилни ҳам ҳаром пулдан олган эдим.

Малак: Гапни кўб чўзма, шунга мина бер!

Почамир: Нима дейсан сан, гапни тинглайсаеми, йўқми? Ҳар ким ўз қўйини минса, менинг беш қўйим бор, шуларни келтир, битта яхисига миниб ўтаман. Яхши қўйларимни ўзингиз учун сақлаб, ёмонини бerasизми?

Малак бир оз юмшади, секнилаб гапириди:

— Сен шунга мина бер! Тангри бағишласа, шу билан ҳам ўтасан, — деди.

Почамир: Тўхтанг, ўртоқ!¹⁷ — деди, — шу ишингиз жуда бемаъни бир иш. Шунча кишиларни чарчатиб, тарозида тортингиз, қўлларимизга биттадан паспорт ҳам бердингиз, бизнинг яхши-ёмонлигимизни худди сағанадан бўён сўраб-сўраб англаб олдингиз, энди янадан шунча бечорани қўйга миндириб, қил устида ўйнатмоқнинг жуда мазаси йўқ. Паспортларимизга қараангиз, бунда кашон мудиригининг ҳам қўли бор. Яхши-ёмонларимизни шундан билib олинигиз, ёмонларимизни тўплангиз, оёқларидан кўтариб тамуққа ташлангиз, яхшиларимизни бошқа тузукроқ бир йўлдан ужмоҳфа киргизинг-қўйинг! Сиз ҳам халос, биз ҳам халос!..

Уни қилмас экансиз, менинг шул бен қўйимни келтирингиз! Мен битта яхисини олиб минаман, қолгани яна сизники!

Малаклар кўрдиларким, бўлмайдир, бу кишини сўз билан енгмоқ қўлай эмас. Биттаси бориб, катта оқ бир қўй келтириди. Почамирга қараб:

— Мана бу қалай? — деди.

Почамир қўйни таниди:

— Мана бу ҳам ўз қўйимдир, бу жуда яхшидир, —

деди. Қўйга бот минди, «бисмиллоҳ» деб қил узра юргизди. Қўй ҳам жуда уста бўлиб қолган экан, қил кўпrik устида йўрғалаб бора берди. Почамир кўзларини юмган эди. Кўзини очганда, боши айланниб, қўй устидан ийқилиб кетмоги аниқ эди!...

Кўкиор халталарини, Мункар-Накирни, кашонда «очират» жанжалларини ҳар бирини йигирма йўла эсига келтирди, меҳнатларига куяр эди. Шунча меҳнат қилиб, Мункар-Накирдан, кашондаш, қора қўйдан қутилгандан кейин, қил устида қолғанилигини, бу ерда ҳеч бир турли ҳийланнинг ишга ярамаганлигини кўрар эди.

— Ҳой аттаинг, ҳой!.. Энг сўнг ишим шул қўйга қолди. Шунинг биргина оёғи қилдан тойиб кетса, иш таомом! — деди. — Ҳай, жонновор, ўзинг бир иш қиласанда, — деб ўзини овутар эди.

Қўйнинг бунча тез йўрғалаганидан шошди. Қўй ўзининг оқ қўйи эди, ювошгина бу қўйнинг қил устида бунча ўйноқлаб бормогини ҳеч ўйламаган эди.

Дунёда бир куни кичкина бир ариқнинг кичкина бир кўпригидан ўтганда, шул қўйнинг кўб ҳуркканинида эслади.

— Хўп яхши ўргатган эканлар-да, бечоралар, — деб қўйди.

Почамирнинг эси жойида эди. Ҳар нарсани сабаблари билан, фойдалари билан англаб турар эди. Шундай бўлса ҳам, бир нарсани ҳеч англай олмас эди: бир кишини жанинатга киргизмоқ учун бунча «ташвиш» бермоқнинг сабаби нима? «Ҳар нарсани билгувчи Тангри менинг имоили эканлигимни билмай қолмагандир. Буни билгандан кейин, яна бўши-бўшига мени Мункар-Накир билан қўрқитмоқ, кашонларда саргардон этмоқ, қўйга миндириб қил устида ўйнатмоқ нима учун экан?!» Шуни англамай қолғанига қизир эди, қанча юрганини билгани йўқ, бирдан қўйнинг тўхтаганини сезди:

— Э, вой!.. — деди, — бу киши йўлнинг худди ўртасида чарчаб қолган эсалар, худо урди.

Почамир кўб қўрқди. Қўрқишдан кўзини ҳам очолмай қолди. Юрмоқда, қайтмоқда, тушмоқда мумкин эмас эди. Беш-ён дақиқа шундайгина қолди. Нима қилишини билмай турган чоғида: «Бу нима учун индамай турадир?»—деган бир товуш эшитди. Кўзини очди. Узини кенг бир кўкаламзорда кўрди. Ҳар ким қўйидан тушиб, илгари қараб чопмоқда эди. Узоқроқда ранг-баранг ҳовлиларнинг юқори бўлмалари кўринар эди. Бу ер

учмоҳ эди. Йочамир қўйдан қўнди, илгари қараб юурди, бир оз борғач, катта бир шаҳарга кирди, шаҳар эмас. — боғ, боғ эмас — шаҳар эди.

Гуллар, оғочлар, қушлар, саройлар... Оғочларнинг танаси олтин билан кумушдан, япроғи зумрад тошдан, уйларнинг ҳар бири бир бўлак ёқутдан: оғочлар орасидан, деворлар тагидан кичкина ариқчалар оқиб турадир. Почамир бир ярим йилгача бу шаҳарнинг ҳар ёғида кўчадан-кўчага, қопқадан-қопқага¹⁸ юрди, энг сўнг ёқутдан солинган кичкина бир уйга дуч келди. Қопқасининг устига қаради: «Улуғ Тангри бу уйни ўзининг қули Рўзиқул Отабой ўғлига бағишлаган», — деган бир ёзувни ўқиди.

— Мана, шу бизники экан энди, — деб тўхтади. Ичкаридан жуда чиройли қизлар ва бачалар югуриб чиқдилар. «Марҳамат, тақсир, марҳамат!» — деб, Почамирнинг елкасига ёпишдилар, бошини силадилар, қошини ўпдилар, соқолини сийпадилар. Почамир буларнинг ҳуру ғилмонлар¹⁹ эканини англади. Ҳур-ғилмонлар орасидан буюк бир дабдаба билан юриб ичкарига кирди. Катта бир уйнинг тўрига катта бир тахт қўйилган экан. Почамир тахтга чиқиб ўтирди. Қаршисида кўп қизлар, ўғлонлар қўл қовуштириб турдилар.

— Сиз ҳаммангиз менга қарайсизми?

— Ҳа, тақсир, ҳаммамиз сизники!

— Баччағарлар! Ҳаммангиз менини экансиз-у, бешўнтангиз мени қарши олмоқ учун қил кўприккача чиққандা, ўларми эдингиз? Эсингиз йўқми, шунча хизматчиси бўлган киши ўз уйини ахтармоқ учун бир ярим йил кўчаларда юрсин. Ишми бу?

Почамир жуда чарчаган, оёқлари оғрир эди. Бир оз ухламоқ истади. Бошини ёстиққа қўйди, кўзларини юмди...

Қанча ухлагани белгили эмас. Кўзларини очгац, жуда оч қолганини сезди. Ноnlар, ҳолвалар, қаймоқлар, қовурмалар ҳаммаси ҳозир бўлди. Буларнинг биттасини ҳам ҳалиги хизматчилар келтирмадилар. Улар ўzlари уча-уча келиб, Почамир ёнига қўпдилар. Почамир еб тўйғандан кейин, томоқлар²⁰, ноnлар яна уча-уча кетдилар.

Почамир оқшомгача яна икки йўла томоқ еди, оқшом бўлгач ухлади. Эртаси яна шундай. Кундузлари уч йўла томоқ, кечалари айш-ишрат...

Етти кун шундай яшади, бундан сўнг кўкиори Почамир жуда ишдан чиқди. Бундай яшашдан жуда безиди.

Ўзига бир иш ахтармоқ истади. Ѓнидаги қиз, ўғлонларнинг иккитасини олди:

— Юринг, мени томоша эттириңг! — деб ташқарига чиқди. Боғчанинг ҳар ёғини кўрди. Оғочларнинг тагида тўрт кичкина ариқча ёнма-ён оқиб турар эди. Почамир эгилиб қаради: ариқчаларнинг биттасидан оппоқ сут, биттасидан тиниқ сув, биттасидан бол, биттасидан чоғар оқмоқда эди. Почамир чоғарни кўриб шод бўлди:

— Мана шул майдан кўброқ олиб борайлик, — деди.

Ёнидаги қиз:

— Хўп, оламиз, — деди.

Почамир: Шу кеча бир оз маст бўлайлик.

— Тақсир! Бу май маст қилмайдир-ку!

— Бузилганми?

— Иўқ, бузилган эмас, маст ҳам қилмайдир.

Почамир: Май бўлса, маст қиладир, маст қилмаса, май бўлмайдир.

Бир ўғлон: Тақсир! Бу охират майи²¹ бошқача экан. Биз ҳам шунча ичамиз, маст бўлганимиз йўқ.

Почамир товуш чиқармайин юра берди. Ҳалиги бола сўради:

— Тақсир! Майдан олайликми?

Почамир: Йўқот, нима қиласан уни? Маст қилмай турган майни ким ичадир?

Почамир уйга бормоқ учун, орқасига қайтди. Димоги куйган эди. Яна шул уйга бориб ишсиз ўтиromoқ унга малол келар эди. Ўзига бир иш топмоқни ўйлаб юрар эди. У ён-бу ёнга қарагиси ҳам келмас эди. Тўрт одим нарироқда кўзига бир бута кўкнор кўринди. Шодлигидан сесканиб қўйди. Бирдан шунга қараб югурди. Оёғи остидаги чуқурни кўрмаган экан, оёғи чуқурга тойиб кетди.

— Воҳ! — деб йиқйилди.

Ўзининг «воҳ» деганига уйғониб кетиб кўзини очса, хотини ёстиғи бошида ўтириб, Почамирнинг терларини артадир.

Хотини: Устингизни очмангиз, терлагансиз. Тушингизда бир оз қўрқдингизми? — деди.

Почамир кўрганларнинг тушда эканини билгач, теран бир сўлуш олди.

— Уф, сўрама, хотин. Кўб балоларга учрадим. Яхшиким, туш экан, — деди.

Хотини: Иситманинг шундай тушлари бор, уйғондингиз — битди! — деб Почамирга бир пиёла чой берди.

ДРАМАТИК АСАРЛАР

АБУЛФАЙЗХОН

Иўқеул ўлкасининг тарихидан беш пардали фожиға

К И М С А Л А Р*

А б у л ф а й з х о н¹ — Бухородаги ўзбек хонларининг сўнгги-
си; қирқ-эллик ёшлариңда.

У л ф а т — хонниң хўжасаройи (ҳарам бошлиғи); қирқ-эл-
лик ёшлариңда.

Д авлат т ў қ с о б а — хонниң яқин хизматчилариңдан.

Қ о з и Низом — Бухоронинг қози қалопи. Эллик-олтмиши
ёшлариңда.

Ҳ а к и м б и й — хонниң ишоги, сўнгра оталиғи; эллик-олт-
миш ёшлариңда.

Р а ҳ и м қ ў р ч и — сўнгра тўқсона, сўнгра оталиқ. Ҳаким-
бийшиниг ўели; ўттиз-қирқ ёшлариңда.

М и р В а ф о — Раҳимхонниң ҳукмронлик тарихига бағиш-
ланган «Туҳфат хоний» асарининг муаллифи. Ҳакимбийшиниг
одами, эллик-олтмиши ёшлариңда.

Д он ё л б и й — Ҳакимбийнинг укаси; қирқ-эллик «ёшлариңда.

И б р о ҳ и м и н о қ — сўнгра оталиқ; олтмиш-етмиш ёшла-
риңда.

Т о г а й қ у л б е к — мангит беклариндан.

Х ў ж а К а л о н — машҳур хўжалардан.

О х у н д — Бухоронинг катта мулласи.

Н одир шоҳ — Эрон шоҳи.

Р изоқ у ли х о н — Нодир шоҳнинг ўели.

М и р з о М а ҳ д и — шоҳнинг бош котиби.

А ли қ у ли х о н , Ҳ у с а й и х о н , А ҳ м а д х о н — Эроннинг
қўшуни бошлиқлари.

А б д у м ў м и н х о н — Абулфайзхон ўғли, 15 яшар.

И ў л до ш Э р г а ш — қаландар кийимлик тилчилар, Ҳаким-
бийнинг одамлари.

К о р о в у л л а р, хизматчилар, жаллодлар, чод-
гучилар.

* О скарма : Бундаги воқеаларда биринчи парда билан ик-
кинчи парда орасинда етти йил, иккинчи, учинчи пардалар
билан тўртинчи, бепинчи пардалар орасинда бир йил замон ўт-
кандир. Шунинг учун кимсаларпинг ёшларини ёзганда қирқ-
эллик, олтмиш-етмиш деб ўн йиллик очиқлиқ қолдирилди. —
(Фитрат).

БИРИНЧИ ПАРДА

Кечада Бухоро аркисида Абулғайзхоннинг уйи шоҳона тўшалиб, бозсанган. Ўртада осилган мұхташам «Чил чироғ»нинг бутуни шамлари ёниб турадир. Ўйнинг ўртасинда, кичкина курсцапнинг устиндаги шамдончада ёниб турған шамнинг ойдишлиги остинда Улфат х ўжасарой, Мир Вафодам Қози Низом тахта² ўйнаб туралар. Ташқарида чолиниб турған чолғулар бир оздан кейин секишлишар, сўнгра битар.

Қози Низом. Кишт! (*Бир дона сурар.*)

Мир Вафо. Э... отимиз кетди-ку!

Улфат. Подшоҳи олам эсон бўлсалар, яна от топилар.

Қози Низом. Тангри хоқонимизга эсонлик бергай.

Улфат. Омин (*бир дона сурар*).

Мир Вафо. Шу кечада тушимда хоқонимизни кўрдим, бўз бир отға минган, қўлларинда қилич, йироқларға қараб турғанлар эди.

Қози Низом. Худо хоҳласа, йироқ ерларгача бориб, кўб ўлкаларни оларлар.

Улфат. Нафас муборак, омин.

Мир Вафо. Кишт! (*Бир дона сурар.*)

Қози Низом. Мана, эмди иш қийинлаши!

Ҳаммалари тахтага тикилалар. Абулфа ўзхони ичкари ўйларидан жуда оғир босиб чиқар, ўтирганларга қараб юрар, ҳаммалари туруб қўл қозуштураладар.

Абулфа ўзхони. Қани, ким кучли?

Улфат. Хоқонимизнинг иккала қуллари ҳам яхши ўйнайлар.

Хон. Сен қайси томонда?!

Улфат. Мен хоқонимизни олқаб томоша қилиб турман, ҳеч бир ёққа қўшулғаним йўқ.

Хон қайтиб, катга³ чиқар. Енбошлиб, бир қўлини бошига тиркаб узонар. Кучли бир қайғу остинда эзилиб тургани кўрунадир.

Мир Вафо. Кишт! (*Бир дона сурар. Ўйунчилар сингирланаб, тахтага қарайлар.*)

Хон. Ким ўтди?

Улфат. Мир Вафо қулингиз ўтдилар.

Хон бошини қимирлатур. Ўйунчилар тахта бошиндан туруб, ўйнинг ёски ёқасиндағи кўраларга ўтурадар. Хизматчи кириб, тахтани ҳамда курсича билан шамдонни олиб чиқар.

Х о н (Қози Низомга). Фарҳод оталиқни кўрдингизми?

Қози Низом. Ҳазратимнинг буйруқлари билан бориб кўрган эдим.

Х о н. Нима қилдингиз?

Қози Низом. Оталиқ қулингиз билан узун сўйлашдим, ҳазратим буюрсалар, ҳаммасини арз қиласин.

Х о н. Айтингиз.

Қози Низом. Бордим, кўрушдим, сўйладим: «Сиз хоқонимизнинг энг ишончли қуллари бўласиз. Хоқонимизнинг муборак мижозлариға ёқмайтурған ишлар қиласар эканси. Эрон қўшуни Қаршидан қайтқондан сўнгра, сизнинг юруш-турушингиз бошқача бўлған экан», дедим.

Х о н. «Эрон қўшуни Қаршидан қайтарған ёлғуз сен эмассан», демадингизми?!

Қози Низом. Уни ҳам айтдим. «Нодир шоҳ томонидан юборилған қўшуннинг Қаршидан қайтиши учун сизгина эмас, Ҳакимбий иноқ ҳам кўб тиришдилар», дедим.

Х о н. Нима деди?!

Қози Низом. Оталиқ қулингиз бу сўзимга кулубгина қарадилар. «Эрон қўшуни икки-уч бекнинггина тиришмаги билан юртимиздан чиқмади», дедилар.

М и р В а ф о. Хоқонимиз жуда яхши биладиларким, Нодир шоҳ қўшуннинг тупроғимиздан чекилишига Ҳакимбий иноқ қуллари кўб тиришдилар. Оталиқ шуна кўрмак истамайлар чоғи!

Қози Низом. Оталиқ дейларким, Эрон қўшуни тупроғимиздан биз чиқармадиқ, ўзи чиқди.

Х о н. Нима... Үзими чиқди?!

Қози Низом. Оталиқ қулингиз шундай дейлар: «Эронинг, — дейлар — янги тўп, милтиқлар билан яроқланған қўшуни бизнинг қўшунимизни буза олған бўлса ҳам, ўзбакнинг ботурлигини билғани учун, ҳуркуб тура эди. Бизга ёрдам учун Хива қўшуннинг ҳам Бухороғача келганини эшитғач, бутун қўрқди, усталніқ билан урушни ётқузди-да, қайтиб кетди. Бу ишда меннім-да, Ҳакимбий иноқнинг-да айрича хизматимиз Хива қўшуни Бухороға келганча урушни узатиб турмоқ бўлди. Мен Эрон қўшуни қайтардим деб, катталик қилмаганим каби, хонимиздан ёширунгина Нодир шоҳга элчилар юбориб, хабарлашиб-да турмадим».

Х о н. Ким Нодирға элчи юборған экан?!

Қози Низом. Оталиқ қулингизнинг сўзларига

кўра, Ҳакимбий иноқ шундай қилған бўлсалар керак.

Хон. Ул менга дўст бўлса, нега букунгача қизини юбормайдир?!

Қози Низом. Уни ҳам сўрадим.

Хон. Нима дедингиз?!

Қози Низом. «Молимизни жонимизни хоқони оламнинг муборак оёқларинда қурбон қилмоқ ҳаммамизга лозимдир. Шуни қилмағанда, сultonимизнинг чин қуллари бўла олмаймиз. Сиз шунча кундан бери биттагина қизингизни тортуқ қилмай турасиз», дедим. Оталиқ бу сўзни эшитғац, ёмон қизидилар. «Хонга яхши кўрунмак учун қиз қурбон қилғучилар кўб, шунларнинг қизларини олдира берингиз», дедилар.

Хон. Узи юбормайдир. Юборғанларга сўз ҳам отадир.

Улфат. Ёмоннинг бир қилиғи ортуқ!

Қози Низом. «Биз хон ҳазратлариға ўзимизни қурбон қилдик, эмди номусумизни ҳам истамасунлар», дедилар. Мен айтдимки...

Хон (*сўзини кесиб*). Бас!.. Еган тузлар кўр этсун уни... Кимни тупроқдан кўтариб, курсига чиқарсақ, тезгина бошимизга чиқмоқчи бўладир.

Улфат. Хоқони олам! Унларни яна тупроқға қайтармоқ сизнинг қўлинғиздадир.

Хон. Яхшиким, бунларнинг ўлими қўлимиздадир. Йўқса оз замонда бизни эшак қилиб минмак истайлар!!!

Улфат. Хоқонимизга маълумдирким, подшоҳлиқ қон билан суғорилатурған бир оғочдир. Қон оқиб турмаган ерда бу оғочнинг қуруб қолиши аниқдир.

Хон (*Улфатга*). Тур жойингдан. Тез кет. Беш дақиқадан кейин Фарҳод оталиқ бошини келтурасан. Қандай истасанг, шундай ишла! (*Улфат қўллуқлаб чиқар*.) Мен тинчфина турайин деб, акамни ўлдирдим. Эмди бир-икки бузуқбош чиқиб, меним тинчлиғимни бузмоқ истайлар! Кўяман сизни!

Қози Низом. Хоқони олам! Оталиқ эски бир қулингиздир. Кичкинагина бир эркалик қилғани учун уни ўлдирмак нечук бўлар экан?

Хон (*Қозининг сўзини эшитмагандек бир оз ўйландан сўнг*). Фарҳод оталиқни эски бир қулимми, дедингиз?!

Қози Низом. Ҳазратим каромат қилдилар.

Хон. Фарҳод оталиқ хитой қипчоқнинг бошлиғидир, билмайсизми?!

Қози Низом. Ҳазратим яхши биладирлар.

Хон. Эл бошлиғи бўлған бекларим менга қул бўлмайлар, унлар ўз эллариға тояниб, тулаш менга ёмонлиқ қилмоқчи бўлалар.

Қози Низом. Тавба қилдим!

Хони. Бухорода эл бошлиқлари бўлмаганда, менинчина хонлиқ суро олар эдим. Менин бутун қайгуларим шунлардандири. Отам сотиб олған қуллар мана Улфат билан Давлат. Кўрнигиз-чи, мени чизғани чизиқдан чиқардирларми?

Қози Низом. Албатта, чиқмайлар.

Хон. Эмди кимни оталиқ қилишимиз керак, сиз шуни айтингиз, бошқа гапларни қўяберинг!

Қози Низом. Тангри хоқонимизга эсонлик бергай. Ўзлари яхши биладирлар.

Мир Вафо. Ҳазратим, албатта, яхшироқ биладирлар. Манғитлардан Ҳакимбий иноқ, қалмоқлардан Жинқулибий, кенагаслардан Иброҳимбий қуллари бор.

Хон. Жиянқул бўлмайдир. Ҳакимбий билан Иброҳим кенагасдан биттасини қўярмиз. ...Тўхта, домулло! Менин ёнимда ҳар кун маҳтаб турғанинг Ҳакимбий иноқ Нодир шоҳ билан нечун хабарлашадир?!⁴

Мир Вафо. Бу сўз тўғри бўлмаса керак.

Хон. Боя қозининг Фарҳод оталиқдан келтурган хабарларини эшитмадингми?!

Мир Вафо. Фарҳод бошлиқ ўзининг ўлумини билған бўлса керак. Қутулмоқ учун шундай сўйлагандир.

Хон. Мен бошқа жойлардан ҳам эшитдим, тўғри сўйла!

Мир Вафо. Ҳазратим эсон бўлсунлар. Иноқ қулингиз бундай ишни ўйламаған бўлсалар керак. Менин ҳеч хабарим йўқ. Шуни жуда яхши биламанким, иноқ қулингиз хоқонимизнинг муборак хизматларини ҳар нарсадан ортуқ кўрадирлар.

Хон (ташқарига қараб). Тўқсобани чақир, келсун

Давлат тўқсоба келар

Етишда⁵ кимлар бор?!

Давлат. Иброҳимбий билан Раҳим қўрчи⁶ бор.

Хон. Икковини ҳам олиб кел. Сўнгра бизга базм қилиб бер!

Давлат тўқсоба чиқар.

Мана шул Давлат билан Улфат каби ўнта одамим бўлса эди, Бухорони тинчфина сақлар эдим. Ишнинг йўл-

ларини билалар, теран тушуналар. Ёмонлиқ, ёғийлиқни эса сира ўйламайлар.

Қози Ни зом. Ҳазратим марҳамат қилсалар, ҳамма қуллари ҳам шундай ишлайлар.

Давлат тўқсона чагир билан ишёлаларни киргиздадир. Кетиндан уч ташибурчи, бир рубобчи, икки найчи, бир дафчи⁷, бир-да ўйничи қиз киравлар. Ҳаммалари ўтурғач, базм бопланадир. Давлат уч ишёладаи чагир тарқатадир. Баэм биткач, ўйуячи, чолғучилар қуллуқлаб чиқарлар. Улфат пиёлаларни чиқарар.

Хон (жуда теран бир тушунчадан айрилиб). Раҳим қўрчи, отангиз қалай?

Раҳим қўрчи. Ҳазратимни дуо қилиб турадирлар.

Хон. Яқинда Эрондан сизга қўноқлар келганми?!

Раҳим қўрчи. Ҳазратим каромат қилдилар.

Мир Бағо телбалаандир.

Хон. Қим экан унлар?!

Раҳим қўрчи. Қарши урушинда Эрон қўшуниндан бир-икки киши бизнинг томонга тутулған эдилар. Иноқ отам унларни озод қилған эдилар. Шунлар савдо учун Бухороға келган эканлар. Яхшилиқни унутмаганинни кўрсатгали отамни келиб кўрдилар.

Хон. Тузук... Яхшилиқ, албатта, унтилмайдир. (Бир оз тўхтаб.) Биз Фарҳод оталиққа шунча яхшилиқ қилдиқ, биттасини ҳам билмади. Яна бизға хиёнат қила бошлади. Энг сўнг ўз бошини ейди.

Раҳим қўрчи билап Иброҳимбий шошқин тинглайдилар.

Фарҳод оталиқни ўрундан тушурдик. Ўз жазосини яқинда кўрар. Унинг ўрнинда, Иброҳимбий, сени оталиқ қилдиқ. Раҳим қўрчи, сенга ҳам тўқсобалиқ бердиқ. Иноқ, отанг ҳам яқинда катта меҳрибончилик кўрарлар.

Иккаласи туруб, қуллуқ қилларлар.

Иброҳимбий. Ҳазратимга арзим бор.

Хон. Айт!

Иброҳимбий. Оталиқ ўрини жуда катта ўрун, мен бажара олмайман.

Хон. Нега бажара олмайсан, унинг нимаси бор?!

Иброҳимбий. Фарҳод оталиқ каби, ўткур бир одамнинг бажара олмағани бир ишни мен қандай бажаарман?!

Хон. Нимаси бор, нимани бажара олмайсан?!

Иброҳимбий. Хоқонимизни рози қилмоқ жуда қийин бир иш бўлиб қолған.

Х о н. Нима деганинг бу?!

И б р о ҳ и м б и й. Шул Үлфат билан Давлатни рози қилмасам, сиз қувонмайсиз, бу иккисини рози қилмоқ-да мумкин эмасдир.

Х о н. Девона бўлдингми?!

И б р о ҳ и м б и й. Девона эмас, тўғриман, тўғрилиқнинг девоналиқдан ёмонроқ натижалар берганини биламан. Яна тўғрилиқдан айрила олмайман, хоқоним! Шул икки одам бўлмағанда, сиз Фарҳод оталиқни йўқ қилмоқ фикрига тушмас эдингиз.

Х о н (қизғин.) Сўзни узатма, қабул эт!

**Қози Низом билан Раҳим қўрчи кўзлари билан уни қабул этди-
рарга тиришарлар.**

И б р о ҳ и м б и й. Буйруғингизни қайтармоқ қўлимдан келмайдир, қабул этаман. Бироқ бир кун меним ҳам ўлимимга ҳукм чиқарарсиз, хоқоним!

Х о н. Қабул этдингми?!

И б р о ҳ и м б и й. Қабул этдим.

Х о н. Эмди чиқиб, сақловда ётингиз. Эрта билан ёрлиқларинғиз чиқар.

Иккаласи ҳам дуо қилиб, чиқиб кетарлар. Бувлар чиқғач, Үлфат хўжасаро й қизил ўртуқ⁸ билан ўртулган бир табоқни кўтариб келар, хоннинг олдига қўяр. Ўзи икки одим кейинга бориб, қўл қовуштируб турар.

Оч устини!

**Үлфат ўртукни олар, табоқда Фарҳод оталиқнинг қонга бўйал-
ған оқ соқолли боши қўрунار.**

Х о н (ёввойи кулуш билан). Хо... хо... хо... энг сўнг ўлум... ўлум жанжалимизни битирди. Бутун жанжаларни ўлум битирадир.

У л ф а т. Хоқони олам эсон бўлгайлар.

Х о н. Буни чиқариб, «Чил дұхтарон» қудуғига ташлат. (*Улфат табоқни олиб чиқар.*) Еганлари тузни ўйламағанларнинг жазолари шулдир. (*Қози Низом билан Mir Vafoғa.*) Сизга жавоб эмди.

Қ о з и Н и з о м. Тангри ҳазратимға эсонлик бергай.

Иккови ҳам дуо қилиб, туруб кеталар.

Х о н (ёлғуз). Шул тирикликтан-да бездирилар мени. (*Туруб юрадир.*) Бир душманимнинг қони қурумайин, яна биртаси чиқиб қоладир. Бу Иброҳим аҳмоқ ҳам мени тинч қўймай турғандек кўринадир. Қачонғача ўлдираман бунларни! Ортуқ ҳеч кимнинг менга ишончи

қолмади... Бунларнинг ўзи йўлға келиб, менга душманлиқ қилмоқни ташласа, нима бўлур! Йўқ... йўқ. Бунларнинг ўзи йўлға келмайдир. Ўлдураман, ўлдураман. Дунёда бирта душманим қолмағанча, қон тўкаман. Улфатнинг сўзи тўғри! Подшоҳлиқ қон билан суғорилатурған бир оғочдир. (*Улфатнинг кирганини кўриб, жойига ўтурап*). Кел, Улфат, ўтур. Қандай қилиб ўлдурдинг?!

Улфат (*ўтурап*). Хоқонимизнинг ишлари бор, деб келтурдим. Бир уйга киргуздим. Унда ёшуруниб турған икки киши бирдан чиқиб, ёпишдилар. Бир оз талашғандан сўнг, йиқитиб, бошини кесдилар.

Хон. Ҳеч ким онгламадими?

Улфат. Қимса онглаған эмас.

Хон. Иброҳим кенагасни оталиқ қилмоқчи бўлуб, ўзига сўйладиқ. Унинг ҳам туси бошқача-ку!

Улфат. Нима деди?

Хон. Кўб аҳмоқлиқлар қилди. Сенинг учун ҳам маъносиз сўзлар сўйлади. Ҳаким иноқнинг ўзини оталиқ қилсақ бўлмайдирми?

Улфат. Хоқони олам! Ҳаким иноқнинг Нодир⁹ билан хабарлашиб турғани аниқ. Шу тобда уни (иш) бошига қўйиб бўлмайдир. Шунинг ўзи бўла берсун, тўғрилиқ билан ишласа, турадир. Йўқса, Фарҳод оталиқ изиндан бора қоладир-да!

Хон. Улфат, мен бу ишлардан бездим. Бу одамларнинг биртаси ҳам менга тўғри қарамайдир. Фарҳод оталиқ ёмонлиқ қилди. Ҳаким иноқнинг қилған ишларни кўруб турубсан. Иброҳимни одам деб ўйласам, бу ҳам бузуққа ўхшайдир. Қон тўқмакдан-да бездим. Акамни ўлдурдим. Кўб дўстларимни ўлдурдим. Мени бир ота каби асраған Фарҳод оталиқни (нг) бошини оёқлар остинда кўрдим. (*Кўзларини тутиб.*) Уф... кўзларим қонға тўлди. Кечалар ухлай олмайман. Кўзларимни юмғач, бутун ўлғанлар, ўлдурғанларим мени айлантуруб олалар, сираланиб, ёнимдан ўталар. Мени кўрқуталар, менга кулалар!..

Улфат. Хоқоним, бунларни ўйламангиз. Ўлукларни эсингиздан чиқарингиз. Ётоққа киргач, Қуръондан бир оят ўқуб ётингиз. Бунлар ҳаммаси ўтғусидир. Яқинда душманларингизнинг ҳаммасини битиравмиз. Ҳозир эмди бошқа ишларимизни кўрайлик.

Хон. Яна нима иш?

Улфат. Фарҳод оталиқнинг қизини келтурайликми?

Хон. Эрта билан киши юборурсан. Мен эмди чарчадим, бир оз ухлайнин. Сен ҳам кет, ишларингни кўр.

Биртасини юбор, чопонимни олсун. Танбурчиларға айт, икки танбурни камонча қилиб бир «Хусайнний»¹⁰ чолсунлар.

Ул фат. Хўб бўлубтур.

Улфат чиқар. Хон салла, чопонини чиқара бошлар. Хизматчи келиб, хоннинг салла, чопонини олиб, бир четга қўяр. Хоннинг кеча кулоҳини бериб, шамлариг ўчуруб чиқар. Хон кулоҳини кийиб, ётоқда узапиб ётар. Ташибарида икки камончилишг «Хусайнний» чолғани эшигилар. Чолги секинланиб битганда, хон ухлаган бўлур. Бир оз сўнгра хоннинг ўлдурлиганининг хаёли қонли кафас билан кўринадир.

Хон. (тушинда.) Акам... Нечун келди... Бўғдурулғани, арқон бўйининг тақимлани ҳолда чиройли бир хотуннинг хаёли келар. Йўқол... кет... (Хотун хаёли хонни бўғардек, үнга қараб юар. Хон талваса қилас.) Кет... кет!... (Бир йигит хаёли Фарҳод оталиқнинг босини олиб келар, Хонга яқинлашар.) Йўқол... келма... Йўқол... келма... (Хаёл чекилар. Ундан сўнг учала хаёл биргалашиб, хонга ҳужум қиласлар. Хон кучли талваса билан қичқирап.) Вой... Урма! (Ўз товушиндан уйғониб, иргиб туар.)

Товушни эшигтан Давлат тўқсоба бир шамдоңчалини кўтариб, югуриб кирад.

Давлат. Ҳазратим қўрқидиларми?!

Хон (тиграб тургани ҳолда). Бир оз қўрқдим чоги! Шамни қўйиб кет. Сув тайёрланг, тарат¹¹ қиласман. (Давлат тўқсоба шамни қўйиб кетар. Хон ётоқдан тушиб, чопонини кияр ҳам сўйлар.) Бунлар у дунёда ҳам менга қаршу бирлашғанға ўхшайлар. Мени тинч қўймайлар, чоги! (Шамни олиб, бошқа ўйларға боратурған эшикдан чиқиб кетар).

Парда тушар

ИККИНЧИ ПАРДА

Ойдинли бир кечада Ҳакимбийнинг ҳовлиси. Теразисиз эшиклариг ташқарига очиляған бир ўйниг олдинда узун бир сұфа. Сұфа бўйинча уауз бир қалин¹² ёшилған. Кўркамлик қўрсалар тўшалган. Тўрда пакана қурли бир кат устпидан ётоқ тайёрланган. Ўртадағи буюк шамдоңда шам ёнадир. Деворға бир қалқон, бир қилич, бир-да Жазойир милтиғи осилған. Ҳакимбий ёлғуз, юруб сўйлайдир.

Ҳакимбий (тот устидан кўрулган минорга қараб). Ўлум миноридир бу! Бунинг кўлкасинда яшағанлар ўлумдан қўрқмайлар. Бу узун минор охиратнинг энг қисқа йўли бўлуб қолди. Минор, Чил дўхтарон, Каллахона, Обхона, зиндан... ўлим... Бунларнинг ҳеч биртасинда мени йўлимдан қайтарарлиқ куч йўқдир. Етоқ ўлумида ўлум, зиндан ўлумнида ўлумдир. Иккавиндан-да қўрқмам. Абулфайзхон хонлиғи Нодир шоҳнинг сёғлари остинда жон бераётқанда, ўз улушимиизни олмоқ керак. Шуни олармиз. Шу кеча Чоржўйдан ўғлум қайтадир. эрта Нодир шоҳ қўшуни босиб келадир. Шу кеча билан эрта курашимизнинг сўнг дақиқаларидир. (*Мир Вафо инг келганини кўрмай.*) Бу одамлар қаёққа кетдилар. Курашнинг сўнг дақиқаларини била туруб, ҳалигача келмайлар.

Мир Вафо. Келдик, бек!

Ҳакимбий. Нима гап?

Мир Вафо. Курашнинг сўнг дақиқасини билғанимиз учун ҳаммамиз югура, чопа ишламоқдамиз.

Ҳакимбий. Эрта Нодиршоҳ қўшунининг келиш хабарини оларсиз.

Мир Вафо. Биламиз!

Ҳакимбий. Нималар қилдингиз?

Мир Вафо. Одамларимни ҳар томонга ерлаштурдим¹³.

Ҳакимбий деворга осилған мильтиқ билан ўйнаб тилглайдир.

Шу кеча Бухорода чибин учса, менга хабари келадир. Қўрулғуси кишиларни ҳам кўрдим. Жуборға¹⁴ бориб Хўжа Калон билан кўришдим. Бутун фикринингизга қўшулдилар. Ўзлари ҳам Қози Низом билан сизга келадирлар. Ҳон томонида икки-уч муллалардан бошқа киши қолмади. Қози Низом бизга қўшулғач, унларнингда бир чақалиқ баҳоси қолмас.

Ҳакимбий. Аркда нималар бор?

Мир Вафо. Арқ ўзининг ўйни-кулгусига берилған, ичинб ётған эди. Бироқ Раҳим тўқсобани Чоржўйга юборишининг хонининг мазасини қочирған. Раҳим тўқсобани йўлда йўқ этмак учун, Форобгача кинилар юбордилар. Бу ишнинг битганини хабар олғач, бизга ҳам ҳужум қилиб, сизни тутуб қамагандан сўнг, ўзлари Нодир шоҳга қаршу чиқиб, урушар эканлар.

Ҳакимбий. Бу пилоналарнинг замони ўткан эмди. Раҳим тўқсоба-да, мен-да унларнинг тузоқлариға тушмаймиз.

Тоғайқулбек билан Донёлбий келарлар.

Хўш, иккингиз бирда келдингиз? (*Салом беришарлар*).

Тоғайқулбек. Келмайликми?

Ҳакимбий. Ёмон бир туш кўрган бўлгайсиз.

Тоғайқулбек. Кўрдик, кўрдик.

Ҳакимбий. Қани ўтурингиз. Тушингизни эшитайлик.

Ҳаммалари ўтуарлар.

Тоғайқулбек. Мен эмас, бу киши кўрганлар. (*Кулар*)

Донёлбий. Қулушни қўйинг, гапга келинг!

Ҳакимбий. Қани гапирингизчи!

Донёлбий. Ака, шу Нодир шоҳ деганингиз одам ҳар кун Бухороға нечун келадир¹⁵.

Ҳакимбий (*жилмайиб*). Нодир шоҳ эмди келадир. Бундан бурун келган унинг ўғли эди.

Донёлбий. Нечун келадир?

Ҳакимбий. Бухорони олмоқ истайдир.

Донёлбий. Раҳим тўқсона қани?

Ҳакимбий. Чоржўйға борди.

Донёлбий. Нечун?

Ҳакимбий. Нодир шоҳнинг фикрини онглаб келсун деб, мен юбордим.

Донёлбий. Хондан сўрадингизми?

Ҳакимбий. Хонимиз Нодир шоҳ билан урушмоқчи бўлуб туралар. Мен душманларнинг фикрини ҳам кучини онглаб келмак учун ўғлумни юбордим, буни сўрамоқ керакми?

Донёлбий. Шуни хондан сўраб юборса эдингиз, яхши бўлар эди.

Ҳакимбий. Хоннинг оталиғи бўла туруб, шунча ишни ўзим қила олмайманми?

Донёлбий. Сизнинг тилингиз остинда бир нарса бор, айтмай турасиз. Нима қилмоқчисиз, нима истайсиз? Тўппа-тўғри айта берингиз. Бутун Бухоро сизнинг сўзингиздан тўлуб қолди!

Ҳакимбий. Ўка! Эрон қўшуни билан Қаршида урушғанимиздан кейин, унинг кучли бир қўшун эканини онгладим-да, Нодир шоҳ билан дўстлик йўлини очдим, хабарлашиб турдим. Сиз шул чоғларда бу ишни сезгандек бўлдингиз, бироқ сизга бу иш ёқмаған эди, мен шу кундан бошлаб, Нодир шоҳ билан дўстликни узмаганман.

Донёлбий. Нечун шундай қилдингиз?

Ҳакимбий. Нодир қўшунининг Қаршидан чекилгани бир ўйун эди. Мен буни сезган эдим. Ҳиндистонни олған бир қўшуннинг Қаршидан чекилиши учун, бундан бошқа маъно бермак тўғри эмас эди. Мен Эрон қўшунининг иккинчи йўла устимизға юрғусини кўрган каби бўлуб эдим. Шунинг учун Нодир билан дўстлашарға тиришдим, ҳам дўстлашдим.

Донёлбий. Бунинг нима фойдаси бор?!

Ҳакимбий. Нима фойдаси бўлар эди. Мана Нодир шоҳ яна келди. Бироқ бурунғи каби эмас. Хон кучсиз, у кучли. Хонға душман, менга дўст бўлуб келди.

Донёлбий. Бу ишингиз билан хонға хиёнат қилған бўлмайсизми?!

Ҳакимбий. Қайси хонға?

Донёлбий. Абулфайзхонға.

Ҳакимбий. Ука, хонингизнинг қилған ишларини бир ўйлаб кўрингиз: отамиз билан келишиб, Фарҳод оталиқ каби бекларнинг ёрдами билан акасини ўлдуруб, хон бўлди. Тахтга минғач, бошлаб отамизни Эронға қочирди. Ўзига ёрдам этган бекларни бирта-бирта ўлдуруб битирди. Энг сўнг Фарҳод оталиқни ҳам ўлдуруб, қизини олди. Мени ранжитмак учун, буюк дабдаба билан Иброҳим кенагасни оталиқ қилди. Яна уни ўлдирмоқчи бўлуб, қочирди. Иброҳим кенагас Карманага бориб, қўшун йигди. Бухороға юруш қилди. Мен хон томониндан чиқиб, Иброҳим иноқ билан олти-етти йил урушдим. Бу кун эса меним ўзимға душман бўлиб қолибdir. Нодир шоҳ билан дўстлашғанда, биз мана шу кишига хиёнат қилганми бўлдиқ эмди?!

Донёлбий. Мана шул фикрларингизни хоннинг ўзи онглаған.

Ҳакимбий. Онглай берсунлар. Дунёда ҳар ким бир кун ўлғусини биладир. Бир чораси борми?

Донёлбий. Йўқ.

Ҳакимбий. Чораси бўлмағач, уни билмакдан нима фойда? Биз яхшилиқ қилмоқ билан аркнинг ёмонлигиндан қутулар эдик, деб ўйламангиз. Унларнинг кўнглида ёмонлиқ йилон оғзинда оғу каби ерлашиб қолған, ювмоқ билан кетмайдир. Парвоначига нима қилдилар. Уни шу минордан ташлағанларини ҳеч ким унумтағандир.

Мир Вафо. Кўзларимнинг худди ичинда турибдир-а. Олтмиш икки олчин юқоридан келиб, ерга туш-

ганды, сүякларининг шарқиллаб синган товуши қулоқ-ларидан кетмайдыр.

Тоғай қулбек. Ҳай, эмди биз нима қиласми?

Ҳаким бий. Мана шуни сўрангиз мендан.

Донёлбий. Айтинг-чи?

Ҳаким бий. Эрон қўшуни эрта Бухорога қараб юрса керак. Нодир шоҳни дўстлик билан қарши олсак, Бухорони қутқарармиз, бўлмаса Эрон қўшуни кулимизни кўкга учурадир. Мен бутун борлигим билан тиришурманким, хонимиз Нодир шоҳ билан урушгали чиқа олмасун. Тилагимга эришаёздим. Эмди шу кечада ҳам ишни шундай сақлай олсак, айтканимиз бўладир.

Донёлбий. (келганларни кўруб). Мана, эшонлар ҳам келдилар. Бунлар онгласа, майлими?

Ҳаким бий. Мен ўзим бунларни чақирдим. Шу ишни онглатаман.

Хўжа Калон билан Қози Низом келарлар. Ҳаммаларн туруб саломлашкандан сўнг, ўтуарлар.

Хўжа Калон. Бу кун Мир Вафо билан кўрушкан эдим. Бир неча сўзлар айтдилар, шунлар тўгрисинда ўзингиз билан сўйлашмак учун келдик.

Ҳаким бий. Жуда яхши қилдингиз, тақсир. Ўзим ҳам сизларни кутуб турған эдим.

Хўжа Калон. Эрон қўшуни Чоржўйдан ўтдими?

Ҳаким бий. Шу кун ўткан бўлса керак. Ҳануз хабар йўқ.

Қози Низом. Бунларнинг келишидан уламо, машоийхга зиён тегмайдирми?

Ҳаким бий. Тўғри ҳаракат қилсак, ҳеч кимга зиён тегмайдир. Янгилиш бир иш қилинса, ҳаммамизнинг кулимизни кўкка учурурлар.

Хўжа Калон (елкасини тутуб). Тангри ўзи сақлагай, тавба қилдим, худоё. Нима қилмоқ керак, тақсир?!

Ҳаким бий. Хонимиз Нодир шоҳ билан урушмоқ истайлар. Бутун дунёни титратган бир кишига қаршу уруши очмоқ учун бизда куч бўлмаганини онгламайлар. Мен урушмоқни қабул қилмай турубман. Бироқ менинг сўзимни тингламайлар. Меним фикрим шудир: ҳаммамиз биргалашиб, Нодир шоҳни қаршу оламиз. Ҳон ҳам биз билан борсунлар, Нодир шоҳ билан кўрушганда, Бухоро хонлигини тортуқ қилсанлар. Шоҳ мамнун бўладир. Хоплиқни ўзларига бағишлаб, тутуб кетадир. Ўлкамизни шундай қилиб буюк бир балодан қутқарған бўлармиз. Бундай қилмасак, «не бўлмасун,

ўрушамиз», деб чиқсақ, биринчи учрашинда енгиламиз.
Элимизнинг бор-йўқи таланиб битадир.

Қози Низом. Бу фикрингиз жуда яхши. Буни хонга онглатмоқ керак.

Хўжа Калон. Истасангиз, биз шу тобда аркка бориб, хон билан кўрушамиз.

Ҳаким бий. Албатта, шундай қилингиз.

Бир хизматчи югуриб келар.

Хизматчи. Тақсир, тўқсона келдилар.

Ҳаким бий. Қани?

Хизматчи. Мана, кўчада отдан қўнуб туралар.

Ҳаким бий. Кўрайлик-а?

Ҳаммалари туруб, Раҳим тўқсобани қаршу олғали чиқарлар.

Саҳна бир оз бўш қолар, сўнгра товушлар келар.

Раҳим тўқсона товуши. Ота, ҳаммаларингиз яхшими?

Ҳаким бий товуши. Шукур, ўғлим. (*Саҳнада кўрүнур*.) Сени кутуб турған эдик.

Раҳим тўқсона билан боянилар келиб ўтуралар.

Қани, ўғлум, сафаринг қандай ўтди?

Раҳим тўқсона. Қўб яхши ўтди. Шоҳни кўрдим. Мен билан кўб яхши кўрушдилар. Бухоронинг муллалари, бекларини сўрадилар. «Биз сизга қўноқ бўлиб келдик. Қўноқга душманлиқ кўрсатмасангиз керак», дедилар.

Ҳаким бий. Эрон қўшуни кўбми?

Раҳим тўқсона. Уни сўрамангиз, ота! Бундай кучли қўшунни умримизда кўрмадик. Тўплар, милтиқлар, филлар билан ерни титратиб келадир. Менга қўшунларини кўрсатдилар. Келар чоғимда яна шоҳнинг олдиға кирдим. «Биз Бухороға қўноқ бўлиб келдик. Ўлкангиз менга керак эмас. Хонингиз, эл-улусингиз мени дўстларча қаршу олсалар, тўрт-беш кун туруб қайтиб кетарман. Емонлиқ, душманлиқ кўрсатсалар, кулларини кўкга учурарман», дедилар.

Муллалар бир-бирларига қараб, боғларипи қимирлатурлар. Шу тобда қопқу томонда икки қала идар товуши келар. Ҳаммалари тинглайлар. Қаландар товушлари:

Дунё, дунё, сен дунё-е,
Кимга вафо қилассан, эй!
Дунё, дунё, сен дунё-е,

Дунё, кўб тез юарсан!
Дунё, дунё...

Бири оқ соқол, бири ўрта ёшли икки қаландар суға остига
келиб туралар.

Элни қаён сурарсан!
Дунё, дунё...
Кўб тез юрма, бир оз тур!
Дунё, дунё...
Йўлингни бир қараб кўр!
Дунё, дунё...

Қаландарлар, ўқуб бўлгач, қўлларини кенг очиб, «давлат барқа-
рор» деб дуо қиларлар.

Ҳаким бий (қўйини киссага узатиб.) Кел, бобо!
(Буюк қаландар югуриб, суфага чиқар. Бошқалар кис-
салариндан пул чиқарарлар.) Бобо, сен қаердан?

Қаландар. Биз Балхдан келамиз. (Пулни олған-
да, Ҳакимбийнинг қулоғига сўйлар). Бу кеча аркдан
сизни чақираплар, кетманг, уйингизни босарлар, тай-
ёрлик кўринг. (Дуо қилиб, бошқаларнинг-да пулларини
ола берар. Раҳим тўқсобабаға келгач, унга бир оз эс
қўюб қарағандан сўнг, пулини олиб суйлар.) Бек йигит,
сенинг бошингға давлат қуши қўнған. Манглайнингда
катта бир юлдуз ёшнаб турадир. Яхшилиқ қил, танг-
римиз яқинда сенга улуғ бир ўрун берадир. (Ҳакимбий-
дан бошқалари бир-бирлариға қарайлар. Қаландар
Ҳакимбийга сўйлар.) Бек, биз шаҳрингизға шу кун кел-
дик. Ётогимиз, жойимиз йўқ. Шул давлатхонадан бизга
бир жой кўрсатилса, шу кеча ухлаб олайлиқ.

Ҳаким бий. Хўб бобо. (Хизматчини чақирап.) О,
бала! (Хизматчи келар.) Бунларга бу кеча жой беринг,
ётсунлар, Томоқ ҳам беринг.

Қаландарлар дуо қилиб, хизматчи билан кетарлар).

Донёлбий. Валийға ўхшайдир! О...

Хўжа Калон. Каромат қилиб гапурадир, валий
экан.

Улфат хўжасарой салом бериб келадир.

Ҳаким бий. Ваалейкум ассалом. Қелинг, тақсири!
(Улфаг ўтурууб дуо қилгандан сўнг, салласиндан хон-
нинг муборак номасини олиб, Ҳакимбийга берадир.
Ҳакимбий жойидан түруб, хатни олиб, ўпуб, кўзлариги
суртуб очиб ўқур.) «Давлатхоҳимиз оталиқға маълум

бўлгайким, Эрон қўшунининг тупроқимизга киргани тўғрисинда сиз билан кенгашмак истаймиз. Раҳим тўқ-соба ўғлимиз билан давлатхонамизга келгайсиз». (*Хатни қатлаб, ўпуб, салласига қўйғандан сўнг, Ўл-фатга сўйлар.*) Хўб бўлубдир. Бориб хоқонимизга арзимизни еткуринг, ўғлум Раҳим тўқсоба Эрон қўшуниндан хабар олмоқ учун Чоржўйга борған эди. Шу тобда келди. Бу кеча бунинг хабарларини олай, ўзим ҳам тузукроқ ўйлаб кўрай. Эрта билан иккаламиз саломға борармиз.

Ул фат. Хўи бўлубдир. (*Туриб кетар.*)

Донёлбий. Ака, борсангиз бўлмасми?

Ҳакимбий. Эрта борамиз.

Хўжа Калон, Қози Низом (*турмоқчи бўлуб*). Ҳай, тақсир, биз кетайлик эмди.

Ҳакимбий. Кетасизми, тақсирлар? (*Жойлариндан турарлар.*) Ҳай, хонни тезрак кўруб, гапурсангиз яхши бўлур эди. Нодир шоҳ билан урушмоқчи бўлсалар, ҳаммамиз хароб бўлармиз.

Хўжа Калон. Хўб, хўб.

Қози Низом. Албатта, айтамиз. Ҳай, хўш (*Кетарлар.*)

Ҳакимбий уларни узатиб қайтгач, ўтурмай гапурадир.

Ҳакимбий. (Донёлбий билан *Тоғайқулға*). Хоннинг бу кеча мени чақириши хийла эди. Мен бормағач, шу тобда уйимни босмоқ учун келсалар керак. Бироқ мен уларнинг тузоғина тушмайман. Тайёрлиғим кўрулган. Ўттуз мерганим Мир араб мадрасасинда турадирлар, сиз иккингиз ҳам шунга борнингиз. Ҳар томонға қоровул қўйингиз. Ғегистон томонидан ҳеч кимни бу томонға ўткармангиз. Бирта-иккита тилчи юборсалар майли, бир қоровул билан менга юборасиз.

Донёлбий билан Тоғайқул бек «хўб» деб кетарлар.

Раҳим тўқсоба. Мен ҳам борайми?

Ҳакимбий. Йўқ, сен қол. (*Mир Вафога.*) Қаландарларни келтурингиз! (*Mир Вафо кетар.*) Қани, ўғлим, Эрон қўшуни қачон келар?!?

Раҳим тўқсоба. Мендан тўрт-беш соат сўнгра Амударёдан ўтмоқчи эди. Эрта Бухороға яқинлашса керак.

Ҳакимбий. Шоҳ сени кўрганда, бизга берган ваъдасиндан сўз очдими, йўқми?

Раҳимбий. Йўқ, у тўғринда гапурмади, сизларга катта меҳрибончиликлар қиласиз, деб қўйди.

Мир Вафо қаландарларни олиб келар.

Ҳаким бий (унларни кўргач кулар). Хо... хо... хо...
худди қаландарларға ўхшайлар-а. Афтингизни тузатин-
гиз!

Қаландарлар ясама соч-соқолларни оларлар. Ҳакимбийнинг
ўз кишилари Ўлдош билан Эргаш экашлари билинадир.

Гапурингиз, қани?

Ўлдош. Сизни аркка чақириб киши юбордилар-
ми?

Ҳаким бий. Юбордилар. Мең кетмадим.

Ўлдош. Бек! Кетмаган бўлсангиз, шу тобда уйни
босарлар.

Ҳаким бий. Боса олмайлар. Чораси кўрулган. Бош-
қа нима хабарларинг бор?

Ўлдош. Мен икки кундан бери аркда эдим. Хон
жуда умидсизланган. Ҳеч ёқдан ёрдам хабари йўқ. Уз-
ларининг кучсизликларини очиқ онглағанлар эмди. Би-
роқ шуларнинг ҳаммасини сиздан билалар. Шунинг
учун Нодиршоҳ келмасдан бурун, сизни йўқ қилмоқ
йўлларини ахтариб туралар.

Ҳаким бий (Эргашга). Сен нима қилдинг?!

Эргаш. Мен Қарминагача бордим. Ҳаммани кўр-
дим, хатларни бердим, сўзларингизни айтдим. Эл ора-
сиға кирдим, керак бўлған сўзларни тарқатдим. Элнинг
сизга қараши яхши, Нодиршоҳ билан урушмоқни ҳеч
ким истамайдир...

Бир милтиқ товупти чиқар. Мир Вафо сесканар.

Ҳаким бий (Раҳим тўқсобага). Сен одамларинг
билан яроқланиб томға чиқ. (Қаландарларни кўрсатиб.)
Бунларга ҳам яроқ бер, сен билан юрсуналар. Томда
турунгиз, кучлаб кела берсалар, отишнингиз. (Раҳим
тўқсона қаландарларни олиб кетар.) Мир Вафо, мил-
тиқдан қўрқдингизми?!

Мир Вафо. Йўқ-эй... Бир парсани ўйлаб турган
еканманми, бирдан сесканни юбордим! (Яна бир мил-
тиқ товуши чиқар, Мир Вафо яна сесканар.)

Ҳаким бий (кулуб). Бу кеча қўрқмангиз! Қанча
кучласалар ҳам, бизни боса олмайлар. Эртағача оти-
шармиз. Эрта бўлғач, отланиб чиқармиз-да, Эрон қў-
шунига бориб қўшулармиз. (Хизматчини чақирад.) О
бола! (Хизматчи келар.) Отларни эгарлаб қўйсунлар.
(Хизматчи кетар. Ҳакимбий фўтасини белига ўраб, қи-

личини девордан олиб тақар экан, сўйлар.) Хоннинг ақли йўқолған. Менинг уйимга ҳужум қилиб киришга кучи йўқ экан, Нодиршоҳ билан урушмоқчи бўладир.

Раҳим тўқсоба югурб келар.

Раҳим тўқсоба. Улфат хўжасарой келди.

Ҳаким бий. Келтурингиз. (Раҳим тўқсоба югурб чиқар. Ҳакимбий юруб сўйлар.) Яна шуни юборди. Орамизни бузған одамнинг Улфат бўлғанини била туруб, яна шундай қиладир. Шу ақл билан хон бўлуб турмоқ истайдир. (Раҳим тўқсоба Улфатни келтирас. Улфат салом берар.) Нечун келдингиз?!

Улфат. Менинг хон юбордилар. Буюрдиларким: «Бориб, оталиқقا айтингиз. Биз муборакнома ёзиб, у кишини ёнимизга чақирдиқ, келмадилар. Үзимиз уйлариға бориб кўришмак учун чиқдиқ, одамлари бизни милтиқ билан қаршу олдилар. Бунинг сабаби нима? Эрон қўшуни босиб кела турубдур. Унга қаршу нима қилмоқчи бўлсақ, кенгашиб қиласмиз. Оталиқ бизга кенгашиб берарларми, йўқми?!»

Ҳаким бий. Биз шу ўлканинг яхшилигиндан бошқа нарса истамаймиз. Нодиршоҳга қаршу чиқиб урушмоқ учун кучимиз йўқдир. Хоннинг буйруқлари аркдан Мираабгача юрмайдир. Эрон қўшуни билан қандай урушарлар?

Улфат. Бек! Сўзингиз тўғри. Қўйингиз, хон келсунлар, мана шу сўзларингизни ўзларига айтингиз!

Ҳаким бий. Хон ҳам келмасунлар, биз ҳам бормаймиз. Бориб айтинг, мен билан кенгашибмоқчи бўлсалар, тўшина-тўғри Жуборға бориб, Ҳўжа Қалоннинг уйларига қўнсунлар. Элинг катталарини чақирсунлар. Мен ҳам борарман, шунда кенгашибмиз.

Улфат. Қачон борарсиз?

Ҳаким бий. Сиз шу тобда хонни олиб борингиз, мен ҳам борарман. (Улфат «хўб» деб, Раҳим тўқсоба билан чиқар. Ҳакимбий Мир Вафога сўйлар.) Сиз бунларнинг орқасиндан киши юборинг. Ҳўжа Қалоннинг уйлариға кирганларини кўруб келсун, сўнгра биз ҳам борармиз. Ўзингиз бизнинг бекларга хабар беринг, Жуборға бора берсунлар!

Мир Вафо. Ҳўп бўлубдир.

Иккилари ҳам чиқарлар.

Парда тушар.

УЧИНЧИ ПАРДА

Бухорога яқин «Ғози обод» қишлоғига қўнған Эрон қўшуни орасинида Нодиршоҳнинг чодири дабдабали безангани. Чодир ичинда Нодиршоҳ ўз тахтинида ўтурган. Ёнинда кичкина бир тахт бўш турадир. Тубандада Нодир шоҳнинг ўғли Ризоқ улихони, Эрон қўшуни бошлиқлариндан Алиқулихон ўтурулар. Чодиринаг иккни ётинда ялалг қилич қоровуллар кезмакда.

Нодиршоҳ (*Rizoquliga*). Кимдан эшиздинг?

Ризоқули. Юборғаним элчилардан биртаси келган, шул сўйлади. Туно кун Бухорода бир оз тинчсизлиқ бўлаётган экан. Ҳакимбий ўғлини бизга юборғандан сўнг, Абулфайзхон қўрқа бошлиған. Кечаси Ҳакимбийнинг уйини босиб, уни тутмоқчи бўлган. Ҳакимбийнинг одамлари унга миљтиқ отқонлар. Ҳон қўрқуб, қайтган. Жуборға борған, шунда бир хўжанинг уйинда мажлис қилғаплар. Ҳакимбийнинг ўзи ҳам шунда бўлган, ҳаммалари бир оғиздан хонға гапурғаплар. Бу кун ҳаммалари хонни олиб, бизга келар эканлар.

Нодиршоҳ. Кўрдингми, ўғлум! Ҳар ўлкани урушуб олмоқ сиёsat эмас. Уруш чораларининг энг сўнгғисидир. Бир ўлкани олмоқ учун энг яхши чора шул ўлканинг ўзиндан дўстлар топмоқ, шуларни ишлатмайдир. Сен Қаршидағи урушни тўхтатмаса эдинг, у вақт Бухороға кўмак учун Хива қўшуни стиб келар эди. Иш қийинлашиб қолар эди. Қаршидан қайтганингдан бу кунгача биз тиришдик, Ҳакимбийни қўлға олдиқ. Унинг қўли билан Бухорони Хивадан узоқлаштиридик. Бухоро бу кун бизники. Эрта Хивани ҳам ёлғузгина ёқалаб, бўғушимииз қулай бўлди.

Мирзо Маҳди келар.

Мирзо Маҳди. Шоҳим! Абулфайзхон яқинлашадир. Мен уни қаршу олмоқ учун бир қўл аскар чиқардим.

Нодиршоҳ (*Rizoquli bilan Aliquliga*). Сиз ҳам чиқиб, хонни қаршу олингиз. Ўғлум, сен¹хонни кўргач, отдан қўнуб, яёв бор. Қучоқлаб кўруш, йўлдошларига ҳам ҳурмат кўрсат. (*Mirzo Maҳdigfa*.) Ўтурингиз!

Мирзо Маҳди ўтурар, Ризоқули билан Алиқуля чиқиб кетарлар.

Нодиршоҳ (*Mirzo Maҳdigfa*). Ҳакимбий яхши, яхши ишлади.

Мирзо Маҳди. Кўб яхши ишлади, шоҳим!

Нодиршоҳ. Биласизми, Ҳаким биздан нима истайдир.

Мирзо Маҳди. Билмайман, шоҳим. Албатта, шоҳона эҳсонингиздан ҳар нима истаса, умидсиз қолмас.

Нодиршоҳ. Бухоро хонлиғини ўғлиға беришимиз истайдир.

Мирзо Маҳди. Улуғ подшоларға хизмат қилгандар умидсиз қайтмаслар, деб ўйлайман.

Нодиршоҳ. Биз ҳам бунга қаршу эмасмиз. Бироқ шу кун бу ишни қилиш тӯғри эмас. Эл аро шовқун соладир. Сиз Ҳакимбий билан сўйлашингиз. Бухоро хонлиғини унинг ўғлиға берармиз. Бироқ сўнграроқ бўлсун. Хива маъсаласини ҳам битирғанимиздан сўнг бўлсун. Бу куниг энг ярарлиқ сискат Абулфайзхонини мамнун қилиб қайтармоқдир.

Ризоқулихон келар.

Ризоқули. Абулфайзхон келдилар.

Нодиршоҳ. Келсунлар.

Ризоқулихон чиқар. Шоҳ таҳтдан энар, эшикгача юргач, Абулфайзхон, Ҳакимбий, Ҳўжа Каён, Қози Низом, Улфат Ҳўжасарой, Ризоқулихон, Алиқулихон келарлар. Абулфайзхон билан Нодиршоҳ қучоқлашиб кўришурлар, Нодир шоҳ Абулфайзхонни қўлтуғиндан олиб, таҳтга чиқарар. Ӯзи ҳам таҳтига чиқар, ҳаммалари ўтиарлар. Шоҳ билан хон ҳол сўрашуб, жойларидан туруб, бир-бирадарига қуллуқлаб, ўтуарлар.

Нодиршоҳ (қўноқларға). Бухорои шарифнинг улуғлари, хуш келдингиз!

Ҳаммалари туруб, қуллуқ қиларлар.

Улфат. Шаҳаншоҳ ҳазратларининг муборак ҳузурлариға келган хоқонимиз бир замонлар дунёни титратган Чинғизхонининг авлодиндан эрурлар. Туркистоннинг бутун хонлари, беклари хоқонимизга бўйунсуздирлар. Жонларини, молларини аямайлар. Шундай бўлса ҳам, хоқонимиз, эл-улуснинг тинчлиғини истағанлари учун, қўшни ўлкалар билан урушмайлар. Ҳеч кимнинг юртини олмоқчи бўлмайлар. Яна шул муборак фикрларини билдиришмаг учун, Эрон шаҳаншоҳининг дарборлариғача келдилар.

Ҳакимбий. (Улфат ҳўжасаройнинг бу сўзларини ёқтурмай турғани учун, тез сўзга киришар). Хоқонимизнинг асли ҳам улуғ бир хоқон бўлғандари шаҳан-

шоҳ ҳазратлариға белгулидир. Кенг ўлкаларни олиб, бошқармоқ учун дунёға ора-сира онгли, кучли қаҳрамонлар келадирлар. Биз унларға «Соҳибқирон» деймиз. Бундаи қаҳрамонларнинг йўлларини тутмоқ истаганлар эзилиб қолурлар. Мана бизнинг замонамида етишкан соҳибқирон, сиз шаҳаншоҳ ҳазратлари дурсиз. Сиз каби буюк соҳибқироннинг олдиға дўст бўлиб келмак ҳамда ўзини шундай олийжаноб подшоҳнинг ихтиёриға топширмоқдан хонимиз кўбдан-кўб мамиундирлар.

Қози Низом. Тангри кимга қарашса, давлат шуннингдир. Тангри қўллаганларға қаршу турмоқ бўлурлиқ иш эмасдир. Эрон шоҳига тангри қарашған экан, биз ҳам бўйунсуна миз. Бухоро хони бу кун ўзларини сиз шаҳанишоҳнинг ихтиёриғизга топшурғани келдилар. Бухоро таҳтини сизга тортиқ қиласидирлар. Бухоронинг эл-улуси ҳам бу ишга роэндурлар. Сиз шаҳаншоҳни биз бу кун Бухоро таҳти билан қутлаймиз.

Нодиршоҳ. Мен Бухороға таҳт олғали келмадим. Сизнинг элингиз ҳам турклар бўлгани учун, сиз меним қариндошларим эрурсиз. Мен бу ерга бир қариндош ўлкага қўноқ бўлиб келдим. Бир неча онглашилмаслиқ қа берилб, менга қаршулиқ кўрсатмаганингизга қувондим. Ҳаммангиздан рози бўлдим. Менга тортуқ қилғанингиз Бухоро таҳтини ўзининг эгаси бўлған Абулфайзхонға қайтадан бағишладим. (Хон билан ҳаммалари туруб қуллуқ қиласарлар.) Ўлкангизнинг бутун ишларини бошқариб турмоқни Ҳакимбий оталиққа топширдим. (Оталиқ туруб, қуллуқ қиласарлар.) Барчангиз шунинг сўзиңдан чиқмангиз. Мен сизнинг ўлкада тўрт-беш кун турман, сўнгра Хивага борарман. Бунда турганда, қўшунимнинг озуқасини тайёрлаб бермак ҳамда Хивага боришим учун кўмак қилмағингизни сўрайман.

Абулфайзхон. Улуғ подшоҳнинг қўшунлари ўлкамизда турғанча, керак бўлган озуқаси бизнинг томондан тайёрланғандир.

Хизматчилар садаф(дал) ўшиланган кичкина бир мосо келтуруб, таҳт олдиға қўярлар, бошқа қўноқларнинг олдиға сурвалар ўйарлар. Турли ҳалволар, кулчалар, шарбатлар қелтуруб тизарлар. Нодиршоҳ Абулфайзхонга муроот¹⁶ қилғандан сўнг, ҳаммалари емакга киришарлар.

Нодиршоҳ (**Ҳакимбийга**). Оталиқ, бу улуғларни бизга танитингиз!

Ҳакимбий. Подшоҳим! Бу киши Қози Низом, Бухоронинг катта қозиси. Бу киши Жуборхўжа Ка-

лони, бурунғи ўзбек хонлариндан Абдуллахон бу кишининг боболарига ихлос қилған. Бухоронинг кўб ерлари бунларга авлоди вақф бўлғандир. Бунлар Бухоронинг маънавий эгарларидирлар. Бу киши хоқонимизнинг хўжасаройлари ҳам энг ишончли кенгашибилари.

Нодир шоҳ. Кўб яхши. (*Хўжа Калонга қараб.*) Меним эшитганимга кўра, Бухоро теграсинда кўб вақтлар тинчизлиқ бўлатура экан. Бунинг сабаби нимадир?

Хўжа Калон. Подшоҳи олам! Биз подшоҳларнинг давлатлари учун дуо қилиб ётамиз. Бизнинг ундаи ишлардан хабаримиз бўлмайдир.

Нодир шоҳ (*Қози Низомга*). Қози жаноблари, сиз бу тўғрида бир нарса айтсангиз керак.

Қози Низом. Хоқонимизнинг давлатлари замонинда Бухоромиз тинчdir. Ҳеч бир ёқда тинчизлиқ бўлғани йўқдир.

Нодир шоҳ. Иброҳим оталиқ деган киши Бухордан Самаркентга қочиб, унда куч тўплаб, Бухороға неча юрушлар қилған. Бухорони ёмон чопған экан, бу хабар тўғрими?

Улфат. Шаҳаншоҳ ҳазратлари! Бир подшоҳнинг марҳамати билан давлатга эришкандан сўнгра, ўз соҳиб давлатларига ёғиқған бундай одамлар ҳар ўлкада бор. Бунлар тезлик билан жазоларини кўрадирлар. Иброҳим оталиқ ҳам шундай одамлардан эди, жазосини кўрди.

Нодир шоҳ. Бир ўлкада бўлатурған ҳар воқеани текширмак, сабабларини излаб топмоқ чораларини кўрмак шул ўлканинг бошлиқлариға лозимdir. «Еганлари тузни ўйладилар», «жазоларини кўрдилар», «ўлкамиз тинчdir», деб ўтурмоқ билан ҳукумат иши юрмайдир.

Ҳаким бий. Подшоҳи оламга белгулидирким; бизни Бухорода кўб эл-уймоқлар яшайлар. Бунлар ҳаммалари эскида беклик усули¹⁷ билан бошқара әдилар. Амир Темур Самарқандда кучли марказий бир ҳукумат қурған бўлса-да, бутун умрини уруш майдонларинда ўткарғани учун, элларимизни марказий идорага эсиндиromoқ йўлинда тубли бир иш кўра олмаган. Амир Темур ўлуб, ҳукумати кучсизланғач, бу эл-уймоқлар яна ўзлари эски беклик усулларига қайта бошлаганлар. Шул вақтларда Дашиб, қипчоқдан биз ўзбаклар билан манғитлар келдик. Шайбонийхон, Абдуллахон каби ўзбек хонлари, марказийликни куч билан сақлаб келдилар. Бунларнинг умри ҳам кўб вақтлари беклик усулини истаганларга қаршу урушмоқ билан ўтди.. Ундаи

кейин ўзбак ҳукумати ҳам кучсизланди Эл-ўймоқларнинг бошлиқлари ўлкани кичкина бекликларга ажратиб, бошқармоқ тилаги билан яна кўтарилилар, ўлкамиздаги тинчсизлиқларнинг сабаби шу бўлса керак.

Нодир шоҳ. Меним биринчи тилагим ўлкангизнинг тинчлигидир. Бундай тартибсизлиқларни битирмак лозим. Эл бошлиқларингиз, бекларингиз орасиндан ёғийларини, ёмонларини рўйхат қилиб, менга тошурингиз. Мен унларнинг ҳаммасини «оқ уйли» қўшун ясад, олиб борарман. Ҳам сизнинг ўлкангиз тинчланадир ҳамда уплар, мен билан юруб, дунё кўрарлар, ҳукуматлар, эллар, улуслар билан курашалар. Замон билан тонишиб қайтарлар.

Ҳаким бий. Шаҳаншоҳ ҳазратларнинг бу муборак фикрлари чиндан фойдали бир фикрdir. Албатта шундай қилинадир.

Мирзо Маҳди Нодиршоҳдан олғани бир ишорат билан туруб ташқарига чиқар.

Нодир шоҳ. Бу фикр хон орқадошимизга ҳам қабул бўлса керак.

Хон. Фикри шоҳоналари яхши бир фикрdir. Шу кундан бошлаб, рўйхат тайёрламоқни оталиқقا буюраман.

Нодир шоҳ. Мен Хивага борарман. Ундан қайтганимгача рўйхатларни тайёрлаб қўйсангиз бўлур.

Ҳаким бий. Хўб бўлибdir, шоҳим!

Мирзо Маҳди билан хизматчи бир катта, бир кичкина бўғчани қўтариб келарлар. Мирзо Маҳди ўз қўлипдаги катта бўғчани ерга қўяр. Хизматчини шоҳнинг ёнига келтуруб, унинг кўтариб тургани бўғчани очар, хизматчи қўлинидаги бўғчада қийматли бир чопон билан қилич бор.

Нодир шоҳ (*қийматли тошлар билан безанган чопонини олиб*). Бизнинг Бухороға армуғонимиз. Ўзим кийдирайин. (*Жойидан турар*).

Ҳаммалари туарлар, шоҳ чопонини Абулфайзхонга кийдирав. Олтун қилили, брилантли қиличини берар, хон ҳурмат билан олиб, белига тақар. Мирзо Маҳди катта бўғчадаги чопонларни Ҳакимбий, Қози Низом, Хўжа Калон, Улфаг хўжасаройга кийдира берар. Бўлғач «муборак!» дер. Ҳаммалари қуллуқ қилиб, ўтуарлар.

Хўжа Калон (*қўлларини кўтариб дуо қилар*). Тангри таоло, подшоҳи оламга умр, давлат бериб, душманларни мақҳур¹⁸ айласун.

Нодиршоҳ. Эмди хон орқадошимиз ўзларига белгиланган чодирға бориб ёзилсунлар. Ўғлум Ризоқули билан Мирзо Маҳди, сиз бунларга меҳмондор бўлингиз. Ҳаким оталиқ бизнинг ёнимизда қолсун, кенгашимиз бор. (*Ҳаммалари турарлар. Нодиршоҳ хонни эшиккача узатар. Ҳакимбий билан Нодир шоҳдан бошқалари чиқарлар. Бунлар ўз жойлариға қайтиб ўтуарлар.*) Оталиқ! Хизматингиздан мамнун бўлдим. Сизга берганим сўздан қайтмадим. Бухоро хонлигини сизнинг ўғлингизга олиб берарман. (*Ҳакимбий қуллук қилар.*) Бироқ бу ишини тушунуб, ўйлабгина юрутмоқ керак. Хивадан қайтганимдан сўнг, ўғлингиз Раҳим тўқсобани ҳам ўзим билан олиб борарман, бир неча вақт мен билан юрсун. Сўнгра бир оз Эрон қўшуни билан Бухорога қайтарурман. Сиз у вақтгача тайёрлиғингизни кўра берарсиз. Раҳим тўқсоба меним қўшуним билан Бухорога киргач, хонни йиқитарсиз. Бироқ Абулфайзхонни ўлдурмайсиз, эсон-омон менга юборарсиз.

Ҳакимбий. Хўб бўлубдир, подшоҳим!

Нодиршоҳ. Абулфайзхонни ўлдурмасликка сўз берасизми?

Ҳакимбий. Албатта, бераман.

Нодиршоҳ. Уни менга юборурсиз.

Ҳакимбий. Албатта, юборурман.

Нодиршоҳ (*эшикка қараб*). **Мирзо Маҳди!** (*Мирзо Маҳди келар.*) Юз минг рупия оталиққа берилисун. (*Ҳакимбий қуллук қилар.*) Эмди бориб ёзилингиз.

Ҳакимбий билан Мирзо Маҳди чиқарлар. Нодиршоҳ ётоқ уйига ўтар.

Парда тушар.

ТҮРТИНЧИ ПАРДА

Эски бир гилам билан икки-уч эски кўрпа тўшалган ўртага бир уй. Четдаги бир кат узра Абулфайзхон кўйлакчан ётқон, ухлайдир. Кат ёнида бир курсича узра қўйилган шамдончанинг шами ёниб турадир. Бир оздан кейин Қурбонгул бир офтоба сув олиб келар, офтобани тошнов ёнига қўйуб, ўзи секингипа қайтиб, хоннинг юзига қарап.

Қурбонгул (*ёлғуз*). Ухлайдир... шўрим қурсун. Дунёнинг қора чизиқларини ўқимоқ учунми келдим мен! Худонинг сояси деб, подшоҳларнинг уйига сифиндим.

Бунда кўрганларимни ҳеч кўз кўрмасун. Меним шунча йиғлашларимга қарамайин, шул хон акасини ўлдурди, унинг тахтиға чиқди. Кармина бегини бола-чақалари билан тутуб, келтуруб қамади. Сўнгра бирта-бирта ҳаммасини бўғдуруб, қудуқта ташлатди. Бу кун эса, ўзини Раҳимбий қамаб қўюбдири. Эрта, албатта, ўлдуар. Бунинг жойида ўзи «сояйи худо» бўлур. Бир-икки йилдан кейин яна биртаси чиқар. уни ҳам соғанаға жўнатиб, «сояйи худо»ликни ўзига олар. Бизда эса бу қора кунларнинг қайғуси қоладир. (*Бир оз ўйлаб.*) Тўғрисини айтганда, яна ўзимиз тинч. Худо сояси-да бўлмаймиз, ўлдурулмаймиз-да. Оч қорним, тинч қулоғим. (*Ўнг қўлининг бармоқларини уч йўла ўпуб, елкасига урап.*) Кўзим кўрмасин-эй! Уч-тўрт йил худо сояси бўл. Сўнгра қамал, сўнгра ўл... Менга нима керак шунлар? (*Узоқдан келган аzon товушин тинглаб.*) Азонлар ўқулди. Хонни уйготай, намозин ўқусун. (*Етоқ олдиға бориб, хоннинг оёқларини ўқалар.*) Хон болам, арслоним... турмайсизми?

Хон. (*сесканиб уйғонар*). Ҳаҳ... кимдир (*Етоқда ўтрууб.*) Кимдир? Сенми, Қурбонгул?!

Қурбонгул. Мен, мен. Қўрқутдимми сизни?

Хон (*кўзларини ўқалаб*). Йўқ, йўқ... Нечун келдинг?

Қурбонгул. Аzon ўқулди, сув келтирдим, тарат қилмайсизми?

Хон. Нима гаплар бор, Қурбонгул?

Қурбонгул. Тинчлик, арслоним!

Хон (*ўйлайдир*). Бунлар ҳар сўрағанимда мана шундай тинчлиқ, тинчлиқ деб мени дунёдан хабарсиз қолдирдилар. Мен қамоқда, тахтим бошқалар қўлинда, бола-чақаларим билмадим қаерда. Яна тинчлиқ экан. Билмам бунлар тинчсизлиқ деб, нимани дейлар. (*Сўйлар.*) Қандай тинчлиқ? Улфатдан хабаринг борми?

Қурбонгул. Улфат қочқон, уни ахтариб турарлар. Давлат тўқсона билан Жиянқулбий, Хўжақулбий, Каrimбий, Баҳринбийни тутуб қамадилар, эртагача ўлдира эканлар.

Хон (*кўз ёшлиарин артиб*). Мени нима қилар эканлар, онгладингми?

Қурбонгул. Нега йиғлайсиз, арслоним?! Нима бўлса, худонинг буйруғи билан бўлар. Туна кун подшо бибийим улуғ эшонга кўп пул юбориб, сиз учун дуолар олдилар. Албатта, шунлар бир иш қилар.

Хон. Үғулларим қайдা?!

Қурбонгул. Омон-эсон, тинч. Подшо бибийим билан бирга туралар.

Хон. Оҳ... ўғулларим, сизни кимга топшуарман эмди?! (Йиғлар.)

Қурбонгул. Нега йиғлайсиз, арслоним? Худо урсунким, болаларингизға ҳеч бир нарса бўлган йўқ, унлар тинч ўтурубдурлар.

Хон (нафрат билан). Қўй мени ўз ҳолимда. Бундан кейин шул «тинч» сўзини меним ёнимда айтма! Дунёда ҳеч бир маъноси бўлмаган бу сўзни сен энг ёмон маъноларда ишлатиб турасан. Мен қамалдим — тинч, болаларим қамоқда — тинч. Улфатни ахтаралар, Давлатни ўлдурашлар, яна тинч! Бу қандай «тинч», бу қандай тинчлиқ... Оҳ, болаларим, сиз нега кициклиқда бахтсизликқа учрадингиз! Бунга менми сабаб бўлдим? (**Қаттиқ йиғлар.**) Кошки дунёга келмаган бўлса эдим.

Раҳимбий келар. Қурбонгул бир четда қўл қовуштуруб турар.

Раҳимбий. Хон ҳазрат, нега йиғлайсиз?!

Хон (сесканиб. бошини кўтарур. Истамайин ўрнидан турар.) Ҳеч!

Раҳимбий. Ўтурингиз, ўтурингиз. (**Хон ўтурар.**) Нега йиғлайсиз?

Хон. Ҳеч, болаларим эсимга келдилар.

Раҳимбий. Бошга иш тушкач, энг аҳмоқ чора йиғламоқдир. Йиғламангиз!

Хон. Мен сизга нима ёмонлиқ қилдим?!

Раҳимбий. Ҳеч!

Хон. Отангиз менга оталиқ эди. Бобонгиз, мени таҳтга ўтқузуб, оталиқ бўлди. Ўзингиз Эрондан келгач, бот оталиқ қилдим. Бутун ҳукумат ишларини сизга топшурдум, яна Нодиршоҳнинг ўйунлариға берилиб, мени қоматдингиз! Нодиршоҳ олдида мен билан сизнинг нима ойирмамиз бор?! Бу кун мени тушурган экан, эрта сизни ҳам тушурмасми?

Раҳимбий. Хон ҳазрат! Дунёда ҳар ким ўз кучига қарабенин ўрун тутадир. Бу тирикчиликнинг энг ўткур буйрганидирким, бунга бўйсунмаганларнинг дунёдан чиқиб кетишлари лозим бўладир. Сиз Бухорони идора қиласлиқ куч кўрсата олмадингиз. Давлатимизнинг буюқ, буюқ теракларини ўз қўлнингиз билан йиқита бердингиз, бутун ишни менга эмас, бир аҳмоқ муғам бил¹⁹ бўлган Улфатга топширдингиз. Тахтдан тушканнингизнинг сабаби шулдир. Нодир шоҳнинг эса бу ишдан хабари йўқдир. Нодиршоҳ сизни тушурған эмас.

Хон. Нодиршоҳнинг бу ишлардан хабари йўқ, деганингиз ёлғон эмасми?

Раҳимбий (жилмайиб). Елғон эмас.

Хон. Нега Эрондан қўшун олиб келдингиз?

Раҳимбий. Қаттақўрғондан чиқсан Ибодуллабек фитнасини босдиromoқ учун.

Хон. Эмди мени нима қиласиз, ўлдурасизми?

Раҳимбий. Йў...қ, тангри сақласун бу ишдан.

Хон (ялиниб, қўлларини узатар). Оталиқ, мени ўлдурмангиз. Хонлиқни сизга бағишладим²⁰. Айтинг, мени ўлдурмайсизми? Айтинг!

Раҳимбий. Сизни ўлдирмайман, хонлиқ ҳам менга керак эмас. Ўғлунгиз Абдумўмин хонни сизнинг ўрнингизда эрта хон кўтараман.

Хон. Мени нима қиласиз?

Раҳимбий. Сиз шу ҳафта орасинда Эронга, Но-диришоҳ олдиға борарсиз.

Хон. Уҳ... Худога шукур! Мени ўлдирмангиз. Мен ҳажга бораман, ҳажга.

Раҳимбий (жилмайиб). Ундан сўнгра қаёқға борсангиз, бора берарсиз. Ҳозирда мен сиздан бир нарсани сўрамоқ учун келдим.

Хон. Сўрангиз.

Раҳимбий. Пулларингиз қайдা?

Хон. Хазина ўз қўлингизда-ку!

Раҳимбий. Сизнинг ўз хазинанигиз?

Хон. Меним ўз пулларимнинг ҳисоби Улфатдадир. Шундан сўрангиз.

Раҳимбий. Улфатнинг қайдা эканини билмайсизми?

Хон. Билмайман.

Раҳимбий. Ҳай, сиз ўтурингиз. Яқинда Эронга борарсиз.

Хон. Болаларимни согиндим. Шунларни менга юборсангиз, кўруб қўяй.

Раҳимбий. Хўб, Қурбонгул билан юборурман. (Қурбонгулга.) Кел, сен билан юборай. (Қурбонгул билан чиқиб кетар.)

Хон. (жойиндан туруб). Тонг ота ёзди. Тарат қилай эмди. (Тошибонга²¹ келиб, офтобани олиб, тарат қила бошлилар.) Тангридан бошқа кимсам қолмади. Қўрасизми, ҳамма жанжаллар пул учун экан.

Хон таратни битира ёзганда, Абдумўмни тўра билан ука-
си кириб салом берарлар.

Хон (таратни битириб турар). Ҳа, ўғулларим, кел-

дингизми? (*Юзини артиб, унларни бирта-бирта қучоқлаб ўпар.*) Қалайсан, ўғлум?! (*Кўз ёшларини артар.*)

А б д у м ў м и н. Шукур.

Х о н. Сен қалай? (кичкина ўғли бўйини буқмак билан жавоб берган бўлар.) Онанг қайдада?!

А б д у м ў м и н. Уйда.

Х о н. Ҳаммангиз бир уйдами?

А б д у м ў м и н. Ҳа, бир уйда.

Хон кичкини ўелини қучоқлаб, машглайидаи ўнап, катта ўғлини қучоқлаб, бошини унинг умузига қўйуб йиглар.

Б о л а л а р (бирдан йиглаб, хонга ёпишиб). Отажоним, нега йиғлайсиз? Бизни нима қиласлар эмди?

Х о н. Ҳеч, ўғлум, ҳеч. Кетингиз эмди, онангизнинг ёнинда туриңгиз. (*Яна қучоқлаб ўпар. Иккаласини эшик-кача келтуруб, яна ўпуб, узатар. Шул чорда икки ғижжакнинг «Бебокча»²² куйлагани эшишилар. Хон чолғу товушини қайгу остинда тинглағандан сўнг, сўйлар.*) Инсонлар.— дунёнинг уялмоқ билмаган ҳайвонлари! Бирингизнинг кўз ёшлари бирингизнинг шодлиқ боғчаларини сугорадир. Бирингизни(нг) мотам инграшлари яна бирингизнинг тўй чолғуларини куйлатадир! Бир-бирингизнинг борлиқларини сб, ҳирсларингизни тўйдурмоқдан қачонғача безмайсиз! (*Кун оқарғанин кўруб.*) Намозимни ўқуб олайн. (*Жойнамозни ёяр. Намознинг биринчи ракатини ўқуғач, уйнинг бир пучмоғиндан деворнинг тешилгани сезиладир. Кесак, тупроқлар тўкули берар. Хон намознинг иккинчи ракатини тез битирад. Телбаланиб турар. Буюк бир қўрқув билан ишнинг сўнгини кутуб турар. Девор каттароқ очилғач, узун соқолли бир қишилоқли бир қозма кўтариб чиқар.*) Бу ким?... Сен кимсен?! (*Ҳалиги одам, гапурмайин қозмасини ерга қўйуб, телпагини олиб, ясама соқолини ешгач, Улфат экани онглашилар.*) Улфат!...

У л ф а т. Мен, Улфат қулингизман, хоқоним!

Х о н. Оҳ... Улфат, нега бундай келдинг?

У л ф а т. Қўрқмангиз, сизга хизмат учун. (*Хонни қўлтуғиндан олиб, катга ўтқазар. Уйнинг эшигини сенингина ёпар. Қайтиб келиб, хон ёнида ўтурар.*) Биласизми, Раҳимбий мени тутуб ўлдурмак учун тиришадир. Мен қочиб юрубман.

Х о н. Қайдада эдинг?

У л ф а т. Мен Эрон қўшунинда эдим.

Х о н. Ишимиз нима бўлар! Мени Эронга юбора эканлар, тўғрими?

Ул фат. Нодиршоҳга Раҳимбий ҳам, Ҳакимбий ҳам сизни ўлдирмаслик учун сўз берган эканлар. Нодиршоҳни буйруғи билан Раҳимбийга қўшулуб келган Эрон қўшуни сизни омон-эсон олиб қайтарға шоҳдан буйруқ олгон эканлар.

Хон. Қачон борармиз эмди!

Ул фат. Тўхтанг, ҳали иш бузулиб қолған.

Хон. Нима бўлған?

Ул фат. Нодиршоҳнинг ўлум хабари келган.

Хон. Нима... Нима... Нодиршоҳ ўлғанми?

Ул фат. Ўлдирилган.

Хон. Ким ўлдирған уни?! Э,вой... Меним баҳтим қаро экан!

Ул фат. Эрон эли ёғиқиб, уни ўлдирғанлар. Бу хабар Бухороға келгандан сўнг, Раҳимбий сизни юбормоқ фикриндан қайтқон.

Хон. Эмди мен нима қиласман?

Ул фат. Эрон қўшуни сизни омон-эсон қўлига олмаса, Бухородан кўчмайдир. Буни шу кун Раҳимбийга билдирилар.

Хон. Нима деган у?

Ул фат. Ҳануз бир нарса демаган, бироқ Эроннинг қўшун бошлиқлари Раҳимбий сизни ўлдурууб қўймасун, деб қўрқалар. Сизни, ишқилиб, қочирмоқ учун мени юбордилар. Шу тобда мен билан қочасиз. (Эшикка бориб, тинглағандан сўнг.) Келингиз, шаҳардан чиқиб, Эрон қўшунига қўшулемиз.

Хон. Қандай қилиб қочаман?

Ул фат. Қочмоқнинг қандай-мандаи йўқ, мана шу йўлга кириб олсангиз, қочиб қутулармиз. Менга ишонингиз, ҳеч қўрқмангиз.

Хон. Болаларни нима қилайнин?

Ул фат. Вақтимиз оз қолған. Юрингиз, тез қочайлиқ. Бир бало чиқмасун.

Хон. Болаларим нима бўлалар?

Ул фат (эшикни тинглаб қайтғандан сўнг). Бухоро таҳтиға Чингиз болалариидан бошқа киши чиқарилмайдир. Шунинг учун Раҳимбий катта ўглингизни хон кўтариадир. Сизнинг унларга ишингиз бўлмасун. (Кўлини тутуб.). Турунгиз, бот қочайлиқ эмди.

Хон (ўрнидан турар). Мен қочғац, болаларимни ўлдирмайларми?

Ул фат. Ўлдира олмайлар. Ўғлингизни хон кўтаришнан бошқа чоралари йўқдир. Юрингиз, тез қочайлиқ. (Хонни эшикка олиб борар.) Кирингиз, тез кирингиз!

Хон (бирдан кейинга отилиб). Йўқ, қочмайман. Қочсам, болаларимни ўлдуурлар.

Улфат. Уф!... (*Югуриб эшикка бориб тинглагандан сўнг.*) Нега бундай қиласиз? Шу тобда биртаси келиб, шу ҳолни кўрса, иккимизни ҳам ўлдууралар.

Хон. Мен Эронда нима қиларман?

Улфат. Ундан куч йигиб қайтармиз-да, яна Раҳимбий билан урушармиз. Эрон сизга ёт эмас, боболарингиздан нечалари Бухородан Эронга кўчганлар. Келингиз, тез қочайлик. Кирингиз тез!

Хон (кирмакчи бўлуб яна қайтар). Оҳ... болаларим! Сизни кимга ташлаб кетаман?

Улфат. Нега бундай қиласиз. Келиб икковимизни ҳам ўлдуурлар!

Хон. (*Жуда қисилған.*) Тўхта бир оз, Улфат! Болаларимни чақириб, бир кўрай!

Улфат (*Ўз юзларига уруб.*) Эй-вой, битдик, шу тобда келиб, бизни ўлдуурлар, барибир болаларингизни кўра олмайсиз!

Хон. Нега кўра олмайман?

Улфат. Кўра олмайсиз, чунки... (*Бир товуш сезган каби бўлуб, югуруб эшикка бориб, тинглар, гелба бўлуб қайтар.*) Хон! Одамлар келалар. (*Соқолини тақар.*) Келинг, қочамиз. (*Қозмасини олар.*) Келинг, тез келинг. (*Оёқ товушлари келар.*) Мен қочдим, келинг. (*Тешикка киргандан сўнг, бошини чиқариб, хонни чақирап.*) Келинг, хон.

Хон ҳам югуруб, тешикка кирмакчи бўлғач, у ч жаллод катта пичоқлар олиб келалар. Улфат қочар. Жаллодлар қотиб қолғац хонни келиб тутарлар.

Жаллод боши. Бу нима? Ким келди бу йўлдан? (*Хон индамайдир.*) Ким келди бу йўлдан? (*Пичоқни кўтаратар.*)

Хон. Улфат келган эди. Мени қочирмоқчи бўлди, кетмадим.

Жаллодлар топиб бир-бпрларига қарайлар.

Жаллод боши (бир жаллоддга). Чоп, бекга хабар бер, қоровул берсунлар, шу уйнинг орқасиға боруб, ахтарарсиз. (*Жаллод югуруб чиқар.*) Биз иккимиз бу кишининг ишини кўрайлик.

Иккала жаллод пичоқларини кўтариб, хонга ҳужум қиларлар.

Хон (жаллодлар билан талашиб, қинқирадирип.) Нега мени ўлдурасиз? Вой-дод!

Ж а л л о д б о ш и. Ўғлингиз буюрдилар.

Х о н (тaloшда). Ўғлум... Йўқ... У буюрмас... (Пичоқ кўкрагига тегар.) Воҳ, ўлдим. **(Яна бир пичоқ урап. Хон йиқилар.)** Оҳ, нега қочмадим.... Болаларим... Щлдим... Улфат... (деб жон чекишар.)

Жаллодлар пичоқларини қинларига солиб, хоннинг сўнг сўлишини кутуб турарлар. Шу тобда Улфат қишлоғи афтинда, катта бир пичоқ қўлинида, тешикдан чиқар, секингина жаллодбошига яқинлашиб, пичоқни суқуб юборар. Жаллодбоши «ваҳ» деб йиқилгач, Улфат иккинчи жаллодга ҳужум қилар. Ул қичқириб қочар. Улфат хоннинг ўлуғи устига келар.

У л ф а т. Юраксиз хон, қочмади, ўлди. Муҳрини олай. Йўлда керак бўлур.

Хоннинг киссанидан муҳрили тез олиб, югуруб тешикка бориб йўқолар. Оёқ товушлари келар. Қолган жаллод билан беш киши қиличлар чекиб киарлар.

Ж а л л о д. (тешикни кўрсатиб). Мана шундан келди. У ч киши югуриб киарлар. Қолғанилариқ «Биз ташқаридан борайлик» деб чошиб чиқарлар.

Парда тушар.

БЕШИНЧИ ПАРДА

Саҳнапинг тўринда қоронгу бир зинидон (Чил дуҳтарон зиндони). Улфат хўжасарой, Давлат тўқосаба билан яна икки-уч бекнинг ўлуклари осилган, ўтқуазб бўғдурилған, қонга бўялиб ётган бир ҳолда турадир. Четда қорамой чироги тутунлар сочиб ёнмоқда. Бир оздан кейин Раҳимбий ёлгуз келар. Оғир бир юруш билан юруб, ўлукларнинг ҳар биртасига эс қўюб қараб зиндонни бир айланисиб чиқар, Раҳимбий кетгач, манзара ўзгариб, саҳнанинг бери ёнида Бухоро аркининг Саломлиқ айвони кўришиадир. Айвони остиндаги тахтанинг ҳар томонида қийматли қолинилар, кўриналар тўшилган, шамлар, чилчироглар ёниб турадир. Раҳимбий расмий кийими билан камарлик, қиличлиқ ҳолда бир томондан кўрунуб, секинлаб тахтга яқинлашар. Бир оёғини тахтнинг бос-қичига қўюб, тиззасига таяниб сўйлар.

Р а ҳ и м б о й. Гўллимизнинг ози қолди. Манзилга эриша ёздиқ. Абулфайзхон кетди. Уни ёқлагонларнингда руҳларига фотиҳа ўқуб келдим. Эмди ким қолди? Чумчуқ каби кичкина бир хон! Шундай (қўли билан кўрсатиб) оласан, калласини узиб ташлайсан!... Руҳинг

шод бўлғай, отам. Сен битирмаган ишни, мен битирдим. Йўқ, бунларнинг ҳаммаси сен эккан уруқларнинг мева-сиdir. Сен менга йўл кўрсатмаса эдинг, сен, Нодиршоҳ билан дўстлашиб, мени унга юбормаса эдинг, бу ишлар бўлмас эди. Бўлғанда ҳам, жуда қийинлиқ билан бўлар эди.

Мир Вафо келар.

Мир Вафо. Йўлдош қаландар келибdir. Сўзи бор экан. Бошқа бир йўл билан олиб келдим.

Раҳимбий. Келтурингиз.

Мир Вафо панада турган Йўлдоши чақирап. Йўлдош шу: бурунғи қаландар айти билан келиб, дуо қилар.

Йўлдош. Омин, тезроқ бу оёғингизни иккинчи бос-қичга қўюб, тахтга чиққайсиз. Оллоҳу акбар.

Раҳимбий (кулуб.) Ҳа, тентак, нима гап?

Йўлдош. Яхшилиқ, бек! Сизнинг хон бўлишингиз тўғрисинда одамлар бир-бирлариға сўйлашиб турадирлар.

Раҳимбий. Нима дейлар?

Йўлдош. Одамлар рози, хонлиқ оталиқ бекнинг ҳаққи дейлар. Бироқ беклар, эл бошлиқлари бу ишга кўнмайлар. Чингиз авлоди бўлмаған киши хон бўла олмас, дейлар. Мана шу сўзлар. бошқа одамларни бир оз тушундурадир. Шунга бир чора қилишингиз керак.

Раҳимбий. Қандай чора?!

Мир Вафо. Бунинг чораси қулай. Муллолардан бир фатво оласиз. Шунинг билан битадир.

Раҳимбий. Уни қиламиз.

Йўлдош. Яна қизиқ бир гап бор. Эрондан келтурган қўноқларнинг бошимизга бир бало чиқармасалар, яхши эди.

Раҳимбий. Нима қилдилар? (Юрап.)

Йўлдош. Бухорони манғитлардан тозалаш керак, деб сўз торқатар эканлар. Бир неча бекларимизга кишилар юбориб, «Сиз ишга киришингиз, биз ёрдам қиламиш» деганлар, Абдумўминхонни аркдан қочириб, сўнгра сиз билан урушмоқчи эканлар, деган хабарлар бор.

Раҳимбий. Аҳмоқлар, Бухорода нима ишлари бор экан?! Нодиршоҳ ўлдирилган, юртлари бузулуб турадир. Бориб ўз ишларини тузатсунлар.

Мир Вафо. Бек, Абдумўминхоннинг ишини бир ёқлиқ қилмасангиз, яна бир жанжал чиқар.

Раҳимбий (*Mir Vafoғa*). Сиз буни чиқариб юборинг, Охун билан Қози Низомни меним ёнимга чақиринг. Ўзингиз, Эрон қўшунига бориб, сардорларга айтнинг, ўзларини кўрмак истайман, келсунлар.

Донёлбий келар. Мир Вафо билан қаландар унга салом бериб чиқарлар.

Донёлбий (*Raҳimbaiyga*). Бу қаландар ким?

Раҳимбий. Тонимайсизми?

Донёлбий. Тонишға ўхшайдир.

Раҳимбий. Бир кеча отам билан ўтурганимда келган эди-ку.

Донёлбий. Ҳа... Бу бор экан. О... Шунинг сўзларини эслайсизми? Қаромати бор экан. Боя айтсангиз эди, дуосини олар эдим.

Раҳимбий. Ҳай, яна келар.

Донёлбий. Иброҳим кенагасни келтурдилар.

Раҳимбий. Қани?

Донёлбий. Сақловда турубдур.

Раҳимбий. У, бола! (*Ҳизматчи келар.*) Сақловга чиқиб айт, Иброҳим оталиқни келтурсунлар.

Хизматчи кетар.

Донёлбий. Қўлларини боғлаб, келтурганлар. Бечора, қариб қолған.

Раҳимбий. Қўзи кўрмайдирми?

Донёлбий. Йўқ, кўрмайдир. Бечоранинг дуосини олсангиз, яхши бўлур.

Раҳимбий. Албатта, унга ҳурмат қиласиз. (*Бир киши Иброҳимбийни келтурар. Қўллари боғланған, қўзи кўрмайдир.*) Оталиқнинг қўлларини оч! (*Ҳалиги киши Иброҳимбийнинг қўлларини очар.*) Оталиқ амак, ўтuringиз, қалайсиз?

Иброҳимбий (*Ўтурап*). Қўзим кўрмайдир. Сиз ким бўласиз?

Раҳимбий. Тонимадингизми? Мен, Раҳимбий.

Иброҳимбий. Ҳа, тонидим, тонидим. Худоға шукур, яхшиман.

Донёлбий. Ҳали мени ҳам тонимасангиз-чи, оталиқ!

Иброҳимбий (*бир оз ўйлаб*). Сиз Донёлбий эмасми?

Донёлбий. Топдингиз.

Иброҳимбий. Қалайсиз, ука? Кўрушайлик-эй... (*Қўлларини узатар, кўрушашарлар.*) Эскилардан ёлғиз

сиз қолибсиз. Раҳматлиқ акаларингиз ўлганлар эканлар.

Донёлбий. Ҳа, тангри ёрлақасун, ўлдишлар.

Ибрөҳимбий. Ҳай, дунё шундай экан, бирта келиб, бирта кетар экан-да.

Раҳимбий. Оталиқ амак, мени қутламайсиз?

Ибрөҳимбий. Сизни нега қутлай экан, жияним?

Раҳимбий. Дуіманингизни ўлдурдим. (Ўтурап.)

Ибрөҳимбий. Сиз ўлдурмаганда, ўзи ўлмасми эди?

Раҳимбий. Шундай экан, сиз нега унга ёғиқиб шунча урушдингиз?!

Ибрөҳимбий. У элға ёмонлиқ қилди, юртни талди, ҳукумат ишлариға қарамади. Кеча-кундуз чоғир ичиди. Мен унинг шул ишлариға қаршу бўлуб урушдим.

Раҳимбий. Мен нима қилдим?!

Ибрөҳимбий. Сиз бу ишларни ўзингиз учун қиласиз-ку чоғи!

Раҳимбий. Қайдан билдингиз?!

Ибрөҳимбий. Раҳматлик отангизнинг Нодиршоҳ этагига ёпишқонини билар эдим. Сиз ҳам Нодиршоҳга бордингиз. Унинг қўшунини келтурдингиз. Абулфайзхонни ўлдурғандан сўнгра, бутун ишни ўз қўлингизга олиб турубсиз.

Раҳимбий. Абдумўмин тўракни хон кўтарганини миздан хабарингиз йўқми, амак?

Ибрөҳимбий. Абдумўмин тўра ўни беш яшар бир бола. Уни хон кўтардингиз нима, кўтармадингиз нима!

Раҳимбий. Сиз бўлғанда, нима қилар эдингиз?!

Ибрөҳимбий. Мен бўлғанда, Абулфайзхонни тушурғач, қурултой чақирадар эдим. Янги хон билан унинг оталигини эл бошлиқларининг кенгашлари билан белгилар эдим.

Раҳимбий. Мана, эл бошлиқларидан биртаси — сиз. Элингиз кенагас! Бухоронинг тубчак, буюк бир эли. Келингиз, бундай маъносиз сўзларни қўйинингиз, биргалашиб, кенгашиб ишлайлик, Абдумўминхоннинг ҳукуматини бириктирайлик.

Ибрөҳимбий. Мен жуда яхши биламан: сиз шу кун эрта Абдумўминни ҳам отасининг орқасиға юбориб, тахтини оларсанз. Жияним, мен Абулфайзхон билан урушдим, чунки ул ҳақсизлиқ қилған эди. Сиз бу кун ундан ортуқ ҳақсизлиқ қила турубсиз. Қўзим бўлса эди, эртадан бошлаб, сиз билан ҳам урушар эдим. Нима

қилайким, кўзим йўқ. Ҳай, сиз-ку Бухоро таҳтини оларсиз. Абдумўминни ўлдуарсиз. Балким мени ҳам ўлдуарсиз. Бироқ шуни билиб қўйингизким, бу таҳт сизнинг болаларингизга юқмағусидир.

Охунд билан Қози Низом салом бериб келарлар.

Раҳимбий. Марҳамат қилсунлар. (*Иброҳимбийни кўрсатиб*.) Оталиқни танимадингизми?

Охунд (*Иброҳимбийга қарағандан сўнг*). Қенагас оталиқми? Кўрушайлик-эй.

Иккаласи бориб кўрушғач, ўтуарлар.

Қози Низом (*Иброҳимбийга*). Оталиқ, худога шукур қилингиз. Бекнинг ғайратлари билан душманларингиз йўқолдилар. Эмди қолған умрингизни шу кишининг кўллагасинда тинчфина ўткаарсиз.

Иброҳимбий жавоб бермайдир.

Раҳимбий. Бир-икки шаръий масала бор. Шуни сўрамоқ учун сизларни чақирдим.

Охунд. Марҳамат қилинг, тақсир!

Раҳимбий. Шул тўрт-беш кунлик жанжалимизда Абулфайзхон билан яна бир неча киши ўлдилар.

Охунд. Ҳа, тақсир.

Раҳимбий. Бунларнинг ўлумига мен сабаб бўлдим. Шунинг шариатда ҳукми нима бўлса?

Охунд. Тақсир, ҳо тақсир, масалан «болвои ом»да²³ ўлганларнинг қотили ҳеч ким бўлмайдир. Унлар болвои омга сабаб бўлдилар, шариатнинг ҳукми шудир, тақсир.

Қози Низом. Абулфайзхон ҳукumat ишларини бажара олмади. Шунинг учун ҳукumatни бошқа кишига топшурмоги керак бўлди. Буни қилмағач, жазосини кўрдии.

Раҳимбий. Бизнинг орамизда бир сўз бор: Чингизхон авлодидан бўлмаған киши хон бўла олмайдир, дейлар. Бу тўғринда шариатнинг ҳукми нима бўлса?

Охунд. Шариатда бундай бир нарса йўқдир. Кимнинг қўлиндан иш қелса, шул хон бўла берадир.

Раҳимбий. Шул эски масала тўғрисинда ривоят (фатво) берасизми, тақсир?

Қози Низом. Албатта, берамиз.

Раҳимбий. Эрта шуни ёзиб келтурингиз!

Охунд. Хўб бўлубдир.

Иброҳимбий. Раҳматлиқ Ражабхон билан бирлашиб, Абулфайзхонга қаршу урушғанимизда, шундай

кенгашган эдикким, Бухороға бориб кирсак, бутун муллоларни бир мадрасаға солиб, ўт қўямиз-да, ҳаммасини ёндирамиз. Элимизни бузуб, расво қилған шунлар. Бунлар динингизни тузатамиз, деб дунёмизни мурдор қилдилар.

Қози Низом. Нима қилдиқ биз?!

Ибрөҳим бий. Сиз Қози Низом эмасми?

Қози Низом. Ҳа, мен Қози Низом.

Ибрөҳим бий. Туно кун Абулфайзхонни «сояйи худо» деб оёқларини ўпмаған эдингизми? Абулфайзхон хотунлар билан ичишиб ётған бир кечанинг эртасинда, унинг олдиға келиб: «Бу кеча тушимда пайғамбарни кўрдим, сизни сўраб юбордилар»,—деб, чопон кийганингизни унутдингизми? Туно кун сизга чопон берган сояйи худонинг ўлимига бу кун фатво берасиз, ҳеч уёлмайсизми? Тушингизда Абулфайзхонни сўраған пайғамбар, яна бир йўла тушингизга кириб, уни сўрасалар, нима дейсиз? Бунлар оз эмиш каби, Чингизхоннинг ёсоғини ҳам йўқ қилмоқчи бўласизми?

Донёлбий. Оталиқ ака, шариатнинг ҳукми шу экан-да.

Ибрөҳим бий. Мен шариат-мариатни билмайман. Ишингизни тўғриламоқчи бўлсангиз, қурултой чақира-сиз. Бунларнинг сўзи ярим чақаға арзимайдир.

Мир Вафо келар.

Мир Вафо. Эрон сардорлари келдилар.

Раҳим бий (*Донёлбийга*). Оталиқни сиз қўноқ қилингиз. Бу кишига яхши қарашиб, ҳурмат кўрсатингиз. (*Mir Vafoғa*.) Сиз сардорларни келтурингиз. (*Донёлбий, Ибрөҳим бий, Мир Вафо чиқарлар. Раҳимбий муллоларға сўйлар*.) Мен Эрон сардорларини чақирдим. Эрон қўшуни Бухорода қола берса, яхши бўлмайдир. Бухородан чиқиб кетишларини таклиф қиласман.

Охунд. Кўб яхши қиласиз, бек. Қелган қўноқнинг кетиши йўқми? Бухорода нима ишлари бор?

Раҳим бий. Бу кеча меним сўзимни тингламай, яна Бухорода қолмоқчи бўлсалар, бу тўғрида эрта сизлар билан бошқача кенгашармиз. Албатта, эрта шул ривоятларни олиб келарсиз.

Охунд Қози Низом. Хўб бўлубдир (*Tураглар*.)

Раҳим бий. Кетасизми эмди?

Охунд. Кетайлик, бек.

Раҳим бий. Хўб.

Охунд билан Қози Илзом чиқади. Мир Вафо билан Эрон сардорлари Ҳусайнхон, Аҳмадхон келарлар. Саломдан сўнг, ўтурмасдан сўйлашарлар.

Ҳусайнхон. Ҷақириған экансиз, келдик, бек!

Раҳимбий. Хуш келдингиз. Сизни чорлатқанимнинг сабаби шул; азиз қўноқларимиз бўлған Эрон қўшуни биз учун кўб мусофиричилк чекдилар. Шукур, мана ўлкамиз тинчланиб қолди. Эшитишимизга кўра, подшоҳимиз Нодиршоҳ шаҳид бўлганлар. Энди бу азиз қўноқларга хизматларига ёраша жалдулар²⁴ бериб, юртлариға қайтарсақ, биздан рози бўлурларми?

Ҳусайнхон. Бек, қароримиз бошқача эди. Бизга Абулфайзхонни омон-эсон Эронга эришдирмак хизмати топширулған. Сиз Абулфайзхонни бизга қачон тошурсангиз, биз шул дақиқада чиқиб кета берармиз. Хонни топшурмай экансиз, Эрон қўшуни ҳам ёта берадир.

Раҳимбий. Нодиршоҳ ўлмагандан, мен Абулфайзхонни, албатта, сиз билан юборар эдим. Бу кун Нодиршоҳ ўлган. Эронда Абулфайзхоннинг ҳеч кимга кераклиги йўқ. Шунинг учун хонни сизга топшурмоқнинг маъноси қолмаған.

Ҳусайнхон. Нодиршоҳ ўлган бўлса, Эрон тириkdir. Эрон подшоҳи «Абулфайзхоннинг жонини қутқарингиз» деб, ўз қўшунига буюрган. Биз унинг шул буйругини срига келтуармиз.

Раҳимбий. Майли. Бизнинг хон сизга шунча лозим экан, чиқариб берар эдим, бироқ у киши шу кун эрталаб ўзларини ўлдурганлар. Ўлукларини сизга чиқариб бермак унумсизdir.

Ҳусайнхон. Нима, Абулфайзхон ўлдими?

Раҳимбий. Шу кун эрта билан ўзларини пичоқлаб ўлдирдилар. (Эрон сардорлари ҳайрат билан бирбирларига қарайлар. Раҳимбий сўзининг таъсирини кўргач, гапура берар.) Азиз қўноқларим! Абулфайзхон ўлди. Нодиршоҳ ўлди. Сизнинг бундай ёт ўлкада бошиз, тилаксиз турушингиз фойдасиз бир иш. Эслимиз Нодиршоҳнинг ўлганини эшитса, сизни тинч қўймаса керак. Ҳазинадан сизларга йигирма минг таңгадан пул берайлик, қўшунингизга улашиб берингиз-да, юрtingизга қараб, кета берингиз.

Аҳмадхон. Бек! Биз бу ишдан бир нарса оигла-ёлмадиқ. Хонни ким ўлдирган? Ўзими, душманларими? Бу очиқ билинмади. Биз қўшунимизга қайтиб, кенга-

шармиз. Қандай бир қарорга келсақ, сизга билдуарармиз.

Раҳимбий. Хўб, қачон билдуарарсиз?

Аҳмадхон. Эрта билдурсак керак.

Раҳимбий. Хўб бўладир. Шундай қилингиз.

Ҳусайнхон. Худо ҳофиз, бек!

Раҳимбий. Худо ҳофиз.

Эрон сардорлари чиқиб кетарлар.

(*Mir Vafoғa*) Сиз Ўрдаға борингиз. Абдумўминхонни кўрингиз. Эрон сардорлари сиздан фотиҳа олиб, юртлариға қайтар эканлар, деб бу ёққа юборингиз. Ўзингиз кета берингиз.

Мир Вафо. Хўб. (*Ketar.*)

Раҳимбий (*ёлғуз юруб сўйлар*). Эмди иккинчи босқични босмоқ керак. Бу қўғирчоқни йўқ этмасак, бошимизга бир бало чиқғусидек қўрунадир. (*Киссанингдан бир кичкинагина шишича чиқариб, шунда турған шарбат шишиасига ағдарар. Яна юра бошлаб, бирдан кулар*.) Эрон сардорлари бунинг ҳам ўлганини эшитсалар, ўзлари қочиб кетарлар. Биз тутмоқчи бўлсақ ҳам турмаслар.

Абдумўмин кийиниб, тож қўйғани ҳолда, кулуб келар.

Абдумўминхон. Бек бобо, мени чақирдингизми?

Раҳимбий. Ҳа, ўглум, сизни чақирдим. Эрон сардорлари юртларига қайтар эканлар. Сизни кўруб, фотиҳа оларлар.

Абдумўминхон. Қани?

Раҳимбий. Келарлар. Сиз тахтга чиқиб ўтурингиз. (*Абдумўминхон тахтга чиқиб ўтурап*.) Эрон сардорлари келганда: «Нечун кетасиз, бизнинг Бухорода қолсангиз бўлмасми!», деб қаранг. Унлар «йўқ, кетамиз» дейлар. Сўнгра, бунларга йигирма минг таңгадан нул берулсун, деб менга буюрингиз.

Абдумўминхон. Хўб.

Раҳимбий (*шарбат шишиасига ёндошиб, шундан бир пиёла ичкан бўлуб*). Бай, ба...й, яхши шарбат эканда. Сиз томоқ едингизми?

Абдумўминхон. Ҳа едим.

Раҳимбий. Бир пиёла ичасизми?

Абдумўминхон. Ҳай, ичаман. (*Раҳимбий пиёлани тўлдуруб берар. Абдумўминхон бирдан ичар*.) Бир оз аччиғми?

Раҳимбий. Бир оз... (*Пиёлани олиб жойига*

қўяр.) Албатта, фойдали дорулар солингандур. Эрта Қози Низомга мирасадлик ўруни²⁵ берсангиз бўлурми?

А б д у м ў м и н х о н . Бўлур. (*Юрагини тутуб.*) Юрагимни ёндуруб юборди, бу нима эди?

Раҳимбий. Менга бир нарса бўлмади-ку!

А б д у м ў м и н х о н (*иқки қўли билан кўкрагини тутуб, буруладир.*). Вой ёндим. (*Ялинар.*) Бек бобожон, бу нима эди? Ёндим.

Раҳимбий. Жим турингиз, ҳеч нарса қилмайдир.

А б д у м ў м и н х о н (*чидай олмай.*). Вой ёндим... бир оз сув берингиз! (*Абдумўминхоннинг кўзлари олайиб, юзи бузила бошлар.*) Ёндим. Бир оз сув берингиз! (*Қусмоқ истаганда, тахтдан юмаланиб, тубангга тушар. Раҳимбийнинг сингирлари бузулар, кучли бир виждон азобига учраган каби, десөрга таяниб, кўзларини Абдумўминға тикиб, қотиб қолар. Қусиб, толпиниб, қийланиб ётғон Абдумўминхон бирдан бошини кўтарар.*) Жаллод! (*Раҳимбий сесканар.*) Мени ҳам ўлдурдингми?! (*Яна ийқилиб, толпина-толпина жон берар.*)

Кўк гумбурлар, қаттиқ бир ел эсиб, шамларни ўчурар. Шу тобда тахтнинг бир четиндан, йигирма яшар эронли афт бир Хаёл чиқар. Сочи орқага қайтарилиб, бўйни тўгрисивдан кесилган, боши яланг, этнида кафсан, оғир юруб, Раҳимбийнинг қаршусига бориб турар. Раҳимбий жуда қўрқуб, қаттиқ титрар.

Раҳимбий (бўғуқ). Бу ким!... Ким бу!...

Хаёл қўли билан имлагач, парда очилиб, ўлуклар турған бояги зиндан кўрипур.

Хаёл (оғир товуш билан шул форсча назмни ўқур).

Сурати адли Хисравон ин аст,

(зинданни кўрсатур)

Зулм дар олами ғараз дин аст.

Ожизонро диҳан ғутта ба хун,

(ўлукларни кўрсатур)

То шавад хилвати ҳавас гулгун.

Адл ин ранг тухми раъфат кошт,
В-эй агар зулм тег мебар дошт.*

Раҳимбий. Бу ким?...

Хаёл (тактга қараб). Эй қора куч, қуруб кетгур тахт! Ҳеч гуноҳи бўлмаған болалардан, тоғ каби йигит-

* Бу тизим Бедилдандир.

лардан миллиончалари сен учун қурбон бўлуб кетарлар. Инсонлар томонидан яратилған мингларча тангрининг энг бузуқбоши, энг шуми, энг қоиқора саодат — сенсан. Остингда қолғанларни эзгучи бир фалокат юки бўлғанинг каби, устингга чиққанларнинг борлиқларини ёндириғучи бир олов тепасидирсан!

Раҳимбий. Ким бу? (*Қўрқа-қўрқа икки одим илгари босиб, бир нарса сўрамоқчи бўлур. Ҳаёл сўйлағач, яна қўрқуб кейинга қайтар.*)

Хаёл. Сен фазилатлиқ билимларнинг қўл, қанотларини узуб ташладинг. Инжу тизғучи адилларнинг қаламларини ўчоқ супургусига айлантурдинг. Ота пичоғи билан болаларини бўғизладинг. Бола ҳанжари билан оталарни йиқитдинг. Дўстларни бўғуштурдинг, ўртоқларни уруштурдинг. Даланинг эркини, шаҳарнинг тинчини, эрларнинг ғайратини, хотунларнинг исматини талатдинг. Отамдан қочиб, ўзига сифинганим ҳолда ўёлмайин, бошимни кесдирган Афросиёбингдан мана шу кимсасиз болани оғулаб йиқитқон Раҳимхонинггача мингларча йиртқич хоинларни сен яратдинг, сен яшатдинг. Эй, инсоннинг душман тангриси, қачонғача бу онгсизлар тўдасини ўзинга ҳам топиндируб, ҳам қурбон қиласан?! Эй, бойқушлар қафаси, бундай дев иштиҳолиқ ҳайвонларнинг²⁶ қўли билан қачонғача дунёларни бир-бирига уруб турасан?! Тинчлиқ сақламоқ баҳонаси билан миллионларча инсон кўмасини²⁷ чуқурдан чуқурга юмалатмоғингнинг замони ҳанузғача битмадими?

Раҳимбий (ўйлар). Афросиёб, дейдир. Отамдан қочдим, дейдир. (*Бир-икки одим илгари босиб, қўрқа-қўрқа.*) Сен кимсан?!

Хаёл. Мен... Сенинг каби бир золим қўлинда мана шунинг каби (*Абдумўминнинг ўлугини кўрсатур*) ҳеч бир нарсани билмайин, онгламайин, бўғизланған бир мазлум,— Сиёвш!... Эй, қора юракли бойқуш, бундан сенга қолған вайронани қутламоқ учун келдим. Инсонлиқ дунёси, эсини бир жойга тўплаб, ўз ишига ўзи эга бўлғанча, сен ҳам, сенинг кабиларнинг ҳам ихтиёрин гиздадир. Истаганингизча ҳукм суро оларсиз. (*Секин-секин узоқланиб, ийқолар.*)

Раҳимбий Сиёвш... Сиёвш. (*Ҳаёл томониндан тортилған каби, унинг кетидан юруб, саҳнадан чиқар*).

Парда тушар.

ШАЙТОННИНГ ТАНГРИГА ПСЁНИ

Кўк устида ойдин бир кенглик. Бир четида ёқутдан ясалган, турли қимматли тошлар билан безалган юксак бир минбар. Минбарининг тенасида олтин ҳарфлар билан «Ҳаза минбару ҳазрати Азозил»¹ деб ёзилган. Ўртада бир ҷанча м’алаклар. бошлиари ерга қўйилган сажда ҳолида, оғир товуш билан «Субҳоноллоҳ, субҳоноллоҳ» деб турадирлар. Бир оздан кейин малакларнинг мударриси бўлган Шайтон тушунчалик, ҳайратлик, орнинг, гурурлик бир сиймо билан келар, малакларнинг ҳолларига нафрат аралаш таҳқиқор билан қарағандаш сўнг, сўйладидир.

Шайтон

Нечун эмиш бу тубанлик, бу хўрлик,
бу онгиззлик, бу жонсизлик, бу кўрлик?!
Милйўнларча ихтиёrsиз маҳлуқлар
минг йиллардан бери мана шундай
юммуш кўзни, ерга қўймиш манглайнин,
«Субҳон, субҳон, субҳон» дебон соъиқлар².

(Ўйлагандан сўнг.)

Нурдан милйўн-милйўн малак яратнил,
жон бер, онг бер, кўз, бош яса, тан ишла,
учмоқ учун қанот даҳи бағишила,
ундан сўнгра...

Малаклар

Субҳоноллоҳ, ё оллоҳ.

Шайтон

ерда ётқиз «субҳон, субҳон» сайдатни!
Қимга, қандай фойда бор бу ишдан?
Қайси аҳмоқ исинадир бу қишдан?
Бу эркинисиз маҳлуқларни тирғазиб,
ундан кейин ёғоч каби ётқизиб,
умр бўйи «пок»лигинги мақтатмоқ
истагансан... Нега бердинг қўл-оёқ?..
Тебранмаскан, нега булар тирилди?
Учолмаскан, нечун қанот берилди?

Малаклар

Субҳоноллоҳ, субҳоноллоҳ, ё субҳон.

Шайтон (кулими сираб)

«Субҳон, субҳон» сайдамоқдир ишлари,
бир турлидир баҳорлари, қищлари.
Кўкармайлар, очилмайлар, сўлмайлар,

юксалмайлар, яратмайлар, ўлмайлар.
«Йўқлик» эмас бундай «борлиқ»дан ёмон?..
Иерофил сурз чаладир. М'алаклар саждадан бош кўтара-
дирлар. Ҳаммалари Шайтонга салом бериб, уиниг теграсинда
тўплападирлар.

Шаитон (*Fурур билан*)

Мен буларнинг муаллими, йўлчиси,
адашғанинг, йиқилғанинг қўлчиси.
Бу ишларнинг сабабини билмайман,
айтганингни эрким билан қилмайман.
Шу минбарга оёқ босиб чиққанда,
амринг билан сўзга оғиз очғанда,
жалолингдан, жамолингдан сўйладим,
ҳар бир ишнинг ҳикматини кўйладим.
Улуғлиғинг, қодирлиғинг, илмингдан,
кўралиғинг, одиллиғинг, ҳилмингдан⁴
оғиз очдим, кўз юмдим-да, гапурдим.
Бироқ букун... мана сенга ўз сўзим:
у гапларга ишонмадим, мен ўзим!
Тилим қачон сенинг учун сайраса,
юрагимни қитиқладир бир нарса!

(Узил-кесил шаклида.)

Кўролмайдир, ҳикматларнингни кўзим,
тилдангина чуруб тушади сўзим.

Жаборил келиб Шайтонга салом берадир.

Жаборил

Хурмат сенга, эй олами ирфон⁵,
эй, кўнгли маориф била тўлған!
Тангри сени ҳурмат-ла саломлаб,
ҳаққинидағи лутфини тамомлаб,
амр айлади, таълимға бошла!
Хар турли ёмон фикрни ташла.
Чиқ минбәрингга, әлга хитоб эт!
Ким озган эса, унга итоб эт!
Ҳақ Жалла алонинг⁶
аҳкомини ўйлаб,
авсоғини сўйлаб,
бидир малакутга⁷.
Боғланма сукутга,
қол дўсти худонинг!

Жаборил юкунуб бир ёқда турғач, Миконил келадир.

М и к о и л

Салом сенга, малакларнинг улуғ раҳбари,
билим, ҳикмат кўқларининг нурли ҳулкари!
Ёрлақадир тангри сени кўб-кўб ҳурматлаб
ким: «Турмасин менинг дўстим унумсиз ўйлаб.
Малакларга сабоқ берсин, маърифат сочсин,
ҳикматимни, қудратимни уларға очсин».

М и к о и л юкуниб, Ж а б р о и л ёнида турғач, А з р о и л
келадир.

А з р о и л

Салом юборди сенга худойим,
ҳурматлаб туар у сени доим.
Амр айлади: тур, чиқғил минбарга,
Худони мақта бу бандаларга.

Азроил юкуниб бир четда турадир. Ш а й т о н миңбарга чиқарда
ўйлайдир.

Ш а й т о н

Меним каби ужуратлик хотиблар⁸ тушунмасдан
сўйлайлар.
Булар каби тушунчасиз сомиълар⁹ англамасдан
тинглайлар.

Яна сўйла, яна тингла, охири йўқ, учи йўқ,
тингламаймиз деярганда ҳеч кимсанинг кучи йўқ!
Шайтон минбарга чиқғач, Ж а б р о и л, М и к о и л, А з р о и л
минбарнинг икки ёгида, малаклар минбарнинг олдида ясов тор-
тиб турадирлар. Ш а й т о н ҳар томонга қараб ўйлай берадир.

Ш а й т о н

Кўк йўқ эмиш, ер йўқ эмиш, қуёш билан юлдуз йўқ,
ой йўқ эмиш, замон-да йўқ, кеча билан кундуз йўқ.
Йўқ бир нарса, йўқ бир кимса, йўқ бир сифат, йўқ бир
исм,
йўқ бир исбат, йўқ бир ҳолат, йўқ бир маъно, йўқ бир
жисм.

Бор йўқ эмиш, борлиқ-да йўқ, мумкин каби имкон йўқ,
ҳаво-да йўқ, фазо-да йўқ, малак каби шайтон йўқ.
Бу йўқликда бизнинг Тангри сир каби турармиш,
йўқликларда яшириниб одам кайфин сурармиш.
Истамишким, борлиқ уза чиқиб кўрсии ўзини,
ўзидағи сифатлар-ла нурлантирсан кўзини.
Истамишким, бу йўқликдан биз «бор» ларни яратсун,
сўнг... ўзига ҳаммамизни топиндиурсун, қаратсун.

Одамликтан йўқлик сари юрмиш, кейин бор бўлмиш,
дунё унинг йўқдан чиққан маҳлуқлари-ла тўлмиш.
«Лавҳ ул-маҳфуз»¹⁰ сўзидир бу, мен ўзимдан айтмадим,
бу сўзларга эргашиб-да ўз фикримдан қайтмадим.
Бу сўзларни ўйламасдан қабул қилайликми биз?
Мен тинглайнин, гапирингиз фикрингизни эмди сиз!

(Сўз кутиб турадир.)

Жа бро ил (орасига тушиб.)

«Лавҳ ул-маҳфуз»да худонинг сўзи бор,
худо сўзида ҳақлиқнинг ўзи бор.

М а л а к л а р

Худонинг сўзини қайтармас ҳеч ким,
ким қайтарса ул имонсиздир...

Ш а й т о н (сўзларини кесадир).

Жим!

Ҳаммалари тинглайдирлар.

«Лавҳу ул-маҳфуз» сўзларини бошдан ўқиб чиқсангиз,
у сўзларнинг бир-бирига уймаганин кўрсангиз,
сиз ҳам мендай тушунурға бир мажбуриқ кўрасиз,
тушунмайин, ўйламайин топинмоқдан безасиз.

Тушунингиз, йўқлиқларда бир сир бўлиб турган «у»,
кенгашмасдан, сўрашмасдан сизни борлиқ юзиға
чиқарсин-да, дунё бўйи топиндирысин ўзига.

«Яратилдик, яшаймиз» деб, бош қўясиз, ётасиз,
юқорига қарамасдан тубанликка ботасиз.

Вазифангиз икки буклам сажда бўлсун. Нечун шу?!

Яратилиш ҳикмати бу! Қондирсуни мени шу?!

М а л а к л а р д а шоҳқиплик кўрунадир. Жа бро ил талваса
билағ орага кирадир.

Жа бро ил

Устодим, оширдинг,
фикримни қочирдин.

Ҳақ қулларини сен
ўз тўғри йўлингдан
ездирма! Чиқарма!
Зулмат сари борма!

М а л а к л а р (қўлларини кўтариб).

Улуг Тангрим, кофирилкдан омон бер!

Ўзинг бизга омон-эсон имон бер!

Жа бро ил қайтиб жойига борғач, М ико ил орага кирадир.

М и ко и л

Үстодимиз, бу кун сенга не бўлди?
Кўнглинг ичун қоронғулиққа тўлди?
Тангришдан қўрқ, айтма бундай сўзларни,
сен ўзингдан қайтармағил кўзларни.
Тангри бизни топинғали яратгон,
эрғашамиз шунга... бошқаси ёмон.

М а л а к л а р (қўлларини кўтариб.)

Улуғ Тангрим, кофирликдан омон бер!
Ўзинг бизга омон-эсон имон бер!

Ж а б р о и л орага кирад.

Ж а б р о и л

У ҳикматли ишлайдир,
ҳикматлари суринмас.
Ишларининг унуми
бизнинг кўзла кўрунмас.
Ўкиролмаймиз...

Ш а й т о н

Нечун шу?!

Ж а б р о и л

«Нечун шу»ми?

М и ко и л

Чунки у

Тангримиздир, бизлар унинг қуллари.

А з р о и л бирдан орага кириб, қизғин қайнаб сўйлайдир.

А з р о и л

Тангрим, надир бунинг бунча озғани,
имонларнинг тамалини қозгани?!
Еу бизларга куфр ўргатиб турадир,
жоннимизни тамуғ сари сурадир.
Учмасунми кўкка бунинг куллари?!

М а л а к л а р

Улуғ Тангрим, кофирликдан омон бер!
Ўзинг бизга омон-эсон имон бер!

А з р о и л

Амр эт, бунга ўлим оловин сочай,
Йўқса, йўл бер, сабоғидан-да қочай.

Ж а б р о и л, М и ко и л, А з р о и л умидсизланиб жойларига
қайтача, Ш а й т о н яна сўйлайдир.

Шайтон

Ҳар нарсани йўқлиқлардан бор этмоқ ҳам, билмайман,
тўғримидир! Бироқ бунга мен ишониб турмайман.
Ўзи йўқдан ҳар нарсани яратғанин куйладир,
сизни нурдан, мени ўтдан бор қилғанин сўйладир.
Нурдан, ўтдан яратилмоқ — йўқдан бор бўлмоқ эмас;
буни билгац, ҳеч ким бизга «йўқдан бор бўлдинг», демас:
Яна бу кун «Лавҳ ул-маҳфуз» хатлариға кўз солдим;
сизлар учун жуда қизиқ шундай бир хабар олдим.

Ҳамма тинглайдир.

Тангри яна тупроқдан бир яиги ҳайвон ясармиш,
бизга ҳоким, ҳам ўзига ўрнибосар қиласмиш.
Эшитингиз, йўқдан эмас, тупроқдан:
Ишонмасанг, кўрсатаман!

(Кўли билан бир ёқни кўрсатиб.)

Кўр, ишон!

Шайтон кўрсатган томовдан «Лавҳ ул-маҳфуз» кўринадир. Олтин
ҳарфлар билан ёзилган тубандаги хатни ҳаммалари бирдан
йўқийлар.

«Одамни тупроқдан эмди яратармиз,
ҳам уни ўзимизга халифа қиласмиш.
Ў бизнинг улуғ қўлимиз бўладир».

Малаклар аро шов-шув тушадир. «Лавҳ ул-маҳфуз» кўздан
йўқоладир.

Биринчи малак

Одам...

Иккинчи малак

Одам...

Учинчи малак

Одам—ким?

Тўртинчи малак

Бу қандай сўздир, Тангirim?!

Бешинчи малак

Одам онаси — тупроқ?!

Олтинчи малак

Биздан бўлур улуғроқ!

Ҳ а м м а л а р и
Йўқ, йўқ, йўқ, йўқ,¹¹ бу бўлмас,
Тангри у ишни қилмас.

Шайтон малакларининг бу ҳолига эс қўйиб, қувониб қарагап-
дан сўнг, сўйлайдир.

Ш а й т о н

«Лавҳу ул-маҳфуз» Тангримизнинг сўзларини кўрсатар,
у сўзларга ишонмаслик сизни куфрга сурар.

«Лавҳ ул-маҳфуз» сўзларини ўқидингиз ўзингиз,
нима учун «йўқ, йўқ, йўқ, йўқ» бўла қолди сўзингиз?

Ж а б р о и л (малакларга)

Йўқ, йўқ эмас! «Лавҳ ул-маҳфуз» сўзи бўлмайдир ялғон,
Одамато яратилар...

Ш а й т о н
Йўқлиқданми?

‘ Ж а б р о и л
Тупроқдан!

Тупроғини биз қелтиридик, лойлаб суврат ясадик,
қурисин деб бир неча кун қуёшликка ташладик.
Мана бу кун қуриғандир, Тангри унга жон берар,
у тирилғач, ўзи юриб мажлисингизга келар.

М а л а к л а р (шошиқин)

Йўқ, бўлмайдир, Тангри бизнинг қўлимиизни синдирилас,
Биз нурданмиз, лой-тупроқни бошимизга миндирилас.

Ш а й т о н

Мингларча йил топнингиз Тангрига,
ўйламайин эргашдингиз амрига.
Ҳар айтғанин тингладинғиз, турдинғиз,
тутқиликда умрингизни сурдингиз...
Ҳеч бирингиз ёвуқ¹² недир билмади,
ҳеч бирингиз айтмағанин қилмади.
Вазифангиз қуллук, сажда, ишониш,
шунлар билан бўлди сизда қувониш.
Лойдан одам ясар эмишлар букун,
сизга ҳоким қилар эмишлар нечун?
Мингларча йил топнишининг охири
шуми бўлур?!

Ж а б р о и л

Эй, малаклар раҳбари!
Нима чора?

М и к о и л

Келинг, дуо қилайлик,
Тангримизга ёлворайлик, йиглайлик.

Ш а й т о н

Буни даҳи¹³ синамасдан қўймайлиқ.

Ҳаммалари қўлларини кўтариб дуо қиласидирлар.

М а л а к л а р

Бизни (иг) кўнгилни синдирма, Тангри!
Зулматни нурга миндирма, Тангри!
Бизга раҳматлаб бир назар солғил,
Одаматони яратмай қолғил.
Ўзимиз сенга тоат қилайлиқ,
Тангрилигингни яхши билайлик.
Яна одамни яратма, Тангри!
Бизнинг кўнгилни синдирма, Тангри!

Иерофил сур чаладир. Ҳаммалари жим бўлурлар. Таигри
дан нидо келадир.

Н и д о

Ҳаммангиз меним қулларим, букун
Меним қаршимда бу қадар шовқин?
Мен истагани, истамайсизми?
Газабимин-да ўйламайсизми?
Мен тиламаган йўл тутдинғизми?
Тамуғ оловин унутдинғизми?
Илонгами юттирай?
Балогами тутдирай?
Бошингизга эриган
темирларми тўқдирай?
Нега одам ёмондир?
Сабабини айтингиз!

Ш а й т о н

Бу дўқлари ялғондир.

Ж а б р о и л

Яиглиш йўлдан қайтинғиз!

М а л а к л а р ялиниб яна муножот қиласидирлар.

М а л а к л а р

Тангрим, бизга омон бер!
Омон билан имон бер!

Одам сира қилолмас
биздек сенга ибодат.
Одам сира билолмас,
недир сендаги қудрат.
У кўп гуноҳ қиласмиш,
борликни булғатармиш,
олов, ўлим сочармиш.

Н и д о

Сизлар менинг билганимни билмайсиз,
мен истағач, унга қарши турмайсиз.
Мана сизнинг вазифангиз!.. Жаброил,
Сен тез учуб аршим сари сафар қил.
Одам ҳозир тирилгандир, айт, келсин.
Малакларга буюраман—одамнинг
Оёғига сажда қилсин, йиқилсин.

Жаброил кетадир.

Ш а й т о н (ўйлайдир).

Буюрадир... Тангрисидан оламнинг
малак бўлиб, мунча хўрлик чекканча,
ақлинг бўлса, тупроқ бўл-да, тинч ўтири.

(Умидсизланиб қолган малакларга сўйлайдир.)

Мана, шудир тутқунликнинг ёмиши!
Бошқа турли бўлмас тутқунлар иши.
Ҳеч кимсага қилманг сажда, бош эгманг,
Ўзингизда бор шарафдан қўл чекманг.
Шунча йиллар топиндингиз ўзинга,
эрғашидингиз бўлар-бўлмас сўзинга.
Сизни бу кун балчиқдан ҳам тубанроқ
кўрмоқдадир! Яна бизга не керак?!
Сиздан ҳеч ким одамга тиз чўкмасин,
зулмат нурдан юқорироқ ўтмасин.

Исрофил сур чаладир. Жаброил келар. Унинг орқасидан
Одам оппоқ нурдан кийимлар кийган, бошида тоҷ, қўлида
япил таёқ, оғир юриб келади. Шайтон одамни кўргач, сингурла-
ниб¹⁴, телбадик билан минбардан тушади. Шул орада Н и д о
келади.

Н и д о

Эй, эй, бутун малаклар,
топинингиз Одамга!

Малаклар бирдан саждага борадирлар. Шайтон малак-
ларнинг саждасини кўрмасдан, Нидога қарпи қўчқиради.

Ш айт о н

Топинмаймиз... Истасанг
юбор бизни адамға!¹⁵

Шайтоннинг шу кичқириши билан дунёни қўрқинчли бир қоронғилиқ босадир, чақинлар чақар, раъдлар¹⁶ гулдуар, ҳар томон титрар. Бир оздан кейин дунё ўз ҳолига қайтар. Минбар олдида йиқилиб қолган Шайтон, секин турадир. Тож билан таёқ ҳам қанотларнинг ерга тушиб қолғани, ҳам ўзини шайтон суратига киргани кўриниб турадир. Истрофил сур чалар. Малаклар саждадан бош кўтариадирлар. Шайтоннинг ҳолини кўргач, ҳаммалари бирдан муноҳот қиласадирлар.

М а л а к л а р

Улуг Тангри, кофирликдан омон бер!
Ўзинг бизга омон-эсон имон бер!

Ш айт о н бирдан ёввойи бир кулиш билан орага кириб, Одамга сўйлайдир:

Ш айт о н

Эмди мендан сенга буюк ҳурматлар,
сенга ҳурмат, тутқунилиқقا нафратлар.
Мени билмай нажот сари итардинг,

(ерга тушиган нарсаларни кўрсатиб)

бу тутқунилиқ боғларидан қутқардинг.
Тангри мени топинидирди ўзига,
тушунтирмай, эргаштирди сўзинга.
Бағишилади бир кирли тож, бир таёқ,
билмай олдим, бунлар эмишлар тузоқ.
Истадиким, сенга даҳи топинай,
яъни яна бир ҳўрликка тутунай.
Қаршу турдим бу маъносиз амрига,
ёғий бўлдим бу кун улуғ Таңгрига.
Кўтармадим, ерга урдим сўзини,

(малакларни кўрсатиб)

шунлар аро уялтиридим ўзини.
Ҳеч бир жазо беролмади у менга,
омон-эсон сўйлаб турибман сенга.
На ёндириди, на йилонга ютдириди,
на бошимга алангалар тўқдириди.
Тамуғлари¹⁷ қайнамади, тошмади,
Лаққум олов дарёлари ошмади.
Қизиб мендан олган нарласига боқ:
бир кирли тож, икки қанот, бир таёқ.

Қанот ила учтимми мен, сўйласин,
таёқ мени кўтардими, ўйласин.
Тожи оғир бир юк эди бошимға,
ибодати оғу қотди ошимға.
Қутулдим мен, энди озод юраман,
кенгликларда қанотсиз ҳам учаман.

(*Одамга яқинлашиб.*)

Мени сенга топиндиримоқдан унинг
истагани — сени даҳи алдамоқ,
алдаб, сўнгра секин-секин боғламоқ.
Ўйлаб қара, маъноси борми шунинг?
Мен қутулдим, кетмоқдаман узоққа,
сен эслик бўл, туша қолма тузоққа.
Ташла тожни, бу таёққа берилма,
Энг сўнг сўзим шудир: сен малак бўлма!

Исрофил сур чалар. Нидо келадир.

Нидо

Бандаларим, тингламангиз ёғийни,
ундан олдим мен саодат боғини.
Ўўлдан озди, залолатга¹⁸ ботди у,
чеккусидир бу ишидан кўб қайғу.
Малакларга улуғлиғин билдиридим,
минбарини аршим ёнида қурдим.
Қудратимнинг сирларини кўрсатдим,
ўзим билган билимларни ўргатдим.
Самолариниг салтанатиға етди,
малакларга ўқутғувчилик этди.
Жуда буюк мартабалар бағишлаб,
буни шунча улуғладим-да... Нишлиб
бўйруғимни қайтарадир бу озгин?

Шайтон (*Нидо келган томонга қичқирадир*)

Чунки билим сенга туташ душмандир!

(*Истеҳзо билан.*)

Ҳикматинг бор, уни ўзинг кел, қондир.
Мен қўрқмайман энди сенинг қаҳрингдан,
учиб кетдим иқлимингдан, шаҳрингдан.
Тамуғларинг, оловларинг, азобинг,
ваҳималар, жаннатларинг ялғондир.
«Лавҳ ул-маҳфуз» деган буюк китобинг
үйдирмалар, ялғонлардан тўлғандир.
Шунча йиллар бошим уза ерлашдинг,

Энг сўнг кесак қаби олдимға тушдинг.
Ортиқ мендан Одамиигга топиниш,
«кечиргил» деб, йўқ қопангда ялиниш
узоқ бўлсин. Мен юраман букун шод,
тутқунлиқдан, қуллиқлардан-да озод.
Раҳбарим фан, пайғамбарим билимдир,
муовиним миям билан тилимдир.
Топингумдир ёлғизгина ўзимга,
Ишонгумдир икки очиқ кўзимга.
Ёлғиз ўзим қутулдим деб юрмайман,
бошқалардан хабар олмай турмайман.

(*Одами кўрсатиб.*)

Буни даҳи қутқарғумдир қўлингдан,
чиқарғумдир сенинг янглиш йўлингдан.
Бундан сўнгра сени ҳеч ким юксакдан
изламасин, ийқилиб туш фалакдан!
Йўқол энди ҳикматинг-ла, аршинг-ла,
қудратинг-ла, жалолинг-ла, фаршинг-ла!¹⁹

Ҳаво қоронгуланар, қўк гулдирап, чақицлар чақар, ҳар томон
титрар. Бир оздан кейин дувё ўз ҳолига қайтгач, Шайтондаи,
Одамдаи, малаклардан, минбардан ҳеч дарак қолмагани кўринар.

Парда тушар.

ИЗОҲЛАР ШЕЪРЛАР

ЮРТ ҚАЙҒУСИ — бу шеър аруэ вазнида ёзилган бўлиб, «Хуррият» газетасининг 1917 йил 29 декабрь 62-сонида эълон қилингани. Шу кунга қадар қайта нашр этилмаган.

«Хуррият» газетаси Самарқандда 1917—1918 йиллари нашр этилгани, 1917 йил 27-сондан бошлаб Фитрат мұҳаррирлик қилгани. Бу нашрда Фитратнинг қирққа яқин публицистик мақолалари ва тўртта ўзбекча ва икки форсий шеъри эълон қилингани.

ЮРТ ҚАЙҒУСИ (сочма шеър). Фитратнинг ўз сўзлари билан айтганда «мансура» («Адабиёт қоидалари»). «Хуррият» газетасининг 1917 йил 28 июль 26-сонида эълон қилингани. Қайта нашри: «Фан ва турмуш», 1990, 9-сон, 7-бет (табдилчи Акбар Аъзам Ҳожа).

* **Ўгузхон** — хунлар давридаги қадимги турк хоқонларидан. Асл исми Мусахон Теоман ўғлидири, вафоти исовий 174-йил. Туғилган санаси аниқ эмас. Ўттиз беш йил ҳукмронлик қилгани.

** **Отилла** — Хун хоқони Минжук ўғли (395—453). Акаси Велданинг ўлимидан сўнг (422 й.) хоқонликни тўла ўз қўлига олиб умрининг сўнгтига қадар хоқонлик қилгани. Қайта нашрда «Отилла» сўзи «она» деб ютўгри ёзилган.

*** **туғой** — туғилган жой.

**** **саксон милйўн** — ўша йиллари ер юзида туркий қавмга мансуб 80 миллион аҳоли бор эди, шу рақам назарда тутилади.

ЮРТ ҚАЙҒУСИ (бир ўзбек тилидан) — унбу сочма ҳам «Хуррият» газетасида чоп этилган (1917, 18 август 31-сон). Қайта нашри: «Фан ва турмуш» ж., 1990, 9-сон, 7-бет.

* **носула** — тузалмаган, қайта кесаллаянган.

** **тамуг** — жаҳанинам.

*** **сорилмоқ** — ёнишмоқ.

ЮРТ ҚЛИГУСИ (Темур олдинда). Сочма «Хуррият» газетасининг 1917 йил 31 октябрь 47-сонида иш бор эълон қилингани. Қайта нашри: «Фан ва турмуш» ж., 1990, 9-сон, 7-бет.

* **қарлук темурлар** — темир наижаралар.

«ЎЗБЕК ЕШ ШОИРЛАРИ» тўпламидан

Тўплам 1922 йилда Тошкентда чоп этилган. Унга Фитрат, Чўлпон, Боту, Элбекнинг шеърлари киртилган бўлиб, Фитратнинг 1919—1921 йиллар орасида ёзилган 13 шеъри тўпламдан

жой олган. Ушбу тўплам ҳақида қуйидаги тақризлар эълон қилинган: А. Саъдий. Ўзбек ёш шоирлари. «Туркистон», 1924, 12 январь; О. Шарафуддинов. Ўзбек ёш шоирлари. Чўлпон. «Қизил Ўзбекистон», 1927, 14 февраль («Айи» имзоли билан).

КИМ ДЕЯЙ СЕНИ? Қайта нашри «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигига 1987 йил 11 декабрь сонида (нашрга тайёрловчи Назим Каримов) эълон қилинган. Дастребаки тўпламда шеърининг санаси кўрсатилмаган, қайта пашрда 1920 йилга тааллуқли экани айтилади.

БИР ОЗ КУЛ. 1991 йилнинг йюшида «Шарқ ўлдузи» журналининг 6-сонида (20-бет) қайта нашр қилиниди (нашрга тайёрловчи Ҳ. Болтабоев). Шеърининг санаси кўрсатилмаган. Фитрат таржиман ҳолини кузатиб, 20-йилларининг бошларида Тошкентда ёзилганини тахмин қилини мумкин.

АЧЧИФЛАМА ДЕГАН ЭДИНГ. Шеърининг санаси кўрсатилмаган. Сарлавҳа остидаги сўзлар муаллиф қаламига мансуб. Қайта нашри учун қаранг: «Шарқ ўлдузи», 1991, 6-сон, 20-бет.

МИРРИХ ЮЛДУЗИГА. Қайта нашрида 1920 йил санаси кўрсатилган. Қаранг: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1987, 11 декабрь (табдилчи Н. Каримов).

ОВУНЧОҚ. Шеър машҳур маърифатчи адаб Мирмуҳсин Шермуҳамедовга бағищланган. Боту 1929 йили М. Шермуҳамедов вафоти муносабати билан «Катта йўқотув» мақоласини ёзган, бу мақолада Фитратнинг ушбу шеъри ҳам тиага олинган. Шеър «Ўзбек ёш шоирлари»дан олиниб, нашрга тайёрланди.

Мирмуҳсин Шермуҳамедов (1895—1929) — дастребаки ўзбек журналисти ҳам маърифатиарварларидан. 1917 йили 25 апрелда «Гурон» газетасида босилган мақоласи учун жазога тортилган, ҳатто уни тошибурон қилиб ўлдириш ҳақида ҳукм чиққан. Лекин гайратли дўстларининг аралашуви туфайли ҳукм қамоқ жазосига алмаштирилган ва у дўстларининг ёрдамида Уфага қочириб юборилган.

ИШҚИМНИНГ ТАРИХИ. Қайта нашри: «Шарқ ўлдузи», 1991, 6-сон, 21-бет.

ЯНА ЕНДИМ. Қайта нашри: «Шарқ ўлдузи», 1991, 6-сон, 22-бет.

* қўғарчии — кабутар.

НЕГА БҮЙЛА? Шеър 10 март 1920 йили ёзилган. Қайта пашри: «Ўзбекистон адабиёти ва 'санъати», 1987, 11 декабрь. Қайта нашрида 1920 йил 14 март санаси келтирилаган.

ШОИР. Шеър 1920 йил 24 марта ёзилган. Қайта нашри: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1987, 11 декабрь. Миён Бузрук Солиҳовнинг дадолати бўйича, бу шеър Абдулҳамид Чўлпонга бағищланган.

БЕҲБУДИИНИНГ САҒАНАСИН ИЗЛАДИМ. Шеър 1920 йил ёзилган. «Ўзбек ёш шонрлари»дан олиниб нашрга тайёрланди (бунга қадар матбуотда эълон қилинган бўлиши мумкин). «Фан ва турмуш» журналининг 1989 йилги соилярида бирда қайта нашр қилинган (табдилчи Ш. Турдиев).

Шеър Амир Олимхонининг буйругига кўра Қарши беги томонидан 1919 йилда ўлдирилган Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875—1919) хотирасига багишланган. Бу ҳақда ҳаранг: «Инцилоб», 1922, 1-сон.

ПАРЧА. 1920 йил 11 апрелда ёзилган. «Ўзбек ёш шонрлари»дан олиниган бу шеърий парчанинг асл сарлавҳаси берилмаган. Эҳтимол, тугалланмаган бўлгани ва мазмунан мумтоз адабиётдаги қитъага яқин тургани учун, шундай номланган.

* урдиқча — танбур чалганди бармоқда тақилади.

ЎГҮТ. Қайта нашри: «Чин севини» (Т., 1996).

* йуримла — чарчама.

ШАРҚ. Шеър дастлаб «Тонг» журнали (1920 йил, 2-сон)да «поэма» рукини билан эълон қилинган. Сўнгра «Ўзбек ёш шонрлари» тўпламига киритилган. Қайта нашри: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1987, 11 декабрь.

Бухоро халқ жумҳурияти даврида БухЧК раиси ва Ички ширлар нозири бўлиб ишлаган Мунижон Амиловининг 1937 йилги сўроқ анкетасига кўра (16—20 апрель), бу шеърга Ф. Хўжаевининг илтиносига кўра халиқ артисти Қори Ёқубов куй басталаб, ижро этган. Ушбу маълумот тафсилоти учун ҳаранг: «Шарқ юлдузи», 1992, 10-сон, 175-бет.

Шеър таҳлили учун ҳаранг: Б. Қосимов. Фитрат. Чизгилар, «Шарқ юлдузи», 1992, 10-сон, 172—176 бетлар; Ҳ. Болтабоев. Номаълум Фитрат. «Ёшлик», 1990, 4-сон.

* ўғури — шўрлик.

** «Тузки, илои, шайтон, алдовчи малъуни» сатри қайта нашрда тушиб қолган.

ТУПЛАМГА КИРМАГАН ШЕЪРЛАР

ЎҚИТГУЧИЛАР ЮРТИГА. 1921 йилда ёзилган бу шеър 1991 йил «Шарқ юлдузи»да қайта напири бўлди (6-сон, 22-бет).

* урду — лашкар, армия.

ҚОР. Илк бор Бухоро маориф нозирлиги нашри бўлган «Учқун» журнали (1923, 2-сон)да чоп қилинган. Қайта нашри: «Шарқ юлдузи», 1991, 6-сон, 22-бет.

МЕНИНГ КЕЧАМ. Шўро давридаги барча дарслик ва қўлланмаларда «аксилишшўровий», «мизлатчи бадбиси қайфиятларни ифодаловчи» деб талқин қилинган бу шеър 1923 йилиниг октябррида Москвада ёзилган. Бунга тескари руҳда Боту «Менинг кунду-

зим» шеърини ёзган. Қизиги шундаки, Фитрат шоир Ботунинг шеъридаги руҳни, ундаги «қундузининг товланишлари»ни биринчилардан бўлиб амлаган бўлса ҳам, аслида бундай шеър ёзипга ўзи маслаҳат бергани учун, уни ўз шеъри билан биргаликда «Инқлоб» журналининг 1924 йил 9—10-сонидаги (3—4, 7—8-бет) ёълои қиласан. 1996 йилнинг декабрида Фитратининг 110 йиллик юбилейи муносабати билан «Туркистон» рӯзномасининг 1996 йил 21 декабрь сонида қайта нашр этилди (напирга тайёрловчи Ҳ. Болтабоев).

ГЎЗАЛИМ, БЕВАФО ГУЛИСТОНИМ. 1932 йил 4 ноябрда Самарқандда ёзилган бу шеър 1987 йили қайта нашр қилинган: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1987, 11 декабрь. Бу асарнинг ёзилиш тарххи бастакор Мутаваккил Бурхоновининг Фитрат ҳақидаги хотираларида баён қилинган: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992.

НАСРИЙ АСАРЛАР

Ҳиндистонда бир фарангни ила бухороли мударрисининг жадид мактаблари хусусинида қиласан МУНОЗАРЛси

Фитратининг плк асари, муаллифнинг ёзишича, 1909 йилда ёзиб тугалланган эди (бу ҳақда «Ёнишмаган гажаклар» мақомасида ҳам маълумот бор). Асар 1911 йилда Итанбулда нашр этилган. Бу биринчи нашр турли маъбаларда турлича қўрсағилаётгани учун, унинг муқова варагини сўзма-сўз таржима қилиб келтирамиз: Ҳиндистонда бир фарангни билан бухороли бир мударрисининг жадид мактаблари хусусинида қиласан МУНОЗАРЛси. Ҳақиқат фикрлар ҳалмашувининг оқибатидир. 1-нашри. Бухороли Фитрат асари (асар унинг муаллифи ҳисобига нашр қилилмоқда). Истанбул, Исломия матбааси. Ҳикмат, 1327 (ҳижрий сана).

Асар 1912 йилда «Туркистон вилоятининг газети»да, кейинроқ, алоҳида китобча ҳолида Ҳожи Мўйин таржимасида (Махмудхўжа Беҳбудийнинг «Мунозара ҳаққинда» номли сўнг сўзи билан) босилиб чиқди. Ушбу тўпламдаги матн асарининг ilk (Истанбул) нашридан Ҳ. Болтабоев томонидан таржима қилинган ва «Шарқ ўлдузи» журналининг 1997 йил 1-сонида (117—165-бетлар) босилиб чиқсан. Ҳожи Мўйин таржимасидаги матн шу кун китобхонларига тушунилиши оғир бўлгани ва саҳнада қўйилишга мўлжаллаб бир неча ўринлари қисқартирилгани учун, уни айнан келтириб бўлмайди. Қуръон ва Ҳадислардан келтирилган намуналар матбаа етишмовчилиги учун араб ёзуvida ўмас, балки уларнинг ўқилиши берилди. Китобхонларга матн мазмунини тўлиқ етказиш мақсадида, саҳифа остида оят ва ҳадисларнинг таржималарини келтирди.

«Мунозара» рус тилига ҳам таржима қилинган: Фитрет (фитрат) бухарец. Спор бухарского мударриса с европейцем из Индии о новометодных школах («Истинный результат обмена мыслей»). Первое издание. Напечатано в Стамбуле, в мусульманской типографии. С персидского перевел полковник Ягелло. Не подлежит оглашению. Тошкент, 1911.

«Мунозара» икки пардали сатирик пьеса сифатида Самаркандин ва Тошкент театрларида саҳнага кўйилган (Қаранг: М. Раҳмонов. Ўзбек театр тарихи. Тошкент, «Фан», 1968, 280-бет). Фитрат асаридан сўнг айни мавзуда Ҳожи Мўйшнинг «Эски мактаб ёки Янги мактаб» (1916), Хуршиднинг «Ҳадид ва қадим» (1919) асари ҳам нашр этилгандир.

«... Мунозара» ҳақида йигирмадан ортиқ тақриз ва мақолалар битилган бўлиб, уларнинг баъзилашини келтирамиз: Махмудхўжа (Беҳбудий). Мунозара ҳаққинда. 1912 йилдаги ўзбекча нашрига сўнгсўз тарзида чон қилинган (мақола 1911 йили «Туркистон вилоятининг газети»да иш бор эълон қилинган эди); В. Б. Айдреев. Новые течения в Бухаре. «Туркистанские ведомости», 1916, 113, 15, 20 октября; И. И. Умниakov. К истории новометодной школы в Бухаре. «Бюллетень САГУ», вып. 16, 1927, с. 81—96; Л. И. Климович. Ислам в Царской России. М., 1936. с. 196—214. Элен Каррер д’Энкаус. Ислам в рус империяси. Ўрга Осиёда ишлодот ва инцилоб. Париж, 1966 (фараанг тилида). Қайта нашри: Лондон, 1988 (Максим Родинсон таржимаси), 99—118-бетлар (инглиз тилида); Э. Олворс. Ўзбек адабий сиёсати. Гаага, 1964, 53—109-бетлар (инглиз тилида) Хисао Куматсу. Фитратнинг «Мунозара»си хусусида қайдлар. Анқара университаси босмахонаси, 1911, 157—168-бет. («Шарқ тилилари» тўйламида, турк тилида). Қайта нашри шу муаллифининг «20 аср бошларида Ўрга Осиёда туркчилик» китобида, Анқара, 1993, 1—18-бет; Э. Каримов. Развитие реализма в узбекской литературе. Т. 1975, с. 91—126; Г. Раҳимова. «Мунозара» — уйғониш даракчиси. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» Т. 1989, 29 декабрь. Ҳ. Болтабоев. Таржимондан, «Шарқ юлдузи» ж., 1997, 1-сон, 119—126-бет.

* * *

1. Нажиб — ёруғ. Айрим манбаларда юлдуз.
2. Дини мубини ислом — айнан: очиқ ислом дини, ҳақ дин.
3. Солик — сулукда турувчип. Тасаввуфда бирор тариқат сулукнда турувчилар.
4. «Алҳамдуллаҳ ’ала кулли ҳол» — ҳар бир ҳолатда Аллоҳга ҳамд бўлсин.

5. **Истотпетик** — статистика. Бу ерда: жаҳон аҳолиси ҳақиқадаги маълумотлар йигинидиси маъносида.

6. «Немесиз ием» ибораси форсча матидан сўёма-сўз ўғирияга бўлиб, ҳар бир отни (шомни) ўз инкори билан беришни англатади.

7. **Раният** — аҳоли, аҳли.

8. **Фараанг** тилидан баёни қилингани бу фикр Ҳиндистон ва Мисрии эгаллаган инглизларга таалуқлидир.

9. **Ботил** — асоссиз; потўғри, бўш.

10. **Ифтитоҳ** — бошлини. Бу ерда имомчилик орқали пул тоини пазарда тутилган.

11. **Муҳр** — ношаръи келган даромад.

12. **Муоҳаҳ** — вазифалик, мояна; помзод.

13. **Руку** — памозда тиззаларига қўлини қўйиб әгилиш рукини. Бу ерда «таъзим» маъносида.

14. **Манофиқ** — номзод.

15. **Жомад** — жонсиз нарса. Ишлаб чиқарувчи (қобиличилик) куч эмас, балки жонсиз буюмдир.

16. «**Фи сабилиллаҳ**» — Аллоҳнииг йўлида. Бу ерда текин маъносида.

17. **Таблиғ** — истеъдодли, қобилиятли. Бу ерда нозил бўлган оятларни истеъдод билан қабул қилиш маъносида.

18. **Жузкашлик** — «жуз» (бўлак) сўзидан олинган бўлиб, талабаларга пул тақсимлаш пайтида бир қисмини олиб қолиш.

19. **Говкунон** — Бухордаги олий мадрасалардан.

20. **Зоти Воҳид** — ягона зот, яъни Аллоҳ.

21. **Мадоҳил** — мояна.

22. **Муованат** — ўзаро ёрдамлашиш.

23. **Истанбул машрутаси** — Конституция. Истанбулда амалга оширилган Конституцион монархияга ўтини пазарда тутилмоқда. Аиварбек ва Ниёзийбек — унинг тапкилотчилари.

24. **Сатторхон ва Боқирхон** — Эрон инқилобчилари. Енгизиллар ҳаракатининг раҳбарларидан.

25. «**Аввали илм**», «**Бидон**» — таҳсилнинг биринчи йилида ўқиладиган китоблар. «Аввали илм» қисмида «Аввали илм нишадир?» деб сўралади ва бунинг жавобида Аллоҳни таниш, Пайғамбарни тац олиш, Шайтонни англаш хусусида жавоб берилishi лозим. «**Бидон**»нинг сўёма-сўз таржимаси «Яхши бил» («бех» — яхши, «дои» — бил). Араб тилининг сарфи (морфологияси) хусусида форс тилида ёзилган дарслик китоби. Бундай ва қуйида изоҳлар бериладиган китобларнииг мажмуаси «**Мутун**» (Матилар) умумий номи билан Абдулкарим бинни Ҳусайн ал-Андижоний томонидан тўпланиб, 1910 йилда Қозонда бостирилган. Бундан аввалроқ мадрасаларда қўллёзма ёки тошбосма

ҳолида мавжуд бўлган «Бидон» китоби «Мутун» мажмуасининг 166—187-бетларида берилган.

26. «Мўъзий-Занжоний». Бу китобда араб тилининг сарфи баён қилинган. Бу китоб «Бидон»га кўра мураккаброқ бўлгани учун, ўқув йишининг кейинги даврида ўқилган.

«Занжоний» — китобининг асл номи «Тасрифи Зангоний» (Зангоний сарфи) бўлиб, бу китоб асар муаллифининг исми билан юритилади. Назуддин Зангоний (вафоти милодий 1257 йил) Филон яқинидаги Зангон (Эрон)да туғилган бўлиб, Бағдодда таҳсил олган ва ишлаган. Ушбу китоб юқоридаги мажмуанинг 124—141-бетларидан ўрин олган.

27. «Кофия». Сўзма-сўз таржимаси «кифоя қизувчиликлар». Бу китоб қисса наҳв (синтаксис)дан иборат бўлиб, муаллифи Абу Амир Усмон иби Умардир (вафоти милодий 1249 йил). У Испода туғилган, Дамавандда таълим олган. Асосан, Миерда яшаган лугатнавис олимдир. «Кофия» юқоридаги мажмуанинг 2—85 саҳифаларидан жой олган.

28. «Шарҳи Жомий»дан «Ал-Марфуъот». Айрим манбаларда ва оғзаки нутқда «Мулла Жомий» ёки «Шарҳи Мулла» деб ҳам юритилади. Абдураҳмон Жомийнинг араб тилида ёзилган «Фа-войид уз-зиёя» (Зўё иманинг фойдалари) китобининг ташланган боблари. «Ал-Марфуъот»-Жомий китобидан гапнинг асосий бўлаклари, эганинг состави ҳақидаги қисми.

29. «Ал-мажруот» — Жомий китобининг исем, яъни от ва унда изофиий бирикмаларнинг қўлланилини ҳақидаги қисми.

30. «Ал-манеубот» — «Мутун» мажмуасининг ушбу қисмидаги исем (от)нинг тушум келишингидан ифодаланиши ва унинг шарҳи баён қилинган.

31. «Ал-мабниййот» сарфнинг ўзгармас исемлар ва сўзлар ҳақидаги бобидир (юқоридаги қисмлар ўзгарувчан исемлар ҳақида эди).

32. «Ҳамд» ва «Баҳси исем» — юқоридаги китобнинг «Ҳамд» қисми ўқилади ва «Баҳси исем» номланини остида исем (от)га оид грамматик шарҳлар савол-жавоб воситасида тақорланади. Бу китоб сарфнинг исем (от) ҳақидаги умумлаштирувчи қисмидир.

33. «Қутбий» ҳошиясидан «Ва роттабтуҳу ала муқаддима» — юқоридаги китобнинг шарҳи унинг ҳошиясида Қутбиддин томонидан ёзилган. Бунда «Фавойид...» нинг муқаддимасига ёзилган Қутбиддиннинг шарҳлари ўқилган.

34. «Ҳамди Ақойид». Китобнинг номи «Ақойиди Насафий» бўлиб, унинг асл матни Абу Ҳафис Умар бинни Муҳаммад ибни Аҳмад ан-Насафий томонидан ёзилгандир. Шу китобнинг «Ҳамд» ига ёзилган шарҳлар ўқилади.

35. «Баъд...» (форсчадан таржимаси — «сўнг») «Ақойид»дан

Аллоҳнинг ҳамди ва Пайғамбарнинг наъти айтилгандан сўнгги қисми ўқилган. Бунда барча илмларнинг таърифи берилган.

36. «Самава...» «Ақойид»дан, яъни «Ақойиди Насафий» китобининг «Самава...» (лугавий маълоси: номладилар) сўзи билан бошланадиган қисми ўқилган. Бунда эътиқоднинг навлари ва масалалари баён қилинган.

37. «Ҳақойиқ ул ашия». «Ақойид» китобининг «ҳақойиқ» сўзи билан бошланадиган жумласи ўқилган. Унинг таржимаси: «Нарсаларнинг ҳақиқатлари илм билан сабитдир».

38. «Ҳамди таҳзиб». «Таҳзиб» (эътиқод ҳақидаги китоб) асарининг «Ҳамд» қисми ўқилган.

39. «Таърифи илм». «Таҳзиб» китобининг «Таърифи илм» сўзлари билан бошланган жумласи ўқилган.

40. «Ҳикмат ул айи» — мантриқ ва ақойид ҳақидаги китоб бўлиб, ундан «ал-ҳикмату истиқмал ун-нафси» (таржимаси: ҳикмат нафснинг камолга етимиидир) жумласи ўқилган.

41. «Ҳикмат ул-айи»дан «ал-вужуди бадиҳийун» — жумласи ўқилиб шарҳ қилинган.

42. «Мулла Жалол» асар муаллифининг номи билан юритилган ақойид китоби бўлиб, ундан «йаман ваффақана» (таржимаси: эй бизга тавғиқ берган) жумласи ўқилиб, шарҳ қилинган.

43. «Мулла Жалол»дан «Сатафтариқу...» Юқоридаги китобдан «сатафтариқу...» (тез кунда бўлинади) жумласи ўқилган. Бунда Аллоҳ томонидан умматларнинг 73 фирқага ажralиши башорат қилинганинг мазмуни ётади.

44. «Саҳиҳ Бухорий»дан.. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810—870)нинг мазкур тўпламидаги ҳадислардан «инамал-амалу бин-нийят...» деб бошлапувчи Ҳадис шариф ўқилади ва шарҳ қилинади.

45. «Тафсири Байзовий»дан. Юсуф Байзовий машҳур мустасаввуфлардан бўлиб, унинг маюқиб китобларидан тапқаря, форс тилида ёзилган «Тафсири Байзовий» асари маълум. Бу китобдан «Муавазатайн» деб номланувчи икки сура ўқилиб, шарҳ қилинади.

46. «Ҷомийнинг шарҳи». «Мулла Жомий» китобига асарда номлари келтирилган муаллифлар томонидан битилган шарҳлар ўқилининг лозим эди. Улар фақат юқорида ўқилган жумлаларнинг мазмуний талиқинлари эмас, балки араб грамматикаси лугат таркибига оид мазкур китобнинг изоҳлари ҳамдир.

47. «Қутбий» — номлари келтирилган муаллифлар томонидан «Қутбий» китобига ёзилган шарҳлардир. Уларнинг асосий қисми «Мажмуа» китобида берилган; бироқ муаллифлар ҳақида маълумот ушбу манбада учрамайди.

48. «Ақойид» — мазкур китобда номи келтирилган муаллиф-

ларининг тарҳлари мавжуд. Уларнинг барчаси «Ақойид»даги бир матнинг тааллуқли бўлмай, балки бир китобининг ҳошиясига иккинчисининг шарҳи тарзида ҳам давом этган.

49. «Ҳамд»нинг «алиф», «лом»и нимадир? — Бу савол шундай изоҳланган: Ҳар қандай матннинг бошланиши саналган «Ал-ҳамдуллаҳо» сўзидаги «алиф», «лом» ҳарфларини ва «ҳамд»нинг маъносини айтинг. Жавоб: «Алиф» «лом», яъни, «ал» — араб тилидаги артиклидир. У тўрт хил маънода келади: истиғроқ, жиссий, аҳди хорижий, аҳди зеҳний. Бу ўринда унинг биринчи маъноси! айтилади. «Ҳамд» сўзининг лугавий маъноси мадҳ этмоқ, мақтамоқдир.

50. «Ва роттабтуҳу» (замирининг ўрии қаерда) — ушбу сўз билан бошланган жумланинг лугавий маъноси: «Ва уни тартиб қилдим мен...» бўлиб, бироқ бу ўринда лугавий маъно эмас, балки шу сўздаги қайтиш олмоши — «ҳу» қайси сўзга боғланган экани сўраляпти. Жавоб: бу олмоп ўзидан аввал келган китоб сўзига боғлангандир. Демак: «уни» яъни, китобни изоҳлаб келяпти.

51. «Сатафтариқу...»даги «син» қайси «син»дир? — Бу ўринда «сатафтариқу» феълидаги бош ҳарф бўлган «син»нинг моҳияти талаб этилади. Бу «син» «савфа» (лугавий маъноси: кейин)даги «син» эмас, балки, «са» (лугавий маъноси: тезда)даги «син» экани айтилиб, феълининг яқин келаси замон шаклида қўлланилаётгани айтилади.

52. Музахрафот — усти ялтироқ, қалбаки, сохта. Бу ерда «беҳуда» маъносида.

53. Таҳқиқот тадриси — ҳақиқат дарси (кипоя билап айтилган).

54. «Тааммул» муродининг тайини; «Фал-йатааммул» — бу сўзининг лугавий маъноси: «бас, (бу ёгини) ўйла» бўлиб, бу жумла «Ҳамд» ва «Баҳси исем» китобларидан олингап. Аввал биринчи сўз, сўнгра иккинчиси, бўйича мақкур китобларга тегишли жавоблар талаб этилади.

55. Наузубиллаҳ — Аллоҳдан папоҳ сўраймиз.

56. Эътино — эътибор бериш.

57. «Миёнаш аз ухда берув» — гапирамапга келганда енгаман дейсиз.

58. Возеҳ — очиқ, равшан.

59. Хилофот маснади — халифалик салтнати.

60. Иртиодод — тараффуд. Бир нарсага киришиш. Бу ерда «қайтиш» маъносида.

61. Шикампараст — ўз қоринин ўйловчи, яъни мешчан.

62. Арабийдон — араб тилини билувчи, арабчанинг доишманди.

63. Белужистон — Афғонистон ва Покистон ўртасидаги жуғ-

рофий ҳудуд. Кейинроқ Покистон республикаси таркибига қўшилиб кетган.

64. **Васиъ** — катта, улуг, кенг, бепоён.
65. **Таслис аҳли** — Худони учта деювчилар, яъни пасронийлар.
66. **Маваҳидлар** — Аллоҳии ягона деб билувчи, яъни мусулмонлар.
67. **Таълим ва тааллум** — ўқиши ва ўқитиш.
68. **Ҳукми мутаволий** — узлуксиз (қиёматгача) бўлган ҳукм.
69. **Хуерон** — зиён, зарар.
70. **Муҳораба** — кураш.
71. **Қитол** — қатя атиш, ўлдиринш.
72. **Иҳмол** — бепарволик, сустлик.
73. **Авлиёни изом** — катта, улуг авлиё (авлийлар).
74. **Бу риторик сўроқ услубида қўлланган жавоблар** (Мударрисининг одатий жавобларига киноя тарзда қурилган).
75. «Русия давлати Самарқандни эгаллаган» — Русия ҳукумати XIX асрининг II ярмида Туркестонни эгаллагандан сўнг Бухоро амирлигининг бир қисми ҳам, хусусан, Самарқанд Чор Русияси иктиёрига ўтади. Бухоро эса, вассал бўлиб қолади.
76. **Мавҳумлик мужассамаси** — ноаниқ жисм.
77. **Сир** — оғирлик ўлчови. Еир сир 75 грамм бўлган. Бу ерда беш спр, яъни $75 \times 5 = 375$ грамм бўлади.
78. **Муқаррар** — тўғри. Бу ерда тасдиқланяни маъносидা.
79. «Кубҳу ҳусни замири маштаъмала» — хупук ва чиройли қилиб «маштаъмала»нинг замирини айтиш.
80. **Илм ул-яқин** — аниқ илм, чуқур эгалланган илм.
81. **Кизби маҳз** — ёлгоининг ўзгинаси.
82. **Авло** — яхшиярок, ҳақроқ (тўғрироқ)
83. «Ҳазрати Набиин тақзиб қўймоқ» — Найғамбаримиз Мұхаммад (С. А. В.)нинг гапларини ёлғонга чиқариш.
84. **Таслис қизини** — учта дейини.
85. **Интизоъ** — тортишини.
86. **Вожиб ут-таълим** — ўқилиши лозим бўлган китоблар. Диний таълимда «фарз», «вожиб» ва «суннат» йўналишидаги китоблар бор. Аллоҳининг амри билап буюрилган Қуръони қаримнинг таҳсили фарз бўлса, «вожиб» инсонийта зарурат жиҳатидан (эҳтиёж туфайли) керак бўлган таълим усулидир.
87. «Зараба зайдининг таркиби — бирикманинг луғавий маъноси — «зайд урди». Бунинг таркибини аниқлаш эса, эга (Зайд) ва кесим (зараба — урди)ни аниқлаш демакдир.
88. **Програм** — дастур, программа.
89. **Муовия бинни Абу Суфёни**. Илк ислом даврида Макка ҳукмдорларидан бўлган Абу Суфёнининг ўғли Муовия назарда тутилган. У Усмон даврида Сурия ҳокими этиб тайинланган.

Ҳазрат Али вафоти (661)дан кейин халифаликни қўлга олиб, умавийлар сулоласига асос солган.

90. Варосат ул-анбиё — Пайгамбарнинг ворислари.
91. Ка анбиёни бани Иероил — бани Иероил Пайгамбарларига ўхшаш (айрим сифатларда).
92. Наҳий — манъ этиш, қайтариш.
93. Шойеъ бўлмоқ — ёйилмоқ, тарқалмоқ, ҳаммага мальум нарса.
94. Дарбон — эшик очувчи.
95. Тавҳиди амал — амр қилипган ҳукмлар (аҳом)ни амалга ошириш.
96. Вазъ — тузилиш; тартиб.
97. Камоли итмийони билан — хотиржамлик билан; ишонч билан.
98. Мафлук — фалокатга учраган, жабр кўрган.
99. Илми низом — ҳарбий таълим низоми.
100. Тамаллук — ялшини, лаганбардорлик.
101. Иблиснинг дасиса дўкони — Шайтоннинг бузғуичилик уйи.
102. Шариати матин — қаттиқ, мустаҳкам шариат.
103. Қавий — кучли, бақувват.
104. Бидъати ҳасана — яхши одат.
105. Бидъати саййина — ёмон, макруҳ одатлар.
106. Ҳифзи ислом — ислом муҳофазаси, ҳимояси.
107. Илқойи қалиматуллоҳ — Аллоҳ сўзи (Қуръони карим)ни ўртага қўйиш, орага солиш.
108. Ижтиҳод — тиришиш, жаҳд, ҳаракат.
109. Магзуб ва маҳкур — Аллоҳнинг газаби ва қаҳрига учраган.
110. Мансуҳу муҳарраф: 1) мансуҳ — Аллоҳ томонидан бекор қилингап; 2) муҳарраф — коғирлар томонидан ўзgartирилган (бузилган).
111. Амир Темур Бухорий — Ікарша, Шаҳрисабз, Бухоро амирлиги ҳудудида бўлгани учун, Амир Темурга ҳам шундай Бухорий писбати берилгап. Бироқ бу писбат хато бўлиб, Амир Темур даврида ҳали Бухоро амирлиги мустақил ҳоцлик сифатида мавжуд эмас эди.
112. Фабиҳал-мурод — яхши пият, умид.
113. «Ваффақаҳуллоҳу битаъийид ил-ислом» — Аллоҳ уни исломни қўллаб қувватлашига эралтирисин.
114. Иқдом қилмоқ — қадам қўймоқ, юра бошламоқ.
115. Бу ўрица «Кўлли явмин батар» (ҳар қандай кун ўткеницидир) жумласидаги «батар» — «ўткеничи» сўзини форс тилидаги «бадтар» — «ёмонроқ» сўзи билан чалкантириб юбориш натижасида келиб чиққап ҳатолик тўғрисида гап боради.

116. Жузя — гайридинлардан олинадиган солиқ. Бухорода Амир Музаффархон даврида яхудийлардан жузя олинар эди, энди 1910 йилга келиб, яъни, Амир Олимхон таҳтга чиққач яхудийларга жузя тўланадиган бўлди. Бу амирликнинг мустақил бўлмай, балки вассал тартибда кун кечираётганингандир.

117. Жамодот — жопсиз нарсалар.

118. Ун минг ўғрини атрофимизга тўплаб — бу ўринда Амирининг «ўп минг» сарбози тавқид остига олинган. Бухордаги жорий қонунга қўра, илгари ўғирлик ва бошқа айб билан қозихонага тушган айбдор кишиларни сарбозликка (муайян муддатга) ҳукм қилишга.

ҲИНД САИЕХИ БАЁНОТИ

Бу асар «Абд ар-Рауф» имзоси билан 1912 йили (ҳижрий 1330) Истанбулда «Баёнати сайёхи ҳинди» номи остида форс-тоҷик тилида чоп этилган. Орадан бир йил ўтмаёқ Самарқандда рус тилига таржима қилиниб, қўйидаги узвонда нашр қилинган: Абд ар-Рауф. Рассказы индийского путешественника. Бухара как она есть). Перевод с персидского А. Н. Кондратьева, Самарқанд, Изд. Махмуд-ходжи Бекбуди, 1913.

Асарнинг қайта нашри 1988 йили амалга оширилган. Дастрраб Тоҷикистондона «Садои Шарқ» журналининг 1988 йил 6-сонида форсча-тоҷикча мәтиж жузъий қисқартиришлар билан босилган. Сўнгра асарнинг 1913 йилги русча таржимаси асосида қисқа варианти Тошкентда нашр этилди: Абдурауф Фитрат. Рассказы индийского путешественника. Бухара как она есть. «Звезда Востока», 1990, №7, с. 130—143. (предисловие и публикация Хамида Исмаилова). Ниҳоят 1991 йили асарнинг ўзбек тилидаги таржимаси эълон қилинди: Абдурауф Фитрат. Ҳинд сайёхининг қиссанси. «Шарқ юлдузи», 1991, 8-сон, 7—39-бет. У 1988 йилги Душанбе нашри асосида Ҳасан Қурдатуллаев томонидан амалга оширилди. Бироқ уни асарнинг Истанбулда чоп этилган илк нашри билан қиёсан ўргангапимизда, кўплаб қисқартиришлар борлиги маълум бўлди. Натижада қиссани қайта таржима қилишга (мутаржим Ҳ. Болтабоев) тўгри келди. Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдан келтирилган оят ва ҳикматларнинг ҳозирги ёзувдаги ўқилиши билан бирга зоҳирий таржимаси ҳам берилди.

Уцбу асар ҳақида қўйидаги тадқиқот ва тақризлар эълон қилингани маълум: Л. Клинович. Ислам в Царской России. М., 1936, с. 171—216; Э. Олворс. Совет Урта Осиёсида миллий масала. Нью-Йорк, 1973, 143—150-бетлар (инглиз тилида). Б. Назаров. Фитрат маърифатининг гултожи. 1991, «Шарқ юлдузи», 8-сон, 8—9 бетлар.

1. Бу ўринда Фитратнинг «Мунозара» асаридаги воқеа эслатилиялти. Ёдимиизда бўлса, асар қаҳрамони «Фаранг» бухорли мударрисдан Бухоронинг аҳволини сўраганда, у жуда баландпарвоз сўзлар билан мақтаангап эди.

2. Мирзажон Шерозий — XVIII аср бошларпда Эрондан Бухорога келиб ўрнашган уламо ва мударрис. Унииг даврида илоҳиёт илмини ўргатишда қўпроқ оғзаки талаффузга эътибор қаратилиб, матннинг мазмупи ва шарҳига ҳамда араб грамматикасининг ўрганилишига кам эътибор берилган эди.

3. Гуноҳи сагир — кичик гуноҳ.

4. Ирз — помус.

5. Ҳавзи Девонбеги — Бухоро марказида Девонбеги майдонидаги катта ҳовуз. Кўп йиллар давомида Бухоро ҳалқи учун доимий сув ҳавзаларидан ҳисобланган.

6. Қуръони каримдан келтирилган оятиниг зоҳирпай майноси: «Биз ҳар нарсага сувдан ҳаёт бағишладик».

7. Ман — оғирлик ўлчови. Ҳар жойда турлича шакла әга. Масалан, Самарқандда 1 ман — 8 пуд, Табризда — 3 кг. Шаръий истилоҳ бўйича (мани шаръий) — 180 мисқол, яъни 846 грамдир.

8. Баңда — ўзига ишбатан қўлланилладиган «мен», кишилик олмошининг камтарона шакли. Айрим ўринларда «камина» ҳам қўлланилади.

9. Нажоий — Ҳабашистон подшоҳи, бу воқеа миладий 628—629 йилларга тўгри келади. Воқеа сўнгида Жаъфар ибни Толиб у ерда элчи бўлиб қолган. Бу ҳақда қаранг. Болшаков О. Г. История халифата. М., 1989, с. 153.

10. Эрон торчиларининг ўйиничеси — форс мусиқачилари орасида «пешрав», яъни рақс билан куй ва қўшиқлар ижро этиш урф бўлган. Бу ўринда рафқосаларининг беўхишов қилиқлари маддоҳларининг ҳаракатига ўхнатилияти.

11. «Лут қавмининг разолати» — бу ном Инжилда «Лот» шаклида берилган. Бу қавмдагилар ўз Найгамбари Лутнинг (Нуҳ, Иброҳим, Мусо ва Шлёстан кейинги найғамбар) насиҳатларига қулоқ солмай, куфр ишларига, хусусан, баччавозликка бериладилар. Бу гуноҳи учун Аллоҳ уларни ер юзидан супуриб ташлаган.

12. «Олами ҳалқ этганинг мусаллаҳ ҳомийси» — Олам ва одамларни яратган Аллоҳ. У одамларининг келиштирувчиси.

13. «Ҳал йаставилазийна йаъзамуна вализийна ла йаъзамун». Ушбу ҳадиснинг таржимаси «Мунозара»да бор.

14. Ҳақ ул-тадрис — дарс ҳақи, ўқиттани учун талаб қилинадиган ҳақ.

15. **Ифтитоҳ** пули — келгуси ўқув йили учун олдиидав тўланадиган ҳақ.
16. «Аввоҳ», «Аблоҳ» — «Аллоҳ» калимасини нотўғри ўқиш, бу эса иблисни улуглаган билан баробардир.
17. **Музахрофот** — хурофотга берилиши.
18. **Донишманд жамоа** — бу ўринда жадид уламолари на-зарда тутилган.
19. «Ишназ арао йарисуҳа ибадиллаҳие салиҳин».
20. **Бори таоло** — Аллоҳининг иисбаларидан: бори(й) — «спок», «покиза» демакдир. Бу ерда «Ҳақ таоло» маъносида.
21. «Одил ва ҳур фикрли амир...» — 1910 й. Бухоро амирлигига ўтирган Олимхон назарда тутилган.
22. «Худодан қўрқувчи вазир бўлса...» — бу ўринда Бухоро вазири Насруллоҳ Қушбегига ишорат бор. Асар чон этилган йиллари Фитрат Истаабулда экан, «Бухоро вазири Насруллоҳ бей Парвоначи Афанди ҳазратларини очиқ мактуб» билан мурожаат қилилан ва Бухоронинг аянтили аҳволини баён этган. Бу мактуб ҳақида қаранг: «Таърифи муслимин», Йилад 2, Адат 25, саҳ. 10. Қайта нашри: «Ўзбекистон адабиёти ва сағъати». 1996, 9 май.
23. **Килисо** — черков, католик чоркови.
24. **Протестантлар** — лугавий маъноси — «шорози бўлиш», «келинмаслик». Бу атама 1529 йили Лютер гояларининг тарқалиши чекланганни учун порози оқим сифатида шаклланган, сўнгра насронийликдаги учинчи (католик ва православиедан кейинги) мазҳаби сифатида тарқалган. Улар турли бидъатлардан ҳоли равишда ўз миллий тилларига таржима қилинган Ипхил (Библия) нигина ўз эътиқодларининг манбани деб билганилар. Асосан Германия, Англия, Швейцарияда кенг тарқалган.
25. **найшакар** — шакар қамиши.
26. **ал-жабр** ва **ал-муқобала** — алгебра ва әҳтимоллар назарияси.
27. **мункир** — ишкор қилимоқ, рад итмоқ.
28. **сарфу наҳв** — морфология ва синтаксис.
29. «**Кӯл**» — арабча: «Е, енг, егин» маъносида.
30. Таржимаси: Жанобимизнинг аҳволи қандай? Шояд соглиқлари камоли оғийнати тамоми саломатлик (мукаммал соглик)ка яқин бўлгай.
31. Таржимаси: Нега тўхташга буорасиз?
32. «**музоф** ва **музофинлайҳ**» — грамматик категория, форс тилидаги изофали бирликма ёки ўзбек тилидаги қаратқич ва қаралмиш муносабатларининг эквиваленти.
33. Таржимаси: Бир қанча вақтдан бери Сиз ҳазрат жанобларини...
34. Таржимаси: Сиз Ҳазрат жаноблари—муҳим ишларда суюнларчун зотни зиёрат қилишини орзу қиласдирим.

35. «Ғиёс ул-лугот» — 1827 йили Мұхаммад Ғиёсуддин ибни Жалолиддин томонидан тузилган изоҳли лугат. Унда 17.537 сўзинг форсча изоҳи берилган. Бу лугатнинг 1905 йилги нашри Бухоро мадрасаларида машҳур эди. Бу ўринда мударрис ушбу сўзларни «Арабий қомус»дан эмас, форсча изоҳли лугатдан излаётгани упининг саводи «ҳамин қадар» эканига ишора.

36. Атвақу — бу арабча сўзининг маъноси: орзу қилувчи, орзуманд. Ўзаги «тавқун» (масдар — «орзу қилмоқ»). Бу сўзининг маъноси «Ғиёс ул-лугот»да йўқ.

37. шоти билан тогора — мадраса ҳужраларида муллаваччалар утун зарур эҳтиёж буюмлари. Уларни сотиб олиш баҳонаси билан мударрислар «ҳийлаи шаръий» ишлатиб, ҳужраларни ҳам сотиб оладилар-да, сўнгра уларни катта пул ва ишъом эвазига муллабаччаларга қайтарадилар.

38. муоҳаза — ҳисоб-китоб.

39. «Иннамал-аъмалу бин-ниййат» — ҳар ким иштига яратша амал қиласди.

40. иқтидо — эргашиб.

41. шўриш — ҳўзгалон; бу ерда: тўполон.

42. ҳубби мусҳил — ўсимлиқлардан тайёрланадиган дори.

43. ҳарж-масраф — сарф-ҳаражат.

44. таййиб — гўзал.

45. назиф — соғ.

46. жавод — эҳсонли, сахий, карамли.

47. саҳиҳ — тўғри, рост.

48. ҳилал қилмоқ — ҳалолламоқ.

49. ирэли — помусли.

50. Халифа Мансур — аббосий халифалардан бўлиб, 754—775 йилларда Багдодда ҳукирошлиқ қилган. Аббосийлар даврида пойтахт Дамашқдан Бағдодга кўчирилган бўлиб, унинг даврида халифалик мустаҳкамланган, илм-фан ривож топган.

51. Журжис бинни Бахтиашу — асл исми Георгий Бахтишу. Халифа Мансурининг бош табиби.

52. Хорун ар-Рашид — аббосий халифалардан энг машҳури, 786—809 йиллари ҳукирошлиқ қилган.

53. Моинко — Хорун ар-Рашидининг хос табиби, номи юқорида зикр қилинган Георгий Бахтишунинг ўғли.

54. «Китоб ул-каер» — Шикастлаши ҳақида китоб.

55. «Китоб тақаддимат ул-маърифа» — Маърифатнинг муқаддам бўлишилиги (Аллоҳни таниш зарурияти) ҳақида китоб.

56. «Китоб ул-ахлот» — Аракашма (қоришма)лар ҳақида китоб.

57. «Китоб котийтийун» — Аракаштирмалар ҳақида китоб.

58. «Ал-маъу вал ҳаво» — Сув ва ҳаво (китоби).

59. «Табнат ул-инсон» — Инсон табни (ҳақида китоб).

60. Буқрот — асл исми Гиппократ (эр. ав. 460—375). Юони файласуфи ва табиби. Тиб плимга оид кўпчаб асарлар муаллифи.
61. Халифа Маъмун — аббосий халифалардан. 813—833 йилларда ҳукмронлик қилиган. Илм-ған ва маориф ривожига катта ҳисса қўшган. У ҳакда қаранг: Фитрат. Мухтасар ислом тарихи. Тошкент, 1992, 27—28-бет.
62. «Китоб ул-фарқ» — фарқлаш (касалликларни ажратиш ёки аниқлаш) китоби.
63. «Китоб ул-мавлуду лисабабти ашҳур» — Етти ойда туғилишлик ҳақида китоб.
64. «Китоб ул-мизож» — Мизож (мижоз) ҳақида китоб. Шу номда Муҳаммад ат-Табиб Ҳиравийнинг асари ҳам Тошкентда 1991 йилда эълон қилишган. Муаллиф ушбу китобни ёзишда Гиппократ ва Гален асарларига таянган.
65. «Китоб ридъ ун-нафс» — Нафега ёрдам кўрсатиш ҳақида китоб.
66. «Китоб ун-набз» — Набз — пульс, томир уруши китоби.
67. «Китоб уз-зубул» — Занфлиқ хасталиги ҳақида китоб.
68. «Китоб шифо ул-амроз» — Касалликларнинг шифоси ҳақида китоб.
69. «Китоб кафийу агзия» — Овқатнинг кучи ҳақида китоб.
70. «Китоб ул-илали вал-амроз» — Иллат ва касалликларга оид китоб.
71. «Китоб ут-тадбир ул-мулассаф» — Занфликнинг чораси ҳақида китоб.
72. «Китоб ул-ҳимоят» — Ҳимоят (сақланиш) китоби.
73. «Китоб мудовот ул-амроз» — Хасталикларнинг давоси ҳақида китоб.
74. «Китоб ул-бухрон» — Бухрон (организмнинг бузилиши) китоби.
75. «Китоб Буқрот фи амроз ул-ҳодат» — Буқротнинг сақланиш мумкин бўлган касалликлар ҳақидаги китоби.
76. «Китоб айём ул-бухрон» — Бухрон вақти китоби.
77. «Китоб Буқрот ила Таросибулус» — «Таросибулус»га ёзган Буқротнинг шарҳ китоби.
78. «Китоб ул-илал савт» — Овоздаги иллат ҳақида китоб.
79. «Китоб ут-табиби вал-файласуф» — Табиб ва файласуфлар китоби.
80. «Китоб ул-ҳаракот ул-мажхула» — Иномаълум ҳаракатлар ҳақида китоб.
81. «Китоб ус-саҳийя» — Ўзига (ҳушига) келтириш ҳақида китоб.
82. «Китоб ус-суъул мизож» — Ёмон мизож ҳақида китоб.
83. «Китоб ул-меҳнат ут-табиб» — Табиблик меҳнати (захмати) ҳақида китоб.

84. «Китоб ул-адвийят ул-муфрада» — Алоҳида (махсус) дорилар китоби.

85. «Китоб ул-Афлотун фи Таймавус» — Таймавус ҳақида Афлотун китоби.

86. Жолниус — асл номи Клаудиус ёки Галенус (Гален) номи билан Гарбда машхур римлик ҳаким ва ғайласуф (129—199). У Юлонистон ва Искандарияда ўқиган. Илмда Буқрот, Афлотун ва Арасту йўлидан борган. Унинг асосий асари «Инсон танаси аъзоларнинг тамоийлари» тиб илмига онддир. Шунингдек. «Фалсафа тарихи» асарицинг ҳам муаллифидир.

87. «Китоб таъриф ул-илал» — Иллатларнинг (касалликлар) таърифи китоби.

88. «Китоб набз ул-кабир» — Катта набз (пульсация) китоби.

89. «Китоб тадбир ул-исхъи» — Ҳушига келтириш тадбирлари ҳақида китоб.

90. «Китоб ҳийлат ул-буръи» — Тузалиш ҳийласи китоби.

91. «Китоб ут-ташриҳ ул-кабир» — Катта анатомия китоби.

92. «Китоб ихтилоф ут-ташриҳ» — Анатомиядаги қарама-қаршиликлар китоби.

93. «Китоб ут-ташриҳ ил-ҳайван ил-ҳайй» — Тирик жонзодлар анатомияси китоби.

94. «Китоб ут-ташриҳ ил-ҳайван ил-маййити» — Үлгац жонзодлар анатомияси китоби.

95. «Илми Буқрот Фит-ташриҳ» — Буқротнинг анатомия илми китоби.

96. «Ал-хожату илан-набз» — Набз заруряти ҳақида китоб.

97. «Улуми Арасту» — Арасту (Аристотель) илмлари.

98. «Ташриҳ ур-раҳми» — Раҳм (бачадон ёки уругланиш) анатомияси.

99. «Ороъу Буқрот ва Афлотун» — Буқрот ва Афлотуп кўрсатмалари.

100. «Ал-одот» — Кўшикмалари (рефлекслар) китоби.

101. «Ҳисб ул-бадан» — Бадан самарааси (китоби).

102. «Ал-мани» — Сперматозоид.

103. «Манофеъ ул-аъзо» — Аъзоларнинг мағбаати.

104. «Таркиб ул-адвийя» — Дорилар таркиби.

105. «Ал-хусеу ила илм ут-тибб» — Тибб илмининг зарурлиги.

106. «Қавий ун-нафси ва мизаж ул-бадан» — Нафс кучи ва бадан мизожи.

107. «Ҳаракот ус-садр» — Кўкрак ҳаракати.

108. «Илал ун-нафсе» — Нафс иллатлари.

109. «Ҳаракот ул-азал» — Мускул ҳаракатлари.

110. «Ал-имтилоъ» — Тўлалик (семизлик).

111. «Ал-мираъту вас-савдо» — Иштаҳа ва меланхолия.

112. Истевон — Стефан, аббосий халифаларидан Мутаваккілнинг сарой табиби.
113. «Сасараду фит-тибб» — Тибб илмида терини тикиш.
114. «Ақокир ул-ҳинд» — Ҳинддоришунослари.
115. «Истикор ул-жомеъ» — Жомеъни танқид.
116. «Сафват ун-нужх» — ютуқларининг яхшиси.
117. Сардоба — форсча «садр» — совуқ, «об» — сув сўзларида олингана. Сув танқис ерларда уни сақлаш учун махсус қурилган гумбазли ҳовуз.
118. Абдуллоҳон — Шайбоний сулоласига мансуб ўзбек хонларидан (1534—1598). 1557 йилдан ҳукмронлик қила бошлаган. Шайбонийнинг парчаланган давлатини тиклаб, ободончилик шашларига алоҳида эътибор берган.
119. Шариат бўйроси — ҳозижонага мурожаат қилганлар ўтирадиган махсус бўйра.
120. Маҳдумжон — ҳурматли маъносига, баъзан ялингандага ҳам «жон» қўшилиши Бухоро шевасига учрайди. Бу ўринда ҳинд сайди назарда тутилмоқда.
121. Сагир — кичик. Бу ерда гўдак маъносига.
122. Ироқидўз — ироқи дўши, қизлар учун мўлжалланган дўши; проқидан рўмол, цойабзал, налак ҳам тикилади.
123. Шакурий мактаби — Жадид мактабларидан машҳур ислоҳотчи А. Шакурий ташкил этган. Кейинчалик бу тип мактаблар Туркистоннинг бошқа ўлкаларига ҳам ёйилган.
124. Нўли Сирот — Сирот кўширги. Қиёмат қойимда ўтиладиган қил кўширик.
125. Ушбу оятнинг зоҳирий таржимаси: «Инесон учун ўз амалларидан бошқа нарса йўқдир, [шунинг учун у] жидду жаҳд этмоғи керак».
126. Ушбу Ҳадис «Саҳиҳи Бухорий»да учрамагани учун, бу ерда унга шубҳа билдирилмоқда. Зоҳирий таржимаси: «Дунё ўлгани ҳайвон мисолидир, уни талааб қилиувчилар итдиirlар».
127. «Саҳиҳи Бухорий» — асл номи «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам»). Абу Абдуллоҳ Муҳаммад иби Исмоил Бухорий (810—870) томонидан тузилган ҳадислар тўплами: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад иби Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ. Ж. 1—4. Т.: Қомуслар бош таҳририни, 1991—1997.
128. Муфтхўр — текинхўр.
129. Саъдий — Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Саъдий Шерозий (1210—1292). Унинг «Қўллиёт»ига бадиий асарлардан ташқари, диний-тасаввуфий руҳдаги кўплаб асарлари ҳам кирган. Ушбу тўртлик мана шундай тасаввуфий асарлардан.
130. «Инес» сураси — Қуръони каримдаги тўртниччи сураларидан. Мадинада нозил бўлган. Бу сурада шариатнинг ички ва

ташқи аҳкомлари баён қилингани бўлиб, асарда сурадаги 5-оятнинг тафсири келтирилган.

131. мубийин — ошкора, очиқ.

132. сарват — бойлик.

ҚИЕМАТ

Фитратнинг «Қиёмат» номли хаёллай ҳикояси 1923 йили Москвада яратилган ва шу йилнинг ўзидаёқ Марказий Шарқ насприёти томонидан араб имлосида алоҳида рисола ҳолида босилган. Ушбу нашрга Назир Тўрақулов «Дарвиш» имзоси остида сўзбоши ёзган. Айни нашрнинг матни 1967 йили қайта нашр этилган: Фитрат. Қиёмат (хаёллай ҳикоя). Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1967, 2—14-бетлар.

Ҳикоя муаллиф томонидан 1935 йили қайта ёзилган ва асосий сюжет сақланганни ҳолда, ҳаҳрамоннинг ижтимоий чиқиши, унинг ҳаммаслаклари ҳақидаги тафсилотлар билан тўлдирилган ва кенгайтирилган. Кейинги нусханинг ҳажми бир босма тобоқ атрофида. Бизнишингча, дастлабки нусха висбатан пухта, тугалланган асар сифатида ёзилгани, давр «сўллик»лари деярли учрамагани учун ҳам, унга асосий нусха сифатида қаралиши керак. Ушбу асар мавзуси «атенстик» деб гумон қилингани учун ҳам, Фитратнинг совет даврида энг кўп марта нашр қилинган ягона асаридир.

«Қиёмат» 1936 йили рус тилида (Фитрат. Страшный суд. «Литературный Узбекистан», 1936, №2, с. 132—142. Перевод Л. Сафердотовой), айни ўша йилда тоҷик тилида (1936—1985 йиллар орасида муаллифнинг ўз таржимасида (етти марта нашр қилинган), 1937 йили уйғур ва қозоқ тилларида, айни 1937 йилнинг ўзида Тошкентда рус тилида алоҳида китоб ҳолида, 1964 йили тоҷикча нусхадан русчага таржима этилиб Душанбеда (А. Фитрат. Страшный суд. Сатирический рассказ. Душанбе: Ирфон, 1964, перевод Л. Кандиева) ва 1965 йили Москвада (Абдурауф Фитрат. День страшного суда. Рассказ-сатира. Перевод с таджикского С. Васильевой) ва бошқа жойларда нашр этилган.

«Қиёмат» асари ҳақида ўттиздан ортиқ мақола, тадқиқот ва сўзбосилар ёзилган бўлиб, уларда асосийлари қўйидагилар:

Э. Олворс. Бухоролик Абдурауф Фитрат ҳақида аргументлар. «Яқин ва Ўрга Осиёга довр илмий ёзашмалар», 5-жилд, 1991, 2—21-бет;

И. Балдауф. Шайтоннинг таангрига исёни. I туркология конференцияси. Турк тили ва адабиёти материаллари. Вийсбаден, 1991, 241-б. (немис тилида);

Л. Климонич. «День страшного суда» Абдурауфа Фит-

рата. В кн.: «Наследство и современность», М.: Советский писатель, 1975, с. 142—154.

Г. Раҳимова. Диний тасаввур бадиий тасвирида. «Адабий мерос», 1991, I сон, 55—60-бет.

Ҳикоя матни асарпинг дастлабки нусхаси асосида, унинг 1967 йилги қайта нашри билан солиштирилиб нашрга тайёрланди. Муаллифнинг изоҳ ва тушунтиришилари ҳар бир саҳифанинг ўзида бериб борилади.

* * *

1. Почамир — почта, почча: «мир — амир»нинг қисқа шакли, «амир почча» маъносида.

2. «Шамемия» — мадрасаларда асосий ўқув қўлланмаси ҳисоблаған араб тилидаги мантиқ китоби.

3. Мункар-Накир — диний китобларда ривоят этилишича, майит (ўлик) олдига дағидан кейин сўроқ саволига биринчи бўлиб шу икки малойика кирар эмиш ва марҳумнинг жанинат ва жаҳангамга равона этилиши, асосан, мана шу савол-жавобдаги гуноҳ ва савоблар ўлчамига боғлиқ бўлади.

4. Раф — лугавий маъноси «баланд», «юқори». Бу ерда «стокча» маъносида.

5. Искот — соқит қилиш, тушириш. Майитни ювгандан сўнг тобутга тушириш.

6. Ихлос ҳоки — Майит кўимилишидан аввал, ҳар киши бир сизим тупроқ олиб, унга дам солади. Мана шу «ҳоки ихлос»гина лаҳад ичига сочилади, қолган тупроқ билан сағана-нинг айвони тўлдирилади.

7. Мандат — ҳужжат маъносида. Асарда жуда кўп русча сўзлар ва рус идора тартиботлари аччиқ қулги остига олинган.

8. Илҳом — нидо орқали хабар келиши.

9. Ҳамбомбуг — ҳаммомчи, ҳаммомнинг ички ходами.

10. Кашфи аврат — ялангоч кишиларни кўп кўриш ёки ҳамма доимо ялангоч бўлиши кераклигини кашф этиш.

11. Зогома — тарозининг палласи.

12. «Туркистонда бир тартиб чиққан эдя» — Фитрат Масковда кўп кўриб кузатгани «очеред»нинг Туркистонда ҳам расм бўлцшини киноя остига олади.

13. «Инна аътайнан»даги «Кавсар ҳовуз» — Қуръони каримнинг «Кавсар» сураси шундай оят билан бошланади: «Инна аътайнакал кавсар», яъни «Биз сенга кавсарни бердик». «Кавсар» сўзининг маъноси — «кўп яхшилик»дир, айрим тафсирчилар уни «жанинатдаги ҳовуз» деб ҳам талқин қиласидар.

14. Э. Олворс ўзининг юқорида келтирилган мақоласида «Қиёмат»дан бир парча келтириб, уви инглиз тилига таржима этган ва қатор туркӣ калималарнинг аслини сақлаган ҳолда уларга

изоҳ берган. Э. Олворс келтирган парча шу абзац билан бошланиб, асл нусха бўйича беш бетдан мўлроқ парчани ўз ичига олади. Демак, асарининг бу йирик парчаси инглизчага таржима этилиб, зарур изоҳлар ёзилган деган хулоса қилиш мумкин.

15. «Почамир бу ориқ қўйни 1335 йилда қурбон қилган эди» жўмласидаги ҳижрий 1335 йил милодий 1916—1917 йилларга тўғри келади. Фитрат Русия томонидан Ўрта Осиёда 1916 йили бошланган колониал бошқарув тизимиға ишора қилинти. 1917 йилдаги Октябр тўнгаришига ҳам ишора бўлиши мумкин.

16. Э. Олворсенинг талқинича, бу ишора, иъни ҳижрий 1332 йил, милодий 1914 йилги I Жаҳон урушига ишоратdir.

17. **Ўртоқ** — большевиклар расмий термини сифатида «товарищ»нинг таржимаси ўлароқ қабул қилинган сўзни Фитрат киноя билан ишлатади. Нескиникни юмшатиш учун бўлса керакки, асариниг қайта пашрида бу сўз форсча «биродар» сўзи билан алмаштирилган.

18. **Қонқадан-қонқага** — эшиқдан-эшикка.

19. **Ҳуру гилмонлар** — жаниатдаги қиз ва йигитлар.

20. **Томоқ** — таом.

21. **Охират майи** — художўйлик нашъаси; маст қилмайдиган май ичиб, Аллоҳининг нашидаси билан ҳузурланиши.

ДРАМАТИК АСАРЛАР

Фитратнинг «Темур сағанаси», «Ўғузхон», «Ісон», «Бегижен», «Абу Муслим» каби драматик асарлари (1914—1919), уларнинг матплари алоҳида нашр этилмагани учун, бу кунга қадар стиб келмаган. Бизгача тўла сақланган драмаларнинг дастлабкиси «Чин севиш» (1920) асаридир. Бу асарга мавзуу ва сюжет жиҳатидан уйғун бўлган драма «Ҳинд ихтилолчилари» (инқилобчилари) асаридир. Гарчи Абдулҳамид Чўйлипоп «Ҳинд ихтилолчилари» «Чин севиш» пьесасининг давомидир («Инқилоб», 1922, 3-сон) деб ёзган бўлса-да, бу асар алоҳида мустақил драма сифатида зътиборга лойиқ.

Кўйида биз Фитрат драматургиясидан унинг мавзуу ранг-бараанглигини ҳамда муаллифнинг бу соҳадаги иқтидорини ёрқин намоёш этгаш намуналарини китобхонлар диққатига ҳавола этдик.

АБУЛФАЙЗХОН

Фитратнинг бу фожиаси 1924 йилда ёзиб тугалланган бўляб, айни шу йили Москвада Марказий Шарқ нашриёти томонидан араб ёзувидаги чон этилган. «Абулфайзхон» фожиаси филология фанлари помзоди Сафо Зуфаров томонидан нашрга тайёрланган ва 1989 йили қайта чон қилинган: «Шарқ юлдузи», 1989, 1-сон, 83—104-бетлар.

Асар аштархонийлар сулоласининг Бухоро таҳтидан кетиши ва янги сулола — мангит амирларининг ҳокимият тенасига келиши каби тарихимиизда бурилиш ясаган воқеаларга бағишлангая. Асар воқеалари XVIII асрга таалуқли бўлгани учун, матнида жуда кўп тарихий сўзлар, ҳозирги мавжуд сўз ва ибораларининг ўтмишдаги шакллари учрайдик, пашрига тайёрлашда уларни айнан сақлашга тўғри келди.

Асарнинг ушбу пашрида шундай ўршиларга изоҳлар берилди, шунингдек фожианинг 1989 йилги пашрида учраган айрим хатолар, хотүғри ўқилган ва тушиб қолган жумлалар тўғриланди.

Фитратнинг бу машҳур фожиаси ҳақида қўйидаги тақриз ва тадқиқотлар эълон қилинган. И. Ганизода. Абулфайзон. «Қизил Ўзбекистон», 1926, 14 декабрь; А. Алиев. Фитрат ва унинг «Абулфайзон» асари. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1988; Э. Каримов. «Абулфайзон» тарихий драмаси ҳақида. «Шарқ ўлдузи» 1989, 1-сон, 81—82-бетлар; Ж. Камол. «Абулфайзон» — тўнгич тарихий драма. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989, 14 апрель; И. Ганиев. Мастерство Абдурауфа Фитрата в создании трагедии «Абулфайзон», АКД, Тошкент, 1992.

* * *

1. Абулфайзон — Бухорода ҳукмронлик қилган Аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили. 1747 й. вазири Раҳимбий оталиқининг фитнаси билан бутун оила аъзолари билан йўқ қилиб юборилган. Шундан ёнг Бухоро таҳтига янги сулола — Мангит амирлари келган. Шу вақтдан эътиборан Бухоро хонлиги «Бухоро амирлиги» деб юритила бошлаган.

2. таҳта — шахмат назарда тутилади.

3. кат — сўри, каравот.

4. Матнида уч нуқтадан сўнг «Мир Вафо» ёзилган. Матбаа хатоси бўлса керак. Асар мазмунидан келиб чиқилса, бу хон сўзининг давоми.

5. ётиш — хон саройининг тунашга келган меҳмонлар учун ажратилган қисми.

6. қўрчи — қўрхона (қурол-аслаҳа ёки қимматбахо нарсалар сақланадиган омбор) заси, хон саройидаги лавозимлардан хазинадор. Қайта пашрида «қўрчи» деб хато ўқилган.

7. даф — чертиб чалинадиган, ёғоч гардишга ҳом тери тортилган мусиқа асбоби.

8. уртуқ — нарда.

9. Нодир — Нодиршоҳ назарда тутилади. Улфат Абулфайзонининг энг яқин одами сифатида, Нодиршоҳга бўлган нафратини аямай уни менсимайроқ Нодир деб мурожаат ниляпти. (Қайта пашрида Нодиршоҳ деб тўғриланган.)

10. «Ҳусайний» — ўзбек мумтоз куйларидан бири. Кўпинча сатода (танбурии камон сингари чалиниши) ижро этилади.
11. тарат — таҳорат сўзининг қисқа шакли. Матнда шундай ёзилган, қайта нашрда уни таҳорат деб таҳрир қиласланади.
12. қалин — полос.
13. ерлаштироқ — жойлаштироқ.
14. Жубор — асли Жўйбор: Бухоро шаҳрининг жанубий гарбида жойлашган мавзе.
15. Қайта нашрда сўнгги икки жумла тушиб қолган. Асл матн бўйича жумлалар тикланди ва ўз ўрнида келтирилди.
16. муроот — ҳурмат-эҳтиром ёки лутғу марҳамат.
17. беклик усули — бек (айрим ўрниларда «бей» ёки «бий») Бухоро хонлиги тасарруфидаги вилоятларнинг бошқарувчиси бўлиб, у чексиз имкониятларга эга бўлган. Кўпинча, улар ёлғуз хонгагина бўйсунишган. Шайбонийхон, Абдуллохон каби ўзбек хонлари бу усулини марказлашган бошқарув усулига алмаштиришга иятилганлар.
18. мақҳур — қаҳру ғазабга дучор бўлиш.
19. мугамбил — «мўғамбир» сўзининг бузилган шакли.
20. Қайта нашрда бу жумла тушиб қолган.
21. тошинов — уйнинг бир бурчига сув кетадиган қилиб қўйилади, буни «авраз» ҳам дейдилар.
22. «Бебокча» — лугавий маъноси: шўх, шаддот. Бу ерда: мақомда уфор усулида айтиладиган машҳур ҳалиқ қўшиқларидан бири. Навоийнинг «Чашми оҳуларнидур», Зебунисонинг «Нашуд» ғазаллари шу усуlda қўшиқ қилиб айтилган. Шу қўшиқларнинг кути назарда тутилади.
23. болвои ом — «болво», яъни балолар: «ом» — оммавий, умумий сўзининг қисқа шакли. Ибора тўлиғича «бало-қазоларнинг бирдан ёпирилиб келиши» маъносини беради.
24. жалду — совға, инъом.
25. «мирасад» сўзида «мира» — хожа, боплиқ, катта маъноларини беради, «сад» эса юз раҳамини англатади. Бу мансаб юзбошиликка яқин саройдаги вазифалардан бири.
26. иштиҳолиқ ҳайвонлар — йиртқич ҳайвонлар.
27. кўма — тўплам, уюм.

ШАЙТОНИНГ ТАНГРИГА ИСЕНИ

Шеърий шаклда ёзилган ушбу драматиқ айрим мутахассислар драматик достон деб ҳам атайдилар. Асар 1924 йили Фитратнинг Москвадалик даврида ёзилган бўлиб, шу йилнинг ўзида Тошкентда Урта Осиё Давлат нашриёти томонидан чоц қилинган, 1967 йили Тошкентда «Қиёмат» ҳикояси билан бир муқовада қайта нашр қилинган (нашр муаллифи кўрсатилмаган).

Шеърий драманинг матни 1924 йилги илк нусха асосида қайта нашр матни билан солиштирилган ҳолда табдил этилди. Бундан ташқари олмониялик фитратшунос олима Ингеборг Балдауф асарнинг 1924 йилги матни асосида уни олмон тилига таржима этиб, асарнинг асл нусхаси билан биргаликда 1997 йилда нашр эттирди. Ушбу нашр матни бу таржима билан ҳам солиштирилди.

Асар асосига Қуръони Каримнинг «Аъроф» сурасида баёп қилинган (11—12 оятлар) Шайтони лайн ва Одамнинг яратилиши ҳақидаги ривоят қўйилган. Шунга қарамай, айrim мутахассислар бу асарни атеистик мавзууда деб ҳисоблайдилар.

Асар ҳақидаги қуйидаги тақриз ва тадқиқотлар маълум: Ингеборг Балдауф. Шайтоннинг тангрига исёни, Бамбергда ўтказилган ҳалқаро туркология конгресси материаллари, Виесбаден, 1991; Г. Раҳимова. Фитратнинг «Шайтоннинг тангрига исёни» асари хусусида. «Адабий мерос», 1990, 4-сон, 56-бет; Баҳодир Карим. Ингеборг Балдауф айтадики., «Ўзбекистон ҳадбиёти ва санъати», 1993, 2'июль.

* * *

1. «Ҳаза минбару ҳазрати Азозил» — бу минбар Ҳазрат Азозил (Буюк Тангри) никедир.

2. соъниқ — яшин, чақмоқ.

3. сур — шоҳдан ясалган сурнай.

4. ҳилм — ҳилм, мулойимлик, юмшоқлик.

5. ирфон — билиш, маърифат. Бу ерда: худони таниш.

6. Жалла ало — олий мартабали. Бу ерда: худонинг иоми сифатида.

7. малакут — фаришталар олами.

8. ужуратлик хотиб — тинимсиз хитоб қилувчи; ҳат оловчи хотиб.

9. сомиъ — тингловчи.

10. «Лавҳ ул-маҳфұғ» — сўзма-сўз таржимаси «яшрий сақланган лавҳа». Бу ерда: худонинг сўзлари ёзилган китоб.

11. Пўқ, йўқ, йўқ... — муқаддас китобларга ишонмасликининг ўзи яратганга шак келтириш билан баробардир.

12. ёзуқ — гуноҳ.

13. даҳи — яна, тагин.

14. сиппурланиб — нола қилиб, ғам чекиб, асабийлашиб.

15. адам — йўқлик.

16. раъд — момақалдироқ.

17. тамуғ — дўзаҳ, жаҳаннам.

18. залолат — тубандлик.

19. фарш — асл маъноси: ерга тўшалган парса ёки полос, Бу ерда мияга ўрнашган фикр маъносида.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----|
| Фитрат ва истиқлол маънавияти. <i>Х. Болтабоев</i> | 5 |
| Шеърлар | 31 |
| Юрт қайгуси | 31 |
| Юрт қайгуси (сочма шеър) | 31 |
| Юрт қайгуси (бир ўзбек тилидан) | 32 |
| Юрт қайгуси (Темур олдинда) | 33 |
| «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламидан | 35 |
| Ким дейи сени? | 35 |
| Бир оз кул | 35 |
| Аччигланма деган эдинг | 36 |
| Миррих юлдузига | 36 |
| Овумчоқ | 37 |
| Ишқимининг тарихи | 37 |
| Яна ёидим | 38 |
| Нога бўйла? | 39 |
| Шоир | 39 |
| Беҳбудийпинг сагапасин изладим | 40 |
| Парча | 41 |
| Ўгут | 41 |
| Шарқ | 41 |
| Тўпламга кирмаган шеърлар | 42 |
| Ўқиттувчилар юртига | 42 |
| Қор | 43 |
| Менинг кечам | 44 |
| Гўзалим, бевафо гулистаним... | 45 |
| Насрий асарлар | 46 |
| Хиндиистонда бир фарапги ила бухороли муддаришининг жадид мактаблари хусусинда қилинган мунозараси | 46 |
| Хинд саёҳи баёноти | 98 |
| Ҳиёмат | 169 |
| Драматик асарлар | 180 |
| Абулфайзхон | 180 |
| Шайтоннинг таңгрига исёни | 220 |
| Изоҳлар | 232 |

Адабий-бадиий нашр

АБДУРАУФ ФИТРАТ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

I ж и л д

Шеърлар, насрий асарлар, драмалар

Тошкент «Маънавият» 2000

Мұхаррир *P. Қобулова*
Техн. мұхаррир *T. Золотилова*

Бадиий мұхаррир *C. Аъзам*
Мусаққиҳ *C. Абдусамитова*

Теришга берилди 24.03.00. Босишга рухсат этилди 07.06.00. Бичими 84x108^{1/32}. Литературный гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б.т. 13,44. Шартли кр.-отт. 13,88. Нашр т. 13,83. 5000 нусха. Буюртма № 48. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриети. Тошкент. «Шодлик» кўчаси, 6. Шартнома 5—00.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китобжурнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-йўл. 2000.